


ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ИЮЛЬ-АВГУСТ  
2023 ЙИЛ  
№3 (30)



## МУНДАРИЖА

### «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2023 йил №3 (30)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон давлат университети

#### Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

#### Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

#### Таҳрир ҳайъати:

Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор

Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор

Анвармирзо Хусаинов – Халқаро экология, инсон  
ва табиат хавфсизлиги фанлар академияси мухбир  
азоси

Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор

Алишер Кудияров – т.ф.н., доцент

Мамбет Қойгелдиев – т.ф.д., академик

Муҳаммадҷон Алиқожиёв – т.ф.н., доцент

Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор

Наим Каримов – ф.ф.д., академик

Нурмонжон Ғафуров – т.ф.д., профессор

Улуғбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор

Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент

#### Масъул котиб:

Азизбек Маҳкамов

#### Техник муҳаррир:

Хомидов Дилшодбек

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам  
билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри  
Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди: 15.02.2023 й  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>8</sub> Босма тобоғи: 13,5  
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 500 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 116

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос  
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва ҳолислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr  
NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўғалли ота  
кўчаси 5-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги  
239/5-сонли қарори билан Тарих фанлари бўйича  
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

### БУЮК ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, ТАРҒИБ, ТАШВИҚ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.

«Буюк шоир ва олим, машхур давлат арбоби

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг

540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида» ..... 2

Қарор ижросига бағишланган мулоҳазалар..... 5

#### Ҳалим Бобоев

Давлатчилик ривожининг ҳозирги босқичида

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурийлар

илмий меросини ўрганиш масалалари..... 8

### ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МАТБУОТИ ТАРИХИДАН

«Дархон» газетаси, 8-9-сонлар..... 20

### ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХИДАН

#### Р.Т.Шамсутдинов, Б.Алимов

Совет-Англия музокараларида..... 34

### ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ТАРИХИДАН

#### М.Дармонова

Жадидлар фаолияти ва ижодида миллий уйғониш масаласи..... 45

### ТУРКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК КУРАШИ ТАРИХИДАН

#### Доктор Боймирза Ҳайит

Туркистон миллий кураши тарихи ..... 52

### ТУРКИСТОНДАГИ МУХОЖИРЛАР ТАРИХИДАН

#### Р.Султанов

Ҳиндистон мустақиллиги учун курашганлар Туркистонда..... 102





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2023 йил 25 январь

№ ПҚ-20

**БУЮК ШОИР ВА ОЛИМ, МАШҲУР ДАВЛАТ АРБОБИ  
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ  
540 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Унинг беқиёс илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга.

Мустақиллик даврида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг асарларини юртимиз ва хорижий давлатларда тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, шоир туғилган кун – 14 февраль санаси ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб адабиёт ва илм-маърифат байрами сифатида нишонланмоқда. Бобуршунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда.

Кейинги йилларда Тошкент ва Андижон шаҳарларида Бобур Мирзонинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилгани, унинг туғилиб ўсган юрти – Андижон шаҳрида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг тасарруфидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейи фаолият кўрсатаётгани, «Бобур энциклопедияси», «Бобур куллийети», «Бабур. Бабуриды. Библиография» деб номланган салмоқли асарларнинг нашрдан чиқарилгани, «Бобур ва дунё» журналининг ташкил қилингани маданий ҳаётимизда катта воқеа сифатида эътироф этилди.

Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишининг янги босқичига – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур

ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буюк аждодимиз асарларининг миллий ва умуминсоний моҳиятини, унинг ёш авлодимиз интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, фарзандларимизни шу асосда Янги Ўзбекистон бунёдкорлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инобатга олиб, Бобур Мирзонинг илмий ва иждодий меросини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда янада чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият ва туризм вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамда жамоатчилик вакилларининг **2023 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) тузилсин ва унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Н.Арипов):

**бир ҳафта** муддатда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган **чора-тадбирлар дастурини** тасдиқласин. Ушбу дастурда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мамлакатимиздаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ **обида ва қадамжоларни**, жумладан, **ёдгорлик мажмуаларини таъмирлаш** ва уларнинг ҳудудларини ободонлаштириш;

Бобур Мирзо меросига мансуб **қўлёзма, қадимий китоблар, санъат асарлари ва бошқа маданий бойликларни реставрация қилиш,**



уларни ишончли даражада сақлаш учун зарур шароит яратиш;

хорижий мамлакатларда сақланаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти, илмий-ижодий мероси ҳамда у яшаган даврга оид ноёб қўлёзма асарлар ва бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш ва тадқиқ қилишни давом эттириш;

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросини, давлатчилик ва саркардалик фаолиятини кенг ўрганиш мақсадида **халқаро миқёсда илмий изланишлар олиб бориш** ва уларнинг натижаларини эълон қилиш, янги илмий, бадиий-публицистик асарлар яратиш;

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган юқори сифатли **медиа маҳсулотлар** ҳамда **аудиовизуал асарлар** яратиш, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари, Ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини кенг ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этиш.

**3. Маданият ва туризм вазирлиги Ташкилий қўмитанинг ишчи органи** этиб белгилансин ва мазкур қарорда белгиланган вазифалар бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин.

4. Ташкилий қўмита қуйидаги тадбирлар:

Анджон вилояти ҳокимлиги томонидан Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда Андижон шаҳрида **«Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни»** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида **«Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг Шарқ давлатчилиги ва маданияти ривожидан тугган ўрни»** мавзусида халқаро илмий-назарий анжуман;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги томонидан Тошкент шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг

540 йиллигига бағишланган **адабий-бадиий анжуман**;

Маданий мерос агентлиги ва Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан Андижон шаҳридаги «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейида Бобурнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарларнинг қўлёзма ва нашр нусхаларининг **кўرғазмаси**;

Бадиий академия ва «Хунарманд» уюшмаси томонидан мавзуга бағишланган **тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари кўрғазмалари** юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

5. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ибратли ҳаёти ва бой меросини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида:

а) Маданият ва туризм вазирлиги Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда:

**«Бобур мероси» халқаро сайёҳлик тарғибот дастурини амалга оширсин;**

2023 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш, шоир ғазаллари билан ижро этиладиган **энг яхши қўшиқлар** танловлари ҳамда **«Назм ва наво» мақом кечаларини** ташкил этишни таъминласин;

давлат буюртмаси асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг болалик даврига бағишлаб суратга олинаётган **«Йўлбарснинг туғилиши» бадиий фильмини** якунига етказиш чораларини кўрсин;

б) Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси 2023 – 2024 йилларда болалар учун Бобур Мирзо ҳақидаги **спектакль ва кўп қисмли мультипликацион фильмни яратсин.**

6. Ташкилий қўмита Фанлар академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Жамоат хавфсизлиги университети, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда:

ўзбек, рус ва инглиз тилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига доир **«Бобур энциклопедияси»нинг тўлдирилган учинчи нашри, «Бобур» китоб-альбоми**, шунингдек, **Бобур асарлари лугати, Бобур девонининг мукамал нашрини;**

«Бобурнома» асарининг замонавий ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таъдидини яратиш;





«Бобурга армуғон» рукни остида **шоир асарлари**, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги **илмий** ва **оммабоп китоблар** туркумини тайёрлаш ва чоп қилиш чораларини кўрсин.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда:

икки ой муддатда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ **илмий лойиҳалар танловини** эълон қилсин;

ушбу қарорнинг 6-бандида белгиланган адабиётларни тайёрлаш билан боғлиқ ишлар учун давлат илмий дастурлари доирасида мақсадли маблағлар ажратилишини таъминласин;

талабалар ҳамда тадқиқотчилар ўртасида Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодига бағишланган янги илмий-публицистик ҳамда бадиий асарлар танловини ўтказсин;

Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарларнинг ўзбек тилидан хорижий тилларга ҳамда хорижий тиллардан ўзбек тилига босқичма-босқич таржима қилиниши ва чоп этилишини таъминласин.

8. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари талабалари учун тарих ва география йўналишларида **Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги давлат стипендияси** таъсис этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда мазкур давлат стипендиясини тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

9. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2023 йил давомида қуйидаги вазифаларни ўз ичига олган **«Бобур ва ёшлар» махсус дастурини** амалга оширсин:

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида **«Бобур асарларининг билимдонлари» танлови** ва **«Бобурни англаш» мавзусида иншолар танловини** ўтказиш ва голибларни муносиб тақдирлаш;

замонавий ахборот ва тарғибот технология-

лари асосида Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш.

10. Андижон вилояти ҳокимлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Фанлар академияси, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ўзбек, рус, инглиз тилларида фаолият юритадиган **халқаро илмий бобуршунослик электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини** яратсин. Бунда мазкур платформанинг келгусида самарали юритилиши Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросига бағишланган ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари, китоблар тақдимотлари ҳамда бошқа тадбирларни ташкил қилсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

13. Мазкур қарорда назарда тутилган чоратадбирларни молиялаштириш манбалари этиб маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, ижрочиларга ажратилган маблағлар доирасида Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

14. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
*Тошкент шаҳри*

**Ш.МИРЗИЁЕВ**



# ҚАРОР ИЖРОСИГА ДОИР ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР



## БОБУР ВА БИЗ ҲАМ ЎША ТАРИХИЙ ТУРОНДАНМИЗ

**Андижонда Бобур номидаги халқаро илмий-тадқиқот институтини  
ташкил этиш катта имкониятлар эшигини очади**

**Рустам ШАМСУТДИНОВ,**  
Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги  
Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, профессор,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Давлатимиз раҳбарининг  
“Буюк шоир ва олим, машҳур  
давлат арбоби Заҳириддин  
Муҳаммад Бобур таваллудининг  
540 йиллигини кенг нишонлаш  
тўғрисида”ги қарори  
андижонликлар, бутун Ўзбекистон,  
умуман, улуг бобомизнинг серқирра  
ижоди ва жўшқин ҳаёти билан  
таниш барчани тўлқинлантириб  
юборди. Зеро, бу жафокаш шоҳнинг  
инсоният тамаддунига қўшган  
бениҳоят улкан ҳиссасини унутиб  
бўлмайди. Унинг хизматлари  
жаҳон халқлари, айниқса, ўзбек  
ва ҳиндистонликлар томонидан  
чексиз қадрланади.



Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан  
сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аж-  
додларимизнинг хотирасини абадийлаштириш,  
уларнинг бадиий ва илмий меросини ўрганиш  
бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шунга  
қарамай, Президентимизнинг бу галги қарори  
қамровнинг кенглиги, вазифалар аниқ белги-  
лангани ва шу пайтгача эътибор қаратилмаган

жабҳаларга йўналтирилгани билан бобуршунос-  
ликда янги даврни бошлаб беради. Жумладан,  
қарорда бобомизнинг илмий ижоди, давлатчи-  
лик ва саркардалик фаолиятини кенг ўрганиш  
масаласи алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада  
халқаро миқёсда изланишлар олиб бориш, янги-  
дан-янги илмий, бадиий-публицистик асарлар  
яратиш зарурлиги таъкидланган. Олий таълим



муассасалари учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги давлат стипендияси таъсис этилаётгани, ўзбек, рус, инглиз тилларида фаолият юритадиган халқаро бобуршунослик электрон платформасини яратиш ҳақидаги бандлар соҳада янги саҳифа очиб беради. Қарорни ўқир эканман, 1992 йили «Бобур изидан» илмий экспедицияси давомида ёзувчи Хайриддин Султон билан биргаликда Покистоннинг Лоҳур шаҳрида чиқадиган «Ахбори жанг», «Янгиликлар» газеталари таҳририяти директори жаноб Аршоде Ислон билан қилган суҳбатимиз ёдимга тушди. Бизга тушунтиришларича, Покистондаги барча музей, кутубхоналар, илмий муассасаларда Бобурнинг миллати мўғул деган қараш устун экан. Табиийки, ҳолат бизни ниҳоятда ранжитди. Суҳбатдошимизга Амир Темур, Бобур, уларнинг авлодлари ҳам туркийларнинг бош бўғини вакиллари эканликларини исботлашга киришдик. Қатор далиллар, боболаримиз ижодидан мисоллар келтирдик. Қизиқиб қолган бош муҳаррир дарров муҳбир чақириб, суратга туширди. Суҳбатни ёзиб олди. Эртасига меҳмонхонага келтирилган «Ахбори жанг», «Янгиликлар» газеталарида ўша далиллар асосида **«Шойиншоҳ Бобурни мўғул демак ғалат»** сарлавҳали мақола чоп этилганидан бошимиз осмонга етганди. «Ахбори жанг» урду тилида 1 миллион 200 минг нусхада чоп этиларкан. Шунда буюк бобомиз ҳақидаги ҳақиқатни миллионлаб инсонларга еткази олиганимиздан ғоят бахтиёр бўлганмиз. Кейинроқ Хайриддин Султон мазкур мақолани ўзининг «Бобурийнома» асарида келтириб ўтди. Унда, жумладан, шундай дейилган: «... Ўзбекистондан, Андижон университетининг тарих шўбасидан ҳожи Рустам Шамсутдин, ҳожи Зокир Машраб, ҳожи Хайриддин Султон бир кун аввал Лоҳурга келдилар. Улардан ҳожи Рустам Шамсутдин Лоҳурга келиш мақсадини айтиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур борасида маълумот ва аснодлар йиғишга келганлигини билдирди. Бобур тугилиб ўсган Андижонда ташкил бўлган Бобур уй-музеи учун ҳужжатли, бадиий этюд асарлар излаш ва топшиш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан Бобур номли халқаро илмий экспедиция тузилгани мустақилликнинг, истиқлолнинг дастлабки меваларидан бири эканини таъкидлади. Ҳозирнинг ўзида Бобур ҳақида ил-

мий, бадиий асарлар, кинофильмлар яратилди, аммо ҳали етарли эмас. Экспедиция Эрон, Туркия, Шом, Урду, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликларида бўлди.

Энди Покистон, Ҳиндистон, Бангладешда бўлишини айтди. Профессор, жумладан, шундай хабар қилди: «Темур ва Бобур не жойга борибди ва ҳар ишни қилибдики, биз уни ўрганиб, ўз тарихимизни рўй-рост билмоғимиз лозим. Бобур шоир, олим, давлат арбоби, буюк саркарда, моҳир сиёсатдон сифатида ўзини ва киндик қони тўкилган Андижонни бутун жаҳонга танитди. Биз Лоҳурдаги бобурийлардан қолган тарихий обидаларни кўриб ҳайратда қолдик. Покистон ҳукумати, мамлакат халқи бобурийлар меросини авайлаб, эъзозлаб сақлаб келаётганидан бағоят миннатдор бўлдик. Покистонлик олимлар яратган асарлар билан танишиб чиқдик. Улар бобурийлар тарихи санъати, маданиятини ўрганишга катта эътибор берибдилар. 1993 йили Андижонда ўтказилган Бобурнинг 510 йиллик тўйи, илмий анжуманда иштирок этишлари мумкинлигини билдирдилар...»

Университетимиз, мамлакатимиздаги қатор зиёлилар, ёзувчи, олимлар шундан буён Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишдан тўхтагани йўқ. Аждодларимиз тўғрисидаги ҳақиқатларни, аввало, ўз халқимиз, қолаверса, бутун дунёга ёйиш, таништириш бурчимиз, муқаддас вазифамиз эканини чуқур ҳис этамиз. Ҳиндистон, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Покистон, Туркия, Австралияда буюк Бобурнинг мероси юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз жараёнида ўша юртлардаги кўплаб бобуршунос мутахассислар билан учрашганмиз. Мазкур суҳбатлар, изланишлар натижасида «Бобурни излаб», «Буюк Бобурийлар салтанати» номли китоб ва кўплаб илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинди. Андижон давлат университети тарих факультетида «Буюк Бобурийлар салтанати тарихи» мавзусида махсус курс ташкил этилди, шу мавзуда маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Бобурийлар мероси мавзуси билан яқиндан таниш тарихчи сифатида Президентимизнинг мазкур қарори мазмун-моҳиятини чуқур англадим ва Янги Ўзбекистон шароитида халқимизнинг буюк ўтмиш меросини қайта таҳлил қилиш





ва у билан бутун халқни тарбиялашдек улуғвор вазифалар белгилаб берилганидан бениҳоя завқландим. 1992 йил октябрида Дехлидаги Жаваҳарлаъл Неру номли университет профессори Рабиндран Варма билан бўлган суҳбатимизда у шундай деган эди: *«Бобур бизда жуда ҳам қадрлидир, чунки у биринчи бўлиб ерли ҳинд халқи ва ўзи билан келган туркий мўғуллар билан биргаликда кичик-кичик князликлардан бутун Ҳиндистон бўйича марказлашган йирик давлат ташкил қилди. Бу давлат Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихида энг кўп яшаган салтанатдир. Бизда Турон деган номга ҳам қизиқиш гоятда кучли. Ахир Бобур ва сиз ҳам ўша тарихий Турондансизлар... Бобур – жуда ажойиб, дилбар шахс. У Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида алоқа ўрнатган буюк давлат арбобидир»*. 1986 йили Дехлида инглиз олими Валдемар Ҳансен «Товус тож» ёки Мўғуллар империяси қисмати» номли асарида: *«Ҳиндистон ва унинг саккиз минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўпмингйиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожисидир»*, – деб ёзган эди. Бизнингча, бобурийлар сулоласига бундан-да юксакроқ баҳо бериш мумкин бўлмаса керак.

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган буюк боболаримиз тарихини, меросини тадқиқ этиш, ўрганиш ва ўша тарих ёрдамида халқимизни тарбиялаш борасидаги ислохотларга юксак баҳо бериб, чексиз миннатдорлик билдиргим келади. Бобурийлар салтанати тарихини тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Андижонда Бобур номли халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш айтилган бўлади, деб биларимиз. Мазкур қарорда илгари сурилган илмий-методологик, концептуал фикр-ғояларни амалга оширишда Бобур ва бобурийларнинг буюк меросини, халқимизнинг давлатчилик тарихини чуқур ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилишда бу институт муҳим аҳамият касб этади. Айтилган вақтда Ўзбекистон ва Ҳиндистон дўстлигини, Андижон ва Гужарот шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар беради. Буюк шоир ва саркарда таваллуд топган Андижонимизда буюк Бобурийлар салтанати тарихи ҳамда маданиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишни дунё миқёсида амалга ошириш бўлажак халқаро илмий-тадқиқот институти олдида турган муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий вазифадир.



# ДАВЛАТЧИЛИК РИВОЖИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳалим БОБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор

Ўзбек давлатчилиги бир неча минг йиллик узоқ тарихга эга. Бу давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланишида, айниқса, Амир Темури, Мирзо Улуғбек ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк давлат арбобларининг тутган ўрни беқиёсдир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб то ҳозирги кунга қадар мазкур давлат арбобларининг бой илмий меросини ўрганишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, З.М.Бобурнинг «Бобурнома», «Мубаййин» ва «Девон» каби асарлари ўрганилди ҳамда сиёсий-ҳуқуқий таълимоти тадқиқ этилди.

Маълумки, Бобур Мирзо темурийлар авлодидан бўлиб, XV аср охири – XVI аср бошларида яшаган, ҳам ҳукмдор, ҳам ижодкор сифатида фаолият олиб борган буюк давлат арбоби, машҳур саркарда, ёзувчи ва шоирдир. У қисқа ҳаёт кечирган бўлишига қарамай, ўзидан бой илмий мерос қолдирган. Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик, адолатпарварлик ва диний бағрикенглик ғоялари руҳида тарбиялашда Бобурнинг илмий меросини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу эзгу мақсад йўлида 2023 йил 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш,



унинг асарларини юртимиз ва хорижий давлатларда тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги ва у туғилган кун – 14 февраль санаси ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб адабиёт ва илм-маърифат байрами сифатида нишонланаётганлиги ҳамда бобуршунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар мунтазам ўтказилаётганлиги, шунингдек, «Бобур энциклопедияси», «Бобур куллийети», «Бобур. Бабуриды. Библиография» деб номланган салмоқли асарларнинг нашрдан чиқарилгани, «Бобур ва дунё» журналининг ташкил қилингани эътироф этилиши билан бир қаторда Бобур Мирзонинг илмий ва ижодий меросини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда янада чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш мақсадида ўзбек, рус, инглиз тилларида «Бобур энциклопедияси»нинг тўлдирилган учинчи нашри, «Бобур»



китоб-альбоми, асарлари луғати ва Бобур девонининг мукаммал нашрини чиқариш каби масалалар ҳам белгилаб берилди.

Мазкур қарор мамлакатимиз кенг жамоатчилиги томонидан катта янгилик сифатида кутиб олинди. «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023 йил 2 февраль сонидан ана ўша жамоатчилик вакиллари билан бири – таниқли олим, Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Рустам Шамсутдиновнинг «Бобур ва биз ҳам тарихий Туронданмиз (Андижонда Бобур номидаги халқаро илмий-тадқиқот институти ташкил этиш катта имкониятлар эшигини очади)» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Ушбу мақолада Бобур ва бобурийлар меросини ўрганиш ҳамда юқорида келтириб ўтилган қарорнинг илмий-амалий аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, Бобур асарларининг мазмун-моҳиятини адабиёт, тарих, география, сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик фанлари нуқтаи назаридан янада чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, хусусан, унинг давлат бошқаруви, дипломатик маҳорати, ҳуқуқий таълимоти ҳамда адолатпарварлик, ватанпарварлик ва диний бағрикенглик тўғрисидаги қарашларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда, Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Бобур номи халқаро илмий-тадқиқот институти ташкил қилиниши қўйидаги ишларни амалга оширишда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга:

1. Илм-фанни ривожлантириш соҳасида давлат ва нодавлат илмий-тадқиқот марказлари билан биргаликда Бобур ҳамда бобурийлар

илмий меросига оид дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш.

2. Бобур ва бобурийлар илмий меросини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни таҳлил этиш, тизимлаштириш ҳамда мазкур йўналишга тегишли масалаларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Бобур ва бобурийларнинг давлатчилиги ҳамда қонунчилиги каби масалаларни қамраб олувчи илмий муаммоларни муҳокама қилишга, тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган конференция, семинар ва давра суҳбатларини ўтказиш.

4. «Бобур ва дунё» журналида Бобур ва бобурийлар илмий меросини ўрганадиган адабиёт, тарих, география, ҳуқуқшунослик ҳамда сиёсатшунослик каби йўналишларга оид илмий-амалий, тарихий-маърифий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий мавзулардаги мақолалар нашр этишни ташкил қилиш.

5. Мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида турли илмий-тадқиқот марказлари билан биргаликда илмий изланишлар олиб бораётган илмий ходимлар ва мутахассислар ҳамда хорижий экспертларнинг самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказлар, етакчи олимлар ҳамда мутахассислар билан илмий-амалий алоқаларни ўрнатиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бобур номи халқаро илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилиши Бобур ва бобурийлар илмий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва оммалаштириш ишларининг тизимли бўлишига, самарали йўлга қўйилишига ҳамда белгиланган мақсадларга эришишга олиб келади.

## БОБУРНИНГ ҲАЁТИ ВА АДАБИЙ МЕРОСИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ БУГУННИНГ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИДАНДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш

тўғрисида»ги ПҚ-20-сонли қарори қабул қилиниши нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки халқаро миқёсда катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик бўлиб, Бобур





шахсини, илмий-ижодий меросини кенг миқёсда ўрганиш, янги топилмаларни илм-фанга олиб кириш, мавжуд асарларини илм-фаннинг янги ютуқлари, методлари, усул ва йўллари асосида тадқиқ этиш масалаларини, шунингдек, Бобур ва унинг ижодини халқ орасида ташвиқ ва тарғиб қилишни устувор вазифа сифатида белгилаб берди. Қарорда: **«Унинг беқиёс илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга»**, – деб кўрсатиб ўтилади. Бу эса Бобур ҳаёти ва ижодининг тадқиқи, унинг ҳаёт тарзи ва бебаҳо асарлари дунё илм-фани диққат марказида эканидан далолат беради.

Бобур таржимаи ҳоли ва асарларига қизиқиш унинг тириклигидаёқ бошланган бўлиб, фақат Ўрта Осиёда эмас, балки Европа мамлакатларида ҳам Бобур ва бобурийлар ҳақида асарлар битилган. Бобурнинг ижтимоий шахс сифатидаги мавқеи 12 ёшида тахтга ўтириши билан бошланган бўлса, шу ёшдан тарихий шахс сифатида тарихшуносларнинг эътиборига тушган. Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг хронологик тарихи битилар экан, шоҳ Бобур шахсияти унинг ота-боболари – темурийлар тарихининг бир қисми сифатида тарихнависларнинг эътиборида бўлгани бор гап. Тан олиш керакки, Бобур Ўрта Осиё тарихида энг ёш ҳукмдор сифатида, зиддиятлар гирдобига тушиб қолган подшо сифатида, қўлида қилич ва қалам тутган шоҳ сифатида, ихтиёрсиз равишда «ҳинд сори юзланган» ақлли саркарда сифатида эътиборга лойиқ бўлган. Мана шу жиҳатлар Бобур феноменини бутунлигича ўрганишни тақозо этади.

Бобур фаолиятининг жуғрофий харитасига эътибор қаратсак, у босиб ўтган йўллар, қадам ранжида қилган мамлакатлар ва гўшалар ўша мамлакатлар тарихида ўз ўрнига эгаллиги ва ҳозирга қадар тадқиқот объекти бўлиб турганига гувоҳ бўламиз.

Бобурнинг шоир ва ёзувчи сифатидаги ижодий мероси қадимдан илмий манба сифатида тадқиқ этилмоқда. Лирикасининг ўзига хослиги, кенг мушоҳада асосида битилган лирик асарлари, адабиётшуносликка оид қарашлари, айниқса,

«Бобурнома» мемуар, автобиографик, тарихий асари соҳа мутахассислари томонидан тадқиқ этилмоқда, таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилшунос сифатида тил бирликларидан ўринли фойдалангани сабабли ўзбек адабиётининг устунларидан бири сифатида тилга олинади ва ижодий меросини ўрганиш доимий зарурат сифатида баҳоланади.

Бобур «Бобурнома»да XV – XVI асрлар воқеаларини реал ва табиий ҳолда тасвирлаб берган адиб сифатида мамлакат ва шаҳарлар, уларнинг географик жойлашуви, аҳолиси, уларнинг ментал хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тарихий шахслар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ҳақида қимматли қомусий маълумотларни қолдирганки, улар бугунги сиёсатчилар, тарихшунослар, фикршунослар, ҳарбий фан олимлари, манбашунослар, адабиётшунослар, тилшунослар, географлар, этнографлар, геологлар, геодезистлар, биологларнинг тадқиқот объектига айланиб улгурган.

Биргина тарихшунослар олдида Бобур ва бобурийлар тарихининг аниқланиши зарур бўлган қуйидаги масалалари кўндаланг бўлиб турибди:

Фарғона мулкининг мўғул ҳукмдорлари тажовузидан бутунлай халос қилиниши. Бу жараён ўша давр муаррихларининг асарларида атрофлича ёритилган, бироқ ҳозирга қадар ўша қўлёзмалар тўлиқ таржима қилингани, китобхонлар мулкига айлангани йўқ;

Бобур Мирзонинг Мовароуннаҳрни тарк этиб, Афғонистонга бориши, у ерда сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши, Ҳиндистонга юриш бошлагунга қадар Афғонистон диёрида амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари, давлат бошқаруви соҳасида амалга оширган тадбирлари, булар билан боғлиқ манбалар ҳали тарихчилар томонидан тўлиқ тадқиқ этилмаган;

Бобур Мирзо асос солган бобурийлар сулоласининг Ҳиндистон заминидаги 332 йиллик ҳукмронлиги ҳақида илмий тадқиқотлар, асарлар яратиш ва ўзбек китобхонларига ҳамда барча бобурийлар меросига қизиқувчиларга етказиш лозим;

Бобур ва бобурийлар қолдирган илмий меросни чуқур ўрганиш, уни халқимизга, қолаверса, бутун инсониятга етказиш зарур;



Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистондаги давлат бошқаруви соҳасида, ҳарбий соҳада, юрт ободончилиги соҳасида амалга оширган ишларини жаҳон халқларига ҳолисона етказиш керак.

Бугунда Бобур мероси бир қатор фан тармоқлари вакиллари томонидан ўрганилмоқда, илм-фаннинг ҳозирги ютуқлари билан қиёсланмоқда ва хулосалар чиқарилмоқда. Лекин Бобур шахсини тўла ва мукамал ўрганиш учун, унинг феноменал қобилиятини тасаввур қилиш учун, унинг турли фан соҳаларига қўшган улкан ҳиссасини аниқлаш учун комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жиҳатдан профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023 йил 2 февралдаги 22-сонида чоп этилган «Бобур ва биз ҳам ўша тарихий Туронданмиз» мақоласи, унда Андижонда Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот институтини очиш ҳақидаги таклифи эътиборга лойиқ. Юқорида келтириб ўтилганидек, Бобур ижоди қомусий характерга молик бўлгани сабабли турли фан соҳалари бўйича бобуршунос олимлар жамланиши ва унинг ижоди турли ракурсларда ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Бу эса адабиётшунос бобуршунос олимлар, тарихчи бобуршунос олимлар, этнограф бобуршунос олимлар, биолог бобуршунос олимлар...нинг бир умумий мақсад, яъни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросининг ҳар томонлама мукамал, комплекс илмий тадқиқ қилинишини тақозо этади.

Маълумки, Андижонда бир неча йиллардан буён Бобур номидаги халқаро жамоат фонди

(З.Машрабов раҳбарлигида), «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди (Р.Шамсутдинов раҳбарлигида) фаолият кўрсатмоқда. Улар Бобур Мирзонинг биографияси ва адабий мероси ҳақида, шунингдек, ижодкор билан алоқадор бўлган илмий-оммабоп материалларни тўплаш, илмий муомалага киритиш, хориждан топилган манбаларни ўзбек тилига ўгириш ва ўзбек китобхоналарига тақдим этиш билан шуғулланиб келяпти. Андижонда «Бобур ва дунё» маънавий-маърифий, илмий, тарихий, бадиий журнали ҳамда «Водийнома» ижтимоий-тарихий ва илмий-оммабоп журнали чоп этиб келинмоқда. Ушбу журналларда Бобур Мирзо ва унинг ижоди билан боғлиқ материаллар муттасил бериб борилади ва ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади. Шунингдек, андижонлик арабшунос олим Ш.Рустамхўжаевнинг Москвада чоп этилган «Бабур. Бабуриды. Библиография» (Москва, 2016 – 1184 с.) номли асарида дунё бўйича Бобур ва бобурийларга бағишланган материаллар библиографияси берилган бўлиб, кирилл алифбосида 6884 та, лотин алифбосида 1433 та, араб алифбосида 204 та, бошқа алифболарда 35 та манба келтирилган, улар орасида қомусий асарлар, монографик тадқиқотлар, диссертациялар, авторефератлар, рисоалар, мақолалар, эсселар, қўлланмалар, тезис ва лугатлар бор. Бу манбаларнинг илмий тадқиқи, тақризи галдаги вазифалардан саналади.

Қарорда **«Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий-ижодий меросини, давлатчилик ва саркардалик фаолиятини кенг ўрганиш мақсадида халқаро миқёсда илмий изланиш-**



Бахтиёр Расулов – тарих фанлари доктори, профессор



Баҳодиржон Раҳмонов – филология фанлари доктори



Музробжон Абдуллаев – тарих фанлари доктори



Сойибжон Ҳошимов – тарих фанлари доктори



**БҮЮК ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ,  
ТАРФИБ, ТАШВИҚ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**



Маъмуржон Саидхонов –  
филология фанлари доктори



Фарида Йўлдошева –  
фалсафа фанлари доктори



Лолахон Курбонова –  
фалсафа фанлари доктори



Солижон Курбонов –  
филология фанлари доктори  
(манбашунос)



Илҳомжон Умаров –  
иқтисод фанлари доктори



Муқаддасхон Тожибоева –  
филология фанлари доктори



Дилдора Абдуллаева –  
филология фанлари доктори



Мўминжон Мамажонов –  
профессор

**лар олиб бориш ва уларнинг натижаларини  
эълон қилиш, янги илмий, бадиий-публицис-  
тик асарлар яратиш»** кераклиги айтилади.

Ўйлаймизки, Андижонда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Бобур биографияси ва адабий меросини ўрганиш бўйича халқаро илмий-тадқиқот институти ташкил қилиниши бу вазифаларнинг уддаланишида катта аҳамият касб этади.

**Андижон давлат университети профессори  
Рустамбек Шамсутдиновнинг  
«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2023 йил  
2 февраль сонидан нашр қилинган  
«Бобур ва биз ҳам ўша тарихий  
Туронданмиз» сарлавҳали мақоласига  
муносабат**

Бугунги кунда халқимизнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлайдиган фаровон жамиятни қуриш мамлакатнинг **миллий юксалиши** билан

боғлиқ бўлмоқда. Шунинг учун Ўзбекистоннинг энг янги тарихи миллий тикланишдан миллий юксалиш сари ғояси асосида амалга оширилади. Миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиб бораётган мамлакатимизда халқимизни бахтли, ҳаётини фаровон қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу хусусда: «Мустақиллик туфайли биз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил қадам қўймоқдамиз»<sup>1</sup>, – деб алоҳида таъкидлади. Муҳтарам Президентимизнинг ушбу сўзлари миллий юксалиш жараёнидаги ишларимизнинг янада самара-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.88.





СамДУ профессори  
Илҳом Саидов



СамДУ профессори  
Фарҳод Набиев



СамДУ профессори  
Шокир Гаффоров

ли бўлишига хизмат қиладиган омиллари топиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоси эканлигини кўрсатиб турибди. Бундай омиллари шакллантириш илмий ёндашувни талаб қилади, чунки юксалиш қонуниятларини топиш жамиятшунос олимларнинг ваколати ҳисобланади. Бунинг учун жамиятшунос олимларимиз, жумладан, тарихчилар жамият тараққиётига хизмат қиладиган омиллари аниқлашга ва уларни таъминлашга қаратилган тадқиқотларни олиб боришлари керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори юртимиздаги илм аҳли, қолаверса, барча юртдошларимизнинг кўнглидаги муддаоларга ҳамоҳанг бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Дарҳақиқат, буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг миллатимиз адабиёти, тарихи, давлатчилик соҳасидаги мероси бениҳоя улғундир. Бу мерос қалбларимизда қанчалик ифтихор уйғотса, бу меросни ўрганиш, асраб-авайлаб бугунги ёшларимиз, қолаверса, келгуси авлодларимизга етказиш шу қадар фахрли бурчимиз

саналади. Мазкур қарорда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш тарих фанининг бугунги кундаги долзарб муаммоси ҳисобланади. Профессор Рустамбек Шамсутдинов томонидан Андижонда Бобур номидаги халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш таклифи бу борада катта имкониятлар эшигини очади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: **«Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак»**. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз керак»<sup>1</sup>, – деб таъкидладилар. Бу эса бугун миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиб бораётган Ўзбекистонда тарих фанининг долзарб муаммоларини аниқлаб олишни ва уларнинг ечими борасида илмий хулосалар ишлаб чиқишни талаб қилади. Тарих фани бугунги кунда нафақат назарий фан, балки ижтимоий муаммоларни ечишда иштирок этиш орқали назарий-амалий фан сифатида шаклланди. Бунинг учун муҳтарам Президентимизнинг юқоридаги «Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак» деган доно сўзлари **тарихчи олимларимиз илмий тадқиқотининг лейтмотивига айланиши лозим**. Профессор Рустамбек Шамсутдинов томонидан таклиф қилинаётган халқаро илмий-тадқиқот институтининг фаолияти ана шундай миллий руҳ билан суғорилган тадқиқотлар сирасига кириши аниқ. Чунки миллий руҳ деганда, энг аввало, миллий тарих билан ғурурланишни шакллантиришга хизмат қиладиган тадқиқот тушунилади. Ўзбекнинг буюк фарзанди бўлган Бобур билан фахрланиш миллий маданиятни юксалтиришга хизмат қиладиган муҳим омилдир.

Келинг, ўзимизга шундай савол бериб кўрайлик: биз буюк аждодимиз меросини ўрганиш, уни келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасида ҳамма ишларни қила олдикми?

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маъруза. 2021 йил 19 январь.

мизнинг кўнглидаги муддаоларга ҳамоҳанг бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Дарҳақиқат, буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг миллатимиз адабиёти, тарихи, давлатчилик соҳасидаги мероси бениҳоя улғундир. Бу мерос қалбларимизда қанчалик ифтихор уйғотса, бу меросни ўрганиш, асраб-авайлаб бугунги ёшларимиз, қолаверса, келгуси авлодларимизга етказиш шу қадар фахрли бурчимиз



Шу кунгача қилинган ишларни ҳеч бир инкор этмаган ҳолда айтиш жоизки, ҳали бу борада қилинадиган ишларимиз кўп. Бобур ижоди ғоят серқирра, ранг-баранг. Бизнингча, унинг ижодида ўрганилмаган, теша тегмаган мавзулар талайгина. Масалан, жаҳон илм аҳлини ўзининг илмий, тарихий аҳамияти билан лол қолдириб келаётган «Бобурнома»да ҳали ўрганилмаган, ўрганишимиз зарур бўлган мавзулар бисёр. Бунга СамДУ профессор-ўқитувчиларининг шу асар устида олиб борган камтарона тадқиқотлари кичик бир мисол бўла олади.

«Бобурнома»ни синчиклаб ва маълум нуқтаи назардан таҳлил қилиш Фарғона водийси ҳамда Зарафшон воҳаси қишлоқ ва шаҳарлари, кентларидаги деҳқончилик ва экологик маданият «оқар сув»лар, яъни суғорма деҳқончилик билан боғлиқ эканини, Ҳиндистонга хос бўлган бетартиблик, экологик ҳамда шаҳарсозлик маданиятининг пастлигига «қора сувлар», яъни бу ерда суғорма деҳқончилиكنинг йўқлиги сабаб эканини англаб олиш имконини беради. СамДУ тадқиқотчиси Абдурахим Мамановнинг 2015 йилда «Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар» номли монографиясида «Бобурномада «оқар сув»ли ерларга муносабат ва суғорма деҳқончилиكنинг экологик маданият ҳамда шаҳарсозликка таъсири масалалари» муаммоси тарихий таҳлил қилинган. Ишончимиз комилки, Бобур ижодининг худди шунга ўхшаш ҳали очилмаган қирралари бисёрдир.

Рустамбек Шамсутдинов томонидан кўтарилган таклифнинг аҳамияти жуда катта. Тарих фани ёшларда нафақат тарихий билимни, балки маънавиятни ҳам шакллантиради. Инсон таълим жараёнида шаклланадиган билим негизида ақлли, тарбия жараёнида шаклланадиган маънавият негизида эса доно бўлиб боради. Ақлли ва доно авлод жамият тараққиётининг муҳим шarti бўлган адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш ва миллий маданиятни юксалтириш асосида миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтишга ва орзу қилинаётган фаровон жамиятни қуришга қодир бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қароридан беҳад руҳланган, илҳомланган Рустамбек Шамсутдиновнинг «Янги Ўзбекистон» газетасининг шу йил 2 февралдаги

сонида эълон қилинган «Бобур ва биз ҳам ўша тарихий Туронданмиз» номли мақоласи ва унда илгари сурилган таклиф билан биз нуронийлар ҳам танишиб чиқдик. Президентимизнинг бу кенг қамровли қарорида бобуршуносликка бевосита дахлдор бўлган ташкилий, илмий, амалий, маънавий, ватанпарварликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янгидан-янги вазифалар илгари сурилганлигидан беҳад қувондик. Бобуршунослик илми ва амалиёти Янги Ўзбекистон шароитида равнақ топаётганидан мамнун бўлдик. Ўзбекистонлик олимлар АҚШ, Англия, Германия, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Россия, ҳатто Австралида, Японияда, Ўзбекистоннинг ўзида буюк Бобур ва бобурийларнинг ҳайратомуз мероси бўйича олиб бораётган илмий экспедициялар натижалари тўғрисида мақола ва асарлар яратилгани, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақидаги фикрлар бизда жуда катта таассурот уйғотди. Айниқса, буюк Бобур туғилиб ўсган Андижонда бу улуғ сиймо номида халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни ниҳоятда ўринли дейиш мумкин. Гап шундаки, жаҳон мамлакатларининг бир қанчасида буюк шахслар номи билан аталадиган илмий тадқиқот институтлари аллақачондан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Масалан, Ҳиндистонда Маҳатма Ганди номли, Озарбайжонда Низомий Ганжавий номли, Тожикистонда Рудакий номли, Германиянинг Мюнхен шаҳрида,




Шароф Убайдуллаев –  
Ўзбекистон фахрийларининг  
ижтимоий фаолиятини  
қўллаб-қувватлаш «Нуроний»  
жамғармаси раисининг  
биринчи ўринбосари



Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда, Норвегия пойтахти Ослода Гёте номли, Россияда В.Л.Комаров, Д.С.Лихачёв, Н.Н.Блохин, Е.И.Забабакен номли, Туркияда Истанбул, Тошкентда академик Ҳабиб Абдуллаев номли, В.И.Романовский номли илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Булардан келиб чиқиб, биз ҳам профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг Андижонда буюк Бобур ва Бобурийлар салтанати тарихини тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича Бобур номли халқаро илмий-тадқиқот институти очилиши ҳақидаги мулоҳазасини ўринли, деб биламиз. Бобуршунослик илми, маърифати ва мафкура-си Янги Ўзбекистонни барпо этишдек шарафли ишда муҳим омил бўлишига ишонамиз.

**Ўзбекистон Фанлар академияси  
президенти, ҳурматли Беҳзод Содиқович  
Юлдашев жанобларига  
«Янги Ўзбекистон» газетаси бош  
муҳаррири, ҳурматли Салим Дониёров  
жанобларига**



Халқаро Инсон ва Табиат экология хавфсизлиги фанлар академияси аъзоси ва Муфтий Бобохоновлар жамғармаси васийлар кенгаши аъзоси Анвармирзо Ҳусаинов


Ҳурматли бош муҳаррир, газетангизда эълон қилинган Бобуршоҳнинг 540 йиллик юбилейига бағишланган мақолани мамнуният ила ўқидим. Бу мақолада узоқни кўзлаган теран тақлифлар мавжуд. Одатда, улуғларимиз юбилейлари шу воқеага бағишланган тадбирлар ўтказиладиган шаҳар ва вилоятда бир қатор ободончилик ишлари амалга оширилиши ва халқаро илмий конференция ўтказилиши билан нишонланади. Ҳурматли аллома Рустамбек ҳожи Шамсутдиновнинг мақоласида эса Андижонда Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида шоҳ ва шоир, аллома Бобур номида илмий-тадқиқот институтини очиш тақлифи киритилган. Бу тақлиф Андижон вилояти илмий салоҳиятини

узоқ муддатли узлуксиз ривожлантириш стратегиясидир. Қуйида профессор Рустамбек ҳожига эътироф хатим илова қилинади.

Рустамбек ҳожи аллома, сизни «Янги Ўзбекистон» газетасидаги теран маъноли, долзарб мазмундаги зўр мақолангиз билан табриклайман. Андижонда – Мирзо Бобур ватанида халқаро Бобуршоҳ илмий тадқиқот институтини ташкил қилиш тақлифингиз ҳар томонлама асосланган. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Бобуршоҳ халқаро илмий-тадқиқот институти очилиши тарихий адолат тикланишига ва Ватанимизда тарих фани ривожланишига катта хизмат қилади. Бу институти тезда ташкил қилиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш йўлида сиз ҳамда таниқли жамоат ва давлат арбоблари Машраб ҳожи ва Хайриддин Султонлар бошчилигидаги халқаро Бобурмирзо фонди томонидан 30 йил давомида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилган. Худо хоҳласа, Бобуршоҳ таваллудининг 540 йиллиги нишонланиши арафасида Андижонда халқаро илмий-тадқиқот институти очилиши ҳақида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев фармони чиқади.

**«Янги Ўзбекистон» газетаси бош  
муҳаррири Салим Дониёровга  
МУНОСАБАТ**

Рустамбек Шамсутдиновнинг «Янги Ўзбекистон» газетасидаги долзарб мазмундаги «Бобур ва биз ҳам ўша тарихий Туронданмиз» мақоласи кўпчилик қатори биз бухоролик тарихчиларни ҳам ушбу масалада мушоҳада юритишга ундади. Андижонда Бобур номли халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш тақлифи давлатимиз раҳбарининг «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳи-



Тарих фанлари доктори, профессор Сулаймонжон Иноятлов





Тарих фанлари доктори,  
профессор  
Шодмонжон Воҳидов

риддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорига ҳозиржавоблик билан берилган муносабатдир. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Андижонда Бобур номли халқаро илмий-тадқиқот институтининг очили-

ши З.М.Бобур ва бобурийлар илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилади. Бу институтни тезда ташкил қилиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш йўлида Рустамбек Шамсутдинов ва у кишининг салоҳиятли шогирдларидан иборат илмий мактабига ижодий баркамоллик тилаймиз. Ушбу таклиф ҳукуратимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш арафасида Андижонда халқаро илмий-тадқиқот институти очилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқади, деб умид билдираимиз.

### «ЯХШИДУР ЯХШИ КИШИ, ҲАРГИЗ ЁМОНЛИҚ КЎРМАСУН»



Тарих фанлари номзоди,  
доцент  
Хуршид Курбонов

Ўзбек халқи маънавияти, маданияти ва адабиёти тарихида февраль ойи алоҳида ўрин тутади. Баҳор ташрифини яқинлатадиган ана шу ойнинг биринчи ярмида халқимизнинг икки буюк ижодкор фарзанди – Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур дунёга келган.

Ҳаётда ҳам, бадиий ижодда ҳам Навоийга эргашиш, улуғ сўз санъаткорининг йўлини муносиб давом эттириш биринчилардан бўлиб Мирзо Бобурга насиб қилганди. Ундан сўнг адабиётимизга кириб келган ҳар бир истеъдод фикр-савияси, маслак ва эътиқоди даражасида Навоий ижод мактабидан сабоқ олиб қалам тебратган.

Дунё тамаддуни ривожига бизнинг халқимиз каби беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларга бой миллат камдан-кам топилади. Мирзо Бобур ана шундай сиймолардан биридир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг дилбар шеърляти, «Бобурнома» номли тарихий-мемуар асари, машаққатли ҳаёт йўли билан тарихда ўчмас из қолдирган. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул: «Бобур – биз учун энг ёрқин, энг маҳобатли бир юл-

дуз. Бу юлдуз ҳам жуда олис, ҳам беҳад юксак. Унинг завқбахш нури ҳеч қачон сўнмайди. Ана шу мусаффо нур бизу сизнинг онг ва идрокимизни ёриштиришга хизмат қилади», – деб Мирзо Бобур шахсиятига юксак баҳо берган.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат

Мирзиёев томонидан «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ижод аҳлига алоҳида эътибор, шунингдек, миллатимиз маънавий юксалиши, ёш авлод қалбида комиллик уруғлари униб-ўсишида Бобур ижодиётига эҳтиёж нечоғлик муҳимлигининг ёрқин далолатидир. Қарорда кўрсатилганидек, «Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишнинг янги босқичига – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда».



Зариф Қувонов –  
Навоий давлат педагогика  
институти доценти



Қарорда Мирзо Бобур номи билан боғлиқ обида ва қадамжоларни таъмирлаш, шоир меросига мансуб қўлёзма, қадимий китоблар, санъат асарлари ва бошқа маданий бойликларни реставрация қилиш, уларни ишончли даражада сақлаш учун зарур шароит яратиш, хорижда сақланаётган ноёб қўлёзмалар ва бошқа маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш ҳамда тадқиқ қилиш, шунингдек, ўзбек, рус ва инглиз тилларида «Бобур энциклопедияси»нинг тўлдирилган учинчи нашрини яратиш, «Бобур» китоб-альбоми, Бобур асарлари луғати, шоир девонининг мукамал нашрини чоп этиш ҳамда «Бобурнома» асарининг замонавий ўзбек ва қорақалпоқ тилларига табдилини яратиш каби қатор вазифалар белгиланган. Албатта, амалга оширилиши кўзда тутилган бу каби муҳим вазифаларнинг қўйилиши бугунги кунда Бобур ижодининг нафақат туркий тилли давлатлар, балки жаҳон адабий, маданий ва тарихий ҳаётида бетакрор ўрин эгаллашидан далолатдир.

Бугун юртимизда Бобур ва бобурийлар тарихи, маданияти ва илмий меросини ўрганиш юксак поғонага кўтарилмоқда. Айниқса, бу борада Андижонда қилинаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Истиклолимизнинг илк кунларида бир гуруҳ олимларнинг Бобур изидан юриб, не-не машаққатларни бошдан кечирганидан хабаримиз бор. Айниқса, Рустамбек Шамсутдиновнинг «Янги Ўзбекистон» газетасининг 2 февралдаги 4-сонида эълон қилинган *«Бобур ва биз ҳам ўша тарихий Туронданмиз» (Андижонда Бобур номли халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш катта имкониятлар эшигини очади)* сарлавҳали мақоласи диққатимизни тортди.

Мақолани ўқир эканмиз, олимнинг ўша саёҳатда қанчалик жасорат билан Бобурнинг мўғул эмаслигини исботлаб, газеталарга мақолалар чиқартирганлиги, Андижон давлат университетида Бобур меросини ўрганиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилаётгани қувонарли ҳол.

Айниқса, устознинг Андижонда Бобур номли халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш борасидаги фикрларига қўшилаемиз.

Сабаби, ҳақиқатда Бобур таваллуд топган юрда унинг тарихи ва меросини ўрганиш, дунё илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшган сулола фаолиятини тадқиқ қилиш айна муддао. Бунинг устига, бобуршунослик бўйича Андижон мактаби ҳам борки, унинг олимлари дунё зиёлилари орасида Бобурнинг ҳақиқий ўзбек фарзанди эканлигини, Андижонда туғилиб, тарихий зарурат туфайли олис юртларда юрганда ҳам она юрти Андижон соғинчи билан яшаганини дунёга танитиш вақти етди. Бу борада олим ва тадқиқотчиларни бир жойга жам қилиб, Бобур меросини адолат нуқтаи назардан ўрганадиган ва ўргатадиган халқаро институтнинг пайдо бўлишини халқимиз зўянгилик сифатида қарши олиши аниқ.

Шу ўринда яқинда институтимизга ташриф буюрган Ҳиндистоннинг Деҳли университети, Мавлоно Озод университети олимлари, айниқса, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси ҳамда Ўзбекистондаги Ҳинд маданият маркази раҳбари Шекҳар жаноблари билан ҳам айнан Бобур ва унинг мероси ҳақида анча суҳбатлашганимиз ёдимга тушди.

Ўшанда улар билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти, бобурийларнинг Ҳиндистон давлатчилиги ва маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида анча суҳбатлашган эдик. Суҳбат давомида ҳақиқатан Ҳиндистонда Бобур ва бобурийлар даври «Буюк мўғуллар империяси» номи билан тарихга битилганлигини таъкидлашганда, биз уларга Бобурнинг ўзбек ва теурий эканлиги, бу ғоя хато эканлигини исботлаб берган эдим. Шунда меҳмонлар ҳақиқатда Бобурнинг ўзбек эканлиги, Андижон юртида туғилганини бот-бот тақрорлашди.

Умуман олганда, Бобур ва бобурийлар тарихи – буюк бир уммон. Шоҳ ва шоирликда, олимлик ва адолатда кўпларга ўрнак бўлган буюк бобокалонимизнинг шонли тарихини билиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Таниқли тарихчи олимимиз Рустамбек Шамсутдиновнинг «Янги Ўзбекистон» газетасида чоп этилган «Бобур ва биз ҳам ўша тарихий Туронданмиз» мақоласи ўз вақтида ёзилган, қолаверса, амалий таклифлари билан қимматли битик бўлибди. Унда жаҳонгашта олим

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси

2023-ЙИЛ 10-ФЕВРАЛ, ЖУМА

№ 5 (1421)

QR коди  
орқали  
газетанинг  
электрон  
вариантини  
юқлаб олинг!

info@adolatgz.uz  
www.adolat.uz  
adolatgz-95@mail.ru  
t.me/Gazeta\_Adotat  
adolat24.uz/



## ТОВУС ТОЖИГА АЙЛАНГАН САЛТАНАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 25 январдаги “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори халқимизни ниҳоятда қувонтирди. Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг бадий ва илмий меросини ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, Президентнинг ушбу қарори қамровнинг кенглиги, белгиланаётган вазифаларнинг аниқ ва шу пайтгача эътибор қаратилмаган жабҳаларга йўналтирилгани билан бобуруносликда янги даврни бошлаб беради.

Рустам ШАМСУТДИНОВ,  
Бобур номидаги Андижон давлат университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Қарорни ўқир эканман, 1992 йили “Бобур изидан” илмий экспедицияси давомида ёзувчи Хайриддин Султон билан биргаликда Покистоннинг Лохур шаҳрида чиқадиган “Аҳбори жанг”, “Янгилликлар” газеталари таҳририяти директори жаноб Аршоде Ислом билан бўлган суҳбатимиз ёдимга тушди.

Бизга тушунтиришларича, Покистондаги барча музей, кутубхоналар, илмий муассасаларда Бобурнинг миллати мўғул деган қараш устун экан. Табиийки, бундай қараш мавжудлигидан кўнглимиз хира тортди. Суҳбатдошимизга Амир Темур, Бобур, уларнинг авлодлари ҳам ўзбек эканликларини исботлашга уриндик. Қатор фактлар, боболаримиз ижодидан мисоллар келтирдик. Қизиқиб қолган бош муҳаррир дарров муҳбир чақриб, суратга туширди. Суҳбатни ёзиб олди.

Эртасига меҳмонхонага келтирилган “Аҳбори жанг”, “Янгилликлар” газеталарида ўша фактлар асосида “Шойиншоҳ Бобурни мўғул демак ғалат” сарлавҳали мақола чоп этилганидан бошимиз осмонга етди. “Аҳбори жанг” урду тилида 1 млн. 200 минг нусхада чоп этиларкан. Шунда буюк бобомиз ҳақидаги ҳақиқатни миллионлаб инсонларга етказа олганимиздан хурсанд бўлдик.

Ўшанда мақолада бундай деб ёзилганди: “...Ўзбекистондан Андижон университетининг тарих шўъбасидан ҳожи Рустам Шамсутдин, ҳожи Зокир Машраб, ҳожи Хайриддин Султон бир кун аввал Лохурга келдилар. Улардан ҳожи Рустам Шамсутдин Лохурга келиш мақсадини айтиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур борасида маълумот ва ас-

нодлар йиғишга келганлигини билдирди. Бобур туғилиб ўсган Андижонда ташкил бўлган Бобур уй-музейи учун ҳужжатли, бадий этюд асарлар излаш ва топшиш мақсадида Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан Бобур номли халқаро илмий экспедиция тузилгани мустақилликнинг, истиқлолнинг дастлабки медаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Ҳозирнинг ўзида Бобур ҳақида илмий, бадий асарлар, кинофильмлар яратилди, аммо булар ҳали етарли эмас. Экспедиция Эрон, Туркия, Шом, Урдун, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирикларидан бўлди. Энди Покистон, Ҳиндистон, Бангладешда бўлишини айтиди. Профессор жумладан шундай хабар қилди: “Темур ва Бобур не жойга борибди ва ҳар ишни қилибдики, биз уни ўрганиб ўз тарихимизни рўй-рост билмоғимиз лозим.

Бобур шоир, олим, давлат арбоби, буюк саркарда, моҳир сийёсатдон сифатида ўзини ва киндик қони тўқилган Андижонни бутун жаҳонга танитди. Биз Лохурдаги Бобурийлардан қолган тарихий обидаларни кўриб ҳайратда қолдик. Покистон ҳукумати, мамлакат халқи бобу-

рийлар меросини авайлаб, эъзозлаб сақлаб келаётганидан бағоят миннатдор бўлдик. Покистонлик олимлар яратган асарлар билан танишиб чиқдик. Улар бобурийлар тарихи, санъати, маданиятини ўрганишга катта эътибор берибдилар”.

Ўша йили Деҳлидаги Жавахарлаъл Неру номли университет профессори Рабиндран Варма билан бўлган суҳбатимиз ҳам Бобур ҳақида кечди: “Бобур бизда жуда ҳам қадридлир, чунки у биринчи бўлиб ерли ҳинд халқи ва ўзи билан келган туркийлар билан биргаликда кичик-кичик князликлардан иборат Ҳиндистонда марказлашган йирик давлат ташкил қилди. Бу давлат Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихида энг кўп яшаган салтанатдир. Бизда Турон деган номга ҳам қизиқиш гоятда кучли. Ахир Бобур ўша тарихий Турондандир... Бобур жуда ажойиб, дилбар шахс. У Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик ўрнатган буюк давлат арбобидир.”

1986 йилда инглиз олими Валдемар Хансен “Товус тож” ёки мўғуллар империяси қисмати” номли асариде “Ҳиндистон ва унинг саккиз минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихдаги Бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг султождир”, деб ёзган эди.

Ҳиндистон, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Покистон, Туркия, Австралияда буюк Бобурнинг мероси юзасидан олиб борган тадқиқотларимиз жараёнида ўша юртлардаги кўплаб бобуруносл мутахассислар билан учрашганимиз. Мазкур суҳбатлар, изланишлар натижасида “Бобурни излаб”, “Буюк Бобурийлар салтанати” номли китоб ва кўплаб илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинди. Андижон давлат университети тарих факультетида “Буюк бобурийлар салтанати тарихи” мавзусида махсус курс ташкил этилди ва шу мавзуда маъруза ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Янги қарорга кўра Бобурийлар салтанати тарихини тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича белгиланган ишлар асосида Ўзбекистон Фанлар академияси таркибиде “Бобур” номли халқаро илмий-тадқиқот институти Андижон шаҳрида ташкил қилинса айни муддао бўлар эди. Зеро, бу институт Президентимизнинг қарориде илгари сурилган илмий-методологик, концептуал фикр-гояларни амалга оширишде, Бобур ва Бобурийларнинг буюк меросини, халқимизнинг давлатчилик тарихини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этарди.





«Адабиёт газетаси» бош муҳаррири Бахтиёр Каримов

Президент қароридан руҳланиб, буюк аждодимиз номида халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш ғоясини илгари сурган. Мазкур таклиф шуниси билан ҳам аҳамиятлики, мақолада алоҳида таъкидланганидек, чет элларда, жумладан, Покистонда Амур Темур, Бобурларнинг

миллати мўғул деган янглиш фикрлар мавжуд. Наинки чет элларда, балки ўз юртимиздаги баъзи олимлар онгида ҳам бу янглиш фикрлар ўрнашиб тургани ростдир. Айни шу қарашларни тўғри ўзанга қайиришда таклиф этилаётган халқаро илмий-тадқиқот институтининг очилиши муҳим аҳамият касб этган бўлур эди. Миллат жаҳон тамаддунида фахрланса арзийдиган улуғларини қанча эъзозласа, шунча оз, билъакс, айни шу жиҳатларга эътибор бермаслик эрта бир кун оғиздаги ошни олдиarmoқ каби ўз улуғларини тарихи саёзроқ кичик миллатлар илиб, ўзиники қилиб олишларига имкон эшигини очиб беради.

Хайрли ишнинг кечи йўқ дейдилар. Албатта, улуғларимиз қолдириб кетган буюк меросни ҳар жиҳатдан тадқиқ этадиган бундай илмий муассасалар мустақилликнинг дастлабки йилларида очилганида, шу пайтгача кўп ютуқларга эришилган бўлур эди.

Ўйлаймизки, миллат келажаги, жаҳондаги нуфузи билан боғлиқ бундай даргоҳларнинг очилиши тобора тарикдай дунёга сочилиб кетаётган ёшларимизга сабоқ бўлиши нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм  
= Акс садо =*

### **АЙНИ МУДДАО!**

Шарқ халқлари тарихида салмоқли из қолдирган буюк шахслардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобуршоҳи Ғозийнинг қомусий олим, давлат арбоби, шоир ва мўътабар адиб, қолаверса, моҳир лашкарбоши экани жаҳон афкор оммасига маълумдир.

Ул зотнинг «Вақоеъ» («Бобурнома»), «Мухтасар», «Мубаййин» каби асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима этилгани ҳам барча зиёли афкор оммасига танишдир.

Бобуршоҳ издошлари ҳам мазкур қомусий алломанинг юқорида зикр этилган салмоқли асарларини чуқур ўрганиб, кўплаб мақола, илмий ва адабий асарлар таклиф этиб, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ана шундай заҳматкаш ва ташаббускор, машҳур тарихчи олимларимиздан бири Рустамбек ҳожи Шамсутдинов Бобур номидаги Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейининг ташкил этилиши йўлида барча имкониятларини ишга солиб, ҳозирда мазкур музей раҳбари сифатида меҳнат қилиб келаётганлари барча Бобуршоҳ мухлислари учун ибрат намунаси экани кўпчиликка сир эмас.

Мазкур фидойи олим, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ватанимизнинг кўплаб орден ва медаллари соҳиби Рустамбек Шамсутдинов жанобларининг «Андижонда Бобуршоҳ номли халқаро илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш ҳақида»ги таклифи биз, бобуршуносларнинг орзу-умидларини намоён қилганлигини эътироф этмоқчимиз.

Очиқ тан олишимиз керакки, Бобуршоҳ ва бобурийлар тўғрисида кўплаб қомусий, илмий ва илмий-оммабоп материаллар ёзилиб, нашр қилинган бўлса ҳам, улар орасида баъзан саёз мазмунли ҳамда ихтилофли мавзудаги материаллар учраб тургани ҳақиқатдир.

Иншааллоҳ, Андижон шаҳрида Бобуршоҳ номидаги халқаро илмий-тадқиқот институти ташкил этилиб, хориждаги, Ўрта Осиё республикаларидаги, Андижон давлат университети, Бобур фондининг таниқли заҳматкаш мутахассислари, тарихчилар, адиблар, географ, биолог, адиблар, журналистлар ва бошқа муносиб олим-фозил кишилар бўлажак институтда самарали фаолият кўрсатишларига умид қиламиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтаемизки, тарихчи олим Р.Шамсутдиновнинг оқилона таклифлари юқори ташкилотлар, умуман, халқимизнинг афкор оммаси томонидан қўллаб-қувватланишига тўла ишонамиз ва Аллоҳ таолога таваккул қиламиз.



# «ДАРХОН» ГАЗЕТАСИ

1923 йил 17 июль, 8-сон

(1-бет)

## Гуллаймиз!

Босмачиларнинг уяси бўлуб келган Андижон шаҳари ва уездининг тамом тозаланиб, тинчликқа чиқишига кўб қолмади. Қозоқбой билан Аҳмат полвон; Қосим понсот ва шунга ўхшаган йигитларининг бизга таслим бўлушларини кўруб, нима қилишларини билмай, хайрон ва саргардон бўлуб қолдилар.

Яқиндагина босмачилар ўзлари базм қилиб, халқни эзиб юрган жойларда қизил кўшун турадилар. Шўро ва ташвиқот ишларимиз тарақлаб борадилар. Ўлик қишлоқларимиз қайтадан тириладилар. Ҳар томонга тарқалган қишлоқ халқлари яна қайтиб қишлоқлариға келадилар. Қолган-қутқан босмачилар бўлса, бир томондан, ҳукумат кўшунидан кўрқуб, иккинчи томондан, халқдан ҳайиқиб қамишзор-тўқайлар орасида пашшага ем бўлуб ётадилар.

Локин ундай қочиб-писиб юрмак билан босмачилар ҳеч қачон қутула олмаслар. Негаким улар учун ортиқ яшамоқ шарт-шароити йўқ! Кечаги олган хабаримизға қарағанда, Қўштепа-Сарой қамишзорида беркиниб ётқан Кенжа кўрбоши халқға 10 та солған экан, халқ узулкесил «бермаймиз!» деб жавоб берган.

Шайдон қишлоғининг фуқароси Дадабой тўпидан 2 босмачини ўртага олиб, уруб ўлдирган ва 1 милтиқ билан 3 отини меласага келтириб топширган. Мана бу ҳақиқатлар нимани кўрсатадилар? Бу ҳақиқатлар халқимизда босмачиларға қарши жуда ёмон ғазаб уйғанганини кўрсатадилар.

Ўткан кун Андижоннинг Жоме масжидида Марказдан келган ўртоқларнинг иштироки билан бўлган зўр йиғинда ҳукуматнинг халқға қилган кенгчилигини эшиткан халқ «босмачилар битмагунча ободонлик бўлмас!» деган сўзга чин кўнгли билан «рост!» деб жавоб берди. Неча мартаба гуриллаб ҳукумат раисининг сўзини олқишлаб, ҳукуматни дуо қилди.

Мана бу ҳолларнинг ҳаммаси халқ билан ҳукумат орасида узулмайтурган бир алоқа юзага чиққанлигини кўрсатадилар. Демак, босмачиларнинг умри тугайдилар. Демак, қонли кунларнинг охири. Демак, халқ биз билан бирга. Демак, босмачилар халқ кўзида том маъноси билан мардуд бўлдилар. Демак, кундан-кун биз учун яхши, улар учун ёмон. Демак, Фарғона ободонликқа чиқиб борадилар. Босмачиларни яна ҳам сиқа берсак, халқ билан биргалашиб яна бутун кучни сарф қилсак, Фарғона тамом гуллаш йўлига тушадилар!

## Бухорода янги ҳукумат ҳайъати

Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг ҳайъатида жиддий ўзгаришлар бўлди. Бухоро Марказ Ижроқўмининг қарори билан қуйидаги нозирлар бошқа қилиндилар: хорижия нозири Ато Хўжа, олий халқ хўжалиғи раиси Аминеф, маориф нозири Фитрат, молия нозири Саттор Хўжаев ва бошқалар.

Янги Нозирлар Шўроси тузулди. Раиси Файзуллоҳ Хўжа. Янги Шўроға деҳқон ва касаба вакиллари билан бирмунча киши киргизилди.

## ШАРҚ

### Лўзонда нима гап?

Лўзон канфренсиясининг ишлари доим тўқталуб турмоқдадилар. Баъзи вақтларда бутун бир ҳафталаб мажлислар бўлмай кетадилар; ундай вақтларда вакиллар баъзи бир чатақ масалалар тўғрисида ўз ҳукуматлари билан хабар олишадиларлар.

Бу чатақ масалаларнинг биттаси ҳозир Туркиянинг урушдан бурунги қарзларини тўлаш масаласидилар.

Иттифоқчилар, ҳаммадан бурун Франция ул қарзларнинг олтун билан тўланишини талаб қиладилар. Бу талабга Мустафо Камол пошонинг яқин кишилари: «Қарзларни олтун билан тўла-



мак ўзимизни бўғуб ўлдирмак билан баробар!» – дейдилар.

Лўзондаги Туркия вакиллари бўшашдирмоқ учун иттифоқчилар Истонбул билан Гелибўлининг бўшатилишини таъхирга соладилар.

### Шарқ ва шўролар

Маскав, 8, Русия – Шарқ тижорат палатаси; Афғонистон ҳам Ғарбий Хитой билан бўлатурган савдо ишларида ҳам Эрон билан Мўғулистон савдо ишларида қўйулган кенг йўл қўйулсун деб мурожаат қилди. (*Кейинги гап тўлиқ ўқилмади.*)

### ФАРҒОНАДА

(Ўз мухбирларимиздан)

#### Чит зовўди

Туркистон Жумҳуриятининг Камисарлар Шўроси томонидан Фарғонага бир камисия юборилиб, муҳандис ва олимлардан бирикган ул камисияга Марказдан бурунги «Шўефский» чит фабрикасини кўчуруб ўрунлаштирамоқ учун мувофиқ бир жой топиш вазифаси топширилган эди.

Ул камисия Фарғонанинг бирмунча ерларини қарагандан кейин, ниҳоят, Марғилон уези Учқўрғон тепасида Испайрамсойнинг бўйини маъқул кўрган.

Фабрика сув билан юргизилиб, 2200 таноб ерни эгалласа керакдир. Ишлайтурган ишчиларнинг сони беш-олти минг бўлғусидир. Фабриқани Сим шаҳарига (Искобилифга) қилмоқ эҳтимоли ҳам бор. У вақтда бурун тўралар шаҳари бўлган Сим бир тўбжой халқ ишчилари шаҳари бўлуб қолади.

Иморат – бино, сув ва ҳаво важҳидан бу ер мувофиғроқ деб топилган. Ул вақтда электрик кучи (ўти) 35 чақирим йироқликда бўлган ҳалиги Испайрам сойидан келтирилса керакдир.

### Марказ очлик

#### камисиясининг ёрдамлари

Марказ очлик камисияси номидан Марказ камисиянинг раиси ўртоқ Мирзо Ҳомид Хўжаеф қуйидаги муассисаларга шу ёрдамларни берган:

Фарғона музофот очлик камисиясига 95000 сўм пул, 1000 олчин газмол, 300 та болалар уст-боши. Хўқанддаги «Мирзо Ҳомид Хўжаеф» номига очилган 3 нчи интернотга 20000 сўм, Учқўрғон интернотига 10000 сўм, Ҳаққулобод интернотига 10000 сўм.

Қ.

(2-бет)

### ҲУКУМАТНИНГ ЁРДАМИ

#### Зўр йиғин

13 нчи феврал, жумъа куни Жоме мадрасасида катта йиғин бўлди. Йиғинда: Туркистон Марказ Ижроқўмининг раиси Хидиралиеф, ўринбосари Хўжаниф, адлия халқ камисари Дадабоев, Фарғона музофот фирқа қўмитасининг масъул саркотиби Сегизбоев, марказ деҳқонлар капирафи раиси Мирзо Ҳомид Хўжаеф, Фарғона музофот ҳарб-инқилоб шўросининг раиси Тодўрский, аъзоси Алихўжаеф ва бошқа масъул ишдаги ўртоқлар ҳозир эдилар. Халқдан ҳам Андижоннинг бутун маҳалларидан одам бўлгани ҳолда 3000 лаб киши бор эди.

Мажлисни, кундуз соат 6 да ўртоқ Алихўжаеф очиб, биринчи сўзни Туркистон Марказ Ижроқўми раиси ўртоқ Хидиралиефга берди.

Ўртоқ Хидиралиеф «Фарғонада сўзнинг асосий моддаси босмачилиқ. Ул битмаса, рўзғор тузалмас!» деган сўзлар билан гапга тушуб кетиб, гапини бир ярим соатда тугатди. Ўртоқ Хидиралиеф бу гапида 1-босмачилиқни йўқотиш, 2-юрт рўзғорини тузатиш масалаларидан батафсил сўзлади. Нотиқнинг сўзлари халқнинг руҳига мувофиқ ва халқнинг ўз тилида, англлатилатурган қилиниб сўзлаганлиги учун халқ ҳамма вақт «тўғри, ҳақ, рост айтасиз» деган сўзлар билан оралашиб турди.

Йиғин чиндан руҳлик, жонлик, халқ билан ҳукумат алоқасини энг нозик нуқталарга қадар бирлашдирган бир йиғин бўлди.

#### Ҳукуматнинг қишлоққа ёрдами

Ўртоқ Хидиралиеф ўз нутқида шўролар ҳукуматининг халқ билан, камбағал юрт билан самимий алоқаларга киришиб, унга ёрдам қўлини узатқанлигини ўтлик ва самимий сўзлар





билан айтиб ўткандан сўнг қишлоқ халқига, камбағал деҳқонларга ёрдам учун чиқарган қарорларини эшитдирди. Олқишлар билан қарши олинган ул қарорлар мана булардир:

1) Қишлоқларга тушатурган ва ҳаммаси йиғилиб биттага келтирилган қишлоқ хўжалиғи солиғининг яримини Фарғона халқининг зиммасидан ҳукумат кечиб юборадир.

2) Экилган пахталардан сира солиқ олинмайди.

3) Ҳалиги ярими кечилган солиғнинг қолган ярими ундурулгандан кейин унинг бешдан биригина марказга кетиб, бешдан тўрт қисми ҳар жойнинг ўз ҳожатлари учун сарф қилинадир.

4) Куз ва баҳор ойларида деҳқонларга қарзи ҳасана тариқи билан берилган уруғлиқ буғдой бу йил қайтиб олинмайди.

#### **Ҳукуматнинг шаҳарга ёрдами**

Ўртоқ Хидиралиефдан сўнг адлия халқ камисари ўртоқ Дадабоеф сўз олиб, ҳукуматнинг шаҳар камбағалларига қилган ёрдамларидан гапириб, ҳукуматнинг шу қарорларини эшитдирди:

1) Шаҳардаги ҳар хил ишхоналар учун олинатурган «қизил қоғоз» (потент)ларнинг устига музофот инқилоб қўмитаси томонидан жойларнинг ободонлиғи учун (масалан: мактаб, касалхона ва бошқаларга) бир сўмига бир сўм қўйулган экан. Ҳозир шул кейинги қўйулган бир сўмни олиб ташламоққа қарор берилган.

2) Иморат ва бинолар солиғи бурун маҳалла-маҳаллага бўлиниб солинган эди; ҳозир ул солиғларни ҳар бир иморат эгасининг ўзига оклод қоғозлари топшириш йўли билан солмоққа қарор берилган. Шунинг билан баробар, ҳама иморат ва биноларга баҳо қўйулғусидир.

3) Шу чоққача бўзфуруш, вофуруш каби кичкина касб эгалари ҳам катта иш қилатурганлар билан бир қоторда 3 нчи даража қизил қоғоз олурлар эди. Ҳозир бўзфурушларга 1 нчи даража, вофурушларга 2 нчи даража қизил қоғоз бўлсун деб қарор берилган.

4) Маскавдан чиққан буйруқ (декрет)га қараганда, қўл билан ишлаб чиқарилган ипаклардан аксиз (ўров қоғоз) пули олинмаса керак

эди. Ҳолбуки, ўшал буйруқни амалга қўйиш тўғрисидаги дастурда олинатурган бўлуб ёзилган. Ҳозир шул буйруқнинг ўзи амалга қўйулсун деб қарор берилган.

#### **Кўчма халқга ёрдам**

Бутун қишлоқ хўжалиғи учун тушатурган бирлашкан солиқ мол билан эмас, пул билан олинур эди. Локин кўчма (элотия) халқнинг қўлида ҳамма вақт пул мавжуд бўлмаслиғини назарда тутуб пул ёки мол билан бериш масаласини ўшал кўчма халқнинг ўз ихтиёрига қолдирилди.

#### **Мелиса таъминоти тўғрисида**

Бу тўғрида ўртоқ Алихўжаеф шу маълумотни берди:

Шу чоққача тубжой халқнинг ўз ичидан чиққан, унинг ўзини қўруғлайтурган кўнгилли, қизил мелисанинг таъминоти халқ устида эди. Ҳозир мелисанинг таъминотини халқ устидан енгиллатмак учун мелиса идорасига ҳукумат томонидан озуқ-овқат берила бошланган. Масалан: ўткан ойда мелиса идорасига 12000 пут ёввойи арпа, 4000 пут буғдой берилган экан. Ҳозир Хўқандда музофот ҳукумат идораси қўлида мелиса учун 4000 пут буғдой, 1000 пут гуруч, 4000 олчин газмол бордирким, тақсим қилиниб турадир. Яна 4000 олчин газмол берилсун деб тегишлик жойга буйруқ берилган.

#### **Халқ ва ҳукумат**

Шундан сўнг халқ томонидан ўртоқ Хидиралиефга ва бошқа сўзлагувчи ўртоқларга турли саволлар берилиб, тегишлик жавоблар қайтарилди.

Йиғин сўнгида халқ томонидан ҳар хил арзлар бўлди. Ўртоқ Хидиралиеф шул арзларнинг ҳаммасига битта-битта жавоб берди. Савол бергувчилардан бири сўз орасида шу гапларни айтиб ўтди:

– Ҳозир ҳукуматнинг босмачилар билан узул-кесил кураш қилганлиғига биз ишондиқ. Чунки қилиниб турган ишлар ҳаммаси ўзимизнинг кўз олдимиздадир. Аскарнинг халқ билан муомиласи қўб яхши, ҳеч ерда дилозорлик йўқ.



Ҳукумат солиғлар тўғрисида ҳам халқга катта ёрдамлар қилиб, кўб енгиллик берди.

Иш шу аҳволда кета берса, ҳукумат билан халқнинг алоқаси жуда яхши бўлуб, босмачилар албатта йўқ бўлуб кетарлар. Уларни йўқатишда халқ ҳам ҳукуматга жиддий ёрдам берар.

Шунинг билан зўр ва фойдалиқ йиғин туғади.

### **АНДИЖОНДА Мактабга кўмак**

Очиқ натижалари билан курашқувчи камисиянинг раиси ўртоқ Мирзо Ҳомид Хўжаеф томонидан Андижондаги 3 нчи интернотқа пул билан 20000 сўм кўмак берилган.

### **Андижон талабаларига кўмак**

Тошкандта ўқуғувчи андижонлиқ 6 талаба учун Деҳқонларнинг марказий капиралифи номидан ўртоқ Мирзо Ҳомид Хўжаеф 5000, Хлапқўм номидан ўртоқ Исақулиф 5000 сўм ёрдам ваъда қилганлар.

### **Меҳмонлар**

Туркистон Марказ Ижроқўмининг Раиси ўртоқ Хидиралиеф, маовини ўртоқ Хўжаниф, адлия халқ камисари ўртоқ Дадабоеф, марказ деҳқонлар капиралифи раиси Мирзо Ҳомид Хўжаеф, Фарғона музофот масъул саркотиби ўртоқ Сегизбоеф, Фарғона музофот инқилоб қўмитасининг ўрунбосари ўртоқ Ўразалиефлар шаҳаримизда меҳмондирлар.

### **Муҳйиддин қори келди**

Туркистоннинг машҳур ўзбек ашулачиларидан ўртоқ Муҳйиддин қори шаҳримизга меҳмон бўлуб келди. Унинг билан бирга Қрим татарларининг санъаткор ўйунчиларидан ўртоқ Амирийзода ҳам келди. Шу кунларда бу икки меҳмоннинг тамошолари бўлуб ўтди.

### **Деҳқонларга ёрдам**

Хлапқўм вакили ўртоқ Исақулифнинг ҳаракати билан деҳқонларга арзон баҳо билан бермак учун 20000 пут буғдой келтирилган. Бу буғдой бозор нарҳида 20 баробар арзон берилгусидир.

(3-бет)

### **ШАҲАР ТЕВАРАГИДА**

(Шаҳар теварагига ташкилот ишлари билан чиққан камисиянинг бошлуғи ва Туркистон Жумҳурияти ички ишлар халқ камисарининг муовини ўртоқ Ёрмуҳаммадиф билан гаплашиш)

### **Олтинқўл бўлуси**

Шаҳар теварагидаги бўлуслардан Олтинқўл, Ҳакан ҳам Ёрбоши бўлусларини текшириб, кўруб чиқмоқ учун Андижон инқилоб-ҳарб шўроси томонидан бир камисия таъйин қилинган эди.

Бу камисия 5 нчи июлдан бошлаб ишка киришиб, энг аввал Олтунқўл бўлусини кўруб чиқди. Бутун Олтунқўл бўлусида ёлғуз инқилоб қўмитасининг раисигина бор бўлуб, ул ҳам бўлса бўлуснинг ўрта бир ерида турмасдан, Миробод қишлоғида, гарнизон олдида турар экан. Бу кишидан бошқа бутун бошлиқ бўлусда ҳеч қандай ҳукумат йўқ экан. Шунинг учун камисия энг аввал сувни бошидан тўғрилаб оқизмоқчи бўлди. Бунинг учун бир йиғин чақириб, халқ қошида эътиборлик кишилардан янги бўлус инқилоб қўмитасининг раислигига Ҳаким Рўзимат ўғли, ўрунбосарликга Мирзо Маҳмуд ўғли, саркотибликга Ниёзбой ўғли, аъзоликга Миробод қишлоғидаги гарнизўн бошлуғи Миллинқўф ва ҳам сиёсий ишчилардан Юсуфиф ўртоқлар сайландилар.

Бундан кейин камисия қишлоқ инқилоб қўмиталарини сайламоққа киришди. Бунгача қишлоқларда инқилоб қўмитасининг ўрнига «амин» исми билан юргизилатурған бир кишигина бўлар экан. Ул аминлар бўлус инқилоб қўмитаси билан ҳеч қандай алоқа қилмас; ҳам керак вақтларда уларни топиб олиш ҳам қийин экан.

Камисия қуйидаги қишлоқларни кўруб чиқиб, шуларга инқилоб қўмиталари барпо қилди ва ул қўмиталарга қуйидагича янги аъзолар белгилади:

1 – Сувюлдуз. Раис: Муҳаммаджон Ҳамдам ўғли, ўрунбосар: Мираҳмад Мулла Парпи ўғли, саркотиб: Абдулқодир Рўзиқул ўғли.



2 – Бўстон. Раис: Маҳкамбой Қорабой ўғли, ўрунбосар: Раҳмонбой Муҳаммад Расул ўғли, саркотиб: Исомиддин Мулла Ҳожи ўғли.

3 – Дўнқайма. Раиси: Иброҳим Абдуллоҳ ўғли, ўрунбосари: Рўзимат Аҳматқул ўғли, саркотиб: Мулла Аҳмат Раҳмат ўғли.

4 – Кўмакай. Раиси: Мулла Йўлдош Қодиркул ўғли, ўрунбосар: Тиллабой Исабой ўғли, саркотиб: Салоҳиддин Наим ўғли.

5 – Ҳиндимозор. Раиси: Муҳаммад Солиҳ Мулла Ҳайит ўғли, ўрунбосар: Ҳайитбой Юнус ўғли, саркотиб: Ҳошим Муҳаммад Назар ўғли.

6 – Жалабек. Раиси: Қодирбой Мусабой ўғли, ўрунбосар: Муҳаммад Мусо Муҳаммаджўжа, саркотиб: Азимжон Муҳаммадқодир ўғли.

7 – Далварзин. Раиси: Мулла Раҳим Сайидбой ўғли, ўрунбосар: Тешабой Абдураҳим ўғли, саркотиб: Мулла Сирожиддин Мулла Раҳим ўғли.

Бўлус инқилоб қўмитаси олдида ўн кун ичида ҳамма элликбошиларни бошқатдан сайлаб чиқмоқ учун 3 кишилик бир камисия тузулди.

Бўлус инқилоб қўмитаси бўлуснинг ўрта ери бўлган Сувюлдузга кўчурулди. Ҳозир ул бўлусда шўролар ҳукумати бор десак бўладир.

### **Олтункўл бўлусининг сиёсий ҳоли**

Маълумдирким, шул вақтгача Олтункўл бўлуси ҳам босмачиларнинг жойи эди. Ҳозир бўлса 3-4 та беркиниб юратурган ўғрилардан бошқа ҳеч бир тўда йўқ.

Бўлуснинг сиёсий ишлари гарнизўн олдида бўлган сиёсий ишчилар томонидан юрғузулб турубдур. Локин, таассуфга қарши, сиёсий ишчилар гарнизўнларнинг ҳаммасида эмас, баъзиларидагина бор.

Камисия томонидан бўлусда 6 та катта йиғин чақирилиб, ул йиғинларда босмачилар билан кураш, халқнинг бу тўғрида қила турган ёрдами, хўжалиқ ишларини ўнгламаклик учун шўролар ҳукуматининг халққа қилатурган ёрдами тўғриларида маълумот берилди. Халқнинг кўнгли шўролар ҳукумати томонидадир, катта йиғинларда босмачиларнинг қариндошлари келиб: «Бизга гарнизўнлардан ўтуш учун рухсат қоғози қилиб берсангиз, ўзи-

мизга қарашлиқ одамларни ҳукуматга олиб келиб кўшсақ», – деб илтимос қилдилар. Уларга илтимослариға мувофиқ рухсат қоғози берилди.

### **Халқ ҳам қизил кўшун**

Қизил кўшун билан халқнинг алоқаси мақтаб айтишдан ҳам ортиғроқ. «Фалон аскар мундай ёмонлик қилди», – деб халқдан биргина арз-дод бўлса ҳам эшитилмади.

Мана шуниси қизиқ бир аҳволни кўрсатадирким, йиғинлардан бирида халқ орасидан бир киши чиқиб: «Биз кўб вақтлардан бери баъзи бир аскарлар билан босмачиларни фарқ қила олмас эдик. Ҳозирғи аскар халқнинг ҳимоячиси бўлуб ишлайдир. Бундай бўлса, оз фурсатда босмачиларнинг томирини қурутуш мумкин», – деди.

### **Олтункўл бўлусида иқтисодий аҳвол**

Босмачилар ҳаракати орқасида энг кўб зарар кўрган бўлуслар қаториға Олтункўл бўлусини кўшсақ бўладир. Айниқса, унга қарашлиқ қишлоқлардан Бўстон, Оқтепа, Гофирчек ҳам ...бек<sup>1</sup> қишлоқлари халқ ёмон вайрон бўлуб кетган. Бу қишлоқларда фақат бир нечагина оила турар эканким, улар ҳам оч-яланғоч, мева билангина тириглик қиладилар.

Яқинда бу қишлоқларға Андижон шаҳар ва уез инқилоб-ҳарб қўмитаси томонидан 200 пут буғдой берилган бўлса ҳам, жуда озлик қиладир; яна кўпгина моддий ёрдам керак. Бошқа қишлоқлардағи халқ унча оч эмас. Локин улар ҳам деҳқончилик асбоблари, айниқса, от ва хўкузга кўб муҳтождирлар.

### **Ҳакан бўлуси**

Ҳакан бўлусида бўлус инқилоб қўмитаси яқиндағина янгилашиб, раис, ўрунбосар ва саркотиб бўлуб, жамъи уч киши таъйин қилинган экан. Қишлоқларда бўлса Олтункўл бўлусига ўхшаб биргина (амин<sup>2</sup>) турар экан.

Камисия борғандан кейин бўлус инқилоб қўмитаси ушбу кишилардан тузулди: раис: Дадажон Отабой ўғли, ўрунбосар: Исҳоқ ўғли, сар-

<sup>1</sup> Сўзни ўқиб бўлмади.

<sup>2</sup> Матнда бу сўз тушиб қолган.





(4-бет)

**ҚИШЛОҚЛАРДА****Ўрганиб келадир**

котиб: Рафиқ Ҳамзин, аъзо гарнизўн бошлуғи Мазинуф ҳам сиёсий ташкилотчи Қодир ўғли.

Ҳакан бўлусидаги қишлоқларнинг инқилоб қўмиталари кўрулуб чиқилди. Ва ул қишлоқларнинг инқилоб қўмиталари қуйидагича ташкил қилинди:

1 – Сарикўй. Раис: Йўлдош Исмоил ўғли, ўрунбосар: Акбар Али Усмон ўғли, саркотиб: Ҳамид Муҳаммад Содиқ ўғли.

2 – Дархон. Раис: Охунджон Мансурқул ўғли, ўрунбосар: Жўра Муҳаммад Турди ўғли, саркотиб: Абдуннаби Ҳамроқул ўғли.

3 – Найдик. Раис: Асронқул Ортиқбой ўғли, ўрунбосар: Йўлдош Бердиқул ўғли, саркотиб: Неъматжон Тошмат ўғли.

4 – Қўнчи. Раис: Қурбонхўжа, ўрунбосар: Тошмуҳаммад Али Назар ўғли, саркотиб: Убайдуллоҳ Амин ўғли.

5 – Хартум. Раис: Ҳайдархўжа Абдуррасулхўжа ўғли, ўрунбосар: Абдунназар Муҳаммад Раҳим ўғли, саркотиб: Абдуззоҳир Дадабой ўғли.

**Ҳакан бўлусида сиёсий аҳвол**

Ҳакан бўлусида ҳам бир-икки беркиниб юрган босмачилардан бошқа катта босмачи тўдалари йўқ. Сиёсий ишчилар йўқлигидан Ҳакан қишлоғининг ўзидан бошқа жойда сиёсий ишлар ишламаган. Шунинг учун халқнинг кўнгил ўзгариши аста-секин бормоқдадир.

Камисия икки мартаба катта йиғин чақирди. Ҳакан қишлоғида юртнинг ўзидан 15 та қўруқчиси бор экан. Локин буларнинг қилатурган ишлари сира йўқ; бекарга халқдан овқат еб ётар экан. Шунинг учун халқнинг фикрига мувофиқ камисия ҳам ул қўруқчиларни ортиқ деб топди. Ҳакан гарнизўн бошлуғининг сўзича, бизнинг томондан қўйулган қоровулларга баъзи бир жойлардан кечлари ўқ чиқарилиб қўйулар экан. Шунинг учун осўбий отдел вакили камисиядан отлиқ аскарни кўпайтмакни илтимос қилди.

**Ҳакан бўлусида иқтисодий аҳвол**

Ҳакан бўлусидан: Хартум ҳам Заврақ қишлоқларида очарчилик бор. Бошқа қишлоқлари от-молга муҳтож. Умуман олганда, бу бўлуснинг аҳволи Олтунқўлникидан тузугтрақдир.

Халқ янги чиққан нарсалардан қайси бирига даслабда қарши чиқади. Кегинча, кўра-кўра, эшита-эшита ўргангандан кейин, сира ташлай олмайди. Мунга мисол келтириб ўлтуруш ҳолат эмас.

Фарғона босмачилари билан узул-кесил уруш бошлангандан кейин кўб ерларда қизил чойхоналар очилди. Буларни очишдан мақсад замоннинг аҳволи, ишларнинг бориши тўғрисида халққа тўғри маълумот бериш эди. Шундай чойхоналардан бирини бизлар июннинг 30 нчи куни Андижон уези Далварзин қишлоғида очдик.

Тевараг-атрофдан ҳар хил ўзбек газеталари кела бошлади. Халқга шуларни ўқиб бермакчи, тушунтурмоқчи бўламиз. Ҳозирланамиз, тайёрланамиз. Локин халқ оз келадир. Чойхонамиз очилган вақтларда меҳмонларимиз тўрт-беш кишидан ортмади. Бу ҳол бир оз давом этди.

Локин сўнг вақтда халқ секин-секин ўргана бошлади. Моролаб-моролаб, дурустгина бетлай олмасдан, тортиниб, балкида қўрқиб қараб юруб, охирда ўрганиб кетди.

Ҳозир кечқурунлари чойхона олдида ҳамма вақт ўн-ўн беш киши бўладир. Қишлоқ одамлари чойхона олдида келишиб дам: – Бизга газет ўқиб беринг! – дейдилар. Дам бўлса: – Китоб ўқиб беринг, мулло! – дейдилар.

Газетларни ўқиб берсангиз, бутун аъзо ва баданлари билан қулоқ солиб, мумкин қадар фаҳмлашга тиришиб ўлтурадилар. Халқ ўргана бошлади. Энди бизнинг вазифамиз халқ руҳига озук бўлгандай нарсалар топмоқдир.

Матрўзи.

**Сел зарарлари**

Марғилон уези Қува бўлусида Тентаксой деган сойга 25 нчи июнда Марҳабат райўнига қарашлиқ Туябўйун адиридан кучлик бир сел суви оқиб тушкан. Ундан оқиб келиб, Найман-Толмозор ҳам Ёв жамоаларини босиб қолиб, 228 таноб буғдой, 168 таноб пахта, 249 таноб макка, 198 таноб ҳар хил майда экинларни уруб кет-



ган. 38 та хона жойни бузуб, ёғоч ва асбобларини оқизиб кеткан. Ул райўнда одам ёки ҳайвон талафоти бўлмаса ҳам, Марҳабат райўнига қаршлиқ қирлардан от ва бўлак ҳайвонларнинг ўлиги оқиб келди.

Хабарчи.

### **Бошқармага хат: Қизим йўқалди**

Мундан 11 ой илгари меним 18 яшар, буғдой ранглик, қорасоч, ўрта бўйлик қизим бедарак йўқ бўлди. Билган ва кўрган кишилар бўлса, «Дархон» газетасининг бошқармасига хабар берсалар экан.

Наманганлик: Абдулқодир Хатамбой ўғли.

### **Хабар ёзғучи ўртоқлар!**

Ёзган вақтингизда воқеанинг ўзинигина калта-калта қилиб ёзингиз ва тез-тез юбориб турингиз. Адресларингизни очиқ маълум қилсангиз, ёзув ҳаққи учун ақча ҳам юбориладир.

### **ШИКОЯТ ҚУТИСИ Ҳайронмиз**

Маскавда Бутун Русия халқ хўжалиғи кўрсатиши (вистафка) бўлуб турадир. Бу кўрсатишнинг аҳамиятини сўзлаб ўлтуруш керак эмас. «Дархон»нинг ўткан сонларидан бирида Туркистонимизнинг кўрсата олатурган нарсалари саналиб ўткан эди. Ўшани ўқумақ билан ҳам кўрсатишнинг Туркистон ва биз учун бўлган аҳамиятини англамоқ мумкин.

Шул кўрсатишга Туркистондан ҳам кўб нарсалар йиғиб жўнатилди. Шу жумладан, бизнинг Андижон уези ҳам бирмунча нарса берди. Бизнинг уезимиз ҳам қўлидан келганча бу яхши ишга аралашди. Локин кўрсатишга нарса тўплаган вақтда бир иш бўлганким, Андижоннинг энг камбағал бўлусларидан бўлган Ҳаққулбод бўлусига кўрсатишга кераклик нарсалар худди мажбурий солиқ шаклида ва ҳам қишлоқнинг ҳолига қараганда тегишидан ортиғроқ солиниб олинган. Ҳолбуки, унга керак нарсалар ихтиёр ва хоҳиш билан, эгалари рози бўлгани ҳолда ва тегишли миқдорда олинишқа тегиш эди.

Билмадик, бу жаҳатни иш бошидағи вакил ўртоқларимиз тушунганларми, йўқми? Ҳар ҳолда, ихтиёрий нарсани мажбурий қилиб ҳам ортиқчароқ олиб юборганларига ҳайрон бўлдиқ.

Кунаш.

### **Юз мартаба қўполроқ**

«Дархон»нинг 6 нчи сонида «Шикоят қути-си»га хат ёзган ўртоғимиз Ирисбекўф Сойгузар мелиса маҳкамаси тўғрисида тўғри гап ёзибдир, раҳмат! Локин ўртоқ Ирисбекўф ишнинг икки жиҳатини ё эсдан чиқарган, ёки тегишинча англаб ёза олмаган. У икки жаҳат будир: Биринчи – Сойгузар мелиса бошлуғини вақти оз бўлушига сабаб ўз ишидан ортиқча ишларга овора бўлганидир. Масалан: амин ва эллик-бошилар билан тугаб кетатурган ишларни ўзи сўрайман деб ўнта ишни ҳақиқат қилгунча иш вақти ўтуб кетадир. Орқада қолган 100 лаб кишига навбат тегмай қоладир. Иккинчи – иш бошқарғувчи армани ўртоғимиз Масиянс халқ билан муомилада Ирисбекўф айткандан ҳам юзларча дафъа қўполроқдир. Гувоҳномага қўл қўйдирмоқ учун қаторда турган кишиларни масхара ва ҳақорат қиладир. Ҳатто бир куни Бадалбой деган одамни мушт билан уруб бурнидан қон келтирди. Ул зотнинг ман шундай қилиқлари ҳам бор.

Мана шундай кишилардирким, шўролар ҳукуматининг асосий қонунида ёмон деб кўрсатилган беҳуда миллий низоъ ва хусуматларга сабаб бўладирлар. Миллатчиликнинг ёмон ва манфур нуқтаси шундадир.

Шавқий.

### **Билдиришлар**

Андижон вақф шуъбаси Узумбозорда катта мадраса олдидағи сартарош билан битишиб, Андижонда маориф ишларида ишлагувчи илмий ходимлар учун соч-соқол олдиришни пулсиз қилиб қўйди.

Вақф шуъбаси.

Олимжон Абдулқодир ўғли ёнидан шаҳар мелиса бошлуғидан олган паспўртини йўқатган.

Сирдарё музофот ҳарбия камисарлигидан.



# «ДАРХОН» газетаси

1923 йил 19 июль, 9-сон

(1-бет)

## Харобалиқдан ободонлиққа!

Фарғона деҳқонларини тинчлик-осойишталикга чиқармоқ, Фарғонани қайтадан гуллатмак йўлида ҳукуматимизнинг сўнгги ҳаракатлари тез кунда яхши натижаларини берди. Ҳар нарсадан кўра кўпрак тинчликқа ва шул тинчлик орқасида билим-ҳунар олишқа муҳтож бўлган Фарғона деҳқонларини 4-5 йилдан бери қон йиғлатиб, иш-кучидан қолдириб келётқан босмачилар «ислом, шарият» номлари билан мол талаған «ботурлар», қизил қўшун ва қизил мелисанинг чангалида жон талашиб ётадир. Уларни ҳимоя қилган, уларга ўғурликча ёрдам қилган кишилар ҳам жазоларини тортмоқдадирлар. Уларга қарши бўлган, уларнинг битишини, юртнинг тинчланишини истаган деҳқонлар қишлоқ халқлари тарафидан беркиниб ётқанлари бўлса битта-битта тутулуб берилмақдадир. Ҳозир босмачилар учун қўрққанидан бўлса ҳам ҳурмат кўрсататурган шаҳар меҳмонхоналари берк; қишлоқнинг кенг-ковур кўчалари, зўр талалари ёпик; улар учун ҳозирги жой – шопипоялар, қамишзорлар, одам чидолмаслик паст ва ёмон чуқурлар, ғорлар.

Бу тарафдан шўролар ҳукумати тинч деҳқон, тинч косиб-камбағалга моддий жиҳатдан ҳам зўр ёрдамлар бериб, унинг оғир кунини мумкин қадар енгиллатиш чорасини кўрмақдадир.

Масалан: Фарғонанинг деҳқон-қишлоқ халқи устига тушкан солиғларнинг яримини кечиб юборди; пахтадан ҳамма солиғни кўтарди; ўшал ярим олинатурган солиқнинг ҳам бешдан тўртини жойларнинг ободонлиғига сарф қилмоқчи; баҳор ва куз чоғида қарзга берилган буғдой уруғларини бу йил ундурмайтурган бўлди.

Мундан бошқа шаҳардаги косиб, камбағал ҳунармандлар учун ҳам бирмунча енгиллик қилди. Кўчма халқ учун ҳам солиқ ишида бир қулай йўлни тутди.

Бу нарсалар ҳаммаси Фарғонани тинчликқа ҳам ободонлиққа олиб бормоқ учундир. Муни ҳукумат билан бирга халқ ҳам тушуна бошлади. Ҳозир Фарғонани тинчлатиб олиб, сўнгра обод қилмоқ ва бурунги аслига қайтармоқ тўғрисида ҳукумат, халқ, катта-кичик, ёш-қари бирдир. Биргалашган улуғ куч билан яна бир оз урунсак – ободонлиққа етишимиз турган гап!

Низом ўғли.

## Лўзон тугади

Франсия ҳукумати ён берганлиги учун Туркия ҳам яраш шартномасига қўл қўйишқа рози бўлди. Шартномага қўл қўйулуб, Туркия миллат мажлиси<sup>1</sup> томонидан ҳам тасдиқ қилингандан кейин иттифоқчилар Истонбул билан бўғозларни бўшатмоққа бошлайдирлар. Оврүпа уруши бошида Германиядан сотиб олинган «Гибан» ном турк уруш кемаси ва ҳам Истонбулда иттифоқчилар томонидан тортиб олинган Туркияга қарашлиғ ҳамма яроғ-аслаҳалар янадан Туркияга қайтиб берилгусидир.

Яраш шартномасига қўл қўйишқа шўролар Русиясини ҳам чақирадирлар.

## Матбуот ва Андижон ёшлари

Бизнинг қайси шаҳаримизда қандайгина газета ё журнал чиққан бўлса, унинг бошида кўпрак ўшал шаҳарнинг ёшлари, англағучи ёш кучлари туруб келдилар. Газета бошида бир неча серҳаракат ёшлар турган бўлса, уни халқ ичига тарқатишда, уни ҳимоя қилиш ва силаб-сийпашда бутун ўшал шаҳар ёшларининг жиддий ҳаракатлари кўрулди.

Ҳозир Андижон шаҳари ҳам, яхшими, ёмонми, нима бўлса ҳам, бир газетага эга бўлди. Газета уруш майдонининг бағрида, сийнасида чиқиб тургани ҳолда, халқ ҳаётининг бошқа жиҳатларига<sup>2</sup> ҳам қўлидан келганча ойна бўллуб, кўрсатиб келмақтадир. Халқнинг

<sup>1</sup> Туркия парламенти

<sup>2</sup> жиҳатларига





маорифи, саҳнаси, кам-кўсти, яхши-ёмони тўғрисида ҳар сониде дегундай оз-кўп ёзиб, босиб келди. Яна шу йўл билан давом этмакда ва этгусидир.

Шунинг билан баробар, газета 9 ёшига киргани ҳолда, 9 нчи сонини ўртага отқани ҳолда, Андижон ёшлари томонидан дурустгина, самимий, жиддийгина бир қаршиланиш кўрмади. Андижон ёшлари газетага «бўлса бўлар, бўлма-са ўлуб қолар» дегандек қилиб қарадилар. Билмадимким, бу нимадан бўлса?

Атрофдан, бошқа шаҳардан келган кишилар ҳар қанча ишлак<sup>1</sup>, серҳаракат, ишбилар бўлсалар ҳам, Андижоннинг туб руҳига яхши тушуна олмайдилар. Ва ҳам ул кишилар ҳамма вақт газета бошида қола олмаслар; уларга бир кун кетмакга, жилмакга тўғри келур. У ҳолда ҳам газетани тўқтатмай, олиб бориш керак эди. Бу эса Андижон ёшларининг, Андижоннинг меҳнатчи зиёлиларининг иши эди.

Бу ишни қилмоқ учун ҳозирғача ортиқ бир жиддий ҳаракат йўқ. Эҳтимол, мундан кейин бўлса; ҳар ҳолда, биз умидсиз эмасмиз. Бу ишнинг аҳамиятини Андижон ёшлари бу кун бўлмаса, эртага тушунурлар; агар тушунуб-да қимирламаган бўлсалар, бир-икки туртки билан қимирлаб кетарлар деймиз.

Ёш қалам.

### **Бошқармага хатлар**

#### **Раҳмат сизга, раҳбарлар!**

Ҳаққулобод тарафларидан келиб Андижон таълим-тарбия қурсларида ўқуғучи 5 талаба бизнинг эҳтиёжларимизни билиб, бизга ёрдам қўлини узатқан Ҳаққулобод инқилоб қўмитаси раисига «раҳмат!» айтамыз.

У ўртоқ томонидан ваъда қилинган 50 000 сўмнинг 13 000 сўми бизга тегди. Қолгани ҳам топширилса керак.

Бирмунча вақтлар ҳар хил урушлар, талонлар остида эзилган Ҳаққулобод халқига ҳам ўз ҳукуматдорлари орқали бизга қилган оталиқлари учун ташаккур қиламиз. Талабалар исмидан

Қосим ўғли.

### **Вақф шўросига ташаккур**

Шаҳаримизда очилган 3-4 ойлиқ таълим-тарбия қурсларининг оғир бир ҳолда қолишини кўзда тутуб Андижон вақф шўроси ёрдам қўлини узатди. Ҳозирга дардимизга анчагина марҳам бўлғудек бир маблағни топшириб, келгусида ҳам ёрдам қилиб турмоққа ваъда қилди. Бунинг учун вақф шўросига бутун курс номидан ташаккуримизни билдирамыз.

Таълим ҳайъати.

(2-бет)

### **ШАҲАР ТЕВАРАГИДА**

#### **(боши ўткан сонда)**

#### **Ёрбоши бўлуси**

Ёрбоши бўлусининг ишлари ҳам Олтункўл ва Ҳакан бўлусларидек заиф, мазаси йўқ. Локин бўлус инқилоб қўмитасида ишлагучи кишилар яхши, иш билар, ишга чаққон кишилар экан. Камисияга бўлус инқилоб қўмитасига иккита янги аъзо қўшуб қўймоққагина тўғри келди. Ҳозир бўлус инқилоб қўмитаси шу кишилардан иборатдир: раиси: Абдусаттор Ғоиббой ўғли, ўрунбосар: Тожибой Исомиддин ўғли, аъзолар: Омонбой Махдумбой ўғли, Юсуфбек Абдурахмон ўғли, Муллажон Ашрафхўжа ўғли.

Бу бўлусда ҳам қишлоқ инқилоб қўмиталари Олтункўл ва Ҳакан бўлусларидагидек бир кишидан, яъни биргина «амин»дан иборат экан. Баъзи бир гумонлик унсурлар чиқарилиб, ўрунларига бошқа кишилар қўйулди. Бўлуснинг маркази шу чоққача берига – «харкиф» истансасига келиб олган экан; уни янадан Ёрбошига кўчурулди.

Ёрбоши бўлусида 8 қишлоқда инқўм (инқилоб қўмита)лар бордирким, у ушбулардан иборат:

1) Хирабек. Раиси: Муҳаммадзоҳид Исмоил ўғли, ўрунбосар: Аҳмаджон Зиё ўғли, саркотиб: Абдулазиз Исмоил ўғли.

2) Бўтақара. Раиси: Абдулқодир Мирза Раҳим ўғли, ўрунбосар: Эшонча Муҳйиддин ўғли, саркотиб: Мулла Солиҳ Муҳаммад Исо ўғли.

3) Ёрбоши. Раиси: Тошпўлат Исроил ўғли, ўрунбосар: Ҳасанбой Худойберди ўғли, саркотиб: Аҳмаджон Абдулқодир ўғли.

<sup>1</sup> фаол



4) Экин-тикин. Раиси: Эшонхон Зокирхўжа ўғли, ўрунбосар: Имомбой Ашрафхўжа ўғли, саркотиб: Исомиддин Фахриддин ўғли.

5) Бекобод. Раиси: Тўлакбой Юнус ўғли, ўрунбосар: Раҳмонқул Муҳаммадқул ўғли, саркотиб: Эгамберди Сайидбой ўғли.

6) Оқёр. Раиси: Нишонбой Аҳмаджон ўғли, ўрунбосар: Ҳасанхон Валихон ўғли, саркотиб: Нишонбой Бобо ўғли.

7) Толмазор. Раиси: Маҳмудхўжа Хўжахон ўғли, ўрунбосар: Собирхўжа Хўжахон ўғли, саркотиб: Абдурашул Муҳаммад Мусо ўғли.

8) Полосон. Раиси: Деҳқонбой Ортиқбой ўғли, ўрунбосар: Деҳқон Ҳолмат ўғли, саркотиб: Абдуллоҳ Йўлдош ўғли.

Ёрбоши бўлусига ҳам бошқа бўлусларга ўхшаб белгулик йўл-йўруқ кўрсатилди ва ҳам ҳамма эликбошиларни қайтадан сайламоқ учун камисия тузулб қолдирилди.

### Ёрбоши бўлусининг сиёсий аҳволи

Бўлусда ёлғуз-ёлғуз босмачилардан бошқа Юнус қўрбоши деганнинг бир каттарак тўдаси бор. Бу тўда, халқдан олинган маълумотқа қараганда, ҳукуматқа қўшулмоқчи эмиш, бу бўлусда жойлашқан гарнизунларда мусулмон сиёсий ишчилари йўқ. Шунинг учун оврупали ўртоқларимиз халқнинг тилини билмаганликларидан сиёсий ишлар сира ишланмаган.

Қизил қўшун билан халқнинг алоқаси Ёрбоши ва Ҳакан бўлусларидагидек. Баъзи бир гарнизунларда мелисалар ҳам бор. Гарнизун бошлуқларининг сўзларига қараганда, бу мелисалар майда-чуйдага кўпрак ёпишар эканлар. Улар орасида сиёсий иш юргизиш сира йўқ.

### Қўй ўғриси

Ёрбоши бўлусига тобе Хирабек қишлоғида Абдулғани Тўлакбой ўғли деган бир йигит бор эканким, ўзи осўбий атделнинг вакили (одами) экан. Бу кишининг устидан халқ ҳам, гарнизун бошлиғи ҳам шикоят қилганлар, халққа жабр қилганлиғи тўғрисида гапирганлар. Қишлоқда бир деҳқоннинг қўйи йўқолғач, ул деҳқон муни қизил аскардан кўрган. Сўнгра гарнизун бошлуғининг ҳаракати билан бу иш текшири-

либ, қўйларнинг ҳалиги Абдулғани томонидан ўғурлангани маълум бўлган. Шу ишларни текшириб, билгандан сўнг мазкур Абдулғани қамаққа олиниб, шаҳарга жўнатилган.

### Ёрбоши бўлусининг иқтисодий аҳволи

Бу бўлусда очлар йўқ. Локин халқнинг бир қисми (Хирабек халқи кўпрак) деҳқончилик асбобларига ва мол-уловга кўп муҳтождир. Иқтисодий жиҳатдан Ёрбоши бўлуси, Олтункўл ва Ҳакан бўлуридан кўра кучлиграк, тузуграқдир. Экилмаган, бўш ерлар йўқ деса ҳам бўлади; айниқса, шоли билан пахта кўп экилган.

### Нималар қилмоқ керак

Камисиянинг фикрича, Олтункўл, Ҳакан ва Ёрбоши бўлусларида ушбу ишларни қилмоқ керак:

1) Бўлус инқилоб қўмиталарига биттадан фирқалик (партийний) ўртоқлардан киргизмак керак.

2) Юқори маҳкамалар томонидан чиқарила турган буйруқларни бажо келтурмак ва кўрсатилган йўлларни юргузмак учун бўлус инқилоб қўмиталарининг ихтиёрига 10 тадан яроғлиқ<sup>1</sup> мелиса бермак керак.

3) Шаҳар уез инқилоб қўмитаси бўлус ва қишлоқ инқўмланини хат-ёзув асбоблари билан таъмин қилсун.

4) Сиёсий саркотиблик (посекр) мусулмон сиёсий ишчилари бўлмаган гарнизунларга шулардан биттадан юборсун.

5) Туркистон каммунистлар фирқасининг шаҳар ва уез қўмитаси (угаркўм) ҳозирдан бошлаб қишлоқларда каммунист ячейкалари тузушга киришсун.

6) «Қўшчи» иттифоқининг шаҳар ва уез қўмитаси бўлус «қўшчи» ташкилотларини текшириб, йўл-йўруқ кўрсатиб қўйсун.

7) Уез-шаҳар инқўми; Ёрбоши ва Ҳакан бўлусларидаги хароб қишлоқларнинг оч халқига тезлик билан очлик камисияси орқали ёрдам қилсун. Ундай қишлоқлар Ёрбоши бўлусида Бўстон, Оқтепа, Қорақалпоқ, Сарой, Офтобачи, Ҳиндимозор, Мадёрчек, Ғофирчек ва Хонбоғ

<sup>1</sup> қурулланган



қишлоқлари бўлуб, Ҳакан бўлусида Хортум ва Заврақ қишлоқларидир.

8) Инқилоб-ҳарб шўроси Ҳакандаги гарнизунни отлик аскарлар билан кўпайтириши сўралсун.

9) Инқилоб-ҳарб шўроси бўлуслардаги халқнинг ўз пайлоқчиларини тарқатиб юборсун.

10) Мелиса орасида сиёсий ишларни кучайтирсин деб уез-шаҳар мелисасига таклиф қилинсун.

### **Бўлус қўмиталарининг режаси**

Янгиланган, бир даража тузатилиб, йўлга қўйилган бўлус қўмиталари шундай бир режа билан иш кўрмаклари керак:

1) Бўлус инқилоб қўмиталари қишлоқларники билан биргалашиб ёлғуз-ёлғуз қочиб юрган босмачиларни тутушқа; босмачиларга ёрдам қилғучиларни билиб, уларни ҳукуматга топширишқа ҳаракат қилсунлар.

2) Босмачилар томонидан уларнинг ўз фойдалари учун экилган экинларни тезлик билан хат-ҳисоб қилиб, қизил қўшуннинг кўмаги билан экинларини ўрушқа ва тўплашқа киришсун. Тўпланган экинларни «қўшчи» иттифоқлариға топширмоқ керак.

3) Қишлоқ инқўмлари орқалиқ очларнинг тугал, пухта рўйхатини қилиб шаҳар инқўмига топширсунлар; шаҳар инқўми аввал очларға ёрдам бермаги керак.

4) Ишнинг қайнайтурган ери халқнинг ичи, кўпчиликнинг қўйнида бўлмоғи керак. Халқнинг ҳамма арз-додига яхши қулоқ берилсун ва халқни, босмачиларни тезрак йўқ қилмоққа даъват қилсун.

5) Тезлик билан йўл ва кўпрукларни тузатиш ишига киришилсун.

6) Деҳқонларнинг экинга кераклиқ сувни вақти-вақтида олишлариға яхши диққат қилинсун. Катта ариқлардан бирартаси тузатилатурган бўлуб қолса, ёрдам сўраб шаҳар маҳкамаларига мурожаат қилинсун.

7) 1923 нчи йилда олинатурган пул солиғининг рўйхатини қилишда эгри ишлар, ёмон хатлар бўлмаслиғи учун бўлус инқўмлари ҳозирдан бошлаб ўшал рўйхат қилишнинг тартиб ва қоидаларини бутун халққа битта ҳам қол-

дирмасдан эълон қилсунлар ва ҳам рўйхатлар тузулган вақтда қаттиғ назорат қилсунлар. Бу тўғрида бўшлиқ қилган инқўмлар жавобгарликка тортилсунлар.

(3-бет)

### **Босмачилиқ билан кураш (Иштаб хабари)**

Андижоннинг шарқ томонида босмачиларға ёрдам берғучи 1 киши ушланди.

Мулла Рўзиматга қарашлиқ 1 от ушланди.

Мирзо Алининг 2 йигити 2 от 1 қилич билан ушланди.

Аравон қишлоқни босиб, халқнинг от-молини таламоқчи бўлган босмачилар тўдаси бизнинг қўшунға учраб қолиб қочди.

Шоҳимардонда бўлган бир урушда бир қизил аскар ўлди. 3 таси ярадор бўлди. Фирқа (отрад) бошлуғи ўртоқ Ушакуф қаттиғ яраланди.

Шайдон қишлоқда Дадабой қўрбошининг 2 йигити оломон томонидан ўлдирилиб, 1 милтиқ билан 2 отлари мелисага топширилди.

Бойтуманнинг 2 йигити 1 милтиқ 1 тўппонча билан бизга қўшулди.

Кенжа понсот 2 йигити билан Қўштепа-Сарой қамишзориди қочиб ётқан экан. Халқға 10 та қўй солғанда халқ «тўламаймиз!» деб жавоб берган.

Босмачилардан 2, уларга ёрдам қилғучилардан 20 киши қўлга олинди.

Кичик Қозоқнинг 2 йигити 1 милтиқ, 1 барданка билан қўшулди.

### **Қамишзорларда (ўз мухбиримиздан)**

3 нчи июл кечаси соат 11 да биз қидириш (разведка)га чиқдик. Шайтон қишлоқ тарафига бормоқчи эдик. Ой чиқмаган. Тун жуда қоронғу. Биз талада қамишзорлар орасидан секин-секин юруб борамиз. Қамишзорларда юрган ёввойи тўнғузлар бизнинг юришимизни сезгандан сўнг «пирх-пирх» қилиб қоча бошлайдирлар. Пашшалар ҳам 1000 – 2000 бўлуб, тўдаланиб «минг-минг» қилиб орқамиздан эргашадирлар.

Қамишзорлар орасида юруб кетаётиб бир сўқма йўлга тўғри келиб қолдик, ул йўл билан





бир оз юруб эдик, олдимиздан биздан кўп ҳам йироқ эмас бир жойда иккита отлиқ кўрунди. Биз ҳаммамиз дарров қамишлар орасиға ётдиқ. Отлиқлар яқинлашдилар; билдикким, улар босмачи эдилар. Улар бизни кўрдиларми экан, йўқми, локин қоча бошладилар. Бизнинг бошлиғимиз отишқа буйруқ берди. Ҳаммамиз бирдан милтиқ билан отдиқ. Биттаси йиқилди, иккинчиси қочди. Йиқилиб қолган босмачи йигитнинг ёниға бордиқ, ул ўлган эди.

Асака томондан: Ҳасаниф.

### **АТРОФДА (ўз мухбирларимиздан) Деҳқонлар орасида**

Асакага қарашлиқ Аҳмадбек қишлоғида 6 нчи июлда катта бир йиғин бўлди. Қишлоқ халқидан 150-200 лаб одам бор эди. Ўртоқ Алиефнинг босмачиларнинг қайдан ва қандай пайдо бўлуши, уларнинг Фарғонага келтирган зарарлари ва улар орқасида халқнинг маорифдан маҳрум бўлуб қолиши, очарчиликқа дучор бўлуши тўғрисидаги дақладини эшиткандан сўнг ҳаммалари бир оғиздан «босмачиларни тутуб берамиз!» деб самимий ваъда бердилар.

### **Осори атиқа тузатиладир Ўзганд минораси**

Мундан 1086 йил бурун солинганлиғи ривоят қилинган бу тарихий асарнинг тенг ярми йўқ, учуб тушуб кеткан. Бу инқилобқача ҳам шундай эди. Юртнинг обод ва арзончилик вақтларида ҳам минора тузалмаган, балки кундан-кун йўқалишқа, тугашка юз тутқан эди.

Ҳозирғи кунда Ўзганд турк қизил мелисаларининг бошлуғи ўртоқ Ғоиб турк ул минорани ўз шаклида, ўз тартибида тузатдиришга киришди. Тузатдирад чоқда англашилғандирким, ўзи Андижон минорасидек, таги унга икки баробар келган бу асар устидан 9 газ учкан; таг ва теварагидан ҳам бирмунча захм еган экан. Ўзининг бурунғи хиштига ўхшатиб хишт қуймоқ учун алоҳида хиштхона қилинди.

Ўртоқ Ғоиб турк кўп вақтдан бери бир мактабни асраб келади. Ҳозирда яна бир мактаб биноси ва бир қулуб солишқа ҳаракат қилади.

Кунаш.

### **ШИКОЯТ ҚУТИСИ Ўрганган кўнгил**

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас! Тўғри айтканлар бурунғилар. Ўш уези Булоқбоши бўлусида эски бир босмачи бор эди. Отабоеф ўртоқ вақтида яроғларини топшириб, бизга қўшулди. Шу ўртоқ ҳозирғача Булоқбошида вақтинча мелиса бошлуғи бўлуб келади. Бу ўртоқ эски одатини яна сағинган, шекиллик, сўнг вақтларда бир тул хотуннинг 9 яшар қизини жабр билан никоҳлаб олиш кўйига тушуб қолди.

Бечора тул хотун эски, «юрт каттаси» оқсоқоллар ёниға бориб ялинди:

– Қизим ёш; хўжайинни бул фикрдан бир иш қилиб қайтаринглар, қўлдан келганча хизмат қилай! – деди.

Мунга қарши оқсоқоллар нима қилдилар? Оқсоқолларнинг берган жавоби мана бу бўлди:

– Ҳай, ҳай, сен мундай олижаноб хўжайиннинг илтифотларини билмайсан экан. Бу қилганинг ношукурлик-а, ношукурлик, қизингни кимга берар эдинг? Хўжайинимизнинг раўйлари қайтарма! Қизинг ёш бўлса, давлат ичида катта бўлуб қолар.

Бечора хотуннинг охи дунёни бузадир, локин эшитгучи йўқ. Бу ишга баъзи бир ёшлар қарши туруб кўрган эдилар, эскилар билан ёшлар орасиға адоват тушуб қолди. Мелиса бошлуғи жаноблари бўлса ўзини ҳимоя қилган эскилар билан биргалашиб ёшларни эзмакчи бўлади.

Ҳой тегишлик жойлар, хабар олинг, чора қилинг!

Ш.М.

### **(4-бет) ҚИШЛОҚЛАРДА (ўз мухбирларимиздан) Чойхона-мактаб**

Қизил қўшун томонидан гарнизун туратурган қишлоқларда қизил чойхоналар очилди. Ҳар кун, айниқса, жума кунлари ул чойхоналар хўб қизийди. Деҳқонларнинг ўзлари, болалари, қишлоқнинг ўспурун йигитлари тўпланишиб олиб, қизил қўшун билан суҳбат қиладилар.



Мусулмон сиёсий ишчилари ва мусулмон кизил қўшунлар ёш болаларга, ҳатто катта оқсоқолларга ҳам алифбо ўргатиб, саводлик қилишқа тиришадирлар. Баъзи қишлоқларнинг чойхоналари чин мактаб рангини олди.

Ҳасаниф.

### Қўтур

Қишлоқ деҳқонлари орасида қўтур (қичима) касали жуда ёмон кучайган. 1-2 йилдан бери шу касал билан қийналган деҳқон оғайнилар жуда кўп. Уларга дору-даво билан ёрдам бергучи ҳеч ким йўқ. Ўзлари дору деб ҳар нарсага ёпишиб қарасалар-да, фойдаси жуда оз бўладир.

Сўнг вақтда бизнинг қизил қўшун ўз дорularини бера бошлади. Дорудан тузалганлар кўп; шунинг учун 1-2 кун навбат кутуб ётқанлар бор. Локин қизил қўшуннинг ёрдами озлиқ қиладир.

Шаҳарларда, катта-катта иморатларда ҳифзи сиҳҳат<sup>1</sup> идоралари деган озода идоралар бўлар эди. Қалай, ўшалар эсон-омон борми?

Ҳасаниф.

### «4» нчининг самовори...

Ҳаққулбод қишлоғида очилган қизил чойхонага бошлаб шу исм берилди: тўртинчиларнинг самоворхонаси.

Табиий, шундай исм берилган вақтларда келгучи оз бўлди. Кейин «қўшчилар» союзининг ғайрати орқасида қизил чойхонамизни халқ тушунди. Ҳозир жуда кўп келади. Устал устига китоблар ёйилиб ташланган. Газеталар... машина қўшуқ... ўйин-кулги... Бир кирган деҳқонлар чиқмоқ истамасдан, узоқ, жуда узоқ ўлтурадирлар.

### Карзинканинг ерлари

Бурунги замонларда «Карзинка завўтчи» деб шуҳрат чиқарган бойнинг Избоскан бўлисида 720 таноб ери бор эди. Бу экинлик ер бурун Андреевский хутур деб аталар эди. Ҳозир Майлисайдан 156, Избоскандан 300, Бўтақарадан 300 камбағал деҳқон «шул ерлар бизга бўлиб

берилсун» деб тегишлик ҳужжатлари билан бирга Андижон ер-сув шуъбасига ариза берганлар.

Ер-сув шуъбаси шул аризаларни ўз жойида текширмақдадир. Текшириш тугагандан сўнг бўлиб бериш тўғрисида йўллар тузуб юқори маҳкамаларга муурожаат қилғусидир.

### АНДИЖОНДА

#### Деҳқонлар зиёфати

13 июлда пахта қўмитасининг биринчи завўди олдида шаҳарга иш билан келатурган деҳқонлар учун қизил чойхона очилди. Чойхонанинг очилиш маросимида қишлоқдан деҳқон вакиллари чақирилган эдилар. Ўшал куни Тошкентдан ўртоқ Хидиралиеф бошлиқ жумҳуриятмизнинг оқсоқоллари келишиб қолиб, улар ҳам зиёфатда ҳозир бўлдилар.

Чой-нондан сўнг марказ деҳқонлар капирафи раиси ўртоқ Мирза Ҳомид Хўжаеф мажлисни очиб, биринчи сўзни ўртоқ Хидиралиефга берди. Ўртоқ Хидиралиеф шўролар ҳукуматининг деҳқонларга қараш ва қилган ҳам қилатурган ёрдамлари тўғрисида гапирди. Сўз орасида «ҳукумат томонидан деҳқонларга берилатурган ёрдамни жой-жойига топширишда орага ўзи ишламайтурган деҳқонлар ва бурунги «Каманасиячилар» аралашмасун; ҳукуматнинг яхшилиғини улар ўз номлариға олиб қолмасинлар» деб ўтди.

Ундан сўнг ўртоқ Чанишеф сўз олиб, деҳқонларни тамом тинч турмушқа киргизмагунча қизил қўшун курашида давом этадир деди. Сўнгра деҳқонларнинг ўз ораларидан Мавлонкул ота туруб, ҳукуматнинг деҳқонларга қилган моддий ёрдамини, босмачиларни битириш ишида қилаётқан ҳаракатини бир-бир санаб ўтуб, «энди юрт тинчиб қолди» дейдир. Сўнгра ҳукуматдан от-мол ва пул билан яна ёрдам берилишини сўрайдир. Деҳқонлар ўзлари босмачиларни тутуб, йўқ қилишиб берурулар деб деҳқонлар номидан ваъда берадир.

Мавлонкул ота шу сўзни айткандан сўнг деҳқонларга қараб: «шундай эмасми?» деди; мунга ҳамма деҳқонлар бирдан гувуллашиб «ҳа!» деб жавоб бердилар. Отанинг сўзлари олқишлар билан қарши олинадир.

<sup>1</sup> Соғлиқни сақлаш



Ундан кейин ўртоқ Исақулиф туруб, пул билан ёрдам тўғрисида марказга телеграм берилганга, ҳозирга эса келтирилган бугдойдан насия бериб турушга ваъда қилади.

Охирда ўртоқ Мирза Ҳомид Хўжаеф қизил чойхоналар ва каператсиялар тўғрисида сўзлагандан сўнг мажлис ёпилиб, ошдан сўнг мусиқа товуши остида тарқалади.

Қ.

### Очиқ хат

#### (Андижон «Кўмак» уюшмасига)

#### Раис Ўртоқ!

«Кўмак» уюшмасининг очилганига бир неча ой бўлди. 2 дафъа тиётр ва бир неча мартаба аъзолик варақалари билан элдан ақча тўпланди. Локин бу ақчаларнинг нимага сарф бўлгани тўғрисида на бир умумий мажлисда ва на-да газета бетларида очиқ бир ҳисоб берилмади. Бу орада «Кўмак»нинг раиси ёнида бир-икки маҳрамлари<sup>1</sup> билан «Кўмак» ақчасининг муҳим бир қисмини олиб, саёҳат баҳонаси билан майдондан йўқ бўлди. Унинг ўрнига қолганлари, уларнинг чатақларини тўғрилаш бир ёқда турсун, қолган-қутқанини ҳам чатаққа солдилар.

«Кўмак»нинг идораси қайда? Муни ҳеч ким билмайдир. Четдан келган талабалар кўчамакча, сўроқлаб юрадилар. Сизни уйғоқ кишилар ёнидан топиб бўлмайдир.

Байрам кунлари, таҳсил замони яқинлашадир. Ўлканинг ҳар томонидаги ўқуғучиларимиз додлаб хат ёзалар, киши юборалар. Аммо «Кўмак»да қимирлаш йўқ.

Шунинг учун бизлар қуйидаги ишларни «Кўмак»дан талаб қиламиз:

1) Тезлик билан ҳозирлик кўрулуб, ийд<sup>2</sup> кунларида тиётр ва бошқа йўллар билан талабаларимизга пул тўплансун.

2) Идорани маълум бир жойга очиб, иш қилинсун.

3) Боку, Самарқанд, Тошкент ва Хўқанддаги ўқуғучиларимиздан келган хат ва аризаларни қараб чиқиб, тезлик билан чорасига киришилсун.

4) «Кўмак» очилган кундан бошлаб то шу чоққача қилинган ишлар – кирган ва чиққан ақчалар тўғрисида ё бирар мажлисда ёки газеталарда очиқ, дасталик ҳисоб берилсун.

Кўмак аъзолари.

### Кеча яхши ўтди

Мундай ўйун-кулги кечаларига сувсаган халқ кечанинг ҳар бир нўмирини яхши қарши олди. Кеча сўнгида ўртоқ Муҳйиддин қорининг товуши билан нўтага олинган ўзбек куйлари сотилишқа чиқарилган эди. Халқ талон қилиб олди.

Б.

### ВАҚФ ШЎРОСИДА

Бурунги маҳкамайи шаръия томонидан йўқ қилинган 800 пут вақф шолиси уез-шаҳар инқилоб қўмитаси орқали қайтадан ундирилиб, вақф қўлига олинди. Бу шолли шаҳарнинг маданий-маориф ишлари учун сарф қилинғусидир.

### Нашрга тайёрловчилар:

**Р.Т.Шамсутдинов, Ш.Қаҳҳоров**

<sup>1</sup> Яқин кишилари

<sup>2</sup> байрам





# СОВЕТ-АНГЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИДА

Р.Т. Шамсутдинов, Б.Алимов

Иномжон Хидиралиев 1922 – 1923 йилларда Бутунтуркистон оқсоқоли – Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси лавозимида сермазмун фаолият кўрсатган. У Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг иқтисодий имкониятларини бирлаштириш зарурлигини англаган миллий арбоблардан эди. 1923 йил мартда Тошкентда учала республикадан вакиллар қатнашиб, Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши ташкил этилган. Бу кенгаш Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари халқ хўжалигини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришда ижобий роль ўйнаган.

РКП(б) Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси Буюк Британия ҳукумати билан музокара олиб бориш учун Х.Раковский бошчилигида делегация таркибини тасдиқлаган (М.М.Литвинов, М.Радченко, Н.Шверник, М.Преображенский, М.Томский, А.Шейнман, И.Кутузов, Ф.Ротштейн, И.Житков, Б.С.томоньянов, И.Хидиралиев). Делегациянинг бу таркибини Сиёсий бюро, шахсан Сталин тасдиқлаган. Унинг таркибида И.Хидиралиев бўлганлиги Сталиннинг бу ўзбек арбобига бўлган муносабати ижобий бўлганлигидан нишонандир.

Совет вакиллари 1924 йил 9 апрелда Лондонга етиб келишади. Уларни Англиянинг расмий кишилари, Ташқи ишлар вазирлиги, рус депар-



таменти директори Григорий ва совет вакиллари Берзин, Гитнер кутиб оладилар. 11 апрелда совет ва чет эл матбуотида СССР делегацияси аъзоларининг суратлари эълон қилинади. Унда И.Хидиралиев СССР ва Туркистон АССР Марказий Ижроқўми аъзоси, РСФСР Ер ишлари федерал қўмитаси президиуми аъзоси сифатида делегация таркибига киритилганлиги қайд этилганди.

Англиянинг йирик нашри – «Таймс»нинг 11 апрель сониди «Англия-Совет конференцияси» ҳақида хабар эълон қилинган. Унда большевиклар вакиллари Лондоннинг Ланкастер-Гейт районидаги «Албания» меҳмонхонасига жойлашгани айтилиб, совет вакиллари И.Хидиралиев, М.Преоб-



Лондон шахрининг Ланкастер районидаги меҳмонхонада тушилган сурат, ўтирганлардан чапдан биринчи Иномжон Хидиралиев

раженский, М.Томский, М.Радченко ва Англия расмий кишилари биргаликда тушган сурат босилган. Ғарб матбуотида совет вакиллари таржимаи ҳолидан айрим лавҳалар берилган. «Таймс» газетаси И.Хидиралиевнинг совет делегацияси таркибига киритилиши большевикларнинг навбатдаги айёрлигидир, бу билан улар Англияда СССРдаги миллий масалани мақташни, тарғиб этишни мақсад қилганлар, деб ёзади. Лондонда чиқадиган маҳаллий консерватив газеталардан бири И.Хидиралиевнинг суратини ҳам чоп этиб, унинг Лондонга келиши яхши, аммо у Совет Иттифоқида советлар ҳокимияти мусулмонларга ваҳшийларча муносабатда бўлаётганлигини ҳеч кимга айта олмаслиги ёмондир, деб ёзган эди.

Москвадаги «РОСТА» агентлигининг Совет-Англия дипломатларининг учрашуви ҳақида берган хабарномасида мана шундай сатрлар бор: «Журналистларнинг катта қисми миллий кийимдаги Хидиралиевнинг келишган қомати билан қизиқиб қолишди. Газеталар делегация келганлиги ҳақида биринчи навбатда хабар қилишди, аммо воқеани шарҳлашдан ўзларини тийиб туришибди»<sup>1</sup>. Бу хабар кўпгина хорижий мамлакатлар газеталарида ҳам берилган эди.

Париждаги «Последние новости» газетаси 1924 йил 29 апрель сонидида «Халат Хидыр-Алиева» сарлавҳали мана бу хабарни чоп этган:

«Туркестан, как известно, не является самостоятельным членом СССР, а входит автономной частью в РСФСР. Поэтому нахождение в составе советской делегации «представителя Туркестана», в то время как там отсутствуют национальные представители Белоруссии и Закавказской Советской Федерации, с юридической точки зрения бессмыслица.

Приезд туркестанца Хидыр-Алиева в Англию имеет единственной целью произвести эффект агитации: смотрите, мол, индусы, мусульманскому Туркестану при советском режиме предоставлено право участия в международных переговорах. А вам?

С этой же показательно-агитационной целью нарядили Хидыр-Алиева в туземный костюм. Там, у себя в Туркестане, Хидыр-Алиевы, желая подчеркнуть советскую победу над старым бытом, щеголяют в пиджаках европейского покроя...

Это переодевание напоказ невольно напоминает мне карикатуру ташкентского юмористического журнала «Мюштюм». Представлена старая мусульманская школа, откуда по обучению дети выходят с ослиными ушами и в халате, напоминая тот, что теперь надели на Хидыр-Алиева. Внизу надпись: «Вот какими выпускают». Рядом – школа нового европейского типа, откуда дети выходят настоящими людьми и в пиджаках. Тут же соответствующая надпись... Хидыр-Алиев, может быть, и хороший туркестанец, но большевики заставили его сыграть роль, далеко не соответствующую ни настоящему положению Туркестана, ни его собственному личному достоинству».<sup>2</sup>

Лондондаги учрашувлардан бирида дипломатлардан бири И.Хидиралиевни синаб кўрмоқчи бўлиб: «Инглиз тилини биласизми?», деб сўраган, у ўзининг 6 та тилда бемалол гаплаша олишини таъкидлаган. Лондондан қайтиб келгач, бу элчи билан бўлган мулоқотни самарқандлик дўсти Мирзахўжа Ўринхўжаевга айтиб берган. Мирзахўжа Ўринхўжаев 70-йилларда Андижонга келиб, дўсти Хидиралиевнинг қизи Махфиратхон ая билан учрашганда ўша эпи-

<sup>1</sup> РОСТА, 1924 йил 10 апрель.

<sup>2</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. – Алматы, 2012. Т.2. – С.509.



Лондон 1924 йил 15 апрель. Иномжон Хидиралиев исломий либосда Лондон ва унинг атрофидаги қишлоқлар масжиди имоми ва муфтийси билан учрашувга кетаётган пайти. Унга ҳамроҳ бўлиб М.Осётров бормоқда

зодни шундай ҳикоя қилган: «... Хидиралиев саволга тутган элчига қарата мендан оз биларкансиз деган, элчи сиз нечта тилни биласиз деб сўраганида 11 тилни – ўзбек, рус, қирғиз, қозоқ, туркман, озарбайжон ва ҳоказоларни билишини айтган. Шунда дипломат узр сўраб, 11 тилни билишнинг ўзи бўлмайди, деган».

Лондон газеталарида совет вакиллари орасида мусулмон, ўзбек бўлгани, унинг расми босиб чиқарилгани Буюк Британиядаги бир қанча Шарқ мамлакатлари дипломатлари, журналистлари, Лондон ва унинг атрофидаги қишлоқлар масжиди муфтий ва имомларини қизиқтириб қолган. Бу ҳақда И.Хидиралиев рус тилида эълон қилинган «Лондон таассуротлари» сарлавҳали мақоласида тўхталиб ўтган.

Мисрнинг «Нил водийси» газетаси вакили Муҳаммад Нажиб И.Хидиралиев билан суҳбат чоғида уни, энг аввало, СССРда яшовчи мусулмонлар этнографияси бўйича синаб кўради. Аммо Муҳаммад Нажиб бу борада ўзининг ғоят нодонлигини ҳам намойиш этади. У СССРда яшаётган халқлар ҳақида хира тасаввурга эга

экан. Буни қарангки, шу пайтгача у Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлигини мутлақо билмас экан. Оксфорд университетида таҳсил кўрган М.Нажиб И.Хидиралиевга «Совет республикаси мусулмон Бухоро билан уруш ҳолатидалиги тўғрими?», «Шарқ мусулмонлари орасида Анвар пошо шуҳратининг улуғлиги қандай ва унинг ютуқлари-чи?!» сингари чалакам-чатти саволларни беради.

«Тўғри, – деб ҳикоя қилганди И.Хидиралиев кейинроқ журналистларга, – мен кам зиё топган «маърифатли» журналистнинг зулмат қоплаган онгини бироз бўлса-да равшанлантириш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Совет Иттифоқининг Бухоро билан ўзаро муносабатларини бир неча сўз билан тасвирлаб бердим. Анвар пошо жаннатмакон боғларда Қуръон ваъда қилган муваффақиятларни қозониш учун Шарқий Бухорода қолганлиги ҳақидаги хабар билан суҳбатдошимни бироз хижолатга солиб кўйдим (Туркия фуқароси Анвар пошо 1922 йилда Шарқий Бухородаги Балжувон деган жойда советларнинг арман миллатига мансуб жосуси пистирмадан отган ўқдан ҳалок бўлганди. Анвар пошонинг қабри Туркияга кўчириб олиб кетилган – Р.Ш.).

Менинг совет республикалари ҳаётини ва мусулмонлар аҳволини объектив тарзда тўлиқ тасвирлаб беришим Нажиб учун бутун бир кашфиёт бўлди. У Миср матбуоти Совет Иттифоқидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида мунтазам хабар бериб туриш имкониятига эга эмаслигидан хафа эканлигини изҳор этди. Суҳбатимизни «Нил водийси» газетасида ўзгартирмай босиш ниятида эканлигини айтди».

Мисрлик мухбирдан кейин И.Хидиралиев ҳузурига Лондон ва унинг атрофидаги қишлоқлар масжиди муфтийси ва имоми келади. Қуръон билимдонлари ҳам «маърифатли» мисрлик сингари совет ҳокимияти принциплари, унинг диний ва миллий масалага муносабати тўғрисида етарли тасаввурга эга эмасди.

– Ўз ақли ва Аллоҳнинг каромати билан топилган ер бойликларига эга бўлиб, сўнгра совет ҳокимияти туфайли булардан маҳрум бўлган кишиларнинг аҳволи не кечади? – сўрайди муфтий.





– Ер меҳнат қилганники, – секин жавоб беради И.Хидиралиев. – Мамлакатимизда меҳнат эркинлиги мавжуд. Ҳар бир киши ўз меҳнати ва ҳаракати билан фаровон яшаши учун барча имкониятларга эга. Мана, ўзимни мисолга ола қолай. Ерсиз, уловсиз камбағал деҳқоннинг фарзанди эдим. Қора ишларда ишлардим. Мардикорлик қилдим, рус бойлари қўлида хизматкорлик қилдим. Ўқидим. Тил ўргандим. Октябрь инқилоби туфайли бахт топдим. Дастлаб Андижон ЧКсида, мусулмонлар ҳарбий қисми штабида хизмат қилдим. 1919 йилнинг 7 февралда большевиклар партиясига кирдим. Уезд партия қўмитасида масъул котиб, Қўрғонтепа, Султонобод районларида ревком ва партия қўмитасида раислик лавозимида ишладим.

– Сиз-а?! Яна оддий деҳқон ўғлиман, деяпсиз.

– Ҳа, мен!

– Кейин-чи?

– Бир бошдан айтиб берайми? Марҳамат! 1920 йил майида Фарғона область партия қўмитаси раиси, область ревкоми масъул котиби, ер-сув бошқаруви бўлимлари мудир, 1921 йили РКП(б) Марказий Қўмитаси Туркистон бюроси қарори билан Туркистон Республикаси ер ишлари халқ нозири, 1922 йил октябридан Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси, 1924 йил январидан эса республиканинг Москвадаги мухтор вакили бўлиб ишлаяпман.

– Ҳукумат аъзоси экансиз-да?!

– Ҳа, Туркистон Компартияси РКП(б) Марказий Қўмитаси Ўрта Осиё бюроси аъзоси, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси, РСФСР ва СССР Марказий Ижроия Қўмитаси Президиуми аъзоси бўлганман.

Имом муфтийга ўғринча қараб қўйди. Муфтий енгилгандай бошини қуйи солиб турарди.

– Ленинни кўрган экансиз-да?

– Бўлмасам-чи, – деб жавоб берди И.Хидиралиев, – В.И.Ленин, унинг сафдошлари М.И.Калинин, М.В.Фрунзе, Я.Э.Рудзутак, С.И.Гусев, В.В.Куйбишев, Н.И.Бухарин, С.К.Оржоникидзе, А.И.Риков, И.В.Сталин ва бошқалар билан кўп бор учрашганман. Ҳатто айримлари билан биргаликда жанг қилганман.

– Наҳотки?

– Партия X съездига делегат эдим. Съездга келган 300 га яқин вакиллар билан Кронштадтдаги исённи бостиришга сафарбар этилдим. Ўшанда М.В.Фрунзе, К.Е.Ворошилов билан бирга жангда қатнашганман. Исённи бостириб қайтганимиздан сўнг доҳий бизларни қабул қилди, қизгин суҳбатлашдик ва бирга суратга тушдик.

Яна айтайми? 1922 йил декабрида СССР ташкил этилди. Бу Ўрта Осиёда миллий совет республикалари тузилишида қудратли омил бўлди. Мен М.И.Калинин, И.В.Сталин, С.К.Оржоникидзе, С.М.Киров, Ф.Э.Дзержинский, М.В.Фрунзе, В.М.Молотов билан ҳамкорликда СССРни тузиш тўғрисидаги декларация ва шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни имзолашда қатнашганман. Энди тушунгандирсиз?

– Совет ҳокимияти масжидларини ёпаётгани ҳақидаги хабарлар-чи? Бунга нима дейсиз?

– Ёлғон! Айрим мустабид кишилар зулмат қаърида ўтириб, ўзларича ёруғликка бўҳтон отмоқчи бўладилар. Ўз кўзингиз билан кўрмагунча ишонманг бу гапларга! Совет ҳокимияти масжидларни ёпаётгани ҳам йўқ, художўйликни тақиқлаётгани ҳам йўқ. Диний эътиқод эркинлигига риоя этиляпти. Ҳа, ҳа, бунга ишонаверинг!

Капиталистик матбуот ашаддий уйдирмаларининг кучли таъсири остида қолган муфтий ва имом учун совет ҳокимияти тўғрисидаги ҳақиқатни тушуниш ва ҳис этиш мушкул эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, совет делегациясининг айрим аъзолари И.Хидиралиев бошчилигида ҳинд миллионери Жеванжи таклифига кўра зиёфатда иштирок этдилар.

Жеванжи тўла маънодаги содиқ инглиз ҳинд фуқароси ва савдогарлар орасида ғоят катта мартабага эга, ўта ишбилармон эди. Зиёфатдан сўнг ҳинд савдогарларининг аҳволи ва уларнинг инглиз капитали билан муносабатлари ҳақида суҳбат қизиди. Мезбон ҳинд миллий савдосининг ривожига халақит бераётган ҳолатлардан ғоят ташвишланаётганини ҳам яширмади.

Суҳбатда Жеванжи ҳинд савдо-сотик дунёсининг Туркистон билан боғлиқ масаласини



Миср Араб Республикаси пойтахти –  
Қоҳирадаги Китоблар ва миллий васиқалар кутубхонаси.  
«Нил водийси» газетасининг ўтган аср 20-йилларидаги сонлари  
шу кутубхонада сақланмоқда.



Кутубхона ўқув зали.

кўтариб, ҳинд капиталини СССРда қўллаш шарт-шароитларини кунт билан ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлигига совет вакиллари ишонтирди.

Бу гапларда жон бор эди. Орадан кўп ўтмай, совет делегацияси аъзолари Лондонга келган ҳинд делегацияси билан дўстона суҳбатда бўлдилар. «Бу учрашувлардан таассурот шуки, – деганди И.Хидиралиев, – Совет ҳокимияти ва республикалар иттифоқи ғояси Шарқдаги мустамлака халқлар орасида улғувор куч билан тарқалмоқда».

И.Хидиралиев Лондонда туриб, Ўрта Осиёда миллий республикалар тузилиши ҳақида илмий, публицистик мақолалар ёзади, уларни ўз вақтида жўнатиб туради. Албатта, совет раҳбариятининг вакили сифатида бу тузумнинг ҳар бир сиёсатини оқлашга ҳаракат қилади, камчиликлари ҳақида эса лом-мим демайди.

Лондон. 1 май. Хайгет қабристони Биринчи май намойишидан қайтган ишчилар билан гавжум. Карл Маркс қабрини зиёрат қилиш учун бу ерда ҳозир бўлганлар орасида Совет Иттифоқи вакиллари ҳам бор. Улар катта гулчамбарни чуқур сукутда қабр томон олиб борардилар. Улар орасида И.Хидиралиев ҳам бор эди.

Совет вакиллари Карл Маркс қабрини зиёрат қилиши муносабати билан Европа матбуотида Карл Маркс жасадини Лондондан Москвага кўчиришмоқчи деган мишмиш тарқалади. Шу

муносабат билан СССРнинг Англиядаги мухтор вакили Х.Раковский «РОСТА» орқали 19 июнда интервью бериб, совет вакиллари Англия ҳукуматидан Карл Маркс жасадини Москвага олиб кетишни талаб қилгани ҳақидаги фикрлар бўхтон, асоссиз эканини маълум қилишга мажбур бўлган.

И.Хидиралиев ўша ҳаяжонли Лондон воқеаларини умрининг охиригача унутмасдан фахр билан эслаб юрди.

Совет вакиллари Лондондан «Деру люфт» жамияти самолётида Смоленск шаҳрига келдилар. Қўниш чоғида аэропортда ҳалокат рўй беришига оз қолади.

Лекин учувчининг чаққонлиги ва сезгирлиги туфайли қурбонлар бўлмайди. Делегация аъзолари бу ердан поездда Москвага ошиқади-лар.

«Водийнома» журнали таҳририятининг илтимосига кўра, Қоҳира шаҳридаги Ал-Азҳар дорилфунунининг Исломиё билимлар академиясида таҳсил олаётган андижонлик талаба Муҳаммадали Абдуллаев «Нил водийси» газетасининг Иномжон Хидиралиев билан шу нашр муҳбири уюштирган суҳбат матни эълон қилинган 1924 йил 16 майдаги сони электрон нусхасини таҳририятга йўллади. Қуйида мазкур материал ўзбек тилига таржима қилинган ҳолда журналхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда:





(1922) ۳ شمس سنه ۱۳۴۱ - ۱۱ ابريل ۱۹۲۲

WADINIIL (La Vallée du Nil)

Journal Politique Quotidien

Publié par les Travaux Indipend et Réunis pour Finances des Universités Égyptes

Toute Correspondance doit être adressée au Propriétaire-Directeur

MOHAMMED A. KALZA

Via-vis de la Gare du Caire - ALEXANDRIE, (Égypte).

Adresse Télégr. : "WADINIIL" - Téléphone 31-33

ABONNEMENTS : INTERAUBUR... P.T. 180 P.T. 100 P.T. 90

ETRANGER... P.T. 450 P.T. 300 P.T. 150

ANNONCES : La ligne au 50ème Page P.T. 15 et en dernière Page P.T. 10

Publié par le PAPERNE NAVAS, seule économiquement de la publication

PARIS, 92 rue Richelieu - LE CAIRE, 7 rue Maghabra - ALEXANDRIE, 1 rue Thersipila - Ou à la Direction du Journal



۱۳۴۲ (هنگامه ۱۹۶۶) لشکرایی ۷ جول ۱۳۴۲

وادى النيل : جريان الثورة ووجهة مهامها السياسية

داخلة الاقصر ۱۸ من سنه ۱۰ من شهر ۵ من شهر ۳ من شهر ۲۷ من شهر ۲۷ = ۷۵ و ۱۴۰ و ۱۴۰

النسبة على العمل في الاملاك العمومية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية

الاراضى المملوكة للمعتمدين ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية

الاراضى المملوكة للمعتمدين ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية

عبدالله الشهبان

الاراضى المملوكة للمعتمدين ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية

الحالة في التركستان

ماتى و حاضرها

ماتى و حاضرها

بماتى و حاضرها

الاراضى المملوكة للمعتمدين ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية ووجهة مهامها السياسية

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان

الحالة في التركستان



# ТУРКИСТОНДАГИ ҲОЛАТ: ЎТМИШИ ВА БУГУНГИ КУНИ

*Лондон конференциясида иштирок этган Туркистон вакили Инъом ибн Хизр мақоласи асосида*

Лондон. 4 май.

Мен кеча собиқ Туркистон Республикаси раҳбари ва рус делегациясининг мусулмон аъзоси Инъом ибн Хизр билан учрашиш учун у ҳозирда яшаб турган «Албания» меҳмонхонасига бордим. Бу меҳмонхона ўртамиёна меҳмонхоналардан бўлиб, Ланкисоджит (لانكيسادجيت) маҳалласида жойлашган. Инъом ибн Хизр мени кўтаринки руҳда кутиб олди. У қирқ-эллик ёшлар атрофида бўлиб, бўйи узун, кўзлари кўк, соқоллари қалин, сочи тим қора киши эди. Инъом ибн Хизр Биринчи жаҳон урушида бир оёғидан ажраган бўлса-да, унда саломатлик ва қувват белгилари билиниб турар эди. У Лондонга келган вақтда шарқона либосда эди. Бу ҳақида мен аввалги мақоламда маълумот берган эдим. Ҳозир эса европача оддий қора костюм кийиб олган. У билан суҳбат инглиз тилини яхши биладиган котиба ёрдамида олиб борилди. Менга келган хабарларга кўра, у ёшлигида араб тилини ҳам ўрганган, лекин кейинчалик эсидан чиқиб кетган.

Мен ундан Мисрдаги ҳолат ҳақида фикрини сўрадим. У Миср давлати учун барча яхшилик ва муваффақиятларни тилашини айтди. Инъом ибн Хизрнинг Миср ҳақидаги маълумотлари давлатнинг ички ишлари ва мақсадлари тўғрисида баҳс юритишга етарли эмас эди. Шунинг учун ундан Лондондаги вазифаси, мистер Рамсей Макдоналд ҳақидаги фикрини ҳамда Туркистондаги ҳолатнинг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида маълумот беришини сўрадим. Инъом ибн Хизр ўз мамлакати тўғрисида мисрликлар тўла тасаввур ҳосил қилишлари учун саволларга ёзма жавоб беришини айтди. Бугун менга ўзининг хос элчисидан Туркистон ҳақидаги мақоласини жў-

натди ва эртага мақоланинг қолган қисмини жўнатишини айтди. Мен ўқувчиларга ундан келган мақолани таржима қилдим. Мақола қуйидагича:

«Туркистон мустақил совет республикаси 1917 йил октябрда ташкил топган. Туркистон ўлкаси мустақилликка эришгунича Россия империяси таркибида бўлган. Унинг ҳудудлари ғарбда Каспий денгизи, шимолда Сибирь, шарқда Араб давлатлари ва Хитой чегараларигача чўзилган. Жанубда Афғонистон, Бухоро, Хоразм ва Эрон давлатлари билан чегарадош. Унинг шимолдан жанубгача майдони 3000 километрни, ғарбдан шарқгача майдони 2500 километрни ташкил этади. У олти вилоятни ўз ичига олади. Туркистон аҳолиси 1.200.000 кишидан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми туркийлар ҳисобланади. Туркийларнинг 90% га яқини туркман, ўзбек, черкас ва бидин миллатларига мансуб. Туркистонликлар ислом динига эътиқод қилади. Аҳолининг аксар қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Рус қўшинлари Туркистонга ўтган асрнинг 60-йилларида юриш қилди. Ўша вақтдан буён минтақа Россия таркибида бўлди. Туркистоннинг деҳқонлари дастлаб ўз эҳтиёжлари доирасида пахта етиштирар эдилар. Россияда тўқимачилик саноатининг ривожланиши катта миқдордаги пахта хомашёсига эҳтиёжни юзага келтирди. Россия Туркистонни эгаллаганидан кейин уни пахта экилувчи ва пахта маҳсулотларига дастлабки ишлов берувчи минтақага айлантирди.

Ўша вақтда мусулмон деҳқонлари ачинарли ҳолатда эди. Чунки улар иш қуроллари, ҳайвонлар ва уруққа эҳтиёжи сабабли порахўр амалдорлар таъсири остида қолди. Улар пулни икки баробар кўпайтириб қайтариш шарти билан қарзга берар эди. Деҳ-





қонга пулни қайтариш оғирлик қилганда сармоядорлар унинг ерини ва уй ҳайвонларини тортиб олишдан ҳам тап тортмас эди. Натижада ер порахўрлар ва рус капиталистларига ўтиб кетар эди. Бу ҳолат кўпчилик деҳқонларнинг қийин вазиятга тушиб қолишига сабаб бўлди. Бунинг устига, Россиянинг Туркистон ўлкаси ички ишларига аралашуви вазиятни янада чигаллаштирди. Мусулмонлар ўлкадаги бошқарув ишларида иштирок этишдан ҳам маҳрум бўлдилар. Бошқарув бир ҳовуч рус амалдорлари қўлида бўлиб, улар мусулмонларни камситар ва ҳайвон каби ишлатар эдилар. Исломи дини ҳам таъқиб остида бўлди. Шунингдек, аҳолининг аксар қисми рус тилида гапирмаса-да, рус тили ўлканинг расмий тилига айланди. Туркистонда бир неча сонда маҳаллий мактаблар бўлиб, уларга тегишли мулклар давлат тасарруфига ўтказилиши натижасида рус амалдорлари мактаблар назоратини ҳам қўлга олди. Мусулмонлар мактаблар ва масжидларда Россия подшоши сиёсатини тарғиб этишга мажбур қилинди. Баъзи ўринларда масиҳий-православ динини қабул қилишга мажбур қилинди.

Аҳолининг амалдаги бошқарувдан норозилиги ортган сари русларнинг душманлиги ҳам зиёда бўлар эди. Улар баъзан айрим қишлоқларни бутунлай ёқиб юборар эди.

Бу қаттиққўл бошқарув етказган азиятдан ҳеч ким четда қолмади. Фақатгина мустамлакачи русларнинг хизматчиси бўлган порахўр амалдорлар ва бекларгина бундан мустасно эди. Биринчи жаҳон уруши даврида аҳолининг турмуши янада оғирлашди. Чунки аҳолининг мажбурий меҳнатга жалб қилиниши ва ҳукумат тарафидан от-уловларнинг олиб қўйилиши кўпчиликнинг аҳволини оғирлаштирди. Туркистонликлар бу кўпол муомаладан норози бўлдилар. Шундай вазиятда Россия мусулмонларнинг рус аскарлари билан туркларга қарши урушда қатнашишларини талаб қилди. Шундан кейин Туркистон аҳолиси 1916 йилда қўзғолон кўтарди.

1917 йил октябрда рус инқилоби ғалаба қозонгач, Туркистондаги ҳолат ўзгарди. Уларнинг барча халқларни ўз ҳаққига эга эканлигини эътироф этиши Россия мустамлакаси остидаги мусулмонларнинг мустақил ҳукуматларини ташкил этишларига тўртки бўлди. Улар Совет Иттифоқи доирасида қўйидаги мусулмон республикаларни туздилар: Татаристон Республикаси, Бахир (Бухоро), Черкас, Колю, Туркистон, Қрим, Озарбайжон, Доғистон ва бошқалар.

Ўтган етти йил давомида Туркистоннинг бошқарув ишларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ишлаб чиқариш соҳасида рус мустамлакачилиги даврида эришилмаган улкан имкониятга эга бўлди. Мамлакат ўзининг [рус мустамлакасидан] аввалги ҳолатига қайтди. Биринчи жаҳон уруши даврида зарар кўрган соҳалар қайта тикланди.

Туркистонда, айтганимиздек, бир нечта мактаб бўлар эди. Улардаги ўқувчилар сони 1700 тани ташкил этган. Янги совет ҳукумати даврида бу сон 100 мингдан ошиб кетди. Диний таълим берувчи мактабларда эса 90 минг киши таълим олмоқда. Ўтмишдаги [инқилобдан олдин] охириги мактаблар [жадид мактаблари] жуда камёб бўлиб, уларга давлат тарафидан эътибор қаратилмас эди. Шунинг учун улардаги ўқувчилар сони ҳам аниқ айтилмаган. Лекин бугунги кунда улардаги мусулмон аҳоли ўқувчиларини ҳисобга олиш ҳукумат миқёсида ташкил этилди. Аҳоли ўртасида таълимни ривожлантириш учун етарли пул маблағлари ажратилиб, керакли ишлар амалга оширилди. Ҳозирда минглаб туркистонлик талабалар хорижда таълим олмоқдалар. Уларнинг аксари Россия ва Германияга тўғри келади.

Туркистондаги ҳар бир вилоят ўз тилидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тошкентда туркман, ўзбек ва черкас тилларда газеталар нашр этилади. Оммани саводли қилиш ва уларга таълим берувчи мактаблар ҳам ташкил этилди. Ҳозирда ислом шариати тўла эркинлик билан ўрганилмоқда. Россия империяси даврида бу нарса тақиқланган эди. Шунингдек,



бошқа динлар ҳам чегараланмаган ҳолда эркин бўлди.

Ўтмишда подшо ҳукумати турли миллатлар ўртасида нафрат уйғотиш ва улардан бирини бошқасидан устун қилиш орқали Туркистондаги исломий муҳитни йўқ қилишга ҳаракат қилди. Лекин бугунги кунда у каби ажратиш сиёсати тўхтатилди. Қалблар биродарлик ва тенглик ғоялари билан бирлашди. Бу жараёни Туркистоннинг ҳозирги кундаги ҳукумати раиси Айтаков туркман миллатига, унинг ўринбосарларидан бири Раҳмонов ўзбек миллатига, раиснинг иккинчи ўринбосари Хўжанов қирғиз миллатига, Вазирлар Кенгаши раиси Исломов ўзбек миллатига мансублиги мисолида кўриш мумкин. Аҳолининг иқтисодий ҳолати ҳам яхшиланди. Туркистондаги энг муҳим масалалардан бири бўлган ер масаласи инқилобдан сўнг ўзининг ижобий ечимини топди. Экин экишни хоҳлаган ҳар бир кишига ер берилди. Бу ишлар ислом шариатига мувофиқ равишда бошланди. Туркистон жумҳурияти томонидан деҳқонларга ёрдам бериш учун «Ҳукумат ер кредити банки» ташкил этилди ва у деҳқонларни от-улов ва уруққа бўлган эҳтиёжларини қондиришда қўллаб-қувватлади. Улардан пул олиш шартлари осон бўлиши билан бирга жуда оз миқдордаги фоиз эвазига берилар эди. Ҳукумат сув иншоотларини тузатиш ва уларнинг харажатлари билан боғлиқ ишларнинг барчасини ўз зиммасига олди. Бу тизим деҳқонларни иқтисодий етишмовчилик ҳолатига тушиб қолиш хавфидан хотиржам қилди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган натижалар Туркистон жумҳуриятининг 1924 йил учун ишлаб чиқилган режасига тўла мос келади. Туркистоннинг иқтисодий кўрсаткичи урушдан олдинги ҳолатга нисбатан 50 – 60% га ошди. 1923 йилда 35% дан ошмаган эди. [Инқилобдан кейинги] икки ёки уч йил давомида Туркистоннинг ишлаб чиқариш соҳасини урушдан олдинги ҳолатга қайтаришга ҳаракат қилинар эди. Ҳозирда саноатнинг баъзи тармоқларида

[урушдан олдинги] ҳолатдан ўтиб кетилди. Бу тезкор ривожланишни иқтисодиётнинг турли соҳаларида кўриш мумкин. Масалан, пахта етиштириш бир йилда (1922 – 1923) уч бараварга ошди. Ҳисоб-китоблар 1923 йилдан 1924 йилгача бу кўрсаткич 100% га ошганини кўрсатади.

Иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши Туркистонда савдони ўзига хос тарзда ривожлантирди. Савдо кўрсаткичи 1922 – 1923 йилларда 1,5 бараварга ошди. 1923 йилда савдо айланмаси 140 млн. олтин рублга тенг бўлди. 1922 йилда у 59 млн. эди».

Инъом ибн Хидирали саволга жавоб бергач, ундан Бухоро ва Хивадаги ҳолат ҳақида сўрадим.

У қуйидаги маълумотларни баён қилди: «Рус қўшинлари Бухоро ва Хивада ҳам XIX асрнинг сўнгги чорагида бошқарувни қўлга олди. (1917 йилги) рус инқилоби уларнинг мустақиллигини эълон қилди. У давлатларда [Россия империяси даврида] деҳқонлар кўрган машаққатлар Туркистондаги ҳолатдан оғирроқ эди. Хусусан, Бухоро деҳқонлари рус мустамлакачиларининг порахўрлиги билан бир қаторда Бухоро амирининг зулмидан ҳам азоб чекар эди.

Амир ўзининг шахсий ва сиёсий ҳаётида ислом шариатига зид бўлган ишларни амалга оширди. У мусулмонлар алоҳида эҳтиром қиладиган шариат нормаларини қўпол равишда бузди. Бу эса аҳолининг норозиликка сабаб бўлди. Туркистонда совет ҳукумати иш бошлагач, бухороликлар ҳам уларга тақлид қилдилар. Амир ҳокимияти ағдарилди ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилди. Худди шу каби сиёсий ҳодиса Хивада ҳам рўй берди».

Мен Инъом ибн Хидиралидан Бухоро амири ҳозир қаердалигини сўрадим. У шундай деб жавоб берди:

«Бухоро амири 1920 йили Бухоронинг шарқий қисмида ўз ҳокимиятини тиклашга ҳаракат қилди. Бу вақтда унинг атрофида бир неча сондаги деҳқонлар жамоаси уни қўллаб-қувватлаётган эди. Шундан сўнг фуқаролар



уруши бошланди. Миллий қўшин амир қўшинига сабот билан қаршилик кўрсатди ва уни енгди. Амир Афғонистонга қочиб кетди. У ҳозир ҳам ўша ерда яшайди. Амирнинг қўшини маҳаллий аҳолининг ўрта табақа вакиллари билан тузилган бўлиб, улар совет ҳукумати томонидан жорий қилинган ўзгаришларни рад қилар эди. Ушбу тоифа янги ўрнатилган низомга қаршилик кўрсатиб, фитна оловини янада аланга олдирди. Улар халқ орасида кенг доирада тарғибот ишларини олиб бордилар. Баъзи бир кишилар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилган бу ғаламисларга ишонди. Лекин Бухородаги камбағаллар манфаатини совет ҳукуматидан бошқа бирор сиёсий тизим кафолатлай олмайди.

Бу босмачилик ҳаракати бугунги кунда Бухоро халқ ҳукуматини заифлаштирди. Унда ҳозирда бир неча юз аскар қолган ва улар ҳам қуроолларини топшириб, уруш қилишдан бош тортмоқда».

(Мухбир) Бухородаги босмачилик ҳаракатида Анвар пошо қандай ўринга эга бўлди?

(Иномжон Хидиралиев): «Анвар пошо Туркистондаги ва Бухородаги аҳоли ўрасида машҳур бир шахсга айланди. Бу машҳурлик, айниқса, 1908 йилги ёш турклар ҳаракати инқилобидан кейин янада кенг тус олган эди. Шунинг учун аҳоли уни 1921 йили Бухорога келган вақтда катта орзулар билан кутиб олди. У туркий халқлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси сифатида машҳур бўлган эди. Бухороликлар у ҳокимиятини тиклаш учун ҳаракат қилаётган амирга қарши курашиб, зулм ва истибдодга чек қўяди, деб ўйлаган эди. Лекин Анвар пошо амирга қарши курашиш ўрнига турли номақбул ишлари билан Бухоро халқининг қалбига қўрқув солган босмачилар ҳаракатига қўшилиб кетди. Шундан сўнг Анвар пошонинг исми Бухородаги ҳар бир мусулмоннинг оғзида босмачилар саркардаларидан бири сифатида танилди.

Унинг исми ўзидан аввал ўлди. Анвар пошо 1922 йили босмачиларнинг юришларидан бирида вафот этди. Унга бухороликлар-

дан ҳеч ким эътибор ҳам қаратмади. Улар Анвар пошо исмини эҳтиром қилмай қўйган эдилар. Лекин бухороликлар совет ҳукумати тузилишидан олдин Туркистон ва Бухорога келган турк муаллимларини ҳурмат қилар эди. Чунки улар мусулмон болаларига таълим бериш тизимини шакллантиришда ўзига хос ўринга эга бўлди. Бу таълим тизими ислом халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари сақланиб қолишида муҳим аҳамият касб этди».

(Мухбир): «Халифалик масаласида Туркистон қандай сиёсий позицияга эга? «Совет ҳукумати таъсири остидаги мусулмонлар диний тутқунликдан юз ўгирмоқдалар» қабилидаги гаплар қай даражада тўғрилиги ҳақида айта оласизми?»

(Иномжон Хидиралиев): «Албатта, бугунги кунда халифалик масаласи катта бир сиёсий ўринга эга. Шу масала доирасида турли ихтилофлар тўқнашган. Дастлаб фақат диний аҳамиятга эга бўлган халифалик масаласи бугунги кунда халқаро даражада аҳамиятга молик. Баъзи бир Европа давлатлари сиёсий манфаатларига хизмат қилиши учун халифалик масаласини масхара қилишга ҳам уринди. Ваҳоланки, у давлатларда ҳам мусулмонлар яшайди. Бу ўринда ислом олами дуч келиши мумкин бўлган катта хатар яширинган. Бу хатардан шарқдан ғарбгача бўлган мусулмонлар бирлашсагина қутулиши мумкин. Улар бошқаларнинг мусулмонлар ўртасига душманлик уруғини сочишига йўл қўймасликлари керак.

Албатта, халифалик моҳият ва сифат жиҳатидан қаралганда даври ўтган бошқарув шаклига айланди. Сўнгги халифалар фақат рамзий заиф бошқарувга эга бўлиб, улар ислом оламини бирлаштира олмади. У бу ишга ҳаракат қилган бўлса-да, турли ислом халқлари ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар халифа ҳокимиятини заифлаштирди. Натижада у хорижий давлатларнинг таъсир доирасига тушиб қолди.

Албатта, автократик бошқарув тизими соф ислом таълимотига зид бўлиб, у иқтисодий ва



сиёсий масалаларда ислом халқлари норозилигига сабаб бўлади. Фақат халқ ҳукуматларигина исломга ҳақиқий ривожланиш, тараққиёт ва қувватни тақдим қила олади.

Биз ҳозирги кунда миллий исломий давлат тузишимиз ва халқ ҳукуматини ташкил этишимиз лозим. Фақат шу билан хорижий давлатлар қўлида қўғирчоқ бўлмаган исломий давлатни қура оламиз. Менинг фикримча, Туркиядаги Анқара миллий кенгаши турк халқи учун етарли (кифоя қилувчи) ҳукумат бўла олади.

Лекин ислом халқлари ўртасида узилган алоқаларни боғлаш лозим. Уларнинг бири бошқасига ёрдам бериши керак. Ислом давлатлари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришгунича бирлашиши зарурий омиллардан биридир».

(Мухбир) Шундан сўнг собиқ Туркистон Республикаси раҳбари совет ҳукуматининг исломга нисбатан юритаётган сиёсатини ҳимоя қилишга ўтди ва ислом давлатларида коммунистларнинг алоҳида ўринга эга эканини таъкидлади.

Сўнг қуйидаги мазмундаги жумла билан сўзини якунлади: «Мен Туркистон Совет Республикасидаги мусулмонларнинг орзуларини Миср халқига ишончли тарзда етказишингизга умид қиламан».

*Инъом ибн Хизр:*

*Туркистоннинг Московдаги мухтор вакили, Туркистоннинг собиқ раҳбари.*

*«Води ан-Нил» 1924 йил 16 май, жума кунги сонидан олинган.*

*«Води ан-Нил» – кунлик сиёсий-адабий газета.*





# ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИ ВА ИЖОДИДА МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ МАСАЛАСИ

Машҳура Дармонова,

ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Совет ҳокимияти даврида жадидчиликка миллат тарихидаги ўзига хос миллий тикланиш, ўзликни англаш ҳаракати деб эмас, балки тор миллатчилик руҳидаги сиёсий оқим сифатида қаралган. Бугунги кундаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, жадидчилик ҳаракати, аввало, сиёсий оқим сифатида вужудга келган. Шу мақсадда жадидларнинг фаолияти Туркистоннинг барча ҳудудларида намоён бўла бошлаган<sup>1</sup>. Давр луғатларида жадидчилик атамаси «Миллий буржуазиянинг тор манфаатларига бўйсундирилган сиёсий оқим» дея талқин этилган.

Аслида, жадидчилик кенг маънода халқнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётидаги қарамликка, миллий қоқоқликка, тенгсизликка, адолат бузилишига қарши кураш ва истиқлолга йўл-йўриқ излашнинг ғоявий амалиёти эди. Жадидчиликнинг ўзига хос муҳим бир жиҳати – у миллий тараққиётни янги дунё ва янги аср билан ҳамнафас бўлган ҳолда ривожлантириш зарурлигини теран идрок этди.

Шунингдек, «... халқни ўқумоқ, илм олмаққа чақириб, бу орқада ўзларидан ойрупланчи, тўп-милтиқчи, поез(д) ва трамвайчиларни туғдурмоққа катта тижоратхона, биржа ва банк(к)лар ташкил қилмоққа саъй (ҳаракат) қилдилар».<sup>2</sup>

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади».<sup>3</sup>

Жадидчилик халқнинг ижтимоий онги ва ҳаётига ўздаврида жуда кучли таъсир кўрсатган маърифий шаклдаги миллий озодлик ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат яхлит ҳолда миллий истиқлол ғояси ва мафкураси заруратини ўзида ифодалаб турган. Аммо мазкур ҳаракат, биринчидан, мустамлакачилик мафкураси кенг қулоч ёйган, миллат парокандаликка учраб бўлиниб қолган даврда дунёга келгани учун уюшган ягона сиёсий платформага эга бўла олмаган.

<sup>1</sup> Мухаммаджанова Л. Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908 – 1920 гг). Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 1999; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. – Тошкент, 2000; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917 – 1935 йиллар). – Тошкент, 2000; Алимова Д. Феномен джадидизма. – Ташкент, 2009; Жамолова Д. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари фал. док. (PhD) ... дис. автореф. – Тошкент, 2019; Ашурова Х. Самарқанд жадидларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (XX асрнинг биринчи чорағи). Фалсафа фанлари фал. док. (PhD) ... дис. автореф. – Самарқанд, 2020.

<sup>2</sup> Жадидчилик даврига бир қараш // Туркистон. 1923 йил 29 август. 165-сон. – Б.2.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси.



Иккинчидан, у бирданига етук ҳолда вужудга келолмаган, шаклланиш ва муайян ривожланиш босқичларини босиб ўтган.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, жадидлар истиқлолга эришиш борасида бир-биридан фарқ қилувчи уч йўлдан борганлар:

«1. Русияга тобеликдан зўрлик йўли билан қутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йил воқеалари, истиқлолчилик кураши).

2. Мураса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масалаларида ҳақ-ҳуқуқ олиш, миллий хусусиятларни тиклаш (Исмоилбек Ғаспирли, Маҳмудхўжа Бехбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса шўро ҳукумати билан бирга уларнинг дастурларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунавварқори, Авлоний)».<sup>1</sup>

Аммо жадидлар танлаган йўналишлардаги тафовут уларнинг бир-бирига қарама-қарши ёки зид мақсад тарафдори бўлганини аниқламайди. Бу тафовут нисбий характерга эга бўлиб, уларни бирлаштирадиган ягона мақсад мавжудлигини унутмаслик зарур. Бу тафовутнинг сабаби мамлакатдаги танг ҳолат, зўравонлик мафкурасининг мунофиқлиги билан боғлиқдир. Ягона мақсад эса миллий озодликка, миллий тараққиётга эришишдан иборат бўлган.

Мамлакатни қолоқликдан, турғунликдан олиб чиқиш мақсадида ишни мактаб ва таълим ислохотидан бошлаган жадидлар бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлган қатор йирик муаммоларга дуч келганлар. Бу жараёнда жадидчилик ҳаракатининг ўзи ҳам, унга бўлган муносабат ҳам ўзига хос такомиллашув босқичидан ўтган. У тор маърифий ҳаракатдан кенг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий ҳаракатга айланган.

XX асрнинг биринчи чораги жадидчилик мафкураси ва ҳаракатининг ёйилиши ва ўз даврининг энг пешқадам ҳодисаси сифа-

тида баҳоланган даврдир. Айниининг 1926 йили нашр этилган «Бухоро инқилоби тарихига оид материаллар» асарида жадидчилик замоннинг пешқадам ҳодисаси сифатида баҳоланган. Лекин совет ҳокимияти мустақамланиб бориши жараёнида жадидчиликка расмий муносабат очиқчасига салбий томонга ўзгара борган. Сталинчилик ғалаба қилган, мамлакатда душман излаш авжига чиққан даврда партия фаолияти ҳақидаги ҳар қандай танқидий гап унга ҳужум сифатида қабул қилинган. Абдурауф Фитрат, Ота Хўжаевнинг ишдан олиниб, Бухородан бадарға қилиниши, Мунавварқорининг ўз оиласи билан расман алоқасини узиб, Москвага жўнаб кетиши, Абдулла Қодирийнинг партия ва давлат арбобларини обрўсизлантиришда айбланиб қамоққа олиниши, «Иноғомовчилик»<sup>2</sup>, «Қосимовчилик»<sup>3</sup>, «Темур»<sup>4</sup>, «Бадриддинов гуруҳи», «Ғайратчилар»<sup>5</sup> номлари билан маҳаллий зиёлиларни йўқотишга қаратилган суд жараёнлари, «Мунавварқори ва унинг тўдаси» қамоққа олиниши (1929), ОГПУнинг қарори билан 565 кишининг судга тортилиши, 18 кишининг отиб ўлдиришга ҳукм қилиниши<sup>6</sup>, «ватан хоини», «халқ душмани» тамгалари остида амалга оширилган оммавий қатағонлар жадидчилик мафкураси намояндаларини йўқ қилишга қаратилган.

XX аср бошларида шаклланиб, социалистик диктатура тўлиқ ўрнатилишига қадар ҳам ўз мавқеини сақлаб қола олган жадидчилик ҳаракати тазйиқнинг турли кўринишларига дучор қилинишига қарамай, миллий озодлик заруратини ўз мафкурасида акс эттирган кенг

<sup>2</sup> Иноғомхўжаевнинг иши // Иштирокиюн. 1918 йил 13 декабрь.

<sup>3</sup> Қосимовчилар устидан суд бошланди // Қизил Ўзбекистон. 1930 йил 26 март. №68 (1564); Қосимовчилик суди якунларининг ўзбек матбуотида ёритилиши тўғрисида ВКП(б) Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 3 сентябрда чиқарган қарори // Қизил Ўзбекистон. 1930 йил 17 сентябрь.

<sup>4</sup> «Темур» гуруҳи миллий зиёлилар томонидан ташкил этилган бўлиб, 1925 – 1929 йилларда Қўқон шаҳрида фаолият олиб борган. 1929 йил ноябрь ойидан ушбу гуруҳнинг давомчиси сифатида «Ботиргапчилар» ташкилоти тузилган. Қаранг: Қатағон қурбонлари хотира китоби: Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар). I қисм (Матн) / Р.Т.Шамсутдинов ва бошқ. – Тошкент, 2021. – Б.145.

<sup>5</sup> Қатағон қурбонлари хотира китоби: Андижон вилояти (1865 – 1991 йиллар). I қисм (Матн) / Р.Т.Шамсутдинов ва бошқ. – Тошкент, 2021. – Б.143 – 148.

<sup>6</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент, 2002. – Б.12.

<sup>1</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент, 2002. – Б.8.



миқёсдаги ижтимоий (маърифий, мафкуравий, сиёсий, ҳуқуқий ва ҳоказо) ҳаракат эди.

Жадидларнинг миллий озодлик мафкураси октябрь тўнтариши арафаси ва ундан кейинги илк йилларда амалий самара бера бошлаганини алоҳида таъкидлаш керак. Улар сиёсий ишлар, ҳақ-ҳуқуқ, миллий давлат, ҳокимият масалалари, солиқларни камайтириш, деҳқонларнинг аҳволини яхшилаш, амалдорларнинг ўзбошимчалигини чеклаш каби иқтисодий-сиёсий талаблар билан мунтазам шуғулланганлар. Мактаб, маориф ислоҳ қилинган. Миллий матбуот йўлга қўйилган. Миллий театр, жадидлар адабиёти майдонга келган. Қисқа вақтга бўлсада, Туркистон мухторияти ўрнатилганки, буларнинг барчаси мужассам ҳолида жадидлар мафкурасининг маҳсули эди.

Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори каби кўплаб зиёлилар социалистик таълимотнинг ва Ленин партиясининг ғояларини қабул қилмаганлар. Улар социалистик мафкуранинг зўравонликка ва қарамликка асосланганини халққа етказишдан бир қадам ҳам чекинмаганлар: «Мустамлоқот Қоидаси ила бизни идора этурлар».<sup>1</sup>

«Туркистон мухторияти» мустамлакадан мустақиллик томон қўйилган жиддий ва жасоратли қадам эди. Беҳбудийнинг қуйидаги даъватида эса Туркистон мухториятининг миллат ва ватан тақдири учун қанчалик муҳимлиги ўз ифодасини топган: «... билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунин, мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзлари бирлашиб, ғайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлик қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар. Бул албатта шундайдир ва

бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур...»<sup>2</sup> Умуман, Туркистон мухторияти миллий озодлик ва ватан мустақиллиги эътиқодига айланган жадидлар мафкураси намояндаларининг яқдил ғояси бўлган.

Шу ўринда истиқлол учун курашни мураккаблаштирган маҳаллий мутаассиблар ва тожтахт ворисларининг биқик даъволари ортидаги воқеа-ҳодисаларга ҳам тўхталиш жоиз. 1917 йилда тарих туркистонликларга мустақилликни кўлга олиш ва муносиб идора усулини ўрнатишдек ноёб имкониятни берганда бир гуруҳ кишилар хонликни тиклаш, Худоёрхоннинг ўғли Муҳаммад Аминбекни хон кўтариш фикрида бўлсалар, иккинчи бир гуруҳ ривожланган мамлакатлардан ўрганиш, андаза олиш йўллариини излайдилар. Адабиётларда Мунавварқорининг 1917 йил воқеаларидан анча илгари Абдусамиқори Зиёбоев ва Абдукаримбой Икромовлар билан биргаликда Финляндияга бориб, идора усулини ўрганиб келгани қайд этилган.<sup>3</sup>

Мутаассиблар ва тожу тахт даъвогарлари жадидларнинг истиқлол йўлидаги ҳаракатларига тўсиқ бўла олмаса-да, узоқ йиллар давомида тараққийпарвар зиёлилар ҳаракатининг чалкаш тарғиб қилинишида атайин олинган далил вазифасини ўтаган. Аслида эса мутаассиблик ва тахт ворислари хатти-ҳаракатларидаги тафовут жадидлар билан тўқнашув даврларининг ўзидаёқ яққол намоён бўлди. Жадидларнинг ижтимоий ҳаракатига миллат тараққиёти, миллий истиқлол нуқтаи назардан ёндашишнинг ўзи уларнинг мақсадларини очиб беради. Иккинчи яна бир муҳим жиҳат эса жадид ғояларининг ҳаёт талабларига мос бўлганида, такомиллашувида, маҳаллий аҳолининг сиёсий ва маънавий етуклигини, салоҳиятини ҳисобга олганида кўринади. Шу сабабдан жадидлар ўз ҳаракатини дастлаб маърифат ва маорифдан бошлаган эдилар. Зеро, таълим ислоҳоти миллат истиқлоли учун бошланғич йўл ва восита эди.

Жадидчилик ҳаракатининг марказида миллий уйғониш масаласи тургани шубҳасиз.

<sup>1</sup> Беҳбудийнинг 1917 йил 16 – 23 апрелда «Туркистон мусулмонлар улқаси курултойи»да сўзлаган нутқидан // Миллий уйғониш. – Тошкент, 2002.

<sup>2</sup> Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Тошкент, 2006. – Б.205.

<sup>3</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент, 2002. – Б.24.



Аммо миллий уйғониш, ўзликни англашга эришиш учун маорифни тубдан ислоҳ этиш зарур эди. Жадидчиликнинг пойдевори, тамал тошини янги усулдаги мактаблар билан боғлашда биз эътиборни тортмоқчи бўлган масаланинг асл моҳияти мужассамлашган. Жумладан, «усули жадид» дарсликлари муаллифлари қайта-қайта таъкидлаганларидек, «Туркистон шеvasида», «энг осон усул ила», «очиқ тил ва осон таркиб ила» ёзилган бу дарсликлар, хусусан, алифбодан сўнг ўқитиладиган мажмуалар «болаларнинг табиатларига миллий ҳасрат ва надоматлардан иборат алан насихатларни ўрнашурмак орзусинда»<sup>1</sup> яратилган. Кўриниб турибдики, бу мактаблар болаларни шунчаки хат танишга ўргатишгина эмас, балки ижтимоий-сиёсий дунёқарашини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Янги усулдаги мактабларнинг мустамлака ҳукумати томонидан жиддий тазйиққа дуч келишининг асл сабаби ҳам шундадир.

Жадидчилик ҳаракатини қайси бир йўналишда кузатмайлик, асосий мақсад миллий ўзликни англаш, миллий уйғонишга бориб тақалади. Шунингдек, бу йўл-йўриқлар бугунги мустақилликнинг маънавий асосларидан биридир. Хусусан, жадидлар ёшларни Ғарб ва Шарқнинг тараққий қилган мамлакатларига ўқишга юборишга алоҳида аҳамият берган. XX аср бошларидан амалга оширила бошланган ёшларни хорижда ўқитиш ишлари 1917 йил воқеаларидан кейин ҳам тўхтаб қолмаган. Бундан кўзланган мақсад жаҳон тараққиёт йўлини белгилаб турган Европа илм-фан ютуқларини ўзлаштириш, маҳаллий мутахассисларнинг жаҳон талабларига монанд таълим олишларини таъминлаш, «Туркистонни дунёга қўшиш» бўлган.

Туркистонда Россия империяси ва совет ҳукумати маҳаллий ёшларнинг олий таълимига имкон бермас экан, тараққийпарвар жадидлар бу заруратни умуммиллат масаласи даражасига кўтарганлар. Шу боис ҳам бу масала илк матбуот минбари «Таржимон»дан «Ойна»гача,

«Иттифоқи Муслимин»дан «Турон»гача акс этган ва такомиллашиб борган. 1923 йилги маълумотга кўра, «Русия мактабларида туркистонликлардан 500, Германияда 100 га яқин, Бокуда 35, Туркияда 50 нафарга яқин ёшлар таълим олар эди».<sup>2</sup>

XX аср 20-йилларининг иккинчи ярмида совет ҳокимияти томонидан жадидларнинг хорижда миллий мутахассислар тайёрлаш дастури барбод қилинган. Дастур тазйиққа учраши билан миллий мутахассисларга бўлган эҳтиёжни сўндириб бўлмаган.

Алоҳида эътироф этиш керакки, жадидлар миллатни қолоқликдан уйғотиш ва уни мустақилликка тайёрлаш эҳтиёжини чуқур англаганлар. Бунда тарих сабоқларига таянишга алоҳида аҳамият берилган. Ўзлигини унутаёзган миллатга тарих шуурини синдиришга ва шу орқали янги руҳ бахш этишга уринганлар. Исмоил Ғаспратининг «Муколамаи салотин», Фитратнинг «Темур сағанаси» асарларидаги бош мақсад, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитратнинг кўплаб илмий ва публицистик мақолалари мулоҳазаларимизни асослайди.

«Муколамаи салотин» («Султонлар суҳбати»)да мамлакат ва миллат тақдири билан боғлиқ воқеа ва муаммолар Амир Темур муҳокамасидан ўтади.

Миллатни уйғотишда тарих сабоқларига таяниш ғояси Фитратнинг «Темур сағанаси» асарида янада ёрқин ифодаланган. Шу ўринда бир савол пайдо бўлиши табиий. Нега Фитрат Темур хотирасига мурожаат қилди? Халқ ва миллатни ягона мақсад, ғоя теварагида бирлаштириш, миллий мустақиллик масаласи Темурнинг бош мақсади ва бош ғояси бўлгани учун, албатта. Нега бўлинган Туркистоннинг узоқни ўйламайдиган хон ва беклари қалбида ҳамда тафаккурида бундай улўғвор мақсад йўқ? Нега улар бўлинганлари сари миллат қудрати йўқолиб бораётганини ҳис этмайдилар, англамайдилар? «Темур сағанаси»да

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 1998. – Б.9 – 12.

<sup>2</sup> Батафсил қаранг: Йўлдашев А. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида ёшларнинг хорижга ўқишга юборилиши тарихидан // Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 2. Институт истории АН РУз. Д.А. Алимova. – Ташкент, 2019. – С.259 – 268.





Фитратнинг авлодларга айтмоқчи даъвати шундан иборат эди, деб ўйлаш мумкин.

Амирлик тузуми ўз умрини яшаб бўлганини, мустақиллик ғоялари, қолоқликдан чиқиш йўли сифатида халқни маърифатга ундаш Фитратнинг «Мунозара» (1909), «Сайҳа» (1911), «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» (1912) сингари насрий асарлари ва шеърий тўпламларида, «Чин севги» (1920), «Ҳинд ихтилолчилари» (1923), «Абулфайзхон» (1924) драмаларида асосий мақсаддир. Бу асарлар истиқлолгача бўлган даврнинг ижтимоий эҳтиёжлари тўла ва ҳаққоний ёритилгани билан ажралиб туради.

Россия империяси давридаёқ мустабид ҳукуматнинг мусулмонлар маорифи ва диний эътиқод борасидаги расмий нуқтаи назари, амалдаги сиёсати кескин тус олган бир даврда жадиждар миллий тарбия, ватанпарварлик, истиқлол ғояларининг авлодлар тафаккурига она тилида сингдирилишига алоҳида эътибор қаратганлар. Уларнинг бу каби саъй-ҳаракатлари қанчалик оғир тазйиқларга маҳкум этилишига қарамай, жасорат ва фидойилик билан давом эттирилгани бугунги ёшларда миллий фидойилик тушунчасининг теран маъно касб этишида маънавий ибратдир. Шу ўринда Мунавварқори, Авлоний, Бехбудий, Ажзий, Сўфизода, Қодирий, Чўлпон, Саидрасул Азийларнинг хизматларини алоҳида тилга олиш жоиз.

Жадиждар матбуоти қардош, тилдош, миллатдош Туркистон аҳли учун миллий жипслик, миллий мустақилликнинг қанчалик муҳим ва зарурлигини англаб етишда мактаб вазифасини бажарган. Мустамлакачилик ва турғунликни бошидан кечираётган Туркистон аҳлининг мазкур тузумга қарши кураш ғояси атрофида бирлашиб, зарур қудратга эга бўлиши жадиждар матбуоти кўзда тутган асосий мақсад бўлган. «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Самарқанд», «Тараққий», «Хуршид», «Хуррият», «Эл байроғи», «Ойна» каби илк газета ва журналлар саҳифаларида миллий уйғониш ғоялари тарғиб қилинган. Германиялик профессор И.Балдауф «Ойна» журналинини: «Чор Русияси (ҳамда Усмонли Туркия, Эрон)даги мусулмон турк маърифатпарварла-

рининг анъанавий дастуриламали эди»<sup>1</sup>, – дея баҳолаган.

Жадиждар илгари сурган ғояларда мамлакатнинг сиёсий, маданий мустақиллиги билан бир қаторда унинг иқтисодий мустақиллиги ҳам теран ифодаланган. Жадиждар мамлакат иқтисодий мустақиллиги унинг сиёсий мустақиллигини тақозо этишини асослаб берганлар.<sup>2</sup>

Жадиждар миллий ғоя, миллий мафкура масаласини истиқлолга эришиш учун йўл очувчи ғоялар сифатида ўзларининг бир қатор мақола ва илмий, бадий асарларида батафсил ёритганлар. Жумладан, Бехбудий «Эҳтиёжи миллат» мақоласида: «Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур»<sup>3</sup>, – дея таъкидлаган.

Буюк маърифатпарвар А.Авлоний: «Тарбия ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», – деб таъкидлар экан, Ватан ва миллатнинг ҳаёт-мамотини, нажотини янги авлод тарбияси билан боғлаган. Ватан ва миллатни севиш ҳиссига эга бўлган кимки бўлса, барча-барчани мана шу улуг иш – тарбия ишига масъулият билан ёндашувга даъват этган.<sup>4</sup> Бу даъват бугунги авлод учун ҳам, қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси яшайдиган ҳар бир инсон учун ҳам қутлуғ чақириқдир.

Халқ ва миллатни уйғотишда адабиётнинг ўрни беқиёслигини кўплаб халқлар тарихида кузатиш мумкин. Жадиждар ҳаракати, унинг мақсад ва вазифаларини теран англашда жадиждар адабиёти ҳам халқ орасига чуқур кириб борган. Жадиждар адабиёти вакилларининг кўпчилиги тузумни янгилаш эҳ-

<sup>1</sup> Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент, 2001. – Б.28.

<sup>2</sup> Жулкунбой. Қимматчилик ҳасрати // Иштирокиюн. 1919 йил 5 август; Раҳмат З. Туркистонда иқтисод иши // Иштирокиюн. 1920 йил 10 март; Янги иқтисодий сиёсат ва ишчи фуқаро диктатураси // Қизил байроқ. 1921 йил 24 ноябрь; Қишлоқи. Туркистоннинг иқтисодий ҳоли // Туркистон. 1922 йил 13 сентябрь; Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 1998. – Б.62 – 63.

<sup>3</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Эҳтиёжи миллат. Танланган асарлар. – Тошкент, 2006. – Б.200.

<sup>4</sup> Абдулла Авлоний. Ватанни суймак. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент, 1998. – Б.55.



тиёжини англаб етган ижодкорлардир. Улар адолат ўрнига кўз ўнгида зўравонлик содир этилаётган халқни қирғинбаротларга, хун-резликларга ундамаганлар. Аксинча, оқилона ислохотлар асосида миллий фожиадан, миллий қолоқликдан чиқиш йўлини тутганлар. Умуман, жадиид шоир ва ёзувчилар ижодида давр воқеалари жуда ёрқин ҳамда ҳаққоний акс эттирилган. Улар миллат бошига тушган қолоқлик, зулм ва зўравонликда мустабид мафкура билан бир қаторда маҳаллий хон ва бекларнинг ҳам «катта улуши» борлигини аччиқ бир ҳақиқат сифатида тилга олганлар. Бу эса шунчаки кундалик маиший масала эмас эди.

Шу ўринда Бехбудийнинг «Падаркуш» драмасини мисол қилиб келтириш ўринлидир. Муаллиф асарни «Миллий биринчи фожа» деб атаган. Унда миллатнинг фожиаси сабаби саводсизлик, билимсизлик, нодонлик эканлигини кўрсатиб берган. Шу билан бирга, тарбиянинг аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор бериш жоиздир. Узоқни кўра билмаган бой ота фарзандига берган тарбияси ва саводига эътиборсизлиги маҳсули асарда кўрсатиб берилган. М.Бехбудий ушбу воқеликни миллат ҳаётидан олиб, бутун бир миллатга ибрат тариқасида сахна орқали халқ кўзи олдида гавдалантира олган. Миллат фожиаси, аянчли тақдирлар, унинг сабаблари, ҳатто ўша даврда айтилиши ёки асарда ифодаланиши мумкин бўлмаган мустамлакачиларнинг ўз мақсадига эришиш йўлидаги халқнинг соддалигидан фойдаланиб амалга оширган турли найранглари ҳам «Падаркуш» драмасида<sup>1</sup> аниқ воқеалар асосида ёритилган.

Жадиидлар давридаги кескин ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт воқеликлари улар қарашларининг ўзларидан илгаригиларидан фарқли бўлишини табиий равишда тақозо этган. Чунки жадиидлар даврида миллатнинг мавқеи, сиёсий аҳволи кескин ўзгарган. Миллий жипслик йўқотилиши натижасида миллат қудратининг ижтимоий-сиёсий негизи – мустақиллик бой берилган. Ўз замонида мамлакат

тинчилиги, халқ фаровонлиги мақсадларини ифодалаган баъзи бир масалалар жадиидлар даврида долзарблигини йўқотганини кузатиш мумкин. Зеро, бундай ишлар кутилган натижани бермаган.

Жадиидлар миллат мустақиллиги масаласини кун тартибига қўйганлар, умуммаърифатга даъват ва насиҳат билан чекланмаганлар. Бу ўринда «Ўткан кунлар» романидаги Юсуфбек ҳожи мулоҳазасини эслайлик: «Иттифоқи нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст, шухратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг теги-мизга сув қўядиган бўлсак, яқиндирки, чор истибдоди Туркистонимизни эгаллар».<sup>2</sup> Иттифоқсизлик масаласи ва унинг оқибатлари XX аср бошларида жадиид матбуоти ҳамда унинг намояндalари асарларида баён қилинган. Шунингдек, иттифоқнинг аҳамиятини ўзлари уюшиб тузган «Жамияти мидодия», «Тарбияи атфол», «Турон», «Чиғатой гурунги», «Нашри маориф» каби жамиятларнинг амалий фаолиятида кўрсатишга ҳаракат қилганлар.

Мустамлакачилик ва қарамликка қарши кескин норозилик, инсон ва ватан озодлигига, мустақилликка, миллий истиқлолга даъват Абдулҳамид Чўлпон ижодининг ҳам асосий масаласи бўлиб, унинг «Бузилган ўлкага», «Кишан», «Кўнгиш», «Бинафша», «Алданиш», «Халқ» каби шеърларида жадиидлар даври миллий уйғониш руҳи, мустамлакачилик мафкурасига қарши очиқ норозилиги яққол намоён бўлади. Чўлпоннинг «Кишан кийма, Бўйун эгма Ки, сен ҳам ҳур туғулғонсен!»<sup>3</sup> каби сатрлари миллат шоирининг барҳаёт даъвати бўлиб қолган. Чўлпон ва бошқа жадиид адабиёти вакиллари-нинг маънавий мероси таъсирида миллий зиёлларнинг ижодида ватан мустақиллиги орзуси куртаклай бошлаганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

XIX аср охири Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи илғор фикр намояндала-

<sup>1</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. 1-жилд (Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли). – Тошкент, 2018. – Б.95 – 106.

<sup>2</sup> Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Тошкент, 1980. – Б.283.

<sup>3</sup> Абдулҳамид Чўлпон. Гўзал Туркистон. – Тошкент, 1997. – Б.64.



ри бўлган жадидларни қониқтирмаган ҳамда миллий тараққиётнинг ҳақиқий ўзагини топишга ундаган. Жадидлар ватаннинг ватанга, миллатнинг ҳақиқий миллатга айланиши Туркистон келажаги учун зарур эканини англаган ҳолда аҳволни тубдан ўзгартирмоқ учун миллий фикр (миллий бирлик), миллий тил ва миллий маориф каби уч муҳим масалага эътиборни тортганлар.

Жадидлар томонидан бундан бир аср илгари миллий тараққиёт олдида турган асосий вазифалар сифатида олинган бу уч муҳим масала мамлакат ҳаётида устувор вазифалар сифатида ўз ечимини топгани билан янгича мазмун касб этади. Тил-имло масалалари бугун ҳам мунозара майдонида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Соф тилимизга кириб келадиган бегона сўзларнинг устуворлик касб этаётгани, оммавий маданиятнинг таъсири оғриқли нуқталарга айланган. Шу боис жадидчилик ҳаракати ва намояндалари фаолиятини ўрганишга бугунги кунда алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги фармойиши<sup>1</sup> натижасида Ватанамиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб, азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган маърифатпарвар аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, жадидчилик ҳаракатининг такомиллашуви ҳар жиҳатдан миллий мустақиллик ва миллий озодликнинг чуқур илдиз отиб бориши билан чамбарчас боғлиқ жараён бўлганлиги боис ушбу ҳаракатнинг ривожланиши давомида миллий истиқлолга эришиш ва миллий уйғониш масаласи асосий вазифага айланиб борган. Бошқача айтганда, жадидлар таълим ислоҳотини ҳам, тарих сабоқларидан хулоса чиқаришни ҳам, халқнинг маънавий-маданий савиясини юксалтириб, дунё илм-фани даражасига эришишни ҳам, иқтисодий, ижтимоий ва идоровий-бошқарув соҳасидаги ислоҳотларни ҳам миллий давлат мустақиллигига эришиш йўлида муҳим вазифалар деб билганлар. Жадидлар ҳаракатининг ажралиб турадиган яна бир жиҳати – улар сиёсий ҳокимиятни эгаллаш учунгина интилган эмаслар. Аксинча, давлат мустақиллиги ва равнақини миллат ҳамда халқ салоҳияти билан боғлиқ, деб қараганлар. Улар миллат салоҳиятини кўтариш орқали уни турғунлик ва қарамликдан қутқариш, озод ҳамда обод ватанни яратишга умид қилганлар. Совет ҳокимияти Туркистондек бой мамлакатдан маҳрум бўлишни истамаган. Жадидлар эса уларнинг йўлидаги энг катта ғовга айланаётган ва миллатни уйғотувчи буюк куч бўлган. Уйғонган ҳар қандай миллат эса ўзига тобеликни раво кўрмас эди. Шу боис ҳам совет ҳокимияти сохта ғоялар билан халқни ишончига кириб, зиёлилар қатлами бўлган жадид маърифатпарварларини ноҳақ айблаб қатағон қилганлар.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар туғрисида»ги Ф-5598-сон фармойиши.




# ТУРКИСТОН

## МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ

Доктор Боймирза Ҳайит

### СОВЕТЛАРНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИГА ҚАРШИ ДАСТЛАБКИ ТАЖОВУЗИ



Доктор Боймирза Ҳайит

1917 йил февраль инқилобидан кейин Бухоро амирлигида икки хил сиёсий оқим вужудга келди. Улардан бири совет Россиясига содиқлигини изҳор қилиб, ўз суверенитетини сақлаб қолиш истагидаги амир Саид Олим томонидан олиб борилган ишлардир. Шу муносабат билан амир Саид Олим 1917 йил 10 мартда Россия ташқи ишлар вазирига телеграмма йўллаб, ўзи ва халқи Россияни Бухоронинг омон қолиши учун ҳимоячиси ва самимий дўсти сифатида кўришини билдирди. У ўз телеграммасида яна шундай дейди: «Бугун, 1917 йил 10 мартда рус аскарларининг ғалабасини нишонлаш мақсадида Бухоронинг барча масжидларида улар номига дуо ва ибодат қилишларини буюрдим».

Ўзларини «Ёш бухороликлар» деб таърифлаган ислохотчилар (жадидлар) Россия ва унинг ҳукумати ёрдамида давлат бошқаруви, шунингдек, Бухоро амирлигида маориф ва хўжалик ҳаётида ислохотлар ўтказмоқчи бўлдилар. Жадидлар февраль инқилобидан кейин ўз кўмиталарини ташкил эта бошладилар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Файзулла Ҳўжаев (83), Кўмита аъзолари: Абдулвоҳид Бурҳон (раҳбар), Фитрат (котиб), Усмон Ҳўжа, Муҳиддин Рафаат, Мусо Саиджон, Ота Ҳўжа, Аҳметжон Абдул Саид, Файзулла Ҳўжа.

Кўмитани ташкил этишдан кўзланган мақсад амирни Бухородаги ислохотларни тинч йўл билан, русларнинг ёрдами ва кўмаги орқали амалга оширишга эришиш эди. Аммо Бухородаги жадид кўмитаси буни амалга ошира олмагандан сўнг, ислохот ғояларини инқилоб орқали амалга оширишга қарор қилди.

Бухородаги жадидлар Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси (1917 йил апрелигача Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси деб юритилган, кейин эса Россиянинг Бухоро элчихонасига ўзгартирилган) билан ҳамкорликда ислохотларни амалга ошириш учун сиёсий босимни сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Жадидларнинг фикрларини амирга етказиш Россия сиёсий вакиллиги зиммасида эди. Амир ҳам, эҳтимол, тазйиқларга чидай олмай, ислохотга рози бўлгандир. Бироқ амир ва жадидлар келишувга эришолмаган бўлсаларда, 1917 йил 17 мартда амир ислохотларни ўз ичига олган манифестни эълон қилди. Шундан сўнг, жадидлар зудлик билан ҳаракатга киришишди ва эртаси куни 1917 йил 18 мартда Бухоро шаҳрида 5000 – 7000 га яқин киши иштирокида қизил байроқ кўтаришди. «Муқаддас шаҳар» Бухоро кўчаларида қизил байроқларни кўтариб, шаҳар марказида тўпланиш ҳеч ким кутмаган ҳодиса эди. Амирлик ҳукумати камида 30 нафар жадидни ҳибсга олди. Етакчи жадидлар Бухоро шаҳридан қочиб кетди. Янги Бухорода (Жогонда) улар советлар қўл остида паноҳ топдилар ҳамда амирликка қарши курашда рус ишчи ва аскар инқилобчилари томонидан қўллаб-қувватландилар. Жадидлар ҳам ўзаро бўлинган эди.





лар. Баъзи жадидлар ислохотларни тинч йўл билан олиб боришга ҳаракат қилсалар, бошқалари ислохотларга фақат қуроли қўзғолон орқали эришиш мумкинлигини таъкидлардилар. Жадидлар марказий қўмитасининг раиси бўлган Муҳиддин Мансур ислохотларни куч билан амалга оширишга ва Тошкентдаги совет комиссарлигининг Бухородаги жадидлар ишларига аралашшига қарши чиқди ва 1917 йил май ойида ўз лавозимини тарк этди.<sup>1</sup> Когонда сиёсий муҳожир бўлган жадидлар Бухоро амирлигига қарши курашда қурол ишлатиш тарафдори бўлган янги марказий қўмитани сайлайдилар.<sup>2</sup> Шунга қарамай, улар ўз кучлари билан Бухорода қўзғолон уюштиришга эриша олмадилар; шунинг учун улар Бухородаги рус қўшинларига қарам бўлишга мажбур бўлдилар. Улар рус ҳукуматидан фойдаланиб, амир қарорларига таъсир ўтказишга ҳаракат қилдилар. Шу нуқтаи назардан, амир 1917 йил апрель ойида бош вазирни лавозимидан бўшатиб, унинг ўрнига Низомиддин Хўжани тайинлади. Жадидлар бу шахсни ислохот душмани, деб билишарди. Шундан келиб чиқиб, Ёш бухороликлар қўмитаси 1917 йил 25 апрелда Россия ташқи ишлар вазирига телеграмма йўллаб, бу шахснинг тайинланишига йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўришни сўради.<sup>3</sup>

Россия ҳукумати ислохотчилар тарафида эканлиги маълум эди, лекин ҳукумат амирга қарши самарали ва кучли санкциялар қўллашга журъат эта олмади. Россиянинг амирликдаги сиёсий ваколатхонаси жуда фаол

<sup>1</sup> Бухоро амирлигидаги энг бой савдогарлардан бири Муҳиддин Мансур савдогар қарвонбоши Азиз билан ўртасидаги рақобат туфайли Бухородан Когонга қочади. У 1920 йилгача бухоролик жадидлар орасида етакчи роль ўйнамаган, аммо жадидлар ҳаракатини молиялаштирган. 1920 – 1921 йилларда Бухоро Халқ Республикаси савдо-саноат вазир, 1922 йил август ойида эса Марказий Ижроия Қўмитаси аъзоси бўлди. 1930 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида маълумот йўқ.

<sup>2</sup> Қайта тузилган қўмита таркибига қуйидаги жадид етакчилари кирди: Абдул Воҳид Бурҳон (раис), Раҳмат Рафиқ, Фатхуллоҳ Хўжа, Фитрат, Файзулла Хўжа, Тағиев, Фазлиддин Махсум, Мусо Саиджон, Оғдор, Усмон Хўжа, Ота Хўжа, Ҳожи Мирбобо.

<sup>3</sup> Тоболин И.И. Бухара в 1917 году // Красный Архив. 1927. №20. – С.105. Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонаси томонидан Россия Ташқи ишлар вазирлигига юборилган кўплаб телеграммалар ушбу мақолада эълон қилинган бўлса-да, Москва ва Тошкентдаги совет штаб-квартирасидан Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонасига юборилган телеграмма чоп этилмаган.

бўлиб, Бухорода бўлаётган сиёсий-маданий низолар, ҳаракатларни дарҳол Россия Ташқи ишлар вазирлигига етказар эди. Шу нуқтаи назардан, ўша даврда Россия жадидлардан фойдаланиб, амирликни Россия ҳудудига тўлиқ қўшиш ғояси бор-йўқлиги маълум эмас эди. Россиянинг сиёсий агенти Миллер 1918 йил 18 мартда Петербургдан келган 1176-сонли телеграммага жавобан яширин телеграмма (128-рақам) жўнатади. Унда шундай дейилган: «Бухоролик яҳудийлар, илғор савдогарлар ва шиалар орасида Бухоронинг бутунлай Россия таркибига қўшилишини хоҳловчилар ҳам бор»<sup>4</sup>. Бундай хабарлар Россия совет ҳукумати ва Тошкентдаги совет комиссарлиги учун Бухоро амирлиги ҳақидаги келгуси қарорларга таъсир кўрсатадиган муҳим ҳужжат ҳисобланган.

Дастлаб Россия совет ҳукумати, Афғонистон, Эрон, Хива, Туркия ёки Кавказ мамлакатларида бўлгани каби, Бухоро амирлигида ҳам ўз анъанавий сиёсатига содиқ эди. Россия ҳукумати Бухоро ва Хивадаги ўз ваколатхонасини «Совет Социалистик Республикасининг ваколатхонаси»га ўзгартираётган эди. Россия совет ҳукумати 1917 йил 12 декабрда Туркистон Халқ Комиссарлари Советига телеграмма жўнатиб, Бухоронинг тўлиқ мустақиллиги қабул қилинганлиги ҳақида хабар берди.<sup>5</sup> Бу гапнинг ҳаққонийлигига шубҳа қила олмаймиз, чунки ҳужжатнинг асл нусхаси Тошкент давлат архивидан олинган, бундан ташқари, Петербургдаги советлар Англиянинг минтақага таъсирининг олдини олиш мақсадида Шарқ халқларини ўз томонига оғдириб олишга кат-



Файзулла Хўжаев

Ташқи ишлар вазирлигига юборилган кўплаб телеграммалар ушбу мақолада эълон қилинган бўлса-да, Москва ва Тошкентдаги совет штаб-квартирасидан Россиянинг Бухородаги сиёсий ваколатхонасига юборилган телеграмма чоп этилмаган.

<sup>4</sup> Тоболин И.И. (87). 81-бет.

<sup>5</sup> Гордиенко Андрей Артемьевич. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент, 1959. – С.79.



та аҳамият бергандилар. Бошқа томондан, улар Бухоро амирлигининг Тошкентдаги совет тузумига қарши кураш марказига айланиши мумкинлигидан чўчиб, унинг мустақиллигидан қўрқарди. Шунинг учун советлар Бухоро ва унинг атрофидаги советлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи одамларни Тошкентдан топишга ҳаракат қилдилар. Россия совет ҳукумати Тошкентдаги совет маъмурияти ёрдами билан сўралган одамларни топишга муваффақ бўлди. Булар ислохотчи сиёсий муҳожирлар эди. Тошкентдаги совет комиссарлиги, Когон (Янги Бухоро)даги Россия ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари совети бухоролик жадид муҳожирлар билан яқин алоқада бўлган. Бу воқеада Когондаги Полторацкий, Преображенский, Уткин каби рус инқилобчилари жуда муҳим роль ўйнадилар. Радикал жадидчилар Когонда рус совет раҳбарлари билан амирлик тузумини ағдариш режаларини муҳокама қилдилар. Преображенский Ёш бухороликлар марказий комитетига Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесов билан Бухоро амирлигига қарши қуролли можарони муҳокама қилиш учун Тошкентга делегация юборишни таклиф қилди. Шундан сўнг, 1917 йил декабрида Файзулла Хўжаев ва Преображенский Тошкентга жўнаб кетишди. Ислохотчиларнинг марказий комитети ва Когондаги совет раҳбарлари Бухоро амирлигига қарши қуролли кураш режаларини ишлаб чиқдилар. Қўзғолонни тез орада Бухорода уюштиришга қарор қилинди. Режага кўра, марказий қўмита Бухоро ва Қарки шаҳарларида иккита алоҳида қўзғолон ўтказиши ва Бухорода қўзғолон ярим тунда тўсатдан бошланиб, кундузи ҳукумат бинолари ишғол қилиниши, амир ва унинг вазирлари ҳибсга олиниши керак эди. Агар жадидлар қўшинлари етиб бора олмаса, «ўртоқ» Колесов билан боғланиб, темир йўл бўйлаб қизил гвардиячилар хавфсизликни таъминлашар эди. Тошкент ҳам қурол-аслаҳа билан ёрдам берарди. Файзулла Хўжа ва Преображенский бу режани Колесовга тақдим этганларида Колесов айтилганларнинг ҳаммасидан қаноат ҳосил қилди. Файзулла Хўжаев кейинчалик бу

ҳақда шундай ёзган эди: «Колесов бизнинг режамизни принципиал жиҳатдан маъқуллаган эди, лекин у ҳамма нарсани шошилмасдан, босқичма-босқич тайёрлашни таклиф қилди. Қўқондаги мухтор ҳукуматнинг ташкилий босқичини эслатиб, уларнинг миллатчи ва аксилинқилобий, мустақил буржуа ҳукумати сифатида Туркистон учун бирлашганини мисол сифатида кўрсатди. Ўз фаолиятини бевосита Тошкент советларига қарши қаратган Қўқон ҳукумати, аслида, Тошкентдаги совет ҳукумати учун тўғридан-тўғри инқилобга қарши курашмаган Бухоро амирлигидан кўра хавфлироқ эди. Колесов ёш бухороликларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ваъда берган эди. Унинг ҳисоб-китобларига кўра, икки ойдан сўнг, Қўқондаги хавф тугаши билан, Бухорода яқуний ҳаракатларни бошлаш мумкин эди».<sup>1</sup>

Совет қўшинларининг Қўқондаги муваффақияти совет комиссарлигининг руҳий ҳолатини анча яхшилаган эди. Тошкентдаги руслар Бухородаги жадидлар ёрдами билан қисқа вақт ичида Бухорода совет ҳукмронлигини кўп йўқотишларсиз ўрнатиш мумкин, деб ҳисоблар эдилар. Шу мақсадда ислохотчилар Россия совет ҳукуматининг Когон (Янги Бухоро)даги вакиллари ва Тошкент совет комиссарлигига бухороликлар рус қизил гвардиячилари ва ислохотчилар қўшинларини кўришдан хурсанд бўладилар, деган уйдирма хабарларни тўплай бошладилар. Жадидлар марказий комитети ва Колесов 1918 йил март ойида Бухоро амирлигига қарши қуролли ҳужум бошлашга қарор қилди. Жадидлар Бухородаги қўзғолонга бошчилик қилиш учун етти кишидан иборат қўмита туздилар<sup>2</sup>. Колесов 1918 йил 28 февралда 600 га яқин қизил гвардиячилар билан бирга Когонга келди. Колесов жадидлар қўмитасига Қизил Армия бўлинмалари амир қўшинларига қарши курашга тай-

<sup>1</sup> Файзулла Ходжаев. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии // Избранные труды. Т.1. – Ташкент, 1970. – С.134 – 135.

<sup>2</sup> Булар: Файзулла Хўжа, Ота Хўжа, Абдурауф Фитрат, Бурхонзода, Оғдор, Қори Йўлдош Пўлат.



ёр, деб хабар берди. Бу ҳодиса ҳужумдан беш кун олдин содир бўлди. Икки «қаҳрамон» – Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Федор Колесов ва Ёш бухороликлар ижроия қўмитасининг бошлиғи Файзулла Хўжаев 1918 йил 1 мартда Бухоро амирига ультиматум юборадилар. Ультиматум:

**«Бухоро амирига!**

**1. Ушбу мактуб билан Ёш бухороликлар талабларини сизларга етказамиз ва бу талаблар ҳеч қандай ўзгаришсиз яқин йигирма тўрт соат ичида бажарилишини сўраймиз.<sup>1</sup>**

**2. Ҳукуматингизни тарқатиб, ўрнига уларни тайинланг, токи бундан буён ҳокимият Ёш бухороликлар ижроия қўмитаси қўлида бўлсин. Ижроия қўмита сиз билан боғланиш орқали янги ҳукуматни аниқлаб беради.**

**3. Агар қон тўкилишининг олдини олмоқчи бўлсангиз, бу илтимосларни борича қабул қилинг. Агар сиз ушбу шартларни қабул қилмасангиз, ҳар қандай қон тўкилиши учун жавобгар бўласиз. Бу ҳолатда қилинадиган барча ҳаракатлар бизнинг ихтиёримиздадир. Жавобингиз бизнинг шартларимизга мувофиқ бўлиши керак. Агар бундай бўлмаса, биз бунга сўровларимизни рад этиш деб ҳисоблаймиз.**

**Туркистон халқ комиссарлиги раиси – Федор Колесов**

**Ёш бухороликлар ижроия қўмитаси раиси – Файзулла Хўжаев».<sup>2</sup>**

Амир жавоб юборади, лекин сўровларга аниқ жавоб бермади. Шундан сўнг 1918 йил 2 мартда Ёш бухороликлардан ташкил топган 200 кишилик бўлинма темир йўл бўйлаб жойлашган 2000 нафар совет аскарлари билан биргаликда Бухорога қарата ўт оча бошлади. Советлар «Бухоро амири 1918 йил март ойида

Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши делегациясини ўлдиришга буйруқ берди, шу тариқа советларга қарши уруш бошлади деб иддао қилишди.<sup>3</sup> Бу иддаолар бутунлай ёлғондир, чунки совет комиссарлиги, албатта, ҳеч қандай делегация юбормаган. Совет қўшинлари ҳужумидан олдин амирнинг буйруғи билан бирорта ҳам совет амалдори ўлдирилмаган. Урушни совет маъмуриятининг ўзи бошлаган. Совет аскарлари Бухоронинг Фотиҳобод шаҳрида амир қўшинлари билан тўқнашади. Жанг ўн кунга яқин давом этади. Совет аскарларида зирҳли поездга жойлаштирилган 12 та пулемёт ва 250 австриялик ҳарбий асир бор эди.<sup>4</sup> Советлар ва уларнинг иттифоқчилари бўлмиш ислохотчилар Бухоро амирлиги ҳудудида жиддий мағлубиятга учрадилар. Жадидлар совет маъмуриятига қўшинларнинг ҳужуми билан халқ кўзғолон кўтаришини ваъда қилишганди. Лекин бу содир бўлмади. Шу сабабли совет Россия маъмурияти Колесов қўшинларини қўшимча кучларни юбориш орқали қўллаб-қувватлашга қарор қилади.<sup>5</sup>

Колесовнинг ўзи совет қўшинлари томонидан ҳужумга ўтишни ва совет аскарлари Когонга чекиниб, у ерда мудофаа позициясини эгаллашини буюрди. Тошкентдаги совет маъмурияти Домогацкий ва Колузаев қўмондон-

<sup>3</sup> Гордиенко Андрей Артемьевич. Творческая роль Советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана. – Ташкент, 1959. – С.126.

<sup>4</sup> Rudolf Köstenberger, Mit der Roten Armee durch Russisch-Zentralasien. – Graz, 1925. – P.15. Бухоро жангида Германия ва Австрия асирлари кўпроқ фойда берди. Political Intelligence Department, Foreign Office; Memorandum on political development in Russian Central Asia since the revolution (June 27, 1918), India Office Library, C/P and S/10/721. – P.8; The same informant also states that the German and Austrian prisoners of war again fought on the Bolshevik side, especially in the Bukhara campaign. He estimates them at 8000 Germans and 30000 Austrians and regards them, though this seems an exaggeration, as a menace to India. Buhara'ya karşı Sovyet seferi hakkında ayrıca bkz.; Helene Carrere D'encause, Reforme et Revolution chez les Muselmans de L'empire Russe. Bukhara. – Paris, 1966. – S.223 – 238; Aynı müellif, İslam and Russian Empire. Reform and Revolution in Central Asia (Yukardaki eserin tercümesi). – London, 1988. – P.154 – 159; Султан Б. Кантуаров. Гражданская война в Киргизии. – Фрунзе, 1963. – С.128; Dipnot 118: «1918 йил баҳорида совет қўшинларининг Бухоро ва Хивани Туркистон Республикаси таркибига қўшиб олиш бўйича ҳаракатлари муваффақиятсиз аяқланди».

<sup>5</sup> Иноятов Х.Ш. Хроника событий Октябрьской революции в Узбекистане. – Ташкент, 1975. – С.123. Самарқанд, Чоржўй, Ашхобод, Марв ва Қизил Равотдан қизил гвардиячилар дарҳол қўшимча куч сифатида жойлаштирилди.

<sup>1</sup> Ёш бухороликлар ва совет русларининг талаблари моҳиятан амирнинг ҳокимиятини ислохотчилар қўлига ўтказиб, уларга ислохотлар ўтказишга имкон бериш эди.

<sup>2</sup> Файзулла Ходжаев. Избранные труды. Т.1. – Тошкент, 1970. – С.143.



лигида тузилган алоҳида бўлинмаларни (сони номаълум) қўллаб-қувватлади<sup>1</sup>.

Дастлабки келишмовчиликлар ҳозирда совет қўшинларига ишонган жадидлар билан Бухорода қўзғолон бўлишини кутган ҳолда ҳаракат қилаётган Тошкентдаги совет маъмурияти ўртасида бошланди. Совет рус армиясининг шармандали мағлубияти ва унинг оқибатлари ҳақида кўп гапирилди. Иккала томон ҳам бошқа томонни айблашди.

Совет қўшинлари Бухоро амирлиги билан тинчлик шартномаси туздилар. Икки томон делегациялари рус адабиётида «Рус ва Бухоро вакилларининг 1918 йил 25 мартдаги Қизилтепадаги шартнома баённомаси»<sup>2</sup> деб номланган 1918 йил 25 мартда имзоланган тинчлик шартномаси бўйича келишувга эришдилар. Шу тариқа совет ҳукумати Бухоро амирлигининг мустақиллик ҳуқуқини иккинчи марта тан олди<sup>3</sup>.

Совет Россиясининг Бухоро амирлигидаги ҳарбий жиноятлари кейинчалик совет пропагандаси томонидан «Колесов авантюраси» деб таърифланади ва ҳар икки томондан кўплаб ҳалокатларга сабаб бўлган ҳарбий ҳаракатлар Қизилтепада сулҳ шартномаси имзоланиши билан якунланди, дейилади<sup>4</sup>. Жадид етакчиларидан Садриддин Айний: «Совет қўшинлари чекиниш чоғида вокзал яқинидаги аҳоли пунктларини талон-торож қилдилар ва вайрон қилдилар, ёш бухороликларни ҳибсга олиб,

шафқатсизларча отиб ташладилар», – деб таъкидлаб ўтганди.<sup>5</sup>

Совет ва жадидларнинг тажовузи ҳамда уларнинг якунда мағлубиятга учраши амир ва унинг ҳукуматининг ғазабини кучайтирди. 1918 йил мартдан кейин амир ҳукумати 1500 дан ортиқ ислохотчиларни давлатга хиёнат қилгани учун қатл этди. Бундан ташқари, совет қўшинларининг экспедицияси муносабати билан амирликнинг тўққиз нафар юқори мансабдор шахслари қатл этилди. Совет қўшинларининг Бухорога ҳужуми ва унинг ҳарбий мағлубияти амирликда антисовет кайфиятини юзага келтирди. Маълумки, амир ва унинг ҳукумати февраль ва ноябрь инқилобларидан кейин Россия ҳукуматига содиқ эди. Амир 1918 йил феврилида совет қўшинлари томонидан Қўқонда содир этилган қирғин ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади, Туркистон мухторияти ҳукуматининг 1917 йил 13 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган қўллаб-қувватлаш йиғилишини маъқулламади. Бироқ 1918 йил март ойида улар «қўрқиб кетишди», лекин барибир рус маъмуриятига ишонишди. Шунинг учун у амирликнинг тугатилиш санаси бўлган 1920 йилгача Туркистон миллий курашида на қатнашган, на қўллаб-қувватлаган. Аммо совет қўшинларининг Бухородаги мағлубияти совет Россиясига қарши курашаётган гуруҳларнинг, айниқса, Фарғона водийсида қатъийлигини оширган эди.

Советлар мағлубиятни ҳазм қила олмадилар. Ҳар ҳолда, улар амирликни босиб олиб, уни советлаштиромоқчи эдилар. Бироқ тайёргарлик учун вақт керак эди<sup>6</sup>. Москва ва Тошкентдаги совет маъмуриятчилари Бухоро жадидларидан амирликка қарши курашда ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар.

<sup>1</sup> Иноятов. Победа (42). 179-бет.

<sup>2</sup> Учрашувларни ўтказган делегация аъзолари куйидагилардан иборат эди: Совет томонидан: В.М.Копилов – уруш музокарачиси; А.Ф.Солкин – совет Туркистони транспорт комиссари; А.Ж.Галперин – Янги Бухоро шахрининг бошлиғи (Когон); П.П.Введенский – Туркистон Совет Халқ Комиссарлигининг ваколатли вакили; Хўжа Ҳайдар К. Мирбадалов. Бухороликлар: Мирзо Салим Парвоначи, Бий Хўжа Абдулрауф карвонбоши Азиз, Мир Бобо мирохур. Қаранг: Бюллетен Среднеазиатского государственного университета. Выпуск 16. – Ташкент, 1927. – С.96.

<sup>3</sup> Gerhard von Mende (34). S.148. Fredrich Marshman Bailey, Mission to Tashkent. – London, 1946. – P.299: The Bolshevik leader had required quite a wrong idea of the strength of Young Bokhara Party and he was eventually obliged to retire and to sign a treaty in March 1918. Eudin Youkoff Xenia and North Carver Robert, Soviet Russia and the East. 1920 – 1927. Standford University Press, 1957. – P.30: «The Turkestan Soviet obliged to sign an agreement with the Emir pleading to sign an agreement with the Emir pleading to refrain from interference in the internal affairs of Bukhara».

<sup>4</sup> Бюллетень Среднеазиатского государственного университета. Выпуск 16. – Ташкент, 1927. – С.95.

<sup>5</sup> Садриддин Айний. Бухоро инқилоби учун материаллар. – Москва, 1926. – Б.33. Беш минг австриялик асирлардан иборат ҳарбий қисм командири Степнов Бухорода 25000 олтин рублни тортиб олган. 1918 йил май ойида у ўз бўлинимаси билан Оренбург фронтига жўнатилди. Ҳарбий кассирга пулни бермагач, отиб ташланади. Қаранг: Köstenberger. Sechs Jahre in Turkestan. 2-нашр. – Грац, 1925. – P.43. Совет қўшинлари Бухордан чекиниши чоғида уч вагон олтин ва заргарлик буюмлари олиб кетилган. Қаранг: Бейли (101). 299-бет. Совет аскарлари ҳатто амирликнинг ярадор аскарларини ҳам ўлдиришди. Қаранг: Кёстенбергер (98). 23-бет.

<sup>6</sup> Б.Ҳайит. Бухоро ва Хива хонликлари мустақиллигининг тугаши тарихига оид айрим парчалар // Миллий Туркистон. 1967. – Б.14.






### 3-бўлим. 1918 – 1919 йиллардаги Туркистон-совет Россияси урушлари

Фарғона водийсидаги истиқлолчилар 1918 йилга келиб бутун ўлка устидан назорат ўрнатдилар. Руслар фақат Рус подшоҳлиги давридаги гарнизонлари ёки темир йўл вокзаллари жойлашган йирик шаҳарларда ҳукм-

халқнинг совет Россиясига қарши курашини янада кучайтирди. Совет Россияси ҳукумати Туркистон мухториятини тугатиш чоғида йўл қўйган хатоларини тезда англаб етди. Шунинг учун Туркистонга совет услубидаги мухторият бериш йўллари излади. Шу мақсадда Москва П.А.Кобозевни Туркистонда советлар учун мухторият ташкил этиш вазифасини юклаш



ронликни сақлаб қолишган эди. Қизил армия аскарлари замонавий қуруллар билан қурулланган бўлишига қарамай, озодлик курашчиларидан фарқли ўлароқ, совет Россияси ўз ҳукмронлигини ҳамма жойда ўрната олмади. 1918 йилда Фарғона водийсида советлар билан озодлик курашчилари ўртасида тинимсиз урушлар бўлиб ўтди. Урушда қўлга киритилган ҳудудларнинг доимий равишда қўлдан қўлга ўтиб туриши одатий ҳол эди. Қизил армиянинг шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиш, беғуноҳ одамларни ўлдириш, аёллар ва қизларни зўрлаш, масжидлар ва тарихий биноларга ўт қўйиш, халқдан зўрлик билан озиқ-овқат йиғиш каби ғайриинсоний кураш усуллари

учун Туркистоннинг фавқулудда комиссари этиб тайинлади. 1918 йил 10 апрелда ўз ходимлари билан Туркистонга келган Кобозев ўзига берилган ваколатлар билан Туркистоннинг ягона диктатори бўлиб қолди. 1918 йил 20 – 30 апрелда Тошкентда советларнинг навбатдан ташқари қурултойини ташкил қилди. Бу қурултой натижасида 1918 йил 30 апрелда совет Россияси таркибида Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси расман эълон қилинди. Москвалик диктатор Кобозев Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитасини бошқарган (бу бош вазир лавозими), А.Ф.Солкин вице-президент, Федор Колесов эса Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси этиб сайлан-



Кобозев Петр Алексеевич  
(13.8.1878, Песочная қ.  
Рязан губ. – 4.1.1941)

ди.<sup>1</sup> Шундай қилиб, Туркистонда миллий автономия ўрнига совет Россияси ҳукмронлиги рамзи бўлган совет социалистик мухторияти ташкил этилди. Фақат ҳукуматнинг номи ўзгарди, лекин ҳукмронлик большевиклар ва ижтимоий инқилобчи руслар қўлида қолди. Руслар туркистонлик Низомиддин Турсун Хўжани миллатлар бўйича комиссар (бу туркистонликлар комиссарлиги эди) этиб тайинлаб, ўзларининг «буюкликлари»ни исботлаётган эдилар. ТАССР (Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси) Марказий Ижроия Комитети аъзоси бўлган туркистонлик Жўрабобоев (бу шахс ҳақидаги маълумотлар ҳозирча очиқланмаган – Б.Х) баёнотидан бу мухторият Туркистон учун миллий мухторият дегани эмаслиги аниқ кўриниб турарди. (Муаллифнинг бу фикрига аниқлик киритиш мақсадида ўша шахс ҳаётидан айрим маълумотларни келтирамиз. Самарқандлик Сафо Жўрабобоев Туркистондаги таниқли инқилобчи, давлат, ҳукумат арбобларидан бири, 1875 йили Бухоронинг Вобкент қишлоғида туғилган, ўзбек, форс ва рус тилларини билган, Москва, Самара, Херсон, Озарбайжон, Гуржистон, Туркистон, Бухоро ҳудудларини яхши билган, ижтимоий аҳволи камбағал деҳқон, оиласида 9 аъзо, ҳаммаси унинг қарамоғида бўлган, Бухоро мадрасасини битирган, Колесов билан Бухорода бўлган воқеаларнинг иштирокчиси, 1905 йил охирида Тифлисдаги галаёнда иштирок этгани учун чор Россияси ҳукумати томонидан сургун қилинган, 1909 йилгача Туркияда яшаган, 1917 йил ноябрида Самарқандда большевиклар партиясига

кирган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги совет идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган, 1920 йили Фарғона области инқилобий комитети раиси лавозимида ишлаган, шу вақтда Боқудаги Шарқ халқлари съездига вакил этиб сайланган, шу съездда Ҳаракат совети ҳайъатига сайланган, Москвада Миллатлар иши халқ комиссарлигида вакил бўлиб турган, Бухорога келиб касаба уюшмаси, матбуот жамиятида фаолият кўрсатган, 1925 – 1928 йилларда Ер-сув ишлари халқ комиссарлиги, «Қўшчи» союзи, Саноат союзи, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кўргазмаси ҳайъати аъзоси бўлиб хизмат қилган (РГАСПИ. 62-фонд, 4-рўйхат, 666-иш, 96 – 105-варақлар). 1937 йил 5 ноябрда ЎзССР Ички ишлар халқ қоммисарлиги давлат ҳавфсизлиги бошқармаси 7-бўлим мудирини тақдим қилган 6920-сонли иш бўйича учликнинг қарори билан Жўрабобоев Ҳожи Сафо 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг раҳбарлик маркази аъзоларидан бўлиб, бу ташкилотнинг шуъбалари ўртасида алоқа ўрнатганликда, аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган (Қаранг: Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябрь). Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.442 – 444).

Сафо Жўрабобоев шундай деди: «Улар (руслар) бизга мухторият билан ҳеч нарса бермаган ва келажакда ҳам бермайдилар. Бу ерда улар билан яшашдан кўра қишлоқларга бориб мусулмонларни бирлаштириш заруратдир. Қўқондаги арман қўшинлари ва Эргаш гуруҳи қароқчиларини (Қўқон шаҳрини қўриқлаганларни назарда тутаяди – Б.Х.) таъқиб қилиш чоғида қишлоқ аҳолисини талаб, қуроллари билан 50 верстгача (1 верст = 1,6 км) қувиб юради. Кейинроқ ҳарбий комиссарга бориб, қишлоқ аҳолиси кўрпа-тўшак бермаганидан шикоят қилишадди»<sup>2</sup>. Туркистон халқи советларнинг мухторият

<sup>1</sup> Богоутдинов. История коммунистических организаций Средней Азии. – Тошкент, 1947. – С.260.

<sup>2</sup>Зув. 36-бет.



номи остида кўраётган янги чора-тадбирларига ишонмас эди. Шу сабабдан озодлик учун кураш давом этаверди. Чунки советларнинг чора-тадбирлари туркистонликларнинг миллий орзу-умидларини қондиришга қодир эмас эди.



Суратда: ўртада икки қўлини тиззасига қўйиб ўтирган дўппилик Мадаминбек

Совет раҳбарларининг шуҳратпарастлиги ва чексиз очкўзлиги ҳатто ўзларига хизмат қилган Туркистон маҳаллий халқининг ҳам, раҳбарларининг ҳам совет ҳокимиятига қарши ашаддий душманга айланишига олиб келди. Бу борада 1917 йил мартдан 1918 йил мартигача Марғилон шаҳар милиция бошлиғи бўлган Муҳаммад Амин Бек (Мадаминбек) яхши намуна кўрсатади. Мадаминбекнинг дастлаб Марғилон шаҳрида ёрдамчиси, кейин эса озодлик учун кураш бўлинмалари қўмондони бўлиб ишлаган Солиҳ Махдум Муҳаммад эшон 1921 йил август ойида Тошкентда Туркистон fronti штабига шундай баёнот берди: «Мадаминбек, Аҳмадбек ва мен 1918 йил 1 мартда мусулмон милиция бошлиғи этиб тайинландик. Ўртоқ Суғрубов бу вақтда Марғилон шаҳар комиссари эди. Отишма, ҳибсга олиш, мусодара қилиш, очиқдан-очиқ талон-торож қилиш, масжидларга ўт қўйиш, муқаддас китобни (Қуръон) йўқ қилиш каби тасаввурга сиғмайдиган ишлар билан халқнинг хоҳишига қарши ҳаракат қиларди.

Мадаминбек ва мен бундай шароитда у билан ишлай олмаслигимизга амин бўлдик. Совет ҳукмронлиги вакили Суғрубовга қуролроғимизни бериб, қишлоқ хўжалиги билан

шуғуллана бошладик, аммо шўролар бизни тинч қўйишмади. Суғрубов ва унинг ўринбосари Семёнов барча мол-мулкимизни талон-торож қилгандан кейин уйларимизга ўт қўйишди. Совет ҳукмронлиги бизни тинч қўймаслигини англаб етганимиздан сўнг миллий қўшинларимизни тузиб, совет ҳукмронлигига қарши курашга киришдик. Халқ биз томонда эди, қўшинларимиз уч ой ичида 1000 тага етди. Шунинг учун босмачилар ҳаракатининг шаклланишида совет вакиллари бевосита айбдордир»<sup>1</sup>.

Мадаминбек 1918 йилнинг ўрталаригача озодлик курашига 1500 нафар жасур йигит<sup>2</sup>ни жалб этишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, Мадаминбек Туркистонда совет рус ҳукмронлигига қарши курашган кўрбошилар орасида, айниқса, Фарғона водийсида энг нуфузли кўрбошига айланди. Бошқа кўрбошилар совет давлат маъмурияти ҳақида деярли маълумотга эга эмас ва фақат Туркистондаги совет ҳокимиятини ағдаришни истардилар, холос. Ҳеч бир кўрбоши ёки жангчи ҳарбий тайёргарликка эга эмас эди, уларда бор нарса жанг қилиш учун жасорат ва оддий ов қуроллари эди. Уларнинг асосий қуроллари темир таёқлар, қиличлар, пичоқлар ва тош отиш учун камар бўлган. Барча жангчилар анъанага кўра яхши от минадиган чавандоз эдилар. 1918 – 1919 йилларда босмачиларда тўп ва пулемётлар йўқ эди. Бошқа томондан, рус ва арман кўшинлари энг замонавий қуролларга эга эди. Шу муносабат билан тўртта рус гарнизонида (Скобелев, Қўқон, Наманган, Андижон) 13 дан ортиқ автомат ва 16 та пулемёт, шунингдек, бошқа қуроллар (35 хил калибрли) жанг майдонларида ишлатилган.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Зув. 73 – 74-бетлар

<sup>2</sup> Бу жасур йигит деган маънони англатади. Уруш пайтида (масалан, овқат тайёрлаш ёки ярадорларга ғамхўрлик қилиш) қурол ишлата оладиган, жанг қила оладиган ёки эксплуатация қилинган ҳар қандай ёшдаги озодлик курашчиси ўзини жасур деб ҳисобларди. Жасурлар ислом аскарлари ёки Туркистон мужоҳидлари сифатида ҳам тасвирланган. Бироқ кўрбошилар ва уларга яқин бўлган муллалар мусулмонларни мужоҳидлар сафига қўшилишга чақиришарди. Қизлар ва аёллар ишга қабул қилинмади. Аммо улар озодлик курашчиларининг муқаррар ёрдамчилари эди (ярадорларни парварши қилиш, кийим-кечак билан таъминлаш, овқат пишириш ва разведка материалларини тўплаш).

<sup>3</sup> Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. – Москва, 1984. – С.74.





1918 йилнинг март – май ойларида Қўқон атрофида ҳужум қилган Эргаш қўрбоши қўшинлари Бачқирдаги асосий қароргоҳларини қизил армия ҳужумларидан ҳимоя қилишга мажбур бўлди. Эргаш бўлинмалари бу даврда қизил армия бўлинмаларига эликдан ортиқ ҳужум уюштирди. Эргашнинг 1918 йилда 16000 дан 18000 гача жангчилари бор эди.<sup>1</sup> Бу даврда Фарғона водийсида озодлик учун кураш оммавий ҳаракатга айланган эди. Бир қанча қўрбошилар турли ҳудудларда қизил армия аскарларига қарши ҳаракатлар олиб борди: Эргаш (тахминан 18000), Мадаминбек (5000), Шермуҳаммадбек (тахминан 6000), Холхўжа (3000 дан ортиқ), Парпи (тахминан 3600), Муҳиддинбек (тахминан 4500), Омон Паҳлавон (2500 дан ортиқ). Фақат Нурмуҳаммадбек (тахминан 3900) ва Жонибек (тахминан 5700) халқ орасида анча машҳур бўлиб, мужоҳидларнинг энг муваффақиятли раҳбарлари сифатида танилган эдилар. Юқорида тилга олинган қўрбошилардан ташқари қўрбошилар қўмондонлиги остида ёки яқка ҳолда ҳаракат қилган 77 қўрбоши бўлган.<sup>2</sup>

1918 йил бошидан озодлик кураши етакчилари рус мустамлакачиларини зарарсизлантириш бўйича ҳаракатларни кучайтирдилар. Мужоҳидлар мустамлакачи аҳолини ўз тураржойларида кутган ҳолда мужоҳид гуруҳларининг ҳаракатларига нисбатан бетараф бўлишини кутди. Бошқача айтганда, бу уларнинг Россия қизил армиясига ёрдам бермаслигини



Муҳаммадали Эшон

англатади. Бироқ кураш етакчилари бу мақсадларга эриша олмайди. Русларнинг ғурури ва ватанпарварлиги уларнинг исёнкор халқларга нисбатан сукут сақлашига тўсқинлик қилди. Мустамлакачилар қизил армия сафларида ўз ўринларини эгаллаб, улардан «ўзларини ҳимоя қилиш» учун қуролланишади. Натижада улар қизил армиянинг ёрдамчи кучига айланади. Мужоҳид раҳбарларининг ҳаракати давомида вақти-вақти билан руслар жойлашган ҳудудларда уларга ҳужум қилишдан бошқа чораси қолмади. Бу йўналишдаги ҳаракатларнинг биринчи мисоли 1918 йил июль ойида Андижон яқинидаги Мингтепа қишлоғига (Андижон вилоятининг Марҳамат тумани маркази – Р.Ш., Ш.Б.) босмачилар томонидан қилинган ҳужумдир. Бу аҳоли пункти 1898 йилги Андижон қўзғолони марказига айланган ва қўзғолон раҳбари Мадали Эшон шу ерда туғилган. Қўзғолон кўтарган туркистонликлар Андижондаги рус қалъасини босиб

<sup>1</sup> Bailey. «At the time of our arrival (1918) Ergash commandet about 16000 men».

<sup>2</sup> Янги Туркистон: журнал. – Истанбул, 1928. Нр. 8. 10 – 12-бетлар. Шунингдек, қаранг: Б.Ҳайит. Туркистон (5). 272-бет: Фарғона водийсидаги бошқа қўрбошилар: Эш Муҳаммадбек, Тўйчибек, Мирзо Умар, Ислоҳ Паҳлавон, Ҳамдам Ҳожи, Усмон Дев, Султон Ҳожи, Мулла Балад, Аҳад Маҳдумбек, Ёр Бек Ато, Солиҳ Маҳдум, Исмоил Паҳлавон, Усмонбек, Фиёз Маҳдум, Қозоқжонбек, Ҳошим Паҳлавон, Соҳиб қори, Йўлчибек, Теша, Нўмонбек, Шамсоқтанноз, Мулла Умарий, Узоқбек, Саид Аҳмад, Йўлдош Паҳлавон, Юнусбек, Исроилбек, Манкам Ҳожи, Охунжон, Абдулраззоқбек, Қозоқбой, Мирзо Тоғайбек, Янгибой Амин, Усмон Бекбоши, Тўхта Муҳаммадбек, Ёр Муҳаммад Маҳдум, Мулла Ҳўжабек, Ҳожи Тўрабек, Аҳмад Алибек, Аскарбек, Раҳмонқулибек, Йўлдош Чоргоғ, Сотиболди Қози, Рўзи Муҳаммад, Ҳожи Тўрабек, Бойтуманбек, Дардоқбек, Эргаш Паҳлавон, Юсуфбек, Аскарбек, Жўрабек, Авлияхон Тўра, Умар Тоғабек, Аҳмад Паҳлавон, Алиёрбек, Тўхтасинбек, Умар Алибек, Мулла Пулатбек, Шокирбек, Қўшмуродбек, Фанихонбек, Тошмуҳаммадбек, Карабой, Муҳаммадалибек, Эргашбек, Шамсибек, Жамолбек, Қодирбек, Кичик Маъруфбек.





олиш учун ҳужумларини шу ердан бошлаган эдилар. Маълумки, руслар бу қўзғолонни қонга ботирганлар. 1898 йил қўзғолони бостирилгандан кейин Туркистон генерал-губернатори Духовской Андижонга келиб, Мингтепа қишлоғида ҳам бўлади. Туркистонликларга губернатор кўчадан ўтаётганда унинг олдида тиз чўкишлари буюрилган. Духовской Мингтепани йўқ қилишни буюради. Бутунлай вайрон бўлган қишлоқдан 950 оила ҳалок бўлди. Кейинчалик қишлоқ номи Русское Село (рус қишлоғи) деб ўзгартирилди. Туркистонликлар руслар томонидан содир этилган ваҳшийликларни унута олмайдилар, 1918 йилда озодлик курашчилари русларни Эски Мингтепадан ҳайдаб чиқара олишларига ишончлари комил эди. Қўрбоши Охунжон 1918 йил июнь ойида русларни бир ой ичида бу ҳудудни тарк этишга мажбур қилади. Рус мустамлакачилари маҳаллий халқ бу ерни эгаллаб, яхши жиҳозланган русларни мағлуб эта олади, деб ўйламаган эдилар. 1918 йил июль ойининг бошида қўрбоши Охунжон Русское Селога ҳужум қилди. Охунжон бу ишга киришар экан, Мингтепада туғилган ва 1898 йил қўзғолонида қатнашган Мадмуса Саркорнинг маслаҳатига амал қилади. Мингтепани забт этиш бўйича бу ҳаракат олти кун давом этади, ҳар икки томоннинг йўқотишлари ҳақида аниқ маълумот мавжуд эмас. Озодлик курашчилари бу ҳудудни забт этишади. Русларга ёрдамга Андижон гарнизонларидаги қизил армия аскарлари келади, деган умидда таслим бўлишдан бош тортадилар. Аммо ёрдам келмайди, чунки гарнизонлар озодлик учун курашувчилар билан ўралган эди. Қаттиқ қаршилиқ кўрсатган русларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди, фақат ўттиз нафар ярадор рус қолди. Охунжон ярадорларни Жалолободдаги рус аҳоли пунктларига олиб боришни буюради. Ислом шариатига кўра ярадорларни, душман бўлса ҳам, ўлдириш мумкин эмас эди. Бироқ совет аскарлари мужоҳидларни ярадор бўлганларида ҳам ўлдиришган. Уларнинг фикрича, агар битта босмачи омон қолса ҳам, бу советларнинг ҳукумронлигига хавф туғдиради. Озодлик мужоҳидлари ярадорларини тезроқ жанг

майдонларидан йиғиштирар экан, ярадор қизил аскарларни турган жойида қолдириб кетишди. Руслар озодлик мужоҳидларининг бу муносабатига қойил қолишди.

1918 йил бошидан рус мустамлакачилари «босмачилардан ўзларини ҳимоя қилиш» учун ўзларининг ҳарбий қисмларини яратишга ҳаракат қилишди. Бу ҳаракат Тошкентдаги совет раҳбарлари томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Бу масала кейинроқ батафсилроқ муҳокама қилинади.

1918 йил июль ойида Сағир қўрбошининг жангчилари нефть конларига ва Чимёндаги рус аҳоли пунктларига ҳужум қилди. Руслар бир тўп ва учта пулемёт билан жавоб берган тўқнашув тахминан тўрт соат давом этди ва Сағир қўрбоши жангни тўхтатиб, ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1918 йил 30 июлда қўрбоши Эргашнинг баъзи жангчилари Қўқон шаҳрига кириш йўлини тўсди. Қобил қўрбоши бўлинмаси 1918 йил 2 сентябрда Тўрақўрғон темир йўл станцияси яқинидаги Шарков қишлоғини эгаллаб, Қўқон ва Андижон ўртасидаги темир йўл қатновини тўхтатди. Совет қўшинлари Қўқон ва Андижондаги аскарларини Қобил қўрбошига қарши жўнатадилар. Қобил қўрбоши эллик нафар аскарини йўқотиб, Шарковни тарк этишга мажбур бўлди, бироқ унинг бўлинмаси Тўрақўрғон атрофидаги фаолиятини 1918 йилнинг ноябригача давом эттирди. 1918 йил 20 октябрда қўрбоши Эргаш 400 нафар жасур йигитлари билан Қобил қўрбошига ёрдамга келди. Қизил армия бўлинмалари озодлик курашчиларидан мағлубиятга учради, аммо бу сафар руслар Скобелев шаҳридан ёрдам олишади. 1918 йил ноябрь ойининг бошида озодлик учун курашчилар Тўрақўрғон атрофидаги позицияларидан 150 нафар қурбон бериб чекиндиладар.

Қўрбошилар Скобелев-Андижон ва Қўқон-Андижон темир йўлларини эгаллашга ҳаракат қилишган. Қизил армия бўлинмаларига собиқ чор Россияси зобитлари қўмондонлик қилган ва етарли ҳарбий тажрибага эга бўлган бу қўмондонлар темир йўл транспорти ҳар қандай ҳолатда ҳам уларнинг назорати остида бўлиши кераклигини жуда яхши билишарди.



1918 йилда мужоҳидлар Фарғона водийсини эгаллаган эдилар. Бунга қарши руслар фақат эски чор гарнизонлари ва темир йўлларни ўз назорати остида ушлаб туришлари мумкин эди. Шунинг учун улар доимо ҳимояланардилар. 1918 йил 20 октябрда Мадаминбек қўшинлари Андижон ва Наманган гарнизонларига ҳужум қилди, аммо тўлиқ жиҳозланган рус гарнизонларини бўйсундира олмади. 1918 йил 7 ноябрда Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва Холхўжанинг 1500 дан ортиқ жасур йигитлари Чимён нефть конини ўраб олишди. Етти кунлик жанглар натижасида юқорида тилга олинган қўрбошилар 100 дан ортиқ мард йигитларнинг қурбон бўлиши эвазига Чимёндан чекинишга мажбур бўлдилар. 1918 йил октябрь-ноябрь ойларида Қизилқия(кўмир кони ва тураржой майдони)ни эгаллаш учун қарама-қарши томонлар ўртасида шиддатли жанг бошланди. Мужоҳидлар совет аскарларини Қизилқиядан чиқариб ололмадилар. Лекин Қизилқияга қарши ҳужумлар навбатма-навбат давом этди; бир қанча жангчилар шаҳарга кириб келар эди ва совет аскарлари томонидан ортга қайтариларди, кейин эса қизил аскарлар мужоҳидлар томонига юриш қилар ва улар мужоҳидлар томонидан қайтариларди. Ниҳоят 1918 йил ноябрь ойида руслар ғалаба қозонди. Бироқ руслар маҳаллий халқ учун раҳм-шафқат чегарасидан аллақачон чиқиб кетган эди. Шу муносабат билан австриялик ҳарбий асир Вилфорт Қизилқиядаги русларнинг қирғинини кўрган гувоҳ сифатида қуйидагиларни айтади: «Руслар ва, афсуски, бизнинг баъзиларимиз (Германия ва Австрия ҳарбий асирлари – Б.Х.) қизил армия сафларида маҳаллий аҳолига, хоҳ айбдор, хоҳ бегуноҳ бўлсин, қилган ваҳшийликлари кўламини кўрсатиш учун қуйидаги мисоллар етарли бўлади: Қароқчиларнинг босқинидан сўнг кўп миқдордаги маҳаллий аҳоли крепостга (қалъага) олиб кетилди, у ерда улар учун катта қудуқ қазилди, унинг четида саф қилиб тизилди ва ўқ узиб хаммаси қудуққа ташланди. Қизилқияда қўлга олинган мужоҳид тўдалари (озодлик жангчилари – Б.Х.) ўлгунларича олдиндан ўт қўйилган жой устида югуриб юрган.

Венгрия соқчилари крепостдаги асирларнинг бошларини тезроқ ва тоза кесиш учун мусобақага киришди! Яна бири фарзандини эмизаётган аёлни боласи билан бирга битта ўқ билан ўлдирганини айтиб мақтанди. Бу воқеаларнинг барчасини бизнинг одамларимиз тасдиқлаган».<sup>1</sup>

Эргаш қўрбоши энг нуфузли раҳбар этиб сайланганига қарамай, кўпчилик қўрбошилар ўзларича ҳаракат қилишди. 1918 йил октябрь ойининг охирида Ойимда етакчи қўрбошилар йиғилиб, ҳар бир қўрбоши учун ҳаракат зоналарини аниқлади. Шунга кўра, қўрбоши Эргаш Қўқонда, Холхўжа Ўшда, Мадаминбек Андижон, Наманган ва Марғилонда, қўрбоши Маҳкамхўжа Андижонда, Шермуҳаммадбек Водил ва Асакада ҳамда Саидахмадхон Ўратепа ҳудудида жанглар ташкил қилади.

1918 йилнинг май ойидаёқ қўрбошилар орасида Эргаш қўрбоши ўрнига Мадаминбекнинг амир ул-муслимин бўлиши кераклиги муҳокама қилина бошланди. Мадаминбек 15000 жангчи йиғди ва русларга қарши муваффақиятлари туфайли бу лавозимга кўпроқ мос эди.

Кўпчилик қўрбошилар уни танлаган бўлсалар-да, кўпчилик Эргаш тарафини олди. Шунинг учун Эргаш 1919 йилнинг ўрталаригача мусулмонлар амири бўлиб қолди. Мадаминбек бутунлай мустақил ҳаракат қиларди. Икки истеъдодли қўрбоши ўртасидаги рақобат 1919 йилнинг ўрталарида Мадаминбек раҳбар этиб сайланганидан кейин ҳам давом этди ва бу сафар Эргаш бошқа қўрбошилар билан ҳамжиҳатликда ишлаш ўрнига ёлғиз ҳаракат қилди.

Қизил армия аскарлари мужоҳидларга қарши фақат мудрофаа ҳолатида жанг қилишлари мумкин эди. Босмачилар ҳужум қилганда улар фақат мудрофаада бўлишди, шу тариқа улар босмачиларнинг қурол кучини аниқлай олишди. Шубҳасиз, қизил армия бўлинмалари босмачиларга қараганда юз барабар кўпроқ қуролланган эди, аммо барибир совет қўшинлари ҳужум қилганда талафотлар босмачилар-

<sup>1</sup> Вилфорт. 243 – 244-бетлар.



никидан кўпроқ эди. Масалан, 1918 йил декабрь ойида Андижондан жўнатилган 1300 нафар аскардан иборат қизил армия бўлинмаси Мадаминбек, Холхўжа ва Маҳкамхўжа бўлинмаларига ҳужум қилганда мужоҳид бўлинмалари бирорта ҳам аскар қолдирмай барча аскарларни ўлдирадилар.

1918 йилда икки қарама-қарши томон ўрта-сида энг шафқатсиз урушлар содир бўлган жой Фарғона водийси эканлигига шубҳа йўқ: босмачилар у ерда рус ҳукмронлигига чек қўймоқчи бўлган бўлсалар, руслар ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилардилар.

1918 йил охирларида Зарафшон водийсида (Туркистон тоғлари ва Зарафшон дарёси оралиғида) Мачо беклиги ҳам озодлик курашининг яна бир марказига айланди. Беклик Самарқанд вилояти тасарруфида бўлган, лекин Россия муваққат ҳукумати даврида ўз мустақиллигини эълон қилган. Тошкентдаги совет маъмурияти у ерда фақат битта комиссар тайинлаган эди. Ҳийлакор Аҳмад Хўжа совет Россиясининг ўз ҳудудидаги даъволарини қабул қилмади. 1918 йил ноябрда ўз қўли остидаги барча ерларда советларнинг бутун фаолиятини тақиқлаган ҳолда қўрбошилар бу ерда қолиб, қизил армияга қарши ҳаракатлар уюштиришларига рухсат берди. Ташкилий ишлар 1918 йилнинг ёз ойларидан бошлаб давом эттирилди ва бу йўналишда Мулла Имом қўмондонлигида 2000 нафар мард аскардан иборат ҳарбий қисм тузилди. 1918 йил 12 декабрда Хўжанд вилояти совети ижроия қўмитаси Самарқанд вилояти ижроия қўмитасига: «Мачо халқи совет ҳукмронлигини истамаган, бу ҳудудда Эргаш тўдаси фаолият юритган ва халқ улар тарафида эди», – деб хабар қилди. Мулла Имом қўмондонлигидаги мужоҳидлар бўлинмасидан ташқари Авлиёхон қўрбоши, Асрорхон, Эшон Бобо ва Қутбихон бошқарувида бўлинмалар тузилади.<sup>1</sup> Шундай қилиб, Мачо водийси озодлик курашининг энг муҳим марказларидан бирига айланди.

Тажан воҳаси 1918 йил кузида озодлик курашининг учинчи марказига (Фарғона водий-

си ва Мачо водийсидан ташқари) айланди. Бу ўринда Азизхон Шафиқни алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг жангчилари 1918 йил 9 – 14 октябрда Тажан шаҳридан ташқари бутун Тажан воҳасини эгаллаб олдилар. Азизхон 1918 йил 14 октябрга ўтар кечаси 9000 аскар билан Тажан шаҳрига ҳужум қилди. Беш кунга яқин давом этган тўқнашувлар натижасида 5600 нафар жангчи шаҳид бўлган, 1700 нафар жасур аскар эса қалъа атрофида тан жароҳатлари билан қолган. Азизхон ярадор аскарларини ўзи билан олиб кетишдан олдин омон қолган жангчилари билан чекиниши керак эди. Руслар ортда қолган барча жасур жангчиларни ўлдирадилар. Азизхон ва унинг жангчилари ёзгача русларнинг қизил ва оқ қўшинларига қарши урушни давом эттирдилар. Юқори Каспийдаги Британия миссияси экспедицияси қўмондони генерал Маллесон уни генерал Деникин қўмондонлиги остига киришга мажбур қилди. Азизхон генералнинг илтимосини рад этди.<sup>2</sup> Азизхоннинг муҳолифлари унинг 2000 нафар жасур йигитлари билан қизил армия сафига қўшилганини даъво қилишарди. Генерал Маллесон уни ўз сафига жалб этмоқчи эди. Азизхон 1919 йилнинг ўрталаридан бери қолган аскарлари билан Байрамали (Туркменистон ҳудудидаги Марв вилоятига қарашли ер – Р.Ш., М.А., Б.Ш.) яқинида яшовчи акасининг олдига боради. Совет уруш маъмурияти унинг нима қилаётганини билиш учун сонсаноксиз агентларни сафарбар қилади. Совет аскарлари ниҳоят уни ҳибсга олишга ва баъзи аскарларини қуролсизлантиришга муваффақ бўлишди. Совет ҳарбий суди уни 1919 йил охирларида ўлимга ҳукм қилди.<sup>3</sup>

1918 – 1919 йилларда Амударёнинг чап томони Туркистон озодлик курашининг тўртинчи марказига айланди. Бу ўринда ҳам Хива хонлигининг норасмий, аммо ҳақиқий ҳукмдори, «чўл подшоҳи» номи билан машҳур сардор Жунайидхонни алоҳида таъкидлаш жоиз. Маълумки, Жунайидхон 1916 йилда Хива хонлиги ва унинг атрофидаги русларга қарши қўзғолонга бошчилик қилган. Россия гене-

<sup>1</sup> Келдиев Т.Х. Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР. – Ташкент, 1959. – С.29 – 30.

<sup>2</sup> Боймирза Ҳайит. Туркистон. – Б.274.

<sup>3</sup> Köstenberger. 61-бет.



рал Галкин қўмондонлигида Жунайидхонга қарши энг замонавий қурол-яроғлар билан жиҳозланган ҳарбий экспедиция уюштирган бўлса-да, Жунайидхонни енгиб чиқа олмади. Жунайидхон Россияга қарши курашини 1917 йил (февраль ва октябрь) инқилобларидан кейин ҳам давом эттирди. Унинг мақсади Хива хонлиги ва унинг атрофидаги ҳудудларни Россия зулмидан қутқариш эди. Шу мақсадда у 1918 йил 24 ноябрда Амударёнинг чап қанотидаги Ақлған, Шўракон, Шаббоз ва Бийназар аҳоли пунктларига ҳужум уюштирди ва аскарлари ёрдамида совет аскарларини бу ерлардан қувиб чиқарди. Унинг ихтиёрида 12000 дан ортиқ жангчилар бор эди.<sup>1</sup> Чор Россияси даврида Петроалександровск номини олган Тўрткўл шаҳрида катта қурол-аслаҳа мавжуд бўлган ва совет русларининг чиқиш нуқтаси ҳам бўлган. 1918 йил 25 ноябрда Тўрткўл шаҳри қамал қилинди. Жунайидхон советларнинг бу қурол омборини эгаллаш учун ўн бир кун курашади. 1918 йил 13 декабрда 1600 дан 1700 гача жангчилари ҳалок бўлади. Қизил армия Тўрткўлни ҳимоя қилиш учун Биринчи жаҳон урушида русларга асир тушган (Венгрия, Австрия, Германия ва Чехословакия мамлакатларидан асир тушган ҳарбийлар) асирларни фронтга олиб боради. Жунайидхон 1918 йил 16 декабрда ўзининг 1500 нафар жасур аскарлари билан Нукус шаҳрига ҳужум қилди. 16 кун давом этган (1.1.1919 йилгача) тўқнашувда Жунайидхон ютқазди. Питнақда Жунайидхоннинг бўлинмаси ва советлар ўртасида янги тўқнашув содир бўлади ва бу тўқнашув орқали Тўрткўлни қутқармоқчи бўлади, лекин бу урушда ҳам мағлуб бўлади.

Ҳужумлар қарама-қарши гуруҳларнинг ҳар икки томонидан амалга оширилса-да, руслар Жунайидхон билан тинчлик шартномаси тузмоқчи бўлди. 1919 йил 9 апрелда Тахта ҳудудида Хива хонлигининг ваколатли вакили сифатида Жунайидхон ва СССРга қарашли ТАССР вакили ўртасида қуйидаги бандларни ўз ичига олган тинчлик шартномаси имзоланди:

<sup>1</sup> Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. – Москва, 1984. – С.67.

«1. Икки томон уруш ҳолатини тугатади.

2. Совет ҳукумати Хива воҳаси халқларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олади.

3. Дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар икки томоннинг ваколатхоналари очилади. Хива ҳукумати Москва ва Тошкентда, совет Россияси ҳукумати эса Хивада ваколатхона очиш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Иккала томон ҳам тижорат мақсадларида бепул ва хавфсиз ўзаро сув ва қуруқлик транспортини таъминлаш мажбуриятини оладилар.

5. Совет Россияси ҳукуматига қарши қилган ҳаракатлари учун айбдор деб топилган Россиянинг ҳар бир туркман фуқароси афв этилади. Улар ўз ўрнини танлашда эркиндир».<sup>2</sup>

Бу шартнома фақат вақтинчалик амал қилди. Чунки Тўрткўлдаги большевиклар Хива хонлиги босқинидан сўнг бу ерни советлаштириш мақсадида «инқилобий тўр» тайёрлаётган эдилар. Улар Жунайидхоннинг ҳаракатларининг олдини олар экан, Тўрткўлда Хива учун «инқилоб батальони»ни ҳам туздилар. Жунайидхон 1919 йил 1 ноябрда Нукус шаҳрини қамал қилиб, Хива хонлигига қарши совет экспансиясининг олдини олмоқчи бўлди. У советлардан қуролларини ташлашни сўрайди. Тўрткўлдаги большевиклар эса ўлгандан кейингина қуролларини ташлашлари мумкинлигини таъкидлайдилар<sup>3</sup>. Советлар Хива хонлиги ва Жунайидхонга қарши курашлари билан танилган Ёш хиваликларни (жадидларни) сафарбар қилади. Улар туркман қабилалари ўртасида тарқатган ёлғон хабарлари билан низолар, ҳатто урушлар ҳам келтириб чиқаради. Улар Шаммикел (Қораўғуз қабиласи бошлиғи), Қўшмамедхон (Салак қабиласи бошлиғи), Ғулом Али (Гарасалак қабиласи бошлиғи) ва Жунайидхон ўртасида яхши ташкил этилган қуролли тўқнашувларни келтириб чиқаради. Большевиклар Хива хонлигини «инқилоб» деб атаган ҳолда босиб олмоқчи эдилар. Бунинг учун ТАССР Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 15 ноябрда Хива хонлигида-

<sup>2</sup> Боймирза Ҳайит. Туркистон. – Б.263.

<sup>3</sup> Волобуев П.В. История Хорезмской народной советской республики – Москва, 1971. – С.81.





ги тўлиқ ваколатли рус ваколатхонасини тугатди ва Хива билан муносабатларни йўлга қўйиш учун Петроалександровск (Тўрткўл) шаҳрида Ревком (инқилоб қўмитаси) тузди. Ушбу қўмита раиси этиб Ханталижинский тайинланди.<sup>1</sup> Советлар шундай чоралар кўрган бир шароитда Жунайид ёки Ўроз Сардор каби мужоҳид лидерларнинг совет Россияси гегемонлигига қарши урушни давом эттиришдан бошқа чораси қолмади.

1918 йилда Фарғона водийси, Зарафшон водийси ва Амударёнинг қуйи қисмларида кечган миллий кураш совет Россиясининг бу ерда тугатилиши мумкинлигини англатарди. Бир совет ёзувчиси: «1918 йилда босмачилик ҳаракати совет ҳукумати учун катта хавф туғдиради»<sup>2</sup>, – деб таъкидлайди. Шу сабабдан совет маъмурияти турли ҳарбий чоралар билан миллий кураш тезлигини сўндирмоқчи эди. Шу мақсадда Тошкентдаги совет ҳукумати 1918 йил 9 июлда Фарғона водийсини уруш ҳолатида деб эълон қилди. Шундан советларнинг Фарғона fronti мустақамланиб борди. Халқ Комиссарлари Совети раиси Колесов 1918 йил 15 июлда Ленин номига қуйидаги телеграмма ни йўллади: «Туркистон АССР душман таҳдида остида. Биз ўлим хавфи остида сиздан бир чора кўришни сўрамоқдамиз. Сиздан пул, қурол, ўқ-дорилар ва қўшинлар шаклида ёрдам кутамиз».<sup>3</sup>

Ленин ҳам 1918 йил 17 июлда Колесовга қуйидаги жавоб телеграммасини юборди: «Биз сизга ёрдам бериш учун барча чораларни кўрамиз. Биз сизга полкларни жўнатамиз... Умидсизликка тушманг... Бор кучингиз билан Красноводск ва Боку билан алоқада бўлишга ҳаракат қилинг».<sup>4</sup>

Совет ҳарбий маъмурияти 1918 йил июль ойида йирик (Астрахан) Ҳазар флотини тузди. Бу флотга Болтиқ денгизидан тўртта сувости кемаси ва тўққизта бомбани топширди. 1919

йилнинг ноябрида Каспий денгизида эллиқдан ортиқ кема ва тўртта жанговар самолёти бўлган бу флотнинг вазифаси совет Россиясидан Туркистонга қўшин жўнатиш хавфсизлигини ва қизил армиянинг эҳтиёжини таъминлаш эди. 1918 йил август ойида Россия бош штаби Туркистондаги қизил армияга турли уруш материаллари учун 14000 милтиқ, 2000 қилич, 1000 та тўппонча ва 20 миллион ўқ-дори юборди. Россия қўмондонлиги ҳарбий бошқармаси 1918 йил сентябрь ойида Фарғона водийсидаги қизил армияни қўллаб-қувватлаш учун областга яна 5 та полк юборган эди.

Совет ҳукумати 1918 йил 2 сентябрда шарқий фронтда 7-армия қўмондонлиги остида ҳаракат қилиш учун Туркистон ҳарбий-инқилобий кенгашини ташкил этди. 1918 йил ноябрь ойининг охирида ТАССР ҳарбий комиссари Осипов Фарғона водийсига келади. Жалолободга ҳам келган Осипов озодлик курашчиларига қарши курашга рус мустамлакачиларини жалб қилган. Шундан сўнг, рус мустамлакачилари қуролланган ҳолда Жалолобод ва унинг атрофида Туркистон халқига ҳужум қилди ва жанг майдонларида 5300 дан ортиқ босмачи ҳалок бўлди.

1918 йил 7 декабрда Тошкентдаги совет халқ комиссарлигининг олий ҳарбий делегацияси (Войтинцев – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси, Фигельский – Халқ Комиссарлари Совети раиси ва Осипов – ҳарбий комиссар) Фарғона водийсида босмачиларга қарши курашни қайта тиклаш ва тезлаштириш учун келди. Ушбу делегация босмачилар билан ишлаш учун юқори даражадаги ҳаракат бирлигини ташкил қилади. 1918 йил декабрь ойи ўрталарида Хонободда (Қўқон шаҳридан 20 км узоқликда) кўрбоши Эргаш қўшинлари билан қизил армия ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувда қайси тараф ғалаба қозонганини билмай, 20 декабрда ҳар икки томон яширинча жанг майдонидан чекинди. Тахминларга кўра, ҳар икки томон ҳам ғалаба қозона олмаслигини тушунган.

Мужоҳидлар, қишнинг оғир бўлишига қарамай, 1919 йилни катта кураш ҳисси билан қарши олдилар. Совет маъмурияти буни англ

<sup>1</sup> Иноятов Х.Ш. и др. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.): Сборник документов – Ташкент, 1976. – С.23.

<sup>2</sup> Муравейский. 43-бет.

<sup>3</sup> Елеуов Т.Е. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.1. – Алма-Ата, 1963. – С.53.

<sup>4</sup> В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане (М.Н.Гуревич таҳрири остида). – Тошкент, 1982. – Б.290.



лаб етди, лекин озодлик курашини қўллаб-қувватлаган омма олдида ҳам ожиз эди. Уларнинг совет маъмурияти томонидан Фарғона водийсида олиб борган кураши қароқчиларга қарши эмаслигини биринчи марта тан олишга мажбур бўлди. 1919 йил 7 январда ТАССР Марказий Ижроия Қўмитасининг сессиясида ТАССР халқ комиссарлари совети раиси Фигелский қуйидаги баёнотни айтди: «Биз Фарғона водийсида жиноятчи тўдалар билан ҳамкорлик қилмаймиз, аксинча, муваққат Сибирь ҳукумати, Ашхобод ва Оренбург ҳукуматлари билан яқин алоқада бўлганларга қарши курашамиз»<sup>1</sup>. Бу билан Фигелский Совет Иттифоқи ўша пайтгача Россиянинг босмачиларни қароқчилар бўлган деган даъвосини ҳам рад этади. Бироқ у озодлик курашчиси дея ишора қилаётган ташкилот Россиянинг Сибирдаги ҳукумати, Ашхободдаги оқ гвардиячилар ёки Оренбургдаги Атаман Дутов билан алоқада деган даъво ҳам ёлғон экани маълум. Албатта, Фарғона водийсидаги озодлик курашчиларининг улар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Советлар раҳбарияти қизил армия билан биргаликда 1919 йилдаги миллий қўзғолонга қарши нима қилиш кераклигини билмай ҳайрон қолишди. Турли ҳарбий чора-тадбирлар билан ўзини ҳимоя қилишга уринган бошқарув 1919 йил 20 майда Фарғона водийсида ўз қўшинлари билан ҳаракат бошлади. Бу ҳаракат Туркистоннинг бу қисмида совет ҳарбий бошқарувини мувофиқлаштиради. 1919 йилда Фарғона водийсида 40 дан ортиқ қўрбоши бўлинмалари қизил армия бўлинмаларига қарши операция ўтказдилар.<sup>2</sup> Тошкентдаги советлар ҳам босқинчиларга қарши курашнинг самарасизлигини ангадилар, шунинг учун Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 7 апрелда 7 кишидан иборат Инқилобий ҳарбий кенгаш (Реввоенсовет) тузди<sup>3</sup> ва босма-

чиларга қарши уруш эълон қилди.<sup>4</sup> Бу кенгаш олдида озодлик учун кураш (совет терминологиясида: аксилинқилобий кучларга қарши кураш)ни имкон қадар тезроқ якунлаш вазифаси қўйилди. Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 8 апрелда Инқилобий ҳарбий кенгашнинг ўн банддан иборат низомини эълон қилди. Низомга киритилган қарорлар қуйидагилардан иборат:

«1. Инқилобий ҳарбий кенгаш Туркистон АССР ҳарбий бошқарувини амалга оширади.

2. Инқилобий ҳарбий кенгаш Марказий Ижроия Қўмитаси аъзолари ва ҳарбий тажрибага эга бўлганларга ташаккурлар айтади. Агар Марказий Ижроия Қўмита сафларидан етарлича кадрлар тўпланмаса, улар Октябрь инқилобида ўзини кўрсатган коммунистлар орасидан танлаб олинади. (Марказий Ижроия Қўмита ўзига хос ҳарбий салоҳиятга эга бўлсада, у ўзининг ҳарбий кенгашига коммунист бўлмаганларни ҳам сайлаши мумкин.)

3. Инқилобий ҳарбий кенгаш 7 кишидан иборат бўлиб, улар орасида ҳарбий комиссари ва Туркистон АССР қўшинлари штаб бошлиғи ҳам бор.

4. Инқилобий ҳарбий кенгаш қўмондонни сайлайди, лекин ҳарбий комиссар ва штаб бошлиғи қўмондонликка сайлана олмайди.

5. Инқилобий ҳарбий кенгаш Марказий Ижроия Қўмита ҳузурида ТАССРни ташқи таҳдидлардан ва ички инқилобга қарши ҳимоя қилиш учун масъулдир. (Уруш бўлганда кенгаш Марказий ҳарбий инқилобий кенгашга бўйсунди.)

6. Ҳарбий комиссарлик барча муассасалари билан Инқилобий ҳарбий кенгаш қўмондонлигига бўйсунди.

7. Аслини олганда, Инқилобий ҳарбий кенгаш ҳар бир масала бўйича қўшма қарорлар қабул қилади, лекин операциялар раис ёки тегишли аъзолар томонидан амалга оширилади.

<sup>1</sup> Иноятов Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. – Москва, 1984. – С.77.

<sup>2</sup> Алексеров Ю.Н. Иностранная интервенция и гражданская война в Средней Азии. – Ташкент, 1959. – С.184.

<sup>3</sup> Бу шахслар: Белов, Сафонов, Панасюк, Бригадзе, Колузаев, Желесов, Востраблин. Казков кенгаш раиси ва И.П. Белов Туркистон қизил армияси бош қўмондони эди.

<sup>4</sup> Ф.Божко (Гражданская война в Средней Азии. – Ташкент, 1930. – С.78)га кўра, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси тугатилиб, унинг ўрнида Инқилобий ҳарбий кенгаш тузилди. С.Ташлиев (Туркменистан в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. – Ашхабад, 1957. – С.199 – 200)нинг ёзишича, бу кенгаш Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси назорати остида ҳарбий бошқарувни таъминлаш учун тузилган.



8. Туркистон ҳарбий комиссарлиги ёки бош штаб бошлиғининг барча буйруқлари, агар уларда фақат битта имзо бўлса, ҳақиқий эмас. Ҳарбий комиссарлик ёки Бош штаб бошлиғининг барча буйруқлари, агар қўмондон ёки Инқилобий ҳарбий кенгашнинг тегишли аъзолари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9. Инқилобий ҳарбий кенгашнинг қўмондонлигида халқнинг барча кучлари ва воситалари чегара хавфсизлигини таъминлаш ва ичкаридаги аксилинқилобни бостириш учун, аввало, барча масъул органлар Инқилобий ҳарбий кенгашнинг буйруқларини бажаришга мажбурдирлар.

10. Бу низом Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тасдиқланади ва шундан кейин кучга киради»<sup>1</sup>.

Бу низомлардан кўришиб турибдики, совет маъмурияти Туркистонни ҳарбий диктатура ҳукмронлиги остида ушлаб турган.

Марказий Ижроия Қўмита ўзининг давлат томонидан ташкил этилган ҳарбий ҳукмронлигига қарамай, совет ҳокимиятининг мавжудлигини таъминлай олмади. Озодлик курашчилари қатъий позицияни эгаллаб, совет Россиясининг уруш маъмурияти билан ҳеч қандай тарзда муроасага келишни хоҳламадилар. Фарғона водийсида Мадаминбек (тахминан 25000), Шермуҳаммадбек (20000) ва Эргаш қўрбоши (15000) каби кучли мужоҳид бошлиқларнинг қўшинлари операция ўтказган, шунинг учун улар урушнинг йўналишини яхши билишарди. Эркинлик учун курашнинг яна бир маркази бўлган Мачо водийсида 1918 йилдан бери қўрбоши бўлинмалари ва қизил армия ўртасида доимий уруш ҳолати мавжуд эди. 1918 йил 16 ноябрдаги можарода бу ерда 85 совет аскарлари ҳалок бўлди. Бу ҳудуддаги жангларда 6000 нафар озодлик аскарлари қатнашган. 1918 йил май ойида совет қўшинлари 80 немис ҳарбий асирлари, венгер ва австриялик асирлардан ташкил топган халқаро бўлинма туздилар. Улар рус аскарлари билан бирга 1919 йил июлигача Мачо водийсининг Фалгар ва Искандар

посёлкаларида озодлик курашчиларига қарши жанг қилдилар<sup>2</sup>.

Қизил армиянинг ҳарбий ҳаракатлари босмачилик ҳаракатини бостириш учун етарли эмас эди. Совет маъмурияти шундан сўнг қўрбошилар билан ўт очишни тўхтатишга ҳаракат қила бошлади. 1919 йил 2 майда Тошкентдан етти кишидан иборат совет комиссияси Фарғона водийсига босмачилар муаммосини жойида ўрганиш, шунингдек, қўрбошилар билан тинчлик музокаралари олиб бориш учун келди<sup>3</sup>. Советлар агар босмачилар қуроллари билан воз кечса, деҳқон ва ҳунармандларга 10 миллион рубль беришни таклиф қилишди. Қўрбошиларнинг ҳеч бири комиссия билан музокаралар олиб боришга тайёр эмас эди; Сорокин ҳатто Мадаминбекка музокара қилишни сўраб мактуб йўллади, аммо Мадаминбек жавоб бермади. Комиссия 1919 йил 15 майда Андижонга келганида совет ҳокимияти маҳаллий аҳолини таъқиб қилаётганини тушунди.

Шундан сўнг Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси (аслида, давлат раҳбари) Турор Рисқулов ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилган амалдорларни қамоққа олишга буйруқ беради. Сорокин бу илтимосни рад этганидан кейин Рисқулов комиссияга норозилик билдириб, Тошкентга қайтиб келади. Бироқ комиссия арман дашноқ бўлинмаларининг ваҳшийлик қилганини тан олади ва уларни қуролсизлантиришни таклиф этади.

Комиссия Фарғона водийсидаги совет қўшинлари қўмондони Сафонов билан бирга бу масалаларни ҳал қилиш учун Андижондан Скобелев шахрига келган<sup>4</sup>. Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Рисқуловдан бошқа комиссия аъзоларининг оддий фронт қўмондони ҳузурига келиб, ундан дашноқ қўшинларини қуролсизлантириш учун рухсат олишлари ажойиб

<sup>2</sup> Абдуллаев. Р. Борьба за советскую власть в верховьях Зарафшана (1918 – 1919 гг.) // Известия Отделения общественных наук Академии наук Таджикской ССР. 1966. – С.15 – 18.

<sup>3</sup> Бу комиссия таркибига Карп Элисевиш Сорокин – Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси ва комиссия раиси; Турор Рисқулов – Марказий Ижроия Қўмитаси раиси; Турсун Хўжаев – миллатлар иши бўйича комиссар; Билык – халқ таълими комиссари; Ханталенский, Соколов ва Аббос Хўжаев – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси аъзолари.

<sup>4</sup> Зевелов А.И. За Советский Туркестан. – Ташкент, 1963. – С.103.

<sup>1</sup> Ташлиев С. Туркменистан в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. – Ашхабад, 1957. – С.200.



воқеадир. Бу воқеа Россия ҳарбий маъмурияти сиёсий маъмуриятидан кучлироқ эканлигини кўрсатади. 1919 йил август ойида қизил армия томонидан Туркистон fronti ташкил этилишигача бўлган даврда Фарғона водийсида Туркистон миллий курашининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Ҳарбий комиссар Осиповнинг 1918 йил 4 декабрдаги буйруғига биноан Фарғона водийсидаги Жалолобод ва Ўш шаҳарлари атрофидаги рус посёлкаларидаги крестянлардан иборат босмачилар билан бирга советларга қарши уруш олиб борувчи армия ташкил этилади. Крестянлар армиясига полковник Константин Монстров, генерал Мухановлар раҳбарлик қилганлар.

Рус мустамлакачилари 1918 йил 2 декабрда бўлиб ўтган йиғилишда «маҳаллий халқдан келиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш» номи билан крестянларни ёллаш ва «крестянлар армияси» тузишга қарор қилдилар. Бу крестянлар армияси тўртта полкдан иборат эди (ҳар бир полкда тўрттадан рота бор эди). Дарҳақиқат, рус мустамлакачилари бу тўртта полкни қисқа вақт ичида туздилар. Фарғона водийсидаги совет ҳарбий қўшинлари ҳам шу «крестянлар армияси» орқали қизил армиянинг жанговар кучи ортиб боришини башорат қилиб, хурсанд бўлди. Фарғона fronti қўмондонининг ўринбосари Коновалов 1919 йил 14 майда «крестянлар қўшини»нинг минг нафар аскарини уч кун ичида Андижонга жўнатишини айтади. 1919 йил 5 майда Фарғона водийсидаги 2-совет армиясининг қўмондони ва штаб бошлиғи этиб тайинланган «крестян армияси» қўмондони Монстров бу буйруқни бажармади. Шундан сўнг Фарғона fronti қўмондони Сафонов бу «армия»ни қуролсизлантиришга қарор қилди. Аммо қизил армиянинг бу кўрсатмасини амалга ошириб бўлмади. Қизил армия ва «крестянлар армияси» ўртасидаги бу тўқнашув давом этар экан, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва Холхўжа қўшинлари ҳужумларини кучайтириб борарди. Мадаминбек қўшинлари Балиқчи ва Қўқонқишлоқни озод қилиб, қизил армия ва дашноқ қўшинларини бутунлай тор-мор этадилар. Шундай шароитда «крестянлар қўшини» қўмондони Монстров ўз

қўшинини кўрбошилар парчалаб ташлашидан кўрқиб Мадаминбек билан боғланиб, қизил армияга қарши биргаликда курашмоқчи бўлади. «Крестянлар армияси» ҳарбий делегацияси 1919 йил 22 августда «Мадаминбек бошлиқ мусулмон қўшинлари билан бирлашиш керак» деган қарорга келди. Шунда Монстров қарорни ёзма равишда Мадаминбекка етказди ва қизил армияга қарши биргаликда курашишни илтимос қилади. Мадаминбекни бош қўмондон сифатида ҳам таклиф қилган мактубига жавобан Мадаминбек шундай дейди: «Менинг мақсадим большевиклар ҳукмронлигини тугатгандан сўнг ҳокимиятни яширин ва тўғридан-тўғри халқнинг ҳақиқий вакилларига топширишдир. Сайловлар умумий қоидалар билан белгиланади, унда ҳамма адолатли иштирок этади».<sup>1</sup>

1918 йил бошидан бери босмачилар ҳаракатига қарши узлуксиз ва аёвсиз кураш олиб борган полковник Монстров туркистонликларнинг асосий душмани, рус казаки ва чор Россиясининг собиқ зобити ҳамда рус «крестянлар армияси» қўмондонидир. Гарчи мустамлакачилар 1916 йилги Туркистон қўзғололида тўлиқ қуролланган ва кейинчалик қизил армия уларга тинимсиз қурол-яроғ етказиб турганди. Эндиликда эса Монстров нега Мадаминбек билан мураса қилмоқчи бўлди? Бунинг сабаби шундаки, Монстров озодлик курашчиларига қарши урушда ғалаба қозона олмаслигини англаган – Жалолобод ва Ўшдаги рус мустамлакачилари Туркистон мужоҳидлари томонидан ўраб олинган эди. Монстров туркистонликларга қарши урушда узоқ муддатда мағлуб бўлишлари ва шу тариқа «крестянлар армияси»нинг парчаланиши муқаррар эканини биларди. Мадаминбек Монстровнинг қотиб қолганини билар эди. Фарғона водийсидаги озодлик курашчиларининг ашаддий душмани, Туркистонда қизил армиянинг таянчи бўлиши мумкин бўлган «крестянлар армияси» 1919 йил августда кутилмаганда босмачилар билан «дўстлик» ўрнатишга қарор қилади ва ўз миллатдошлари

<sup>1</sup> Зув. 40-бет.





бўлган большевикларнинг душманига айланади. 1919 йил 27 августда Мадаминбек билан муроса қилинади. Мадаминбек ва Монстров қўшинлари 1919 йил сентябрда Жалолобод ва Ўш яқинида биргаликда жанг қиладилар<sup>1</sup>. 1919 йил 8 сентябрда Ўш шаҳрини большевиклар ҳукмронлигидан озод қиладилар. 1919 йил 22 – 26 сентябрь кунлари Мадаминбек ва Монстров қўшинлари билан қизил армия қўшинлари ўртасида тинимсиз жанглар бўлиб ўтди. Қизил армия 26 сентябрда Ўш шаҳрини ишғол этаркан, Мадаминбек ўзининг 1000 дан ортиқ мардлари ҳалок бўлганидан афсусдалигини билдиради<sup>2</sup>.

Қўрбоши Шермуҳаммад, Нурмуҳаммад, Муҳиддин, Холхўжа, Содикхўжа ва Маҳкамхўжа 12000 га яқин жасур йигитлари билан қизил армиянинг Олой водийсига кириб келишига тўсқинлик қилмоқчи эдилар. Бошқа томондан, улар Андижон, Жалолобод ва Ўш атрофида курашларини давом эттирдилар<sup>3</sup>. 1919 йил 17 сентябрда энг кучли гарнизонга эга Андижон шаҳри босмачилар томонидан қамал қилинади. Мадаминбек ва Монстров Андижонни забт этиш учун 20000 дан ортиқ жангчиларини фронтга олиб борадилар. Андижондаги қизил армия бўлинмаси 22 сентябргача ўзини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади, бироқ уларнинг бир ўзи босмачилар ҳужумини тўхтата олмайди. Советлар ҳар қандай ҳолатда ҳам Андижонда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолмоқчи эди<sup>4</sup>. Натижани белгилаган тўқнашув 1919 йил 22 сентябрда босмачилар ва қизил армия ўртасида бўлиб ўтди. Совет қўшинлари ўз гарнизонларини ҳимоя қилиш учун 1000 дан ортиқ аскарни фронтга олиб борадилар, улар Э.Ф.Кужело қўмондонлиги остида интернационал бригадани ҳам ҳаракатга келтирадилар. 1919 йил 26 сентябрда босмачилар мингдан ортиқ мард аскарларни қурбон бериб

шаҳарни қўлга киритиш учун олиб борилаётган урушдан чекинишга мажбур бўлдилар<sup>5</sup>. Босмачиларга қарши урушда советлар арман дашноқ қўшинлари билан биргаликда ўз қўшинларини кучайтирдилар; 13000 дан ортиқ аскар 3 та граната, 12 та тўп ва 57 пулемётдан фойдаланган.<sup>6</sup>

1919 йил 24 октябрда Мадаминбек ва Монстров Туркистоннинг шарқиде, Хитой чегара ҳудудида жойлашган Эргаштомда «Фарғона муваққат ҳукумати»ни туздилар. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи ва бош қўмондон, Монстров эса унинг ўринбосари бўлади. Ҳукумат 16 вазирдан иборат эди. Генерал Муханов Британия бош консули Эсертон билан боғланиб, инглизлардан ёрдам олиш учун ўғлини Қашғарга юборди. Бироқ Эсертон Ҳиндистон (Британия империяси) ҳукумати бу даврда (1918 – 1919) панисломизм масаласи билан қаттиқ шуғулланаётганлиги сабабли ёрдам ваъда қила олмади.

На Мадаминбек, на Монстров, на бошқа антисовет кучлари хориждан ёрдам олишди. Монстров «крестянлар армияси»нинг қурбонлари ва Мадаминбек-Монстров бўлинмалари штаб-квартирасида осилган исломнинг яшил байроғидан норози эди. Бир томондан, қизил армия таҳдиди остида бўлганида у босмачиларга қарши урушда эски иттифоқчиси (1918 йил ноябрдан 1919 йил августигача) ва янги душмани (1919 – 1920) билан тинчлик шартномаси тузиш йўллари кидирди. 1920 йил 17 январда Монстров 2-татар бригадаси полкига таслим бўлди ва Тошкентга Туркистон fronti штабига юборилди. Унинг аскарлари қуролларини қизил армияга топшираётган эди. Мадаминбек ўз курашини бошқа қўрбошилар ёрдамида давом эттирар экан, большевизмга қарши курашда руслар ҳеч қачон самимий иттифоқчи бўлмаслигини ҳам тушунди.

Совет раҳбарлари, айниқса, 1919 йилда босмачилик ҳаракатини бутунлай йўқ қилиш учун катта куч сарфладилар. 1919 йил 26 февралда Фарғона fronti ташкил этилгандан

<sup>1</sup> Максим Горький. История гражданской войны в СССР. Т.5. – Москва, 1960. – С.269. «Мадамин ва Монстров ўртасидаги шартнома 1919 йил тузилган».

<sup>2</sup> Сантуаров С.В. Гражданская война. – С.130.

<sup>3</sup> Боевой путь войск Туркестанского военного округа. – Ташкент, 1959. – С.116.

<sup>4</sup> Максим Горький. История гражданской войны в СССР. Т.5. – Москва, 1960. – С.269.

<sup>5</sup> Боевой путь войск Туркестанского военного округа. – Ташкент, 1959. – С.116.

<sup>6</sup> Жантуаров. 132 – 133-бетлар. Тўғон. 390-бет.



сўнг ҳар бир аҳоли пунктида ҳарбий судлар ва фавқулодда комиссия тузилди (Чека – Разведка хизмати). Бундан ташқари, босмачилар билан шуғулланиш учун жойларда комиссиялар ташкил этилди. Фарғона fronti қўмондони Сафонов 1919 йил бошида комиссиялар кўрсатмаларидаги тафсилотларни тушунтириб берар эди. Советлар озодлик курашчиларига қанчалик мурасасиз ва шафқатсиз муносабатда бўлганлари ушбу кўрсатмадан кўриниб турарди.

### **ФАРҒОНАДАГИ БОСМАЧИЛАР ҲАРАКАТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ВА СОВЕТЛАР ҲУКМРОНЛИГИ**

#### **Ҳаракатлар учун кўрсатма**

*Комиссиянинг вазифалари:*

1. Ҳудудларни қароқчилардан (озодлик курашчилари назарда тутилади – Б.Ҳ.) ва зарарли унсурлардан тозалаш.
2. Совет ҳукмронлиги ва расмий институтларнинг ташкил этилиши.
3. Комиссия округ инқилоб қўмитаси сифатида, ваколатли ва маъмурий орган сифатида қабул қилинади.

*Ишлаш қоидалари:*

1. Ҳудудларни қароқчилардан қутқариш бўйича мажбурий чоралар:
  - а) Ҳудудларда умумий амнистия эълон қилиниши ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши, босмачиларга алданиб қолган бегуноҳ фуқароларга умумий амнистиянинг мақсади тўғрисида маълумот берилиши учун ҳудудлар бир неча вилоятларга бўлинади, шундан кейин улар яна одатий ҳаёт тарзига қайтишлари мумкин бўлади;
  - б) Умумий провокациядан сўнг босмачилар қуролларини топширишди ва амнистиядан фойдаланишди, яъни Россиянинг эркин ва тенг ҳуқуқли фуқаролари бўлиш ҳуқуқини олиш учун (юқорида тасвирланган совет шафқатсизлиги маъносида – Б.Ҳ.) жами ўн кун, дастлаб етти кун, кейин эса яна уч кун қўшимча вақт берилди;

в) амнистия муддати тугагач, таслим бўлмаган золимларни ва жамиятга зарар етказувчи ҳар хил унсурларни (совет ҳукмронлиги учун – Б.Ҳ.) йўқ қилиш мақсадида қурол-яроғ излаш комиссиялари тузилади. Бунинг учун совет маъмуриятига яқин эканлиги маълум бўлган ишончли маҳаллий аҳоли танлаб олинади. Шунга қарамай, ўн икки кишидан иборат милиция кучлари ташкил этилди.

#### **Эслатма:**

1. Етказиб берилган ва олинган қуроллар туман штабининг захира бўлимига ўтказилади.
2. Қуролли қисмлар (босмачилар) советлар сафига ўтган тақдирда, қурол-яроғни етказиб бериш шартларини етказиб бериш ҳуқуқига эга ягона шахс бўлган ҳарбий қўмондон белгилайди.
3. Комиссиялар ҳар куни ўз ишлари ва ҳудудларнинг умумий аҳволи тўғрисида ҳисобот олиб борадилар.

*Ўлим жазоси ҳақида:*

1. Суд ва терговсиз жойида қатл қилинадиганлар:
  - а) Амнистия эълон қилингандан сўнг аҳоли пунктида қўлларидан қурол қўймаган босмачилар;
  - б) Ҳаракат пайтида (талончилик, ўғрилик, безорилик ва ҳоказо) қўлга олинган босмачилар амнистияга қадар ва ундан кейин қуролсиз бўлса ҳам.

#### **Эслатма:**

1. Ижро ёзма қарор асосида амалга оширилади. Ўлим жазосини ижро этишда қатнашганлар баённома тузадилар.
2. Қуролсиз ушланганлар ва уларни қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан фаол қўллаб-қувватлаётган ва мавжудлиги умумий тинчлик ва хавфсизликка таҳдид соладиганлар комиссиялар томонидан ҳарбий кенгашга ўтказилади.
3. Фуқаролик ва маъмурий ишлар, масалан, одам ўлдириш, оддий жиноятлар ва бошқа ишлар кўриб чиқиш учун халқ судларига ёки ҳарбий судларга юборилади.

**Тинтувлар ва мусодаралар ҳақида:**

1. Тинтувлар мулкдор иштирокида ёки икки ё ундан ортиқ яшовчи шахслар мавжуд бўлган муҳитда ўтказилади ва улар баённомада гувоҳ сифатида қайд этилади.

2. Босмачининг мол-мулки ва ерлари тортиб олинади. Уй-рўзғор буюмлари ва яшаш учун минимал зарур бўлган нарсалар гаровдан чиқариб ташланади.

**Эслатма:**

Қимматбаҳо ашёлар топилса, комиссиялар бунга ишонч ҳосил қилади ва қимматбаҳо буюмлар рўйхатини тузади, бу ҳақда халқ хўжалиги йиғини ва район бўлинмалари командирларига хабар қилинади.

**Вилоят қўмондонлиги, ҳарбий қисмлар ва комиссиялар ўртасидаги муносабатларга тўхталадиган бўлсак:**

1. Комиссиялар бўлинмалар командирларини ўзларининг умумий ишининг бориши ва минтақанинг ҳолати тўғрисида хабардор қилишлари шарт.

2. Ҳарбий қисмлар комиссиялар билан ҳамжиҳатликда ишлашлари ва ҳарбий маъмуриятнинг буйруқларини жанговар бурчларига тўққинлик қилмайдиган тарзда бажаришлари шарт.

3. Комиссиялар ва қўмондонликлар ўзларининг вазифалари ҳақида бир-бирлари билан маълумот алмашадилар.

**Вилоят кўрсатмалари ҳақида:**

1. Вилоят раҳбарияти ўз округидаги барча ишларни назорат қилади ва бошқаради.

2. Вилоят раҳбарияти комиссия раислиги тасдиқлангунга қадар ўз округидаги комиссия аъзоларини вақтинча лавозимидан озод этиш ёки янгиларини тайинлаш ҳуқуқига эга.

3. Ҳафталик йўриқнома дафтар юритиши ва ўз минтақасидаги ишлар ҳақида район бўлинмалари командирига ёзма равишда хабар бериши керак.

4. Район бўлинмалари командири томонидан юборилган барча турдаги ҳужжатлар, қаерда бўлишидан қатъи назар, район раҳба-

рияти томонидан юборилади ва буни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

**Эслатма:**

Вақтинчалик округ комиссияси раислиги Фарғона водийси қўшинлари қўмондонига маълум қилиш шarti билан ушбу йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир<sup>1</sup>.

Совет ҳарбий маъмурияти энг кескин чораларни кўрди (урушни энг замонавий қурооллар билан давом эттириш, ҳарбий судлар, разведка идоралари, комиссиялар ташкил этиш, босмачилик ҳаракати аъзоларини гаровга олиш, қизил армия аскарлари урушни давом эттириши ёки эттирмаслигини аниқлаш) ва ғолиб бўлганига қарамай, жанг майдонидан ғолиб сифатида кета олмайди. Босмачилар ўз курашларини 1919 йил августда Туркистон фронти ташкил этилгунга қадар ва 1920 йил февралда Туркистон фронти штаби Тошкентга келгунга қадар қизгин давом эттирдилар. Қуйидаги соддалаштирилган хронологиядан кўришиб турибдики, босмачилар қизил армия учун жуда катта қийинчилик туғдирган:

**1919 йил****Январь**

Озодлик жангчилари – Мадаминбек ва Шермухаммадбек жангчиларининг Карбува, Қоратуба, Бозорқўрғон, Шаҳрихон, Хонобод, Чуст, Асака ва Марғилондаги қизил армия бўлинмаларига қарши ҳужумлари.

**1 февраль**

Эргаш қўрбоши, Мадаминбек ва Холхўжа Андигон уездидаги Қўқонқишлоқда мудрофаа қалъаларини тугатадилар.

**Февраль**

Қуролли тўқнашувларда Балиқчида 250 киши ва Шаҳрихонда тахминан 300 жасур киши шаҳид кетди.

<sup>1</sup> Шомагдиев Ш.А. 354 – 356-бетлар: Қаранг: Боймирза Ҳайит. Sovjetrussischer kolonialismus und Imperialismus in Turkestan. – Oosterhout, 1965. – P.23 – 25; Islam and Turkestan under Russian rule. – Истанбул, 1987. – P.301 – 304.



### 18 февраль

Совет қўшинлари Фарғонага бостириб кирди ва қўшимча қўшин юборилади.

### 12 февраль

Косон шаҳридаги жанглар. Самарқанд ва Намангандаги советлар ҳам ўз қўшинларини ҳаракатга келтирдилар ва муваффақиятсизликка учрадилар.

### 25 март

Бозорқўрғонда қизил армия ва босмачилар ўртасидаги қўрбоши Маҳкамхўжа қўмондонлигидаги зиддият.

### Баҳор

Мадаминбек Наманган шаҳрини озод қилди. Унга қарши советлар 1600 га яқин аскарни фронтга сафарбар қилади.

### 4 апрель

Ҳаққуллобод, Сарикўрғон, Ўш ва Жалолободда тўқнашувлар. Тахминан 300 жасур йигит шаҳид бўлади. Совет ҳарбийлари қизил армия таркибида Хива штабини ташкил қилади.

### 5 апрель

Чортоқда қонли тўқнашувлар. Иккала томон ҳам кўп йўқотишга учради. Уруш тўхта-тилди.

### 9 апрель

Амударё атрофида Жунайидхон урушда устунликка эга бўлди.

### 15 апрель

Сарикўрғонда тўқнашув. 1500 га яқин жасур шаҳидлар.

### Апрель ўрталари

1500 га яқин аскарлар Исфарани қутқарди. Қўрбоши Эргаш Конибодомдаги тўқнашувда голиб чиқади.

### 27 апрель

Қўрбошилар ҳужум қила бошлайдилар.

### 9 май

Тошкентдаги совет маъмурияти томонидан ўз ихтиёри билан совет ҳокимияти тарафига ўтган босмачиларга умумий афв эълон қилинади, лекин босмачилар бунга эътиборга олмайдилар.

### Июнь

Мачо вилояти, Эргаш қўрбоши қўшинлари ва советлар ўртасидаги зиддият.

### 21 июнь

Қўрбоши Охунжон қизил армия бўлинмаларига таслим бўлди, бу озодлик курашчилари учун катта йўқотиш эди. Охунжон совет ҳарбий маъмурияти билан собиқ босмачилардан иборат гуруҳ сафларида жанг қилади ва советлар сафида босмачиларга қарши курашга қўмондонлик қилади.

### 31 июнь

Қўрбоши Мулла Эргаш Мирмуҳаммад ҳам таслим бўлади. Бу одам қўрбоши (Катта) Эргаш билан бир одам эмас.

### Август

Мужоҳидлар Чимбой, Нукус ва Мўйноқни (Орол денгизидаги орол) ҳимоя қилдилар. Тўрткўл (Петроалександровск) яқинидаги қўрбоши Убайжон Баҳоутдинхон Махсум ва Балибойнинг 2000 кишидан иборат бирликлари тузилади.

### Сентябрь боши

Жунайидхон 1500 дан ортиқ аскар билан советлардан Чоржўй ва Тўрткўлни қутқариш учун уруш эълон қилади.

### 15 сентябрь

Қўрбоши Мадаминбек бошчилигида Марғилон шаҳрида совет бирликларининг ўқ-дори ва аскар билан қўллаб-қувватланишига йўл қўймаслик учун Фарғона водийсини Туркистоннинг бошқа ҳудудларидан ажратиб қўйиш бўйича маслаҳат йиғилиши бўлди.

### 17 сентябрь

Андижон шаҳри 20 000 дан ортиқ мустақиллик курашчилари томонидан қамал қилинади.





### Октябрь ойи охири

Мадаминбек қўрбоши Туркистон ислом мужоҳидлари амири этиб сайланади. Босмачиларнинг биринчи раҳбари Эргаш ўзининг 8000 дан ортиқ жасур йигитлари билан Мадаминбек қўмондонлиги остида бўлишни рад этади.

### 5 ноябрь

Карбувадаги тўқнашувда 2000 дан ортиқ аскар қатнашган, 700 нафар жасур йигит шаҳид бўлган.

### 22 ноябрь

Холхўжа ва қўрбоши Маҳкамҳожид қўмондонлиги остидаги 4000 дан ортиқ жасур жангчиларнинг Хонобод ва Жалолобод атрофидаги жанглари.

### 27 ноябрь

Совет аскарлари Нукус шаҳрини қамал қилишди.

### 29 ноябрь

Жунайид ва Хонмахсум қўшинлари Нукус шаҳрини ўраб олдилар.

### Ноябрнинг охири

Тахминан 6000 га яқин аскар Карбува (Гарбаба)да қизил армияга қарши операция уюштирди.

### 1 декабрь

Совет ҳукумати босмачилар ҳаракати билан курашда янги режани амалга оширишга киришди. Босмачиларга қарши ҳар қандай воқитларга мурожаат қилишга қарор қилинди. Туркистон қўшинлари қўмондони И.Г.Бригадзе Фарғона водийсидаги қўмондонликни ўз қўлига олади.

### 4 декабрь

Қизил армия Карбува, Шаҳрихон, Бозорқўрғон ва Ташарвақни (Тошлоқ бўлса керак – Р.Ш.) қайта эгаллаш мақсадида ҳужумга ўтади. Совет қўшинлари қўмондони Бригадзе Карбува-

даги босмачиларга қарши ҳаракатларни шахсан бошқаради. Қизил армия ғалаба қозонди ва Карбува босиб олинди.

### 21 декабрь

Бригадзе ва Кужело қўмондонлигидаги совет аскарлари Бозорқўрғон ва Чортоқдаги босмачиларга ҳужум қилиб, бу аҳоли пунктларини эгаллаб олдилар. Қўрбоши Омонкул совет аскарларини Ўратепа ва Ўртақўрғондан ҳайдаб чиқаради.

### Декабрь ойи охири

Фарғона водийсидаги озодлик жангчилари асосан Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек, Эргаш ва Холхўжа қўмондонлигида бўлса, Амударё вилоятида Жунайидхон, Болабий ва Хонмахсум ҳамда Зарафшон водийсида Султонбек қўмондонлиги остида эди.

1918 йилда бўлгани каби, Туркистон миллий кураши 1919 йилда ҳам Россияни тушқунликка солди. Бироқ Россия ҳар қандай ҳолатда ҳам Туркистон халқининг миллий иродасига қарши туришга аҳд қилди. Озодлик курашчиларининг ғалабасини Россия тасаввур қила олмас эди. Улар Туркистон хомашёсидан воз кечиш ниятида эмасдилар. Совет маъмуриятининг асосий мақсади «Советлар, коммунизм, пролетариат, социализм» каби шиорлар билан Россия ҳукмронлигини қайта тиклашдан иборат эди. Бу мақсадига эришиш учун совет Россияси Туркистонда қонли уруш олиб борди ва ҳар икки томондан сон-саноксиз қурбонлар бўлди. Советлар Тошкентда совет руслари билан ҳамкорлик қилиб, ўз миллатига қарши ташвиқот ишларини давом эттирадиган бир неча туркистонликларни ҳам топдилар. Бу ҳолат табиийдир, чунки мустамлакачи жаноблар мустамлакаларида ўз сиёсати учун доимо маҳаллий халқ вакилларида фойдаланиб келган. Бу чекланган миқдорда бўлиб, уларнинг умумий сони 20 нафардан ортиқ бўлмаган. Туркистон халқи билан давлат ва партия миқёсида бирга ишлаган руслар Туркистонда совет Россияси учун бирон нарса қўлга киритмадилар, чунки бу одамларнинг на халқ олдида, на мустақиллик курашчилари



олдида обрўси ва фаолияти йўқ эди. Советлар мужоҳидлар кучини синдириш учун бошқа йўлларга ҳам мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шу мақсадда совет Россиясининг Туркистон fronti ташкил этилди. Китобимизнинг бошқа қисмларида совет Россияси Коммунистик партияси ва ҳукуматнинг Туркистон комиссияси билан биргаликда Туркистонга юборилиши ҳақида сўз кетади. Яна шуни айтиш керакки, Россиянинг ўзидаги 1918 – 1920 йиллардаги фуқаролар уруши, Туркистондаги большевик руслар билан уларга қарши чиққан маҳаллий миллат кишилари ўртасидаги уруш ҳам бу ўлкадаги миллий курашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

### **РОССИЯДАГИ ФУҚАРОЛАР УРУШИ ВА ТУРКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ КУРАШ**

Россиядаги ижтимоий инқилобчилар ва большевиклар 1918 ва 1919 йилларда Туркистонда давлат ҳокимиятини дастлаб тинч йўл билан қўлга киритган бўлсалар-да, аммо турли партиялар ўртасидаги ўзаро ҳукмронлик учун кураш жараёнида турли хил келишмовчиликлар мавжуд эди. Бироқ келишмовчиликлар 1918 йил ўрталарига қадар қуролли тўқнашувларга сабаб бўлмаганди. Улар бу босиб олинган ерларда рус бошқарувини ҳамкорликда шакллантиришга ҳаракат қилардилар. Бироқ большевикларнинг Россия сиёсатининг ягона ҳал қилувчи омили бўлиш истаги ниҳоят 1918 йил ўрталаридан кейин Туркистонда большевизм тарафдорлари ва унинг мухолифлари ўртасидаги қонли тўқнашувларга олиб келди.

1918 йил 1 июнда Омскда (Жанубий Сибирда, Туркистон чегарасида) Авксентьев бошчилигида большевикларга қарши рус ҳукуматининг ташкил этилиши, кейин эса 1918 йил 11 ноябрда адмирал Колчакнинг Омскда рус «ҳукумати регенти» этиб тайинланиши, Туркистон шимолида икки қарама-қарши рус томонининг урушни давом эттириши рус фуқаролар урушининг бутун ўлкага тарқалишига сабаб бўлди.

Оқ гвардиячилар (большевикларга қарши) ва қизил гвардиячилар (большевиклар) ўртасида Орол ва Балхаш кўллари атрофида, қисман Еттисув ҳудудида ўзаро жанглар давом этди. Колчак ҳукумати туркистонликлардан ёрдам сўради, лекин Туркистон халқига эркинлик ҳуқуқини бериш ҳақида ҳеч қачон ўйламаган эди. Большевизмга қарши ва большевизмпараст кучлар ичида Алаш Ўрда ҳукумати ўз фаолиятини давом эттирмоқчи бўлиб, ҳар икки тарафга қарши курашишга мажбур бўлди. Омскдаги муваққат ҳукумат большевизмга қарши бўлишига қарамай, 1918 йил 22 октябрда Алаш Ўрда фаолияти ман қилинди. Алаш Ўрда ҳукумати бу икки қарама-қарши рус партиясининг кўрсатмаларидан узоқда мамлакатни бошқармоқчи эди. Алаш Ўрда қўшинлари большевикларга қарши ҳаракатларни давом эттирдилар. Бироқ Алаш Ўрда 1919 йил 16 февралда большевиклар билан тинчлик шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Бу сафар совет руслари Алаш Ўрда ҳукуматининг имкониятини аниқлашга ҳаракат қилди. Алаш Ўрда ҳукумати Туркистон даштларида ўз мустақил сиёсатини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди. Лекин Алаш Ўрда қўшинлари иккала фронтда ҳам жанг қилиш имкониятига эга эмас эди. Бу эса совет ҳукмрон доиралари учун айтилиши муддао эди. 1920 йил февралда Алаш Ўрда ҳукумати аъзолари совет маъмуриятига мурожаат қилади.

1919 йил 14 ноябрда қизил армия Омск шаҳрини эгаллаб олди. Омскдаги рус ҳукумати 1919 йил 25 майда Англия, Франция ва Япония ҳукуматлари томонидан тан олинганидан сўнг катта парчаланиш жараёнини бошлаганди. Кўплаб оқ гвардиячилар Еттисув (Семиречье) ҳудудига қараб ҳаракат қилишди. 1919 йил бошида Колчак Туркистоннинг бу ҳудудига Атаман Анненков қўмондонлиги остида 1800 пиёда, 1770 отлик ва 6 та тўпдан иборат дивизия юборган эди. 1919 йил июль ойида Еттисув ўлкасида, айниқса, Еттитомада русларнинг большевикларга қарши кучлари қизил армия бўлинмалари томонидан мағлубиятга учратилди. Бу ҳудудда Россия фуқаролар уруши давом этди.



Руслар 1917 йил декабрда Юқори Каспий минтақасида турли рус партиялари вакилларидан иборат Халқ Комиссарлари Советини ташкил этдилар. Аммо уларнинг ҳар бири фақат ўзи ҳукмрон бўлиш учун кураш олиб бордилар. Оқибатда 1919 йил июнча уч марта янги комиссарлар алмаштирилди. 1919 йил 14 июлда оқ гвардиячилар Ашхобод шаҳрини эгаллаб, ўн нафар совет комиссарини отиб ташладилар.<sup>1</sup> Тошкентдаги совет комиссарлиги бундан анча олдин, 1918 йил 4 мартда Юқори Каспий минтақаси учун уруш ҳолатини эълон қилган эди. Бироқ бундай чоралар совет руслари учун назоратни қўлга олишнинг оқилона усули эмас эди. Большевикларга қарши кучлар эса Ашхобод ҳукумати деб аталган ўз ҳукуматини барпо этган эдилар.<sup>2</sup> Тошкентдаги совет маъмурияти эса уларни зарарсизлантириш йўлларини қидираётган эди. Бундан ташқари, туркманларни заифлаштириш учун турли чора-тадбирлар кўрилди.<sup>3</sup>

Ашхобод ҳукумати ўзини қизил армиядан ҳимоя қила олмади. Шунинг учун у Британия

ҳукуматидан ёрдам олишга ҳаракат қилган. Санкт-Петербург шаҳрининг собиқ қўмондони «Большевизмга қарши Туркистон иттифоқи» («ҳарбий ташкилот» номи билан ҳам машҳур) нинг таниқли аъзоларидан бири Зунковский Машҳадда (Эрон) инглиз ҳарбий делегацияси билан алоқа ўрнатган эди<sup>4</sup>. Ашхобод ҳукуматининг большевизмга қарши фаолияти инглизлар манфаатига мос эди. Чунки Ҳиндистондаги совет руслари доимий равишда халқни инглизлар ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтаришга ундардилар. Ашхободдаги большевикларга қарши ҳукумат ва Ҳиндистон ҳукумати Англиянинг розилиги билан Юқори Каспийда қизил армияга қарши биргаликда ҳарбий амалиётлар ўтказишга қарор қилади. Генерал Маллесон қўмондонлиги остида Британия ҳарбий экспедицияси Форсдаги Юқори Каспий минтақаси томон ҳаракат қилаётган эди. 1918 йил 13 августда Байрамали шаҳрида инглизлар ва большевик руслар ўртасида тўғридан-тўғри тўқнашувлар бўлиб ўтди ва яна бошқа тўқнашувлар ҳам содир бўлди. Ашхобод ҳукумати инглизларнинг бевосита иттифоқчиси бўлиб, улардан пул ва қурол-яроғ олиб турарди.

Ўзаро иттифоқчи бўлган генерал Маллесон ва Ашхобод ҳукумати қизил армияга қарши катта фидойилик билан курашган бўлсалар ҳам, барибир муваффақиятга эриша олмадилар. Қизил гвардиячилар бирин-кетин шаҳарларни забт этишади, оқ гвардиячилар орасида тушқунлик кучаяди. Полковник Ораз Сардор 1918 йил 16 ноябрда генерал Маллесонни Тошкентга қарши биргаликда ҳужум қилишни таклиф этди. Бироқ генерал Маллесон бу таклифни рад этди. 1919 йил 2 январда у Ашхобод ҳукуматини тарқатиб юборишни ва унинг ўрнига Умумий озодлик қўмитасини тузишни маслаҳат беради. Полковник Ораз Сардор, Ҳожи Мурод, Хўжа Мурод, генерал А.Крутин, А.Замин ва А.Белевдан иборат қўмита тузилади. Қўмита Каспий

<sup>1</sup> Боймирза Ҳайит. Туркистон. – Б.88.

<sup>2</sup> Ашхободдаги бу ҳукумат таркибига ижроия кенгаш раиси ва ҳукумат бошлиғи Фунтиков; ёрдамчи Корилов; Ашхобод шаҳар комиссари Сераян (арман); полковник, ҳарбий қисмлар қўмондони Ўраз Сардор (туркман); қўшинлар қўмондони вазифасини бажарувчи Ўраз Али (туркман); қўмондон адъютанти Ҳожимурод (туркман); қўшинлар штаб бошлиғи Смичков; ижроия кенгаши котиби Тартино; собиқ асир Шмид, депутат Сейреян; ҳарбий вазир Арасов; таъминот бўйича менежер Шаррагин; Тарасовнинг ўринбосари; кенгаш аъзоси Дорер (хорват); қўмондон ва маслаҳатчи Битнишлакт (Польша); Қизилсув шаҳри (Красноводск) губернатори Куҳн (немис асир); Қизилсувда қўшинлар қўмондони Фолодоров; полиция бошлиғи Алламан (арман). Қаранг: Ашхобод маъмурияти етакчиларининг давлат рўйхат бўлими, ВД 106/61, 149359. Ҳукумат таркибига тўққиз нафар рус, уч нафар туркистонлик (туркман), икки немис, бир хорват ва бир польшалик кирган. (Эллис (97-бет)га кўра: Зимин – ташқи ишлар вазири; Курилов – меҳнат ва денгиз ишлари вазири; Дюков – Машҳаддаги ҳукумат вакили. Шундан ўн иккитаси Россия ҳукумати ишларидаги масъул ходимлар бўлган.

<sup>3</sup> Миллатчи туркманлар 1917 йил 20 апрелда туркманларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун туркман ижроия қўмитасини туздилар. Бу қўмита 1917 йил 16 ноябрда Тошкентдаги совет комиссарлигидан Така туркман отлик полкини фронтдан олиб чиқиб, ўз томонида қайтаришни талаб қилди. Қўмита Қўқондаги Туркистон мухторияти ҳукуматини тан олди ва у билан ҳамкорлик қилди. Карки шаҳридаги туркман бўлими туркман ижроия қўмитаси таъсирида эди. Совет комиссарлиги 1918 йил 22 февралда ушбу бўлинмани қуролсизлантириш тўғрисида буйруқ берди. Дивизиянинг содиқ рус қўшинлари 1918 йил 4 мартда ушбу дивизияни қисман қуролсизлантиришди. Уларнинг бир қисми озодлик курашчилари сафига қўшилган бўлса, совет комиссарлиги 1919 йил 22 февралда қўмитани тарқатиб юборишга муваффақ бўлди.

<sup>4</sup> Британиянинг Машҳаддаги (Эрон) ҳарбий атташеси полковник Реде 1918 йил 7 июлда Ҳиндистондаги инглиз қўшинлари қўмондони ва у ердан Лондондаги ҳарбий кабинетга Жунковскийга ўз харажатларини қоплаш учун 200 000 рубль беришни сўраб мурожаат қилди (East Committee War Cabinet). Ушбу суммани олишга рухсат берилди. Қаранг: India Office Library and Records, L/P and S/10/712, Document of July 9, 1918.



минтақасидаги оқ гвардиячиларнинг Кавказда ўз амалиётларини давом эттираётган генерал Деникин қўмондонлиги остида жанг қилишига қарор қилади. Деникин генерал И.В.Савицкийни Туркистоннинг бу қисмида оқ гвардиячиларга қўмондон этиб тайинлайди.

Инглиз қўшинлари Каспий минтақасини 1919 йил 2 апрелда тарк этишди. Аҳолининг аксарияти туркманлардан иборат бўлган миллий кучлар ўз манфаатлари йўлида большевизмга қарши курашаётган эди. Сифат ва миқдор жиҳатидан улардан кучлироқ бўлган инглизлар фақат Россия оқ гвардиячилари билан алоқа қилиб, маҳаллий халқнинг манфаатларини мутлақо менсимаётган эди. Генерал Маллесоннинг туркманларнинг машҳур сардори Азизхонни ўз томонига ағдариб олиши билан оқ гвардиячилар бўлинмасини кучайтирмоқчи бўлган эди. Аммо Азизхон бу таклифни рад этди. Чунки туркманларнинг катта қисми бу рус оқ гвардиячи ҳукуматини рад этган эди.

Совет қўшинлари Каспий frontiга 5251 пиеда, 1560 отлик, 899 артиллериячи, 455 муҳандис ва 37 тўп юборди. Тўқнашувлар 1920 йил мартгача давом этди. Урушда ғалаба қозонган советлар 1920 йил 18 мартда Каспий fronti тугатилганлигини ва ҳукмронликни ўз қўлига олганлигини эълон қилишди. Туркистонликлар (туркманлар) 1919 йилда оқ гвардиячилар сафидан ажралиб чиқади ва айрим гуруҳлар озодлик курашчилари ёрдамида 1934 йилгача советларга қарши урушни давом эттирадилар.

1918 йил июль ойида оқ гвардиячилар Урал казакларидан атаман Дутов билан бирга Оренбург, Ор (Орск) ва Октуба шаҳарларини эгаллаб олишди. Рус ҳарбий қисмларининг бош қўмондони 1918 йил 23 декабрда шарқий фронтнинг 1-армиясига Оренбург шаҳрини босиб олиш учун ҳаракат қилишни буюрди. 1919 йил май ойида «Шимолий Туркистон fronti»<sup>1</sup> номи билан ҳам аталган Октуба fronti юзага келди. 1919 йил 13 августда Шимолий Туркистон fronti, айна пайтда, Октуба frontiда олиб

бориладиган ҳаракатларни ҳам ўз зиммасига олди. Октуба fronti 1919 йил майдан 1919 йил 3 октябргача мавжуд бўлди. Совет қўшинлари дастлаб 30000 аскар, 90 тўп ва 400 га яқин пулемёт билан, кейин эса 12000 аскар (шу жумладан, 4500 аскардан иборат татар бригадаси) ва 55 та тўп билан Октуба frontiга борганлар. 1-армия оқ гвардиячиларни Оренбург-Октуба худудидан ҳайдаб чиқара олмайди. Шундан сўнг қизил армия қўмондонлиги 4-армия қўшинларини ушбу минтақага юборади. 1-армиянинг олдинги чизиғи 630 км, 4-армияники эса 290 км эди. Оқ гвардиячилар Шимолий Туркистон frontiда уч томондан (Ғарб, Шарқ ва Жануб) ўраб олинган. Ниҳоят совет қўшинлари 1- ва 4-армиялар билан биргаликда Шимолий Туркистон frontiдаги урушда ғалаба қозонди. 1-армия бўлинмалари ва совет қўшинлари 1919 йил 13 сентябрда Муғочар темир йўл станциясида учрашишди. Шундай қилиб, Октуба fronti ҳам тугади.

Туркистон fronti қўмондони Фрунзе қизил армиянинг ғалабасидан ғурурланиб, бу ҳолат юзасидан 1919 йил 14 сентябрда Ленинга телеграмма йўллади: «Бир оз вақт олдин 1-армия бўлинмалари ва совет қўшинлари бирлашгани ҳақида хабарлар кела бошлади. Туркистон fronti қўшинлари Сизни ва Совет Республикасини (Россияни) ушбу хабар билан табриклайди»<sup>2</sup>. Фрунзе 1919 йил 7 октябрдаги буйруғида «Туркистонга йўл очилди» деб таъкидлаган. 1919 йил октябрь ойида Бутунроссия совети ижроия қўмитасининг раиси Калинин ва Лениннинг турмуш ўртоғи Крупская совет Россиясидан Туркистонга очилган йўлни нишонлаш учун Муғочарга келишди. Калинин қалъадаги офицерлар ҳузурида: «Биз қоронғиликда эдик. Энди йўл очилди. Бу шунинг англатадики, биз ҳозир Туркистонга тўғридан-тўғри боришимиз мумкин», – деди.

Қизил армия Октуба frontiда ғалабага эришгандан кейин Еттисувдаги оқ гвардиячиларга қарши курашни жуда муҳим вазифа деб билди. Бу ерда оқ гвардия бўлинмалари Анненков, Дутов ва Чербаков қўмондонлиги остида

<sup>1</sup> Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. – Ташкент, 1959. – С.310.

<sup>2</sup> Фрунзе М.В. Избранные произведения. Т.1. – Москва, 1957. – С.237.





большевикларга қарши кураш олиб бораётган эди. Туркистон fronti қўмондони Фрунзе қизил армия бўлинмаларини кучайтириш мақсадида 1920 йил 21 мартда бу ҳудудга қўшимча иккита (105- ва 176-сонли) бригада, учта отлик полк ва битта партизан полкини юборган. 1920 йил 15 январда бу ердаги қизил армиянинг ҳарбий кучи 10513 аскардан иборат бўлиб, уларнинг 27 та дала тўпсончаси ва 32 та пулемёти бор эди.<sup>1</sup>

Икки душман томон сўнгги нафасигача курашди. Энг сўнгги жанг Копал яқинида 1920 йил 27 мартда бўлиб ўтди. Оқ гвардиячилар мағлуб бўлган эдилар. Анненков ва Чербаков ўз курашининг боши берк кўчага кириб қолганини англаб, Шарқий Туркистонга (Хитой чегарасида) қочиб кетишди. Атаман Дутов Копалдаги кўчманчилар чодирида яширинади ва охиरोқибат у ерда совет агенти томонидан ўлдирилади. 15000 га яқин руслар, жумладан, 1316 зобит, 72 шифокор, 16 православ руҳоний, 8017 аскар ва 516 оила Шарқий Туркистонга қочиб кетади. Бу муҳожир гуруҳларининг авлодлари ҳозир ҳам шу ерларда яшаб келишмоқда.<sup>2</sup> Еттисувда совет ҳукмронлиги қайта ўрнатилиши билан Туркистонда русларнинг ички курашлари ҳам тугади.

Фуқаролар уруши мамлакатни иқтисодий жиҳатдан вайрон қилди. Рус ҳарбий кучлари фақат талон-торож қилиш орқали тирикчилик қилишган, кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ёниб кетган. Қизил армия аскарлари сони «оқ гвардиячиларга қарши кураш» номи остида кўпайтирилганди, кейинчалик бу аскарлар миллий қўзғолонга қарши курашда муҳим роль ўйнаган. Туркистондаги рус фуқаролар уруши шимолдаги миллий кураш ҳаракатларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Шу шароитда Алаш ўрданинг ҳарбий қисмлари қизил армия билан бир бўлинма бўлиб оқ гвардиячиларга қарши Октябр яқинида ва Оренбургда жанг қилишга мажбур бўлди. 1920 йил 20 декабрда совет ҳарбий маъмурияти Алаш ўрда ҳарбий бўлинмаларининг советлар ҳукмронлигига

ўтиши учун музокаралар олиб боришга тайёрлигини эълон қилди<sup>3</sup>. 1920 йил 31 декабрда Фрунзе 1- ва 4-армияларнинг Инқилобий ҳарбий кенгашига Алаш ўрда масаласида қандай чоралар кўриш кераклигини тушунтирди: «Маълум бўлишича, бу ҳукумат ўзини билан тенг ҳуқуқли деб ҳисоблайди ва бунинг натижасида ўз шартнома шартларини илгари суради. Олдинги кўрсатмаларимга қўшимча равишда мен қуйидагиларни тушунтиришни мажбурият деб биламан: 1. Биз бундай Алаш ўрда ҳукуматини тан олмаймиз, шунинг учун у билан келишув қилишимиз ёки уларни шартнома асосида қабул қилишимиз мумкин эмас. 2. Алаш ўрда бирликлари ва менинг қўмондонларим бирга зудлик билан жангга киришларига доир ваколат Россия ҳукумати бош қўмондони ихтиёридадур. 3. Алаш ўрда ҳукумати тарқатиб юборилади. 4. Алаш ўрданинг барча тарафдорларига нисбатан чиқарилган афв қарори ўз кучини сақлаб қолади. 5. Музокаралар давом эттирилиши керак. 6. Масаланинг энг яхши ечими қўшинларимиз менинг буйруғим билан куч-ғайратга тўлган ҳолда олға қараб силжиши шартдир.

### ТУРКИСТОН ФРОНТИ ҚЎМОНДОНИ: «ФРУНЗЕ».<sup>4</sup>

Совет ҳарбий маъмурияти Туркистон шимолидаги Алаш ўрда ҳукуматининг заиф ҳо-

<sup>3</sup> Фрунзенинг 1919 йил 20 декабрда Ленин номига юборган телеграммасида шундай дейилади: «Ҳарбий Алаш ўрданинг тўлиқ ваколатли делегацияси 17 – 19 декабрь кунлари 1- ва 4-армия бўлинмалари ҳам бўлган шароитда совет маъмурияти билан учрашди. Мен музокараларни совет халқ комиссарлигининг қарорлари ва Туркистон фронтининг Оренбург ва Урал казаклари ҳақидаги буйруқлари асосида олиб боришни буюрдим. Мен музокараларни чўзмасликни ва имкон қадар тезроқ қўшинларни юбориш жадвалини белгилашни буюрдим. Алаш ўрданинг ҳарбий қудрати унчалик катта эмас, лекин уларнинг чўл минтақаларидан Каспий денгизи қирғоқларигача чўзилган ҳудудда ўз сиёсий ва иқтисодий таъсирини ўтказиши бу минтақаларнинг барчасида мавқеимизни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳимдир. Қўшинлар қабул қилингандан сўнг беш кишидан иборат делегацияни кейинчалик Москвага юбориш учун танлашга рухсат берилди. Музокаралар натижаси ҳақида кейинги ҳафта ичида маълум қиламиз». Қаранг: Фрунзе. Избранные произведения. Т.1. – Москва, 1957. – С.276; Б.Ҳайит. *Turkestan zwischen Russland und China*. – Амстердам, 1971. – P.250.

<sup>4</sup> Улянов И. Ф. М.В.Фрунзе на Туркесанском фронте. – Фрунзе, 1960. – С.54.

<sup>1</sup> Покровский С.Н. Победа Советской власти в Семиречье. – Алмата, 1961. – С.221.

<sup>2</sup> Жантуаров. 162-бет.



латидан унумли фойдаланган ҳолда Алаш Ўрда бўлинмаларининг бир қисмини казакларга қарши курашда фронтга жалб қилишга муваффақ бўлди. 1-армия инқилобий ҳарбий кенгашининг махсус ходими 1920 йил 2 январда қизил армия бўлинмалари ва Алаш Ўрда бўлинмаларининг казакларга қарши биргаликдаги ҳаракати ҳақида хабар беради. Ҳисоботнинг баъзи қисмлари қуйидагилардан иборат: «Бугун соат 17:00 да Алаш Ўрда ҳукуматининг 1919 йил 31 декабрдаги хатини олдик. Мактубда Алаш Ўрданинг казакларга қарши курашга аралашуви ва бизнинг разведка бўлинмамиз билан бирлашиши энг майда тафсилотларигача баён этилган. 1919 йил 27 декабрда биз ва Алаш Ўрда қўшинларидан иборат қўшма кучлар Қизилқум шаҳрини эгаллаб олдилар ҳамда генерал Акутин ва унинг ўринбосарлари полковник Марков ва Ершов бошчилигидаги Еллецьк корпуси қўлга олинди».

1-армия қўмондони 1920 йил 4 январда 3-отлик қўшинни (большевизмга қарши казакларни) йўқ қилишни ва Алаш Ўрда ҳукумати билан музокаралар олиб боришни буюради. Унга кўра Алаш Ўрда ҳукумати зудлик билан ўз қўшинларини қизил армия бўлинмалари билан бирлаштириб, биринчи навбатда, Урал казакларига қарши фаол кураш олиб бориши керак эди. Бундан ташқари, Алаш Ўрда ҳукумати озиқ-овқат, юк ташиш учун туялар, ўтин ва жанг қилаётган бўлинмаларнинг шунга ўхшаш барча эҳтиёжларини таъминлаши керак эди. Бу фармоннинг учинчи моддасида шундай дейилган: «Агар Алаш Ўрда ҳукумати биз томонда ҳамкорлик қилишига иккиланса ёки шартномани кечиктириб, яна қуроли ҳаракатларга ўтса, Алаш Ўрда биз томонга ҳаракатланишини секинлаштиради, казак тузилмасини йўқ қилиш учун барча имкониятларини сафарбар қилмаса, биз бунга ҳукуватимиз манфаатларига қарши ҳужум деб биламиз». Буйруқнинг тўртинчи моддасида шундай дейилган: «Ушбу фармойишни амалга оширишда улар маҳаллий аҳолидан отлар, транспорт воситалари, озиқ-овқат ва ўзларига зарур бўлган барча турдаги материалларни олиш

ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди».<sup>1</sup> Бу буйруқдан кўриниб турибдики, гўёки совет аскарлари фақат ўз манфаатларини ҳимоя қилган ва Туркистон халқининг ҳеч қандай миллий манфаатларига зид иш қилмаслиги айтилган. Ҳарбий техникани қўллаб-қувватлаш учун одамларнинг ҳамма нарсасини олиш совет Россияси услубидаги уюшган талончиликдан бошқа нарса эмас эди.

Туркистон ҳудудида бўлиб ўтган Россия фуқаролар уруши доирасида 1919 йил 19 январда Тошкентдаги ҳукуматни рус аскарларининг кўзғолони русларга босмачилар билан бирга большевикларга қарши курашиш учун имкон берди<sup>2</sup>. Озодлик курашчилари учун энг шафқатсиз жаллод ҳисобланган ва 1918 йил февралда Қўқон қирғини билан ёдда қолган Осиповни Мадаминбек қабул қилди. Шундай экан, озодлик курашчилари бундай инсонни 200 нафар тарафдори билан қандай қилиб ўз сафига қабул қилгани тушунарсиз. Бу гуманитар ёрдамми ёки ақлли найрангми? Эҳтимол, Осипов Мадаминбекка қизил армияга яширин қурол омборлари жойлашган жойларни кўрсатмоқчи эканлигини айтгандир. Бироқ кейинчалик маълум бўлишича, у ҳатто бирор-та ҳам қурол омбори жойлашган ерни ошкор этмаган. 1919 йилнинг баҳоригача ўз тарафдорлари билан қизил армияга қарши курашган Осипов Туркистонни тарк этишга қарор қилади. Тахминларга кўра, у аввал Бухорога, сўнгра Афғонистонга кетган. Кейинчалик у Ҳиндистонга кўчиб кетади. 1920 йилларнинг ўрталаридан кейин Осиповнинг тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумот топиш мумкин бўлмади. Фақат бир марта инглизлар уни ҳибсга олгани қайд этилган.

<sup>1</sup> Коюнлиев Б. и др. Боевой путь Первой Революционной армии Восточного и Туркестанского фронтов. Июнь 1918 – февраль 1921 гг. Сборник документов и материалов. – Ашхабад, 1972. – С.173.

<sup>2</sup> 1919 йил 19 январда қатл этилган совет раҳбарлари: В.Д. Вотинцев – Марказий Ижроия Қўмити раиси; В.Д. Фигелский – Халқ Комиссарлари Совети раиси; А.Н. Малков (Малкоф) – ички ишлар халқ комиссари; М.С. Качуринер – молия халқ комиссари ва касаба уюшмалари раиси; В.Н. Финкельштайн – Тошкент шаҳар совети раисининг ўринбосари; Д.Г. Шпильков – партия қўшинлари қўмондони; А.В. Червяков – ҳарбий экспедиция судининг бошлиғи; С.П. Гордеев – Коммунистик партиянинг Тошкент гвардияси бошлиғининг ўринбосари; М.Н. Троицкий – «Туркистон коммунисти» ва «Красноармеец» газеталарининг бош муҳаррири.



Тошкентдаги 2-Сибирь полкининг қўзғолони бостирилди, аммо оқибати шафқатсиз бўлди. Совет аскарлари Тошкентдаги ҳар бир хонадонни тинтув қилиб, маҳаллий аҳолини қўзғолончилар билан ҳамкорлик қилганликда айбладилар. Бу даъво катта туҳмат эди, чунки тошкентликлар қўзғолон ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар. Улар отишмаларни эшитишган, лекин буни русларнинг нишонга олиш амалиёти, дея ўйлашган. 1919 йил 21 январда кўплаб бинолар вайрон қилинганидан кейингина улар ҳақиқий вазиятни англадилар. Тошкент кўчаларида жасадаларнинг бутун даҳшатли манзараси юз берди, рейд пайтида совет аскарлари маҳаллий аҳолига қарата ўқ узаётган эди. Совет аскарларидан бири 758 кишини ўлдирганини «қахрамонлик» қилиш деб мақтанди<sup>1</sup>.

Қўзғолон бостирилгандан сўнг совет Россияси комиссарлари, айниқса, разведкачи бўлганлар ўша даврда совет ҳарбийлари қўмондонлигида бўлган чор даврининг 2000 нафар зобитини «гумондор» деб эълон қилиб, Тошкентга олиб келиб, ҳаммасини отиб ташладилар. Бу қотилликлар босмачилар учун фойдали бўлган, чунки улар совет ҳарбий бошқаруви билан заифлашган деб ўйлашган. Бироқ шўролар қўйи мансабдагиларни кўтариб зобитлар тайёрлашга ҳаракат қилдилар. Фақат қўзғолонни бостирган советларнинг тўртинчи полки 5000 кишини ҳибсга олди ва улардан 3000 нафарини ўлдирди<sup>2</sup>. Русларнинг Туркистонда ҳукмронлик қилиши учун ички низолар, ўзаро ҳужумлар ва ўт қўйишлар «Осипов қўзғолони»даги каби кўплаб туркистонликлар учун, айниқса, Тошкент учун даҳшатли оқибатларга олиб келди.

Совет тарихшунослигининг таъкидлашича, ҳозир ҳам худди ўтмишдагидек аксилинқилобий руслар Тошкентдаги «Ислом кенгаши», «Мусулмонлар жамияти», «Бирлик ва тараққиёт» каби Туркистон миллий ташки-

лотлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Улар ҳатто ундан ҳам узоқроққа бориб, бу қўзғолонни босмачилар маъмурияти қўллаб-қувватлаган деб даъво қиладилар<sup>3</sup>. Бу даъволар мутлақо бемаънилик, чунки бир-бири билан курашаётган рус партиялари Туркистоннинг миллий манфаатларини ҳеч қачон ҳисобга олмаган. Совет армияси ва Туркистон fronti рус оқ гвардиячиларини мағлуб этишга муваффақ бўлди. Энди улар Туркистон истиқлолчилик ҳаракатига қарши урушиш учун кучларини марказлаштирди.

#### 4-бўлим

### Мустақиллик ҳаракатларига қарши советларнинг Туркистон fronti Туркистоннинг иккинчи марта босиб олинишида Россиянинг Туркистон fronti

Россия ҳарбий қўшинлари бош қўмондони 1919 йил 13 августда шарқий фронт отрядларининг жанубий бўлинмаларига ўзларини Туркистон fronti деб аташ ҳақида буйруқ берди. Шундан кейин шарқий фронт қўмондони М.В.Фрунзе<sup>4</sup> Туркистон фронтининг

<sup>3</sup> Энциклопедия «Гражданская война и военная интервенция в СССР». – Москва, 1985. – С.66: «Тошкент қўзғолони даврида Эргаш тўдалари (15 мингга яқин) аксилинқилобни қўллаб-қувватладилар». Бу даъво ҳақиқатга тўғри келмайди. Хасанов М. Смертельный гамбит. Из истории Осиповского мятежа // Звезда Востока. 1991. №10. – С.122 – 142. Туркистонликларнинг қўзғолондаги иштироки ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

<sup>4</sup> Михаил Васильевич Фрунзе (1885 – 31.10.1925) – Бишкек шаҳрида туғилган. Унинг отаси молдавиялик бўлиб, Еттисув ўлкасида чор қўшинида хизмат қилган. Бишкек ва Олмаота мактабларида ўқиган, дастлабки коммунистлардан бири. 1919 йил 31 январда совет Россиясининг 4-армияси қўмондони бўлди. 17 мартда у шарқий фронтнинг жанубий қисми қўмондони бўлади. 1919 йил 13 июлда шарқий фронт қўмондони, 1919 йил 13 августдан 1920 йил 21 сентябргача Туркистон fronti қўмондони, 1920 йил 21 сентябрдан 1920 йил 3 декабргача жанубий фронт қўмондони этиб тайинланди. 1920 йил 3 декабрдан 1924 йил мартгача Украина армияси қўмондони, 1924 йил март ойида Совет Иттифоқи инқилобий ҳарбий кенгаши раисининг ўринбосари, 1924 йил апрелидан 1925 йил январигача бош штаб бошлиғи, 1925 йил 26 январдан 1925 йил 31 октябргача СССР мудофаа халқ комиссари сифатида фаолият кўрсатган. Асли молдавиялик бўлган Фрунзе совет русларининг Туркистонга бостириб киришига биринчи пойдевор қўйди. Унинг туғилган шаҳри Бишкек 1926 йилда Фрунзе, 1991 йилда эса яна Бишкек деб ўзгартирилди. Фрунзе Туркистонни яхши билувчи мутахассис сифатида танилган. 1919 йил 10 октябрда Москвада Ленин билан бўлган учрашувда у шундай деган эди: «Мен ўлкани ва унинг тилини жуда яхши биламан». Бунга Ленин жавоб берди: «Бу жуда зўр, лекин бу ҳақда умуман гапирма ва камтар бўл». Қаранг. Алескеров Ю.Н. Иностранная интервенция и гражданская война в Средней Азии. – Ташкент, 1959. – С.148.

<sup>1</sup> Ethernon T. In the Heart of Asia. – Londra, 1925. – P.167; «The government of India at this period was much concerned with the possibilities of Pan-Islamism or a confederation the Mohammedan races assuming definite shape». P.159.

<sup>2</sup> Kostenberger. 29- ва 65-бетлар.



қўмондони бўлди. Туркистон фронтининг биринчи мақсади «Урал ва Оренбург ҳудудларини, жумладан, Гурев, Октуба ва Ор (Орск) шаҳарларини жуда қисқа вақт ичида босиб олиш эди. Туркистонни забт этиш учун уруш бошланди».

Туркистон фронтига 1-, 4- ва 11-армиялар (11-армия шарқий фронтда қизил армиянинг Астрахан дивизияси қўшинларидан иборат), жумладан, Туркистон армияси<sup>1</sup>, яъни Туркистондаги совет қўшинлари ҳам жалб қилинди.<sup>2</sup> Туркистонда совет ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатиш билан бир қаторда Бошқирдистонни ҳам забт этиш мақсад қилиб олинди. Буни Фрунзенинг 1920 йил 30 январда «Совет Бошқирд республикасининг фуқароларига, совет Россияси жануби-шарқидagi, шунингдек, Бошқирдистондаги ҳарбий қисмларнинг қўмондони» сифатида тайинланганидан билиш мумкин.

Туркистон фронтининг ягона ва аниқ мақсади Туркистонни бутунлай босиб олишдан иборат бўлган. Бу мақсад Фрунзенинг 1919 йил 14 августдаги буйруғида аниқ-равшан белгилаб берилганди. Фрунзе буйруғида шундай ёзилган: «Туркистондаги ҳарбий юришнинг мақсади бутун Туркистонни босиб олиш ва бутун маҳаллий аҳолини совет ҳокимиятига олиб киришдан иборат бўлиши керак».<sup>3</sup> Бу ерда совет Россияси ўзининг асл мақсадини яққол намоён этганди.

Шундай қилиб, Туркистонни иккинчи марта эгаллаш (биринчиси подшо Россияси даврида амалга оширилган) Туркистон фронтининг биринчи вазифасига айланади ва бунинг учун совет Россия ҳукумати Фрунзе қўмондонлиги остида 120 000 дан 160 000 гача аскар сафарбар қилди.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Туркистон армияси 1919 йил январь ойида Октуба frontiда жанг қилган, сўнгра 1-армия таркибидa сафарбар қилинган 9000 га яқин рус аскарларидан иборат эди. 1919 йил бошида «Туркистон армияси» 31-Оренбург пiёда дивизияси, 3-пiёда дивизияси ва 24-зирҳли дивизиядан иборат бўлган.

<sup>2</sup> Будаковский П.Д. Краснознаменный Туркестан. – Москва, 1976. – С.69.

<sup>3</sup> Фрунзе. Избранные произведения. Т.1. Москва, 1957. – С.301.

<sup>4</sup> Marie Broxup. La pacification du Turkestan l'exemple du Lokay. 1923 – 1926 // L'autre Europe. 1984. №3-4. – P.27.

Туркистон фронтининг марказий штаб-квартираси дастлаб Самара шаҳрида жойлашган бўлиб, ундан Жанубий Сибирь, Урал ҳудуди, Бошқирдистоннинг Октуба ҳудуди ва Туркистонни қайтариб олиш учун жанговар буйруқлар чиқарилган<sup>5</sup>. Туркистон fronti бўлинмалари Шимолий Туркистон ва Оренбург-Тошкент темир йўл линияси атрофида ҳарбий операциялар олиб борди. Совет маъмуриятининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган Туркистонга ҳужум қилиш масаласига тайёргарликни қизил армия секин-аста олиб боришни кечиктираётган эди. Бу ҳолат Фрунзенинг мана бу буйруғида шундай ифодаланган:

*«1919 йил 30 август. Туркистон қўшинларининг бош қўмондонига!*

Бизнинг қўшинларимиз қатор тўқнашувлар натижасида душманнинг Жанубий ва Урал қўшинларини мағлубиятга учратганидан сўнг ёв қўшинлари Туркистон билан Россиянинг Европа қисми ўртасидаги даштларга олиб чиқилди. Яқин кунларда Орск ва Октуба шаҳарлари босиб олинади ва душман қозоқ ҳудудидаги таянч нуқталаридан маҳрум қилинади. Олинган хабарга кўра, душманлар Октубада, Орск ва Иргиз атрофида яна ҳаракатларни амалга ошириб, Казали (Казалинск)га чекинишга ва у ердан Орол кўли қирғоқлари ва Қрасноводск шаҳрига етиб бориш ва инглизлар билан бирлашишга қарор қилинганлиги маълум бўлди. Бундай ҳаракатларнинг олдини олиш ва мағлубиятга учраган оқ гвардиячилар қолдиқларини тозалаш учун буюраман:

1 – Қўшин тўхтамасдан бор кучи билан душманни таъқиб қилади: Биринчи қадам сифатида қўшин Иргиз ва Тўрғай шаҳарларини ўз ичига олган Тошкент темир йўл линиясининг Челкар бекатигача бўлган ҳудудни эгаллайди.

<sup>5</sup> Волга дарёсининг ўрта оқимидаги турк татарларининг Самара шаҳри 1586 йилда шаҳар бўлиш ҳуқуқини кўлга киритди. 1935 йилда шаҳар номи Куйбишевга ўзгартирилди, аммо 1991 йилда у яна Самара номини олди. Россия ҳукмронлиги даврида барча исломий асарлар йўқ қилинди. В.В.Куйбишев етакчи коммунистлардан бири эди; Самарадаги инқилобий уруш қўмитасининг бошлиғи, 1918 – 1920 йилларда совет Россиясининг 1- ва 4-армиялари сиёсий комиссари, Туркистон fronti ҳарбий инқилобий кенгаши аъзоси, Россия Туркистон комиссияси раисининг ўринбосари. Қаранг: Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 6-жилд. – Б.154 – 155.





Бу ҳудудларда аҳоли зич жойлашмагани ва аҳоли пунктлари орасидаги узоқ масофалар ҳисобга олинади, кузатув жараёни асосан отлик қўшинлар томонидан мавжуд имкониятлардан максимал даражада фойдаланган ҳолда, катта ҳамжиҳатликда амалга оширилади.

Амалиётлар давомида жанубга чекиниш йўллари тўлиқ эгаллаш учун катта ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун Октябр гуруҳи олдинга чиқиб, олға ҳаракат қилиши керак. Армия полигонидagi телеграф ва темир йўлни имкон қадар тезроқ реконструкция қилиш учун барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилади.

2-Туркистон қўшинлари қўмондони қозоқ гуруҳини захирадан чиқариб, Туркистон қўшинларини ва бошқа йўللарни зудлик билан мустаҳкамлаб, Орол денгизи атрофидаги темир йўл линияларида қарши ҳужумга ўтиб, уларни эгаллаш ва самарали ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўйиши, иккинчи томондан, 1-армия бўлинмалари билан бирлашиб, олдинга силжишда давом этишлари керак.

Ҳаракатлар ҳақидаги хабарлар ҳар куни радио орқали етказилиши керак. Қабул қилинган ва амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берилиши зарур. Туркистон фронти қўмондони Фрунзе, Самара, 1919 йил 3 сентябрь».

1-армия қўмондонига телеграмма:

Туркистонга бўлажак ҳужум ҳақида буйруқ бераман:

1. 24-дивизияни тўлиқ жанговар шай қилиш ва ҳар бир бўлинмани тўлдириш учун захирадан фойдаланинг.

2. 3-отлиқлар дивизияси Туркистондан келатган қўшинлар билан бирлашмагунча ҳужумларини тўхтовсиз давом эттиринг.

3. 24- ва 3-отлиқ дивизияларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, одамлар ва отларнинг эҳтиёжларини жанговар қисм маъмуриятининг техника штаби бошлиғига билдириш керак.

4. Қабул қилинган қарорлар туфайли бирликлар маъмурияти кўрсатмаларни тайёрлашни ҳарбий комиссариатга топшириши керак, аммо улар ўзларига тегишли бўлмаган қарорлар ҳақида марказга эътирозларини

билдиришлари лозим. 24-пиёдалар дивизияси ва 3-отлиқ дивизия жанговар кучларининг қарийб ярмини 1901 йилда туғилган ва бир ҳафталик тайёргарликдан ўтган аскарлар билан тўлдириш учун барча зарур ишларни зудлик билан бажариш керак.

5. Фронтолди таъминоти учун масъул шахс 24- ва 3-бўлинмаларга етказиб бериш учун зудлик билан берилиши керак бўлган захиралар билан бирга умумий ҳужум учун зарур бўлган техника ва материалларни Оренбургда тўплаши керак.

6. Фронт ортига таъминот етказиб бериш учун масъул шахс Туркистон урушида фронт орқасида озиқ-овқат таъминотини таъминлаши ва транспорт алоқалари ва темир йўллари таъмирлашни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги транспорт воситалари билан узоқ муддатли тўқнашувга тайёргарликни яқунлаши керак. Уральск-Илецк темир йўл линиясини имкон қадар тезроқ таъмирлаш учун барча чораларни кўриш керак.

7. 1-армия қўмондони ва унинг бўлинмалари Туркистон бўлинмалари билан бирлашгандан сўнг 24-дивизия зудлик билан Тошкентга юборилади, 3-отлиқ дивизия эса Тошкентга кейинроқ боради.

*Туркистон фронти қўмондони Фрунзе, Инқилобий ва ҳарбий кенгаш аъзоси Элиава, Бош штаб бошлиғи Новицкий».<sup>1</sup>*

Туркистон фронти қўмондони қўшинлари Туркистонга уч томондан (биринчи бўлиб Жанубий Сибирдан Казалинск орқали Еттисув ўлкасига, иккинчиси Оренбургдан Оренбург темир йўл линияси бўйлаб Тошкентга, учинчиси Гуревдан Қизилсувга, яъни Красноводск ва Марвга) ҳужум қилди. 1919 йил ноябрь ойининг охиригача қизил армия ўз ҳукмронлигини Шимолий Орол ва Балхаш кўллари минтақасига, Каспий денгизидан Олтой тоғлари ва Жайсан кўлига қадар кенгайтди.

Туркистондаги совет қўшинлари босмачилар ҳаракати билан курашда яқка ўзи совет Россиясининг ҳукмронлигини ҳимоя қилиш-

<sup>1</sup> Фрунзе. Избранные произведения. – Москва, 1957. – С.232 – 233.



га қодир эмас эди. Россиянинг Туркистонга қизиқиши асосан нефть, пахта ва ерости бойликлари билан боғлиқ эди. Бу стратегик муҳим объектлар Россиянинг ўз қудратини сақлаб қолишнинг асосий шарти эди. Шунинг учун Туркистонни ҳар қандай ҳолатда ҳам қайта эгаллашга тўғри келди. Туркистон фронтининг бу мақсадга эришиши учун энг яхши ечим шу эди. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, жаҳон тарихида ҳеч бир мустамлакачи давлат Россия каби фронт очиш орқали ўзлари зулм қилган халқларнинг миллий озодлик курашини бостиришга уринмаган<sup>1</sup>.

### МУСУЛМОН ОЗОДЛИК КУРАШЧИЛАРИГА ҚАРШИ СОВЕТЛАР ХИЗМАТИДА БЎЛГАН МУСУЛМОНЛАР

1919 йил охирида Лениннинг таклифига биноан Фарғона водийсида босмачиларга қарши кураш олиб бориш учун 14 минг аскар ва офицердан иборат қозон-татар бригадаси тузилди. Бундай ҳарбий ҳаракат русларга, биринчи навбатда, руҳий устунлик берди. Татарлар мусулмон эди. Улар маҳаллий халқ тилида гаплашардилар. Ҳарбий тайёргарликка эга бўлган татарлар чоризм даврида ҳам, 1918 – 1919 йилларда ҳам Оренбург ҳудудларидаги ҳарбий ҳаракатларда жанговар тажрибага эга бўлишган. Бу бригада 1919 йилда Фарғона водийсида, айниқса, Фрунзе штаб-квартирасини Самарадан Тошкентга кўчиришдан олдин жадал ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Шубҳасиз, татар бригадасида руҳий тушкунлик кузатилди. Масалан, 1920 йилда 620 га яқин аскар ва зобитлар мусулмон руҳонийлари таъсирида босмачилар сафига ўтган. Совет Қозон бригадаси таркибидаги татар руҳонийлари ва комиссарлари яна масжидларда халқни тинчлантириш ва мусулмонларни алдаш учун ваъз ўқиб, ўзларининг ислом аскарлари эканларини, Туркистон мусулмонлари манфаати йўлида курашаётганларини айтишди. Айни пайтда,

бутун шиддати билан давом этган урушда совет рус аскарлари ҳамда татар бригадаси қаршисида Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек қўмондонлигидаги озодлик курашчилари турарди.

1920 йилнинг январь-февраль ойларида озодлик учун курашчилар Холхўжа қўмондонлигида Ўш ва Андижон шаҳарлари атрофида, Муҳиддинбек қўмондонлигида Қўқон атрофида, Омон Паҳлавон бошчилигида Наманганда ва Мадаминбек бошчилигида Скобелев (Фарғона) шаҳри яқинида ҳарбий амалиётлар олиб бордилар.

Татар бригадаси комиссари Якуб Чанишевнинг баёнотида кўра, бригаданинг сиёсий комиссарлари ўзбек ва татар тиллари қардош тиллар бўлганлиги сабабли ўзбек тилини жуда қисқа вақт ичида ўрганишган. Тилни ўрганишлари улар маҳаллий аҳоли билан осонгина мулоқот қилишларини англатарди. Уларнинг тил билиши, ислом динига мансублиги, қисқа вақт ичида халқ билан мулоқотда бўлиши озодлик курашчиларининг кайфияти бузилишига сабаб бўлди. Чанишев ўз маърузасида, жумладан, шундай деган: «Татар бригадасининг отлик бўлинмалари ўзларининг артиллериялари ва халқаро бригаданинг етакчилари «учувчи отрядлар» (яъни тез ҳаракатланувчи бўлинмалар) билан биргаликда қайта ташкил этилди. Улар кечаю кундуз бир лаҳзага ҳам дам олмасдан босмачиларни ўраб олиб, уларнинг ҳаммасини йўқ қилишди. Шу билан бирга, зирҳли поездлар хизмати (тепловозлар, бир қатор вагонлар, тезкор аскарлар учун маҳкам босилган пахта толалари орасига яширинган тўплар ва пулемётлар) ҳам ташкил этилган. Бу «Учар зирҳли поездлар» Андижон-Қўқон ва Андижон-Жалолобод темир йўл станция вокзалларини қўриқлаётган эди. Биз душманни бирма-бир отиб ташлашга қарор қилган эдик. Аввалига анча кучсиз бўлган Акбарали



Якуб Жангирович Чанишев  
(1892 – 1987)

<sup>1</sup> Фрунзе. Избранные произведения. – Москва, 1957. – С.235 – 236.



ва Маҳкамхўжага Қўрғонтепа ва Гуручмозорда ўзимиз учун жуда фойдали бўлган зарба бердик. Ака-ука Акбар ва Маҳкамхўжалар тахминан 600 нафар жангчилари билан советлар сафига қўшилишга мажбур бўлгандилар.

Мен (Р.Т.Шамсутдинов) 1967 – 1986 йилларда Москвадаги СССР Фанлар академияси Тарих институтида аспирантура ва докторантурада ўқиганман. Москва шаҳри маркази Кремль атрофидаги уйлардан бирида маршал В.К.Блюхер яшаган, у қатағонга учраганидан сўнг тураржойи Я.Ж.Чанишевга берилган. Шу уйда яшаётган даврда бир неча бор у билан учрашиб, эсдаликларини ёзиб олганман. Бу эсдалик ҳозирда Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейида сақланмоқда. Унда татар бригадаси 1920 йил январда Андижонга келгани, бригада шахсан В.И.Ленин кўрсатмаси билан Туркистонга жўнатилгани, Чанишев М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев билан бутун Фарғона водийси ва Бухорони отлик кезиб чиққани ҳақида эсланган. Бригаданинг штаби Андижонда жойлашган бўлиб, бригада қўшинлари бутун Фарғона области бўйича тарқалганди. Андижонда бригаданинг биринчи паради бўлган, унда маҳаллий аҳоли қатнашган, аксилинқилобчиларга қарши курашда қизил армия куч-қудрати намойиш қилинган. Бир неча кун ўтгач, бригада қўмондонлиги ва сиёсий бўлим ташаббуси билан шаҳар аҳолиси вакиллари иштирокида партия ва совет ташкилотларининг кенгаши чақирилган. Бунда барча босмачиларга қизил армияга таслим бўлиш, қуроллари топшириш ҳақида мурожаат қабул қилинган. Кенгашда босмачиларга қарши курашни янада ривожлантиришда маҳаллий аҳолини жалб этиш ҳамда Андижон шаҳрини қўриқлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган. Татар бригадаси полк ҳарбий комиссари З.П.Тоҳиров ўз эсдалигида шундай ёзган: «Фарғона меҳнаткашларининг бизга нисбатан муносабати жуда яхши эди, улар бизларни Ленин юборган вакиллар деб атардилар».

1920 йил 19 мартда Султонобод райони ва 4 район революцион комитетларининг бирлаш-

ган йиғилиши Иномжон Хидиралиев раислигида, Курликин котиблигида, Глухов, Қорасув волость ревком раиси Қосимбек Нишонбеков, Сўфиқишлоқ волость ревкомларидан Ҳасанов, Бакматов, Қўрғонтепа волостида Қипчоқбоев (Дўланхўжи – Р.Ш.) ва Ойим волость ревкомидан Абдуллабиев, Нуриддинхўжаев, Шамсуддинов, Раҳматуллаев, Бозоровлар иштирокида бўлиб ўтган. Йиғилишда жойлардаги гарнизонлар олиб ташланиши муносабати билан революцион комитетларнинг бундан кейинги ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилган.

Районга революцион комитет келиши муносабати билан волостлар революцион комитетлари майда босмачилар тўдалари билан кураш олиб бориш бўйича аҳолини тинчлантириш ва талабларини қондириш учун коммунистик ячейкалар, камбағаллар комитетларининг вазифалари кўриб чиқилган. Ойимда эндигина волость ревкоми, Қўрғонтепа волостида волость ва қишлоқ ревкомлари тузилгани қайд этилган.

1920 йилнинг май ойи ўрталарида босмачиларга қарши курашишга қаратилган шошилиш чоралар кўриш зарурлиги ҳақида Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе 15 майда Туркистон ўлка хотин-қиз ходимларининг 1-съездида сўзлаган нутқида: «Туркистон фронтининг ҳамма жабҳалари ичида эндиликда Фарғона fronti алоҳида аҳамиятга эга», – деб айтган эди. Якуб Чанишев билан Москвадаги учрашувдан сўнг Андижонга келиб, область давлат архивида Андижон уездида татар бригадасининг фаолияти ҳақидаги ҳужжат ва материалларни излаб топганман. Улардан айримларини келтиришни жоиз билдим. Андижон ва Марғилон уездларида босмачилик билан курашиш бўйича сиёсий бешликнинг 1923 йил 10 январдаги йиғилишида босмачиликка қарши кураш олиб бориш масаласи кўриб чиқилган. Қабул қилинган қарорда Бўтақорада гарнизонни сақлаб қолиш, бунинг учун гарнизоннинг жанговар ҳолатини кучайтириш, Қозоқбойнинг босмачилар тўдаси Андижон эски шаҳарига яқинлашгани муносабати билан эски



шаҳарни қуролли кучлар билан кучайтириш, шу мақсад йўлида биринчи навбатда Андижондаги зирҳли отряддан фойдаланиш, қизил армиячилар сафига янгидан жалб этилганларни гарнизон хизматига ўтказиш, милиция кучларини бевосита босмачилик фронтига сафарбар қилиш кўзда тутилган.

Каримов, Гумеров ва Ўразалиевларга уезд кўламидаги энг йирик сиёсий ходимлар таркибини қайта кўриб чиқиш ва уларга алоҳида кўрсатма беришни 12 январгача уддалаш вазифаси топширилган. Бешлик раисининг рухсатисиз гарнизонлар ва жанговар бўлинмаларда хизмат қилаётган ходимларнинг ўзбошимчалик билан кетиб қолишларига йўл қўймаслик, милицияда сиёсий ишларнинг заифлиги туфайли уезд-шаҳар партия комитетига милициядаги сиёсий ходимларнинг бутун таркибини қайтадан кўриб чиқиш, номуносибларининг ўрнига сифат жиҳатидан яхшилари билан милиция таркибини тўлдириш, шундан сўнггина милиция сиёсий ходимлари кенгашини ўтказиш, тушунтириш бериш, аниқ вазифалар билан таъминлашга қарор қилинди. Булоқбоши районидаги Муллаҳожиде отряди ишига нисбатан Ўшдан Ҳасанов ва Зулфибобоевларни сиёсий ишларга жалб қилиш, уларни аниқ кўрсатма билан таъминлашдек вазифани бажариш учун Ўразалиевни хизмат сафарига юбориш, шундан сўнг Ўразалиев Андижонга келиб, райондаги ишлар тўғрисида ҳисобот бериши кераклиги айтилган. Андижон районида босмачилар билан қуролли кураш милиция қисмларига топширилиши муносабати билан уларга ўқдори бериш орқали босмачилик билан муваффақиятли кураш олиб бориш вазифаси юклатилган. Область кенгашидан зудлик билан тегишли чоралар кўриш сўралган. 1923 йил 21 январда Андижон районида босмачилар билан кураш бўйича бешликнинг йиғилиши бўлиб, унда Гумеров, Енков, Чанишев, Раҳим Раҳимбобоев, Акбар Ўразалиев, Мартануслар иштирок этганлар. Йиғилиш Гумеров раислигида, Чанишев котиблигида ўтказилган. Кун тартибига босмачиликнинг аҳволи ва унга

қарши курашни кучайтириш, Булоқбоши отряди командири Муллаҳожиде иш ҳақидаги маърузаси ва жорий ишлар масалалари қўйилган. Биринчи масала бўйича қабул қилинган қарорда Андижон-Марғилон районларида босмачиликка қарши курашда инқироз юз бераётгани, шу боис босмачи тўдаларнинг бир қанча кучайиши, қизил армия қисмларига қарши уларнинг ҳужумкор ҳаракати муносабати билан Қозоқбой ва Аҳмад полвон тўдаларига қарши жанг олиб боришни кучайтириш кўрсатиб ўтилди. Полк командири Мартанусга Марказнинг ёрдамани кутмасдан юқорида кўрсатилган қўрбошиларга қарши оператив ишларни олиб боришга эътибор қаратиш, қизил армия ва милициянинг бутун кучини сафарбар қилиш, параллель равишда сиёсий ишларни кучайтириш учун Гумеров, Ўразалиевларга сиёсий учликлар таркибини қайта кўриб чиқиш, маҳаллий ходимларнинг энг сара кучларини сафарбар қилиш, бундай учликларни сақлаб қолиш, улар билан алоқа қилиш ва бешликка аниқ топшириқлар беришга қарор қилинди.

Бешликнинг навбатдаги йиғилишида Р.Раҳимбобоев, Талковский, Чанишев, Андижон уезд-шаҳар партия комитетининг масъул котиби ва Фарғона область ГПУсининг вакили Гумеров, махсус бўлим бошлиғи Енко, Қўқонқишлоқ гарнизони бошлиғи Исақов, Қўқонқишлоқ волость революцион комитетининг раиси Насриддинов иштирок этганлар. Йиғилишда Бозорқўрғон район революцион комитетининг раиси Беғижон Мусин, Насриддинов, ва Исақовнинг маърузалари эшитилган. Бешлик қарорида аминлар ўрнига район революцион комитетига совет ҳокимияти тарафдори бўлган, босмачиликка хайрихоҳлиги ва уларга қариндошчилиги бўлмаган, меҳнаткашлар ҳукуматини ҳимоя қиладиган уч кишидан иборат қишлоқ революцион комитетлари тузиш вазифаси топширилган. Аҳоли орасида кенг тарғибот олиб бориб, советлар ҳукумати ва унинг олиб бораётган сиёсатини тушунтириш, вақф ерларига бўлган муносабатни тушунтириш, зудлик билан босмачилар эккан





экинларнинг ҳисобини олиш, қуролларини совет ҳокимиятига топширмаганларни аниқлаш ва бу ҳақда уезд революцион комитетларига тегишли чора кўриш учун рўйхатларни топшириш вазифаси юклатилган. Учликлар раислари ва ГПУ вакилларига 19 кишидан иборат совет ҳокимиятидан норози бўлганларни, кичик Қозоқ қўрбошига қарашли 4 кишининг совет ҳокимияти тарафига ўтганлигини текшириб чиқиш, босмачилар томонига ўтиб кетган 15 кишини қамоқдан чиқариш, Қўқонқишлоқ район революцион комитетига волостдаги бойлардан 5 нафар отни олиб, Қўқонқишлоқ гарнизонига топшириш вазифаси юклатилган.<sup>1</sup>

Уч кишидан иборат учлик тузиб, босмачилар томонидан кўмиб қўйилган қуролларни топшириш вазифасини учлик раиси Б.Мусин, жанговар участка бошлиғи Васков ва Насриддиновга топшириш кўрсатилган.

Жалолобод маъмуриятига, шунингдек, аҳолисини озик-овқат солиғини муваффақиятли олиб боргани учун Қизил тахтага ёзиш шарт билан миннатдорчилик билдириш таъкидланган)<sup>2</sup>.

2 ойлик машғулотлардан сўнг янгича қиёфа касб этган армия бир қанча душманларини ўз йўлидан олиб ташлади. Шундан сўнг, Туркистон совет отлик бригадасининг 4-полки ҳам Холхўжа ва Муҳиддинбек қўшинларига қарши кураш бошлади.<sup>3</sup>

Советлар Мадаминбекни озодлик учун курашчиларнинг бошлиғи сифатида ўта хавфли деб ҳисоблаб, татар бригадаси жангчилари билан унинг қўшинларига қарши тинимсиз кураш олиб борган. Мадаминбек эса 1920 йил 3 февралда Андижон уездининг Пойтуғ ва Учқўрғон районларида қизил армия кучларига, айниқса, Чанишев бошлиқ татар бригадасига қарши 3500 нафар йигитлари билан жангга киришади. Бу жанг 14 соат давом этган. Бу жангда Мадаминбек мағлубиятга учра-

ган ва 3500 нафар истиқлол курашчиларидан 700 нафаригина тирик қолган.<sup>4</sup> Шунда Мадаминбек татар бригадасининг асирга олинган аскарларини зудлик билан отиб ташлашни буюрди, чунки улар руслардан ҳам хавфлироқ эди.

Мадаминбек ва Эргаш Пойтуғдаги жангдан сўнг, Қоракўл, Избоскан ва Қўқонқишлоқ томонга чекинишган эди. Совет қўшинларининг айғоқчи бўлинмалари 2-татар бригадасига Мадаминбек, Эргаш ва Холхўжа бўлинмалари билан бирга Карбувада эканликларини маълум қилди. 2-пиеда дивизияси қўмондони 1920 йил 7 февралда қўшинларга Карбувадаги босмачиларга қарши икки томондан ҳужум қилишни буюрди. Қизил армия аскарлари Карбувадаги жангда мағлуб бўлиб, Скобелевга чекинишга мажбур бўлишди. Мужоҳидлар ҳам, совет аскарлари ҳам қурбонлар сонининг кўплигини билишарди, аммо ҳалок бўлганлар ва ярадорларнинг аниқ сонини айта олишмаган. 1920 йил февраль ойининг охирига келиб қизил армия Карбувани босиб олишга муваффақ бўлди.

Мужоҳидларнинг бу вақтинчалик мағлубияти уларнинг курашни тўхтатишини билдирмас эди. Аксинча, уруш кескинлашиб бормоқда эди. Босмачиларга қарши 1920 йил январь ойининг охирига келиб қизил армиянинг 18 та полки курашаётган эди<sup>5</sup>. Чанишев тинчлик шартномаси тузиш учун қўрбоши Холхўжа билан учрашади. Шунда Холхўжа: «Биз мусулмонмиз. Биз большевиклар билан келиша олмаймиз», – деб жавоб берган. Чанишев: «Биз бу ерга сизни зиёрат қилиш учун эмас, балки сизга тинчлик имкониятини бериш учун келганмиз. Агар таклифимизни рад қилсангиз, сиз билан қурол тилида гаплашамиз»<sup>6</sup>, – деган. Дарҳақиқат, қуроллар қарама-қарши томонларнинг «тили»га айланган эди.

<sup>1</sup> Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-рўйхат, 163-иш, 8-варақ.

<sup>2</sup> Андижон вилояти давлат архиви, 90-фонд, 1-рўйхат, 163-иш, 30 – 33-варақлар.

<sup>3</sup> Зевелев А.И. За Советский Туркестан. – Ташкент, 1963. – С.128.

<sup>4</sup> Юлдашев М. Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. – Ташкент, 1957. – С.242.

<sup>5</sup> Никишов П.П. Борьба с басмачеством на юге Киргизии. – Фрунзе, 1957. – С.72.

<sup>6</sup> Наука и религия. 1971. №12. – С.50.



## ТУРКИСТОН ФРОНТИДАГИ ҚИЗИЛ АРМИЯ ҚИСМЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ КУРАШЧИЛАРГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАРИ КУЧАЙИШИ

Туркистон fronti қўшинлари 1920 йилларнинг бошларига қадар миллий кўзғолонга қарши курашда ўзларини хотиржам ҳис қила олишмади. Шунга қарамай, улар ўзларининг уруш ҳаракатларини максимал даражада кучайтиришга ҳаракат қилишди. 1920 йил январь ойида Туркистон fronti қўмондони 2-пиёда дивизиясига қўрбоши Эргаш бўлинмаларини тезроқ йўқ қилишни буюрди. Шундан сўнг Мадаминбек, Шермуҳаммадбек ва бошқа қўрбошилар қўшинларига қарши бемалол шиддатли ҳужумлар уюштирилиши мумкин бўлди. 1920 йил 18 январда 2-пиёда бригадасининг 15-отлиқ полки Эргашнинг қароргоҳи жойлашган Бачқирга ҳужум қилади. Эргаш қўрбоши қизил армияга қарши 200 га яқин йигитларини жангга киритади, уларнинг ярми шаҳид бўлган, қолганлари асир олинган. Бачқир эса қизил армия аскарлари томонидан эгалланган. Қўрбоши Эргаш қолган жангчилари билан қочишга мажбур бўлган<sup>1</sup>. Эргаш қўрбоши 1921 йилнинг бошларигача курашни давом эттирди, сўнгра советлар томонидан асир олиниб, қатл этилди<sup>2</sup>.

1920 йил 17 – 20 январь оралиғидаги жангларда қизил армиячилар Марғилон шаҳри атрофида озодлик курашчиларини (Муҳаммадбек ва Холхўжа қўмондонлигидаги) мағлуб қилди. Совет манбаларида бу ердаги тўқнашувлар жуда шиддатли ва шафқатсиз бўлгани

<sup>1</sup> Шомағдиев Ш.А. 138. 170-бет.

<sup>2</sup> Қўрбоши Эргаш миллий курашни бошлаб, операцияларни уюштирган биринчи озодлик курашчиси, айни пайтда, озодлик кураши отрядларининг биринчи бош қўмондони, яъни амир ул-муслимин эди. Унинг ҳаёти ҳақида баъзи совет ва бошқа манбаларда кўплаб қарама-қарши фикрлар ва қарашлар мавжуд. Масалан, Шомағдиев (138, 188-бет)нинг айтишича, у 1920 йил июнь ойида таслим бўлган. Тўғоннинг ёзишича, 1919 йил май ойида қизил армия билан шартнома имзолаган. Шунингдек, қаранг: Али Бодомчи. Туркистон миллий мустақиллик ҳаракати ва Анвар пошо. – Истанбул, 1975. Зевелев «Из истории гражданской войны в Узбекистане» (Ташкент, 1959. – С.357) асарида Эргашнинг 1919 йил 31 июлда қўлга олинганини ёзади. С.Б.Жантуаров «Гражданская война в Киргизии (1918 – 1920)» (Фрунзе, 1965. – С.190) асарида Эргашнинг 1920 йил февралда қўлга олиниб, кейинроқ отиб ўлдирилганини ёзади. Николай Никитин «Кўқон воқеаси» (Б.403) асарида айтишича, Эргаш ўз жонига қасд қилган.



Шермуҳаммадбек

айтилади, лекин одатдагидек ҳар икки томоннинг йўқотишлари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

Қизил армия бўлинмалари Фарғона водийси ва Амударё атрофларида узоқ вақт тактик жиҳатдан ғалаба қозонаётгандек кўринса-да, аслида, муваффақият қозона олмади. Совет ҳарбий маъмурияти Фарғона водийсидаги босмачилар ҳаракати ҳақида ўзига хос фикрларга эга эди. Буни СССР ҳукуматининг қизил армия тезкор штаб бошлиғи П.В.Благовещенскийнинг 1919 йил 10 сентябрда қизил армия бош қўмондони Беловга юборган қуйидаги хабаридан тушунишимиз мумкин: «Фарғона fronti бизнинг ички фронтимиз бўлиб, биз бошқа жойларда кўникиб қолган инқилобга қарши муҳолиф кучлар бу ерда йўқ. Бизнинг рақибларимиз мухториятчилар билан мусулмонлар ва уларнинг вакили Эргаш, Охунжон, Холхўжа ва Мадаминбек каби номдор қароқчи (разбой-



ники) аксилинқилобчилар ҳамда Қўрғат (Кўгарт – Р.Ш.) водийсининг оддий деҳқон халқидир (Фарғона водийсида Қўрғат водийси йўқ – Б.Х.). Аслида эса Жалолобод, Кўкёнғоқ, Сузоқ қишлоқлари Кўгарт водийси (Кугартская долина) деб аталган. Бу ҳудудда маҳаллий ўзбек, қирғиз, уйғур миллатига мансуб аҳоли яшаган. Рус босқини даврида бу ҳудудга Россиядан аҳоли кўчириб келтирилиб, маҳаллий аҳоли бошқа жойга кўчириб юборилган. Оқибатда Кўгарт водийсида Александровское, Воздвиженское, Преображенское, Мариинское, Благодатное, Алексеевка, Шатрак, Балканское, Архангельское, Скобелевское, Холмы, Багратионовское, Поречье, Новоселье, Черняевка, Бородинское, Бугры, Высокое, Ключи, Отрадное, Кутузовское, Гористое, Крутые Горки номлари билан рус посёлкалари ташкил этилган. 1913 йили Скобелев шаҳрида нашр этилган «Статистический обзор Ферганской области за 1913 год» китобида 1913 йили Андижон уезди тоғли жойларида 20 дан ортиқ рус посёлкалари ташкил этилганлиги қайд қилинган. Бу жойларда совет ҳокимиятини ўрнатиш қийин кечган. Маҳаллий аҳоли ерларида ўрнашиб қолган рус аҳолиси деҳқончилик билан шуғуллангани боис советларга қарши кайфиятда бўлган ва унга қарши курашиш учун генерал Муханов, полковник Константин Монстров бошчилигида «крестьянлар армияси» тузилган. 1919 йил сентябрда советларнинг Жалолобод, Ўш ва Андижонга қилган ҳужумида бу

армия босмачилар билан бирлашиб иштирок этган<sup>1</sup>.

Туркистонни босиб олгач, Кўгарт водийсида бизга қарши курашаётган бу душманлар ҳам бир-бирларига қарши курашмоқда. Фарғона водийсидаги ҳарбий ҳаракатларнинг бориши ҳақида сизга асосли ҳисобот бериш мен учун жуда қийин. Бизнинг операцияларимиз мунтазам равишда маълумот тўплаш, ҳужумларни ташкил қилиш ва кимсасиз бурчакларда доимий равишда босмачиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб бориш, бошқа жойларида яширинган босмачиларга қарши мунтазам ҳужумлар уюштиришдан иборат<sup>2</sup>. Маълумки, миллий кураш жангчилари билан совет аскарлари ўртасида аниқ фронт чизиғи йўқ эди, чунки тўқнашувлар ҳар тарафдан бўлар эди. Бу совет ҳарбий маъмуриятини қўрқитди, сабаби, улар рақибларининг кучини олдиндан айтиб бера олмадилар.<sup>3</sup> Советларнинг босмачиларга қарши кураши 1920 йилда Туркистоннинг ҳамма жойига ёйилди. Қизил армияга 1920 йилда Фарғона водийси, Зарафшон водийси ва Амударё ҳудудларида (1873 йилда руслар томонидан босиб олинган Амударёнинг ўнг томонидаги ҳудудлар) озодлик курашини бостириш, иккинчи томондан, босқинчилик ҳужумларини (Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига) амалга ошириш шиддатли жанглар ва кўп қурбонлар берилишини тақозо этарди.

### ХИВА ХОНЛИГИНИНГ СОВЕТ РУСЛАРИ ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон комиссияси ва Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Тўртқўл (Петроалександровск)даги вакили генерал Г.Б.Скаловга

<sup>1</sup> <https://nikola-rus.livejournal.com/34778.html>

<sup>2</sup> Зуев Д.Д. Ферганское басмачество (1918 – 1922 гг.) // Гражданская война. Т.3. – Москва, 1924. – С.43.

<sup>3</sup> Шавкат Охунов, Сафар Эркаев. На стороне октября, «Коммунист Таджикистана», 1990, №3. 91-бет.





собик Туркистон генерал-губернаторлигининг чегаралари бўлган Амударё вилоятидаги қизил армия бўлинмаларини Хивага қарши ҳужумга тайёрлашни буюрди. Хива хонлиги 1873 йилда босиб олинган эди. Эндиликда уни тўла-тўқис босиб олиш ва бошқариш учун ҳарбий-сиёсий тайёргарлик бошланган эди. Туркистон Компартияси 4-қурултойининг 1919 йил 7 октябрдаги Бухоро ва Хиванинг келажаги ҳақида қарориди шунда ёзилган: «Биз Ёш хиваликлар ва Ёш бухороликлар ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз ва бу ерда инқилобга тайёргарлик кўрмоқдамиз, лекин инқилобни куч билан амалга оширмаймиз. Бу мақсадни амалга ошириш учун Хива ва Бухоро халқининг қўллаш-ни кутишимиз керак».<sup>1</sup>

Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси 1919 йил 3 ноябрда ташқи ишлар бўйича комиссар Турсунхўжанинг таклифига биноан Хива ва Бухорога ваколатли вакилларни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.<sup>2</sup> Хива хонлигидаги воқеаларни кузатиб бориш мақсадида бу лавозимларга Азимбоев, Солдатов ва Шайхутдин Ҳасанов тайинланган. Тошкентдаги совет маъмурияти ва уларнинг Тўрткўлдаги вакиллари ёш хиваликларни хонлик тузумига қарши курашга тинимсиз гижгижлаб турарди. Ёш хиваликларга советлардан ёрдам сўрашлари айтилади. Бу эса совет армиясининг Хива хонлиги ҳудудига бостириб киришини англатарди. Шу муносабат билан совет маъмурияти 1919 йил 4 ноябрда Туркистон Компартиясининг Тўрткўлдаги ваколатхонаси Россия Компартияси (большевиклар) мусулмонлар бю-

<sup>1</sup> Резолюция. 46 – 47-бетлар.

<sup>2</sup> Саъдулла Турсунхўжа (1881 – 1940) – 1919 йилдан кейин Коммунистик партия аъзоси; 1919 – 1920 йилларда ТАССР (Туркистон Совет Социалистик Автоном Республикаси) миллатлар масалалари халқ комиссари, ташқи ишлар халқ комиссари; 1921 – 1922 йилларда Туркистон хўжалик кенгаши раисининг ўринбосари; 1923 – 1924 йилларда Хоразм Халқ Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари; 1924 йилда Хоразм Халқ Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси раиси; 1925 – 1926 йилларда Совет Иттифоқи Меҳнат ва Мудофаа кенгашининг Ўзбекистон вакили; 1927 йилдан Ўрта Осиё сув хўжалиги қўмитаси раиси; 1928 – 1934 йилларда СССР Қишлоқ хўжалиги халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили; 1935 – 1937 йилларда Қозоғистон сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи. Қаранг: Ўзбекистон Совет Энциклопедияси. 11-том. – Б.419. 1937 йилда ҳибсга олинган, 1940 йилда қамоқда вафот этган.

росининг Тошкентдаги маҳаллий идорасига телеграмма йўллайди. Телеграмманинг мазмуни қуйидагича: «Кучлироқ ҳужумларимиз туфайли Хива пролетариати Жунайидхонга қарши қўзғолон кўтарди. Уруш ҳар томондан авж олган паллада давом этмоқда. Сиздан илтимосим шуки, қўшин бўлинмаларига қўзғолон кўтарган Хива пролетариатига ёрдам бериш мақсадида Хивага ҳужум қилишга рухсат беринг. Масала бўйича батафсил маълумотлар ташқи ишлар бўйича масъул комиссарга тўлиқ етказилади.

*Туркистон Компартияси Хива пролетариати ташкилоти маҳаллий бюроси вакили Ҳасанов».*<sup>3</sup>

Бу хабар большевикларнинг уйдирмасидан бошқа нарса эмас, чунки ўша пайтда Хива хонлигида қўзғолон бўлмаган. Тошкент ва Москвадаги совет маъмурияти, шубҳасиз, «дипломатик» ўйинларига асосланган «инқилоб» қуролларига ўтмоқчи эди. Шунинг учун 1919 йил 3 ноябрда қабул қилинган қарор (Хива хонлигидаги вакил сифатида) 1919 йил 15 ноябрда бекор қилинди ва Хива хонлигидаги ваколатхонаси ёпилди. Бунинг ўрнига Тўрткўлда Хива хонлиги ишлари билан шуғулланувчи инқилобий қўмита тузилди.<sup>4</sup> Туркистон fronti бош қўмондони вазифасини бажарувчи Скаловга «Хива хонлигида амалга ошириладиган инқилобга ёрдам бериш»га тўлиқ ваколат берилди.<sup>5</sup> Бу воқеаларнинг барчаси Россия совет маъмурияти Туркистон fronti ёрдами билан «инқилобчи халққа ёрдам бериш» каби қуруқ сўзлар орқали ярим мустақил Бухоро ва Хива давлатларини босиб олишни мақсад қилганлигини кўрсатди. Шу мақсадда Амударё вилоятидаги қўшинлар қайта ташкил этилиб, Хивага ҳужумга шай ҳолатда сақланган. Буни Скаловнинг 1919 йил 21 декабрдаги мана бу

<sup>3</sup> Елеуов Т.Е. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.1. – Алма-Ата, 1963. – С.468.

<sup>4</sup> Елеуов Т.Е. Иностранная военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т.1. – Алма-Ата, 1963. – С.685; 1919 йил 8 сентябрда Петроалександровскда инқилобий қўмита ташкил этилгани, 1919 йил 12 сентябрда Амударё вилоятида ҳокимиятни қўлга олгани айтилади.

<sup>5</sup> Общественные науки в Узбекистане. 1961. №2. – С.25.





буйруғидан ҳам тушуниш мумкин: «1919 йил 3 декабрда мен Хива отрядлари ва Амударё отрядининг барча штаб муассасалари, бўлинмалари ва бирликларини қайта ташкил этиш учун Петроалександровскка келдим. Фронт орти ва фронт олдидаги ҳозирги аҳволни ўргангач, 1919 йил 21 декабрда ўз вазифамни бажариш учун ишга киришаман.

Сабаби:

1. СССР ҳукумати Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши томонидан тасдиқланган 18 ноябрдаги 4247-сонли Туркистон ўлка инқилобий ҳарбий кенгашининг ваколати.

2. Хива бўлинмасини (Инқилобий ҳарбий кенгаш узил-кесил тасдиқлагунига қадар); Петроалександровск қалъа бўлинмаси, Шўракондаги бўлинмалар, Шайх Аббос ва Бийбозор қирғоқ қўриқлаш отрядлари ҳамда шимол ва жанубга бўлинган қўшинлар билан мен Амударё вилояти деб қайта ташкил қилдим.

3. Шимолий ва жанубий бўлинмаларга 1-, 2-, 3-бўлинмалар, «коммунистик» дивизион ва эскадрон отлик полкидан 5 та тўп, 3 та граната ҳамда 4 та пулемёт киради.

4. Жанубий қўшинларнинг ҳозирги ҳолати 3-батальон, 5-совет полки, Петроалександровск қалъаси бўлинмасидан 2 та тўп ва 3 та пулемётли поезддан иборат.

5. «Ёш хиваликлар» отряди фронтда жойлашган қўшинлар қолдиқлари ва артиллерия полкидан (3 та гранамёт) иборат Петроалександровск қалъа бўлинмаси отликлар штаби (10 та қиличли) қўмондонлигига ўтказилди.

6. Амударё отрядлари қўмондонлигига Туркистон инқилобий ҳарбий кенгаши томонидан тасдиқлангунга қадар оператив штаб бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб ўртоқ Чербаковни тайинлайман.

7. Амударё отрядининг штабига ҳам Туркистон АССР номидан инқилобий ҳарбий кенгаш тасдиқлагунга қадар армия штаби бўлиш ҳуқуқи берилди.

8. Хива отряди (бу отряд 1919 йил март ойида совет ҳарбий муассасаларини ҳимоя қилиш учун тузилган – Б.Ҳ.) командири ўртоқ Шайдаковни Хива отряди штабининг шимолий қў-

шинлар бўлимига ўтказиб, шимолий қўшинлар қўмондони этиб тайинлайман.

9. Шу пайтгача 5-совет полкининг 3-батальони қўмондони бўлган ўртоқ Урядовни жанубий қўшинлар қўмондонлигига тайинладим.

10. Петроалександровск қалъа отрядининг командири Амударё отрядлари командири томонидан тасдиқланганидан кейин аниқланади.

11. Шимолий қўшинларнинг ҳозирги армия суди ҳарбий суд сифатидаги ваколатларини сақлаб қолган ҳолда Амударё отрядининг шимолий қўшинлари суди сифатида фаолият юритади.

*Инқилобий ҳарбий кенгаши вакили Скалов».<sup>1</sup>*

Юқоридаги буйруқдан маълум бўлишича, совет рус йўлбошчилари, бир томондан, Хива хонлигига бостириб кириш, иккинчи томондан, Жунайидхон қўмондонлигидаги миллий озодлик курашини бостириш, бошқа томондан, хонликнинг Амударё худудида қолган ерларини Россияга қўшиб олишга қатъий қарор қилишган. Юқоридаги буйруқ берилган куни (1919 йил 22 декабрь) Туркистон fronti қўмондони ўз қўшинларига Хивага ҳужум қилишни буюрди.

Хонликнинг Жунайидхон қўмондонлигидаги эскирган ҳарбий техника ва 5000 га яқин аскарлари Амударёнинг чап томонида жойлашган Хўжайли шаҳрини 6 кун давомида ҳимоя қилишди. 1919 йил 28 декабрда совет қўшини шаҳарни ишғол қилди. Шу куни совет қўшинлари Хонқа ва Урганч шаҳарларини ҳам эгаллашди. Қизил Армия 1920 йил январь ойининг бошида Кўҳна Урганч, Порсу, Ғазовот, Тошқовуз ва Тахтани босиб олган эди<sup>2</sup>. 1920 йил январь ойи охирида қизил армия бўлинмалари шафқатсизларча олиб борилган қонли уруш якунида Жунайидхон қароргоҳи жойлашган Бадиркент шаҳрини босиб олди<sup>3</sup>. 1920 йил 1 февралда советлар Хива шаҳрини босиб олиш-

<sup>1</sup> Елеуов Т.Е. (176). 491 – 493-бетлар.

<sup>2</sup> Ташлиев Ш. и др. История Туркменской ССР. Т.2. – Ашхабад, 1957. – С.197.

<sup>3</sup> Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Конец басмачества. – Москва, 1976. – С.54.



ди. Хон Саид Абдулла 2 февраль куни тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Кейинчалик Москвага жўнатилган хон очлик ва қашшоқликдан вафот этди. Хонлик ерлари босиб олингандан сўнгра 1919 йил 9 апрелда Хива хонлигида советлар тузган тинчлик шартномасига кўра суверенитет ҳуқуқи бир томонлама бекор қилинган. Хива хонлигининг босиб олиниши шўролар томонидан «инқилоб» кўринишида амалга оширилди. Шу билан бирга, «Хивада юз берган инқилоб буюк октябрь инқилобининг мантқиқий ва бевосита давоми эди» каби тушунтиришлар ҳам берилди. Урушлар ва шўро маъмуриятининг бундай муносабатига назар ташласак, бу инқилоб эмас, балки мустақил давлатга қарши куч билан босиб олиш ҳаракати эканлиги аён бўлади.

Совет қўшинлари хонликнинг барча ерларини босиб олгач, совет Россиясининг Туркистон комиссияси ва Туркистон фронти инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси, шунингдек, Амударё вилояти инқилобий қўмитаси раиси Г.Скалов 1920 йил 7 февралда Хива халқига қилган чақириғида шундай деди: «Совет рус раҳбарлари бошқа халқларнинг ерларига ҳеч қандай тарзда бостириб кириш ёки бошқа халқларга қарши куч ишлатиш ниятида эмас. Улар барча қўшинлари билан тинч-тотув ва муроСада яшашни хоҳлайди»<sup>1</sup>. Ҳатто бу баёнот ҳам совет ташвиқотининг ёлғон эканини кўрсатади. Аввал мамлакат босиб олинади, кейин бу босқин эмаслиги айтилади!

Совет ҳарбий маъмурияти 1920 йил апрелгача хонликни бошқаришни шахсан ўз қўлига олди. Совет Россияси ҳукумати ва Россия Компартияси Туркистон комиссиясининг 1920 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисида коммунистларга ёрдам бериш учун Хивага фавқулодда комиссия юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди (маълумки, ўша даврдаги хивалик туркистонликлар орасида бирорта ҳам коммунист бўлмаган – Б.Ҳ.). Комиссия Хивага 20 март куни келади. Аслида, сиёсий ва психологик жиҳатдан рус большевикларига кўр-кўрона тақ-

лид қилувчиларни улар тарқатиб юборишлари керак эди. 1920 йил 27 апрелдан 30 апрелгача Хива шаҳрида бўлиб ўтган қурултойда хонлик тартиботи тугатилиб, Хоразм Халқ Республикаси (Хива ўрнига) ташкил этилди.<sup>2</sup>

Совет Россиясининг собиқ ўлкалардаги амалиётини ва босқинчилик ҳаракатларини Россия экспансионистик сиёсати деб билган одамларда озодлик кайфиятини аллақачон кучайтирган эди. Жунайидхон ва хонлик аскарларининг йўқотишлари анча кўп бўлди, аммо бу озодлик курашчиларининг ўз мақсадларига содиқликларига ҳеч қандай шубҳа туғдирмади. 1920 йиллар бошларида Хива хонлиги қўлга киритилгунга қадар озодлик учун кураш фақат Амударё вилоятининг руслар томонидан босиб олинган қисмларида бўлган эди. Бироқ хонликнинг совет руслари томонидан босиб олиниши билан озодлик учун кураш хонликнинг барча ўлкаларини қамраб олди. Совет аскарлари Хивага ғалаба билан келдилар, лекин қайтиб кетмадилар. Хоразм Халқ Республикаси ҳукумати рус армияси назорати остида эди. Совет Россияси хонликни Россия таркибига киритиш орқали бу сафар чор ҳукуматининг режасини амалга оширди.

### ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИГА ҚАРШИ МОСКВА КОМИССАРЛАРИ

Марказдаги совет маъмурияти ҳам, унинг Тошкентдаги вакиллари ҳам Туркистонда бир томонлама ҳукмронлигини сақлаб қолиш имкониятига эга эмас эдилар. Туркистондаги миллий кураш Москвани хавотирга соларди. Совет марказий маъмурияти Туркистондаги ҳукмрон мавқеини йўқотмоқчи эмас эди, албатта. Шунинг учун Москва Туркистон сиёсатини қатъий қоидалар билан бошқармоқчи эди. Шу мақсадда совет Россияси ҳукумати (Марказий Ижроия Қўмита, Халқ Комиссарлари Совети) ҳамда Россия Компартияси Туркистонда давлат ва партия органлари билан бир қаторда

<sup>1</sup> Иноятов Х.Ш. и др. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). – Ташкент, 1976. – С.27.

<sup>2</sup> Муминов И. История Хорезма. – Ташкент, 1976. – С.164 – 165.



ҳукмрон мавқега эга бўлган узоқ муддатли Туркистон комиссиясини тузди. Бу комиссия 1919 йил сентябрь ойининг охиригача Москванинг Туркистондаги тўлиқ устунлигини таъминлай оладиган ҳолатда эмас эди. Совет маъмурияти пойтахтда 1919 йил 9 октябрда Ш.З.Элиава раислигида доимий фаолият кўрсатувчи Туркистон комиссиясини тузди<sup>1</sup>. Ш.З.Элиава ноябрь ойида 40 нафар рус комиссарлари билан Тошкентга келади. Комиссия аъзоларидан бири В.В.Куйбишев комиссиянинг топшириғи ҳақидаги саволга шундай жавоб берган эди: «Бу комиссия рус пролетариясининг хоҳишини ифода этади».<sup>2</sup> Комиссиянинг бу «ижрочиси» энди Туркистондаги барча совет ҳоқимияти (давлат бошқаруви, Коммунистик партияга қарашли қўмиталар) устидан мутлақ ва чексиз ваколатлар билан жиҳозланган назорат механизми сифатида қабул қилинди. Москва томонидан Туркистонга тайинланган бу комиссарлар ўзларини «маъсум» мустамлакачи жаноблар, деб билардилар. Туркистондаги совет рус маъмуриятлари тез орада шу комиссияга қарам бўлиб, кўплаб совет маъмурлари бу комиссарларнинг содиқ хизматкорларига айланишди.

Туркистондаги маҳаллий партия ташкилотларида партиявий раҳбарликни яхшилаш мақсадида РКП(б) Марказий Комитети 1920 йил ёзида РКП(б)нинг Туркистон бюросини ташкил этди. Бу орган 1919 йилда тузилган турккомиссиянинг давомчиси сифатида юзага келди. Туркбюро Амударё, Сирдарё, Еттисув ва Фарғона партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олган. 1922 йил февралидан Бухоро ва Хоразм компартиялари ҳам қўшилиб, бу орган Ўрта Осиё бюроси деб аталадиган бўлди. Бу бюро таркибида турли вақт-

ларда РКП(б) Марказий Комитетидан С.И.Гусев, Л.М.Каганович, В.П.Ногин, Я.Х.Петерс, Я.Э.Рудзук ва бошқалар бўлган. Мазкур бюрога маҳаллий партия ташкилотлари вакилларида Қайғусиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Турор Рисқулов, Назир Тўрақулов, Файзулла Хўжаевлар кирган. Бу бюро ўз фаолиятида РКП(б) Марказий Комитети ва В.И.Лениннинг Туркистон тўғрисидаги кўрсатмалари асосида фаолият кўрсатган. Бюро раҳбарлигида 1920 йил сентябрда Туркистон Компартияси съезди ўтказилди. Шунда Туркистон Компартияси Марказий Комитети сайланади. Туркистон бюроси Туркистон Компартияси ташкилотлари устидан раҳбарликни олиб боради, партия ташкилотини мустаҳкамлаш, миллий оғмачиларга қарши кураш, партия аъзолари ва бутун меҳнаткашларни тарбиялаш, уларни социалистик қурилишга жалб этиш, босмачиликка қарши кураш олиб бориш билан машғул бўлган<sup>3</sup>.

Москва мусулмонлар бюросига совет маъмурияти билан бевосита боғланиш ҳуқуқини берди. 1919 йил март ойида тузилган мусулмонлар бюросининг ташкилий тузилмасига кўра, бу бюро халқ ўртасида совет ҳукмронлигини тарғиб қилиш, «синфий тафовут»-



Назир Тўрақулов

ни кўзлаётганларнинг жамиятга таъсирининг олдини олиш каби вазифаларни бажарарди. Шунингдек, бу ташкилот босмачиларнинг мақсадлари ҳақида халққа маълумот беради ва омани уларни йўқ қилишга тайёрлайди. Мусулмонлар бюроси советлар мақсадида мувофиқ ишлаётган бўлса-да, Туркистонда бошқарувни қўлга олишга ҳаракат қиларди. Бюронинг бу борадаги қадамларидан бири 1919 йил декабрь ойида ўзини «Туркистоннинг юқори мусулмон партия органи», деб эълон қилиши бўлди.

<sup>1</sup> Шалва Зурабович Элиава – грузин, 1919 – 1920 йилларда Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ва Туркистон комиссияси раиси; 1920 йилда СССРнинг Эрондаги ва Туркиядаги элчиси; У 1921 – 1930 йилларда Бош Кавказ минтақасида турли маъмурий лавозимларда ишлаган; 1931 – 1936 йилларда Москвада муҳим лавозимларда хизмат қилган. 1937 йилда ҳибсга олинган ва кейин қатл этилган. Туркистон комиссиясининг бошқа аъзолари: Ф.И.Голошचेкин, Г.И.Бокий, Я.Э.Рудзук, В.В.Куйбишев ва Фрунзе.

<sup>2</sup> Flayit B. Sovyetrussische Orientpolitik am beispiel Turkestans. – Köln/Berlin, 1962. – P.76.

<sup>3</sup> <https://www.booksite.ru/fulltext/1/001/008/112/954.htm>



Айни пайтда, ташкилот ўзини миллий озодлик кураши таъсиридан қутқара олмади. Россия Компартиясининг Туркистондаги мусулмонлар бюросининг фаолият доираси кундан-кунга кенгайиб борди. Бу таъсирнинг излари 1920 йил 12 – 18 январда бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг навбатдан ташқари 5-қурултоида яққол кўринди.



Абдулла Раҳимбоев

Юқорида тилга олинган анжуманда совет бошқарувчиларидан беш нафари (тўрт нафар рус, бир туркистонлик) ўз маърузалари билан ажралиб турди. Мусулмонлар бюроси бошлиғи Турор Рисқуловнинг маърузаси «миллий масалалар ва миллий коммунистик гуруҳлар» ҳақида эди. Рисқулов Туркистон Мухтор Совет Республикаси ўрнига маҳаллий тилда Туркистон Республикаси ва Туркистон Коммунистик партияси ўрнига фақат Коммунистик партия дейиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади. Унга кўра, Туркистон Республикаси (Туркистон) барча туркий халқларнинг республикаси бўлиши ва Туркистон конституциясини ўзгартириш керак эди<sup>1</sup>. Қолаверса, мусулмонлар бюроси аъзолари ва маҳаллий коммунистлар Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгашининг тугатилишини, рус қўшинларининг Туркистондан олиб чиқиб кетилишини, мусулмон армиясини шакллантиришни, Туркистон комиссиясининг Россия томонидан чақириб олинишини, хорижда вакиллик қилиш учун барча ваколатларни, ташқи савдо, алоқа ва темир йўл корхоналарини бошқаришни Туркистон Миллий Республикасига бериш учун зарур тартиб-қоидаларни амалга оширишни талаб қиладилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Богоутдинов А.М (18). 386-бет.

<sup>2</sup> Мавлян Гафарович Вахабов. Формирование узбекской социалистической нации. – Ташкент, 1961. – С.326.

Туркистон Компартиясининг 5-қурултоида Рисқуловнинг таклифлари кўпчилик томонидан қабул қилинди. Қурултоида қатнашган тўрт нафар Туркистон комиссаридан учтаси Рисқулов таклифларини маъқуллаб овоз берди. Бу қарорга фақат собиқ латвиялик большевик Ян Эрнстович Рудзутак қарши чиқди. Туркистон fronti қўмондони, айни пайтда, Туркистон комиссияси аъзоси бўлган Фрунзе 1920 йил 22 февралда ҳарбий штаблари билан Тошкентга келди. Шаҳарга келиши билан, аввало, Туркистон Компартиясининг 5-қурултоида қабул қилинган қарор билан шуғулланади. Туркистон комиссиясининг 1920 йил 29 февралдаги мажлисида Туркистон Республикаси масаласи муҳокама қилинади ва қурултойнинг ушбу қарорига норозилик билдирилади.<sup>3</sup> Ҳарбий диктатор Фрунзе бошқа комиссия аъзоларидан кучлироқ бўлгани учун Туркистон Компартиясининг 5-қурултои ва мусулмонлар бюросининг 3-қурултои қарорини қабул қилмади. У вакил тайинлаган эди. Шундан сўнг комиссия аъзолари ушбу қарорни қабул қилиб хатога йўл қўйганларини тан олдилар. Фрунзе ва Туркистон комиссиясининг илтимосига биноан Россия Компартияси Марказий Комитети 1920 йил 8 мартда Туркистон Компартияси 5-қурултойининг Туркистон Республикасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиб, Туркистоннинг РСФСР таркибидаги автоном совет республикаси бўлиб қолишини қатъий буйруқ билан белгилади.

Туркистон Компартияси 5-қурултои Марказий комитетни ташкил этган 8 кишидан (И.Габор, Д.Кактин, Купер, Свобода, Санжар Асфандиёр, Низомиддин Хўжаев, Турор Рисқулов ва Мустафо Субҳи) фақат 3 нафари Туркистондан эди. 1920 йил 29 июлда РКП(б)

<sup>3</sup> Фрунзе шундай деди: «Мен қурултой қарори билан танишман. Мени қизиқтирган масала шуки, бу кун тартибини Туркистон комиссияси билганми? Агар у хабардор бўлса, бу масалада унинг фикри борми? Комиссия бу жойнинг коммунистик фракциясига қандайдир босим ўтказдими ёки бундай ҳолатни олдиндан кўрмагани учун умуман муносабат билдирмадимми?» Қаранг: Материалы объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана эпохи социализма. – Алма-Ата, 1958. – С.402.





Марказий Комитети Сиёсий бюроси 4 та муҳим қарор (1. Туркистонда Коммунистик партиянинг вазифалари ҳақида. 2. Туркистонда ҳукмронлик иерархияси ҳақида. 3. Партия тузилиши ҳақида. 4. Туркистон комиссиясининг таълим ва тарбияси ҳақида) қабул қилди, кейинчалик улар совет манбаларида «РКП(б)нинг Туркистондаги энг муҳим вазифалари тўғрисида»ги резолюция сифатида қабул қилинди.

Айни пайтда, Фарғона водийси, Зарафшон водийси ва собиқ Хива хонлигида миллий кураш авжига чиқди. Фарғона водийсидаги миллий кўзғолонга қарши 1920 йил бошида совет Россиясининг 2-мудофаа дивизияси билан 12340 нафар аскар, 52 та пулемёт, 14 та тўп, қўшимча равишда «интернационал отличлар бригадаси» (чор даврида ҳарбий асир бўлган немис, венгер, чех, австриялик аскарлар) биргаликда чехословакиялик Э.Ф.Кужело кўмондонлиги остида ҳарбий операцияларни ўтказдилар. Хусусан, отличлар бригадаси қароқчилар тўдаси номи билан машҳур эди. Бу бригаданинг кўп пул ишлаб, қизил армия ғалабасидан кейин тезроқ ватанига қайтишдан бошқа мақсади йўқ эди. Коммунизм эришган ғалабалардан сархуш бўлиб, йўлларида тўсқинлик қиладиган ҳамма нарсани йўқ қиладилар, ҳужум қилган аҳоли пунктларида одамларни ўлдирадилар, иншоотларни, айниқса, масжидларни вайрон қиладилар, ҳатто ҳайвонларни ҳам ўлдирадилар.

Москва мусулмонларни озодлик курашида руҳий тушкунликка тушириш ва низолар келтириб чиқариш учун босмачиларга қарши татар бригадасидан атайлаб фойдаланган. Туркистон fronti ҳарбий маъмурияти ўз ваколатларини ишга солиб, шафқатсиз бўлган хорижлик собиқ ҳарбий асирлардан қизил армия аскарлари сифатида озодлик курашчиларига қарши (бир вақтлар арман дашноқларидан фойдаланганидек) фойдаланмоқчи эди. Бу салбий ҳолатларга қарамай, миллий кураш давом этди. Энг кучли кўрбошилардан бири бўлган Эргашга қарши курашдаги ғалабадан завқланган қизил армия 1920 йил 15 – 30 январь кунлари Шермуҳаммад-

бек, Нурмуҳаммадбек, Раҳмонкул ва Холхўжа бўлинмаларига қарши Фарғона водийсида катта ҳужум уюштирди. Совет маъмурияти ҳар қандай ҳолатда ҳам босмачиликка чек қўймоқчи эди. 1920 йил февраль ойининг бошида Турккомиссия Фарғона водийсидаги босмачиликни бутунлай тугатиш, босмачиларнинг ҳар қандай манбаи ва пойдеворларини йўқ қилиш, халқ ўртасида босмачиларга қарши ташвиқот ишларини кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Туркистон fronti кўмондони қизил армияни кучайтириш мақсадида Фарғона водийсига уч ойда тузилган «қизил бўлинма» 1-бригадаси билан 27-самолёт эскадронини, зирхли поезд ва кўп миқдорда зирхли техникани жўнатаётган эди<sup>1</sup>. Жанг майдонларида қарама-қарши томонлар урушнинг қанчалик шафқатсиз бўлишини билишган. Дарҳақиқат, 1920 йил март ойининг охиригача Фарғона водийсининг барча ҳудудлари жанг майдонига айланган эди. Қизил армиянинг асосий кучлари, айниқса, Мадаминбек қўшинларига ҳужум қиларди. Чунки Мадаминбек жуда машҳур, уруш тажрибасига эга, айни пайтда, қайсар, коммунизм ва рус ҳукмронлигининг ашаддий душмани эди. Турккомиссия ва Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Шаҳрихон, Карбува, Қоратепа, Ўзган ва Ашаванинг ишғол қилиниши ҳамма нарсдан муҳимроқ эканлиги ва ўзи таслим бўлган босмачиларга ҳарбий асир сифатида қаралмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади. Аксинча, улар совет фуқаролари сифатида ўз ҳуқуқларини олади-



Я.Х.Петерс

<sup>1</sup> Гинзбург. Басмачество в Фергане // Новый восток 1925. – С.190: «Мадаминбек қўшинларига қарши курашда тўлиқ мусулмонлардан иборат Волга татарлари бригадаси энг муҳим роль ўйнади. Марказдан келаётган мусулмон қизил гвардиячилари мусулмон халқи ва озодлик курашчилари учун энг самарали провокация воситалари эди».



лар. Бироқ стратегик сабабларга кўра Мадаминбек 1920 йил 4 февралда 114 пулемёт ва 8 та тўп билан қуролланган 3500 нафар совет аскарларига қарши жангга катта йўқотишлар билан тарк этишга мажбур бўлди ва жанговар бўлинмаларини қайта йиғиб, аввалги кучини тиклаши оғир кечди.

Совет аскарлари 1920 йил 21 – 27 январь кунлари Шермухаммадбек, Нурмухаммадбек ва Холхўжа қўшинларига катта талафот етказди. 1920 йил 31 январда Маҳкамхўжа ва Акбар қўрбошининг, 2 февралда Парпи қўрбошининг таслим бўлиши Мадаминбекнинг курашига салбий таъсир ўтказди. Озодлик курашига салбий таъсир кўрсатган яна бир ҳолат озодлик курашининг собиқ етакчилари (Маҳкамхўжа, Акбарали ва Парпи қўрбоши) ўзлари сафдош бўлган озодлик курашчиларига қарши курашгани бўлди. Бу салбий ҳолатларга қарамай, Мадаминбек ўз ҳаракатларини Эски Новқат атрофида давом эттирди. Совет аскарларига қарши Шермухаммадбек, Холхўжа, Боёстон (Чотқол тоғлари воҳаларида), Дехқон қўрбоши (Косонда), Бойтуман (Жийдакапада), Раҳмонқул (Аштда), Ислоқул бўлинмалари (Яйпан ва Кудошда) ва Қорабой (Яйпан атрофида) ҳарбий операцияларни уюштиришни давом эттирдилар.

Мадаминбек ўз қўшинлари билан Шаҳрихон атрофидаги қароргоҳида турган. Мадаминбекка қарши охириги ҳужумда татар бригадаси жуда муҳим роль ўйнаган. Э.Ф.Кужело қўмондонлигидаги отлик бригада ҳам худди шу ҳужумда иштирок этган. Мадаминбек йигитлари иштирок этган Янги Новқатдаги тўқнашув ҳал қилувчи жанг бўлган. Татар отлик бригадаси Янги Новқатда тўпдан ўқ ота бошлаган. Шу билан бирга, интернационал бригаданинг 2-полки Миклош Брабатз (собиқ венгриялик ҳарбий асир) қўмондонлиги остида қишлоққа ҳужум қилди. Совет 2-пиёда дивизиясининг 6-бригадаси Эски Новқатда Мадаминбек қўшинларига қарши жанг қилган ва Мадаминбек Олой водийсига чекинишга мажбур бўлган. Бригада Ғулжани эгаллаб, Мадаминбекнинг Шарқий Туркистон билан

алоқасини узиш ҳақида буйруқ олган эди. 1920 йил 5 январда Эски Новқатда тўқнашув бошланади. Ғулжада Мадаминбек қўшинларига қарши генерал Муханов, полковник Сулаймон Кучуков (Мусулмон ва Мадаминбекнинг собиқ сафдоши) ва Муҳиддин қўрбоши турган эди. 6-бригада командири Парамонов генерал Муханов билан телефон орқали боғланиб, Мадаминбекнинг бошқа командирлари билан бирга таслим бўлишларини талаб қилган. Шунда Муханов Кучуков ва Муҳиддин қўрбошиларни афв этиб, айбламасликка ваъда берди. 1920 йил январь ойи бошида Мадаминбек қўшинларида муҳим ўрин эгаллаган айрим қўрбошилар совет томонига ўтишга мажбур бўлади. Холхўжа Ўш шаҳри атрофида курашини давом эттирар экан, Мадаминбек қўмондонлиги остида жанг қилишдан бош тортади. Омон Паҳлавон эса Шермухаммадбек бўлинмалари билан боғлиқ ҳолда Наманган атрофида ҳарбий ҳаракатларни давом эттиради.

Фрунзе 1920 йил 22 февралда Тошкентга келганидан сўнг ҳарбий ҳаракатларни, айниқса, Фарғона fronti ҳолатини доимий назорат қила бошлади. У Фарғона водийсидаги совет қўшинлари қўмондони Верёвкин Рахальскийга дарҳол Мадаминбек билан сулҳ тузишга ҳаракат қилишни буюради<sup>1</sup>. Фрунзенинг бундай ҳаракатни амалга оширишдан асосий мақсади сулҳ музокараларини олиб бориш ташаббускори Мадаминбек эмас, балки қизил армия эканлигини назарда тутиб, вазиятни ўз қўлида сақлаб қолишдан иборат эди. Тузилажак сулҳ шартномаси Мадаминбекнинг босмачиларга таъсир доирасини қисқартириб қўяр ва бу қўрбошини йўқ қилишни назарда тутар эди. Фрунзе Верёвкин, Рахальскийга берган буйруғида Мадаминбек қизил армиянинг кучини яққол ҳис этиши кераклиги ва агар музокарага келиб сулҳ шартномасини тузишдан бош тортса, Мадаминбек ва унинг йигитларига кучли зарба бериб, уларни бутунлай тугатиш зарурлигини айтади. Ҳар икки томон сулҳ тузиш бўйича музокараларни Наманганда ўт-

<sup>1</sup> Марк Польковский. Конец Мадаминбека. – Ташкент, 1961. – С.73.



казишга қарор қилишади. Айни пайтда, татар бригадаси босмачиларга қарши ҳужумларини узлуксиз давом эттирарди. Татар бригадасининг мақсади Мадаминбекнинг жанговар қудратини йўқ қилишни мустақил уддалашдан иборат бўлган. Советлар ғалабаси учун жанг олиб бораётган бу татар мусулмон бригадаси Мадаминбекни озодлик учун курашчиларга қўмондонлик қилиш вазифасидан маҳрум этишни мақсад қилиб олган. Туркистоннинг миллий манфаатларини биринчи ўринга қўйган маҳаллий мусулмонларга қарши татар бригадаси жангчилари урушни давом эттиришга мажбур эдилар. Улар зиммасига миллий истиқлолчилик, озодлик курашини бостиришдек вазифа қўйилган эди. Рус тарғиботи доимий равишда катта хавф билан кўрсатиб келган панисломизмга нима бўлди? Қолаверса, руслар тинимсиз тарғибот олиб борган ва унга қарши уруш олиб борган пантуркизм ҳаракатига нима бўлдики, турк миллатидан бўлган татарлар ва бошқа турк миллатидан бўлган туркистонликлар бир-бирлари билан қаттиқ курашга қўл урдилар? Ниҳоят бу воқеалар панисломизм ёки пантуркизм каби атама рус империализмининг тарғиботидан бошқа нарса эмаслигини кўрсатди. Ҳолбуки, бу каби тушунчалар диний ёки сиёсий воқеалар учун ҳаракат манбаи бўлганида, совет армиясининг 20000 туркий миллатга мансуб мусулмонлари Туркистон миллий манфаатлари учун курашаётган халққа қарши курашмаган бўларди.

Туркистон fronti 2-дивизия қўмондони Мулла Абдулқаҳҳорнинг сулҳ музокараларига юборилган делегация раҳбари этиб тайинланганини маълум қилади. У чоризм бошқаруви даврида ҳам Наманганда маҳаллий маъмуриятга хизмат қилган, ундан кейин советлар билан босмачиларга қарши курашишдан ҳам қайтмаган, босмачиларга қарши советларнинг вилоят комиссари бўлган. Делегация 1920 йил март ойининг бошида қўрбоши Бойтуманнинг қароргоҳи жойлашган Жийдакапага етиб келади ва Мадаминбекнинг асосий қароргоҳига етиб бориш учун Бойтумандан

Сирдарё орқали ўтишга рухсат сўрайди. Бироқ Бойтуман 1919 йилда Жийдакапада қизил армия аскарлари билан биргаликда Мулла Абдулқаҳҳор ҳам унга қарши жанг қилганини билмасдан рухсат беради. Мулла Абдулқаҳҳор рухсат олгандан сўнг биринчи бўлиб Эшон Ҳожимат кураш олиб бораётган Балиқчига келади. Мулла Абдулқаҳҳор Эшон Ҳожиматнинг олдида келганида Эшон Ҳожимат ундан Фарғона водийсидаги қизил армия бош штабининг Мадаминбекка юборган сулҳ шартномаси ҳақидаги хат матнини кўрсатишни талаб қилади. Бу сулҳ шартномаси ҳақидаги хат матни Эшон Ҳожиматда гўёки советлар Мадаминбекка манзур бўладиган сулҳ шартномаси матнини тайёрлагандек таассурот уйғотади (Мадаминбекка йўлланган ушбу сулҳ шартномаси ҳақидаги хат матни ҳозиргача эълон қилинмаган). Эшон Ҳожимат қўрбоши Бойтуман билан биргаликда Мулла Абдулқаҳҳорни Мадаминбек ёнига кузатиб боришга қарор қилади. Бу делегация Балиқчининг Қоратерак қишлоғида Мадаминбекнинг ёнига етиб келади. Ўша пайтда 30 ёшларда бўлган Мадаминбек сулҳ таклифи ёзилган хатни ўқийди ва бу таклифни ўйлаб кўриб бир қарорга келиши мумкинлигини айтади.

Мадаминбек Фарғона fronti штабининг сулҳ таклифини муҳокама қилиш учун 1920 йил 4 мартда Наманганда катта раҳбар қўрбошилар билан учрашиб, масала юзасидан маслаҳатлашади. Айрим совет манбаларида Фрунзе Мадаминбек билан олдин бу ерда музокаралар олиб боргани ва Мадаминбек ўз қўшинларини тарқатиб юборишга рози бўлганлиги таъкидланади<sup>1</sup>.

Мадаминбек билан сулҳ музокараларини олиб бориш учун советлар томонидан Мадаминбекни яхши билган Фарғона штаби котиби Левашев ва таржимонлик қилиш учун Буюкин қўшилган. Мадаминбек ва Фарғона fronti қўмондони Николай Андреевич Верёвкин Рохальский (эски чор ҳукумати саркардаларидан) 1920 йил 6 мартда Марғилонда

<sup>1</sup> Лебедев В., Ананьев К. Фрунзе. – Москва, 1960. – С.232.



учрашишга келишиб олганлар. Икки душман тараф 6 мартда руслар ва туркистонликлар ўртасидаги сулҳ шартномаси матнини имзоладилар. Томонлар орасида имзоланган сулҳ шартномаси мазмуни қуйидагича эди: «Биз совет томонидан берилган кўрсатмаларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юкланган дивизия ҳарбий комиссари Спирсинский билан бирга Верёвкин Рохальский ва қарши томон вакили – мусулмон ҳарбий отрядларининг юқори даражали раҳбари Муҳаммад Аминбек билан бирга қуйидаги сулҳ шартномасини имзолаш учун йиғилдик: Мен Муҳаммад Аминбек аскарларим, қўрбошиларим ва менга содиқ бўлганлар билан бирга совет ҳукуматини тан оламан ва советларнинг қоидаларига риоя қилишга, шунингдек, қуйида бизни боғлайдиган қоидаларга амал қилишга ваъда бераман:

1. **Совет томони:** Туркистон ҳудудидаги кўзғолонларда жабр кўрган халқни ҳимоя қилиш мақсадида қуролланган ва душманларига қарши мусулмон сифатида шариат қонунлари асосида кураш олиб борилганини тан оламиз (Шунга кўра кўриб чиқиладиган шахслар жазоланиши мумкин эмас).

2. Менинг қўшинларим доимий турадиган жой Наманган деб белгиланди.

3. Мен қўлимдаги барча воситаларни сафарбар этган ҳолда Фарғонада мавжуд совет тузуми ҳокимиятини ҳар хил ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилишга ва қўшинларим билан Фарғонадан ташқарига чиқмасликка мажбурман.

4. Менинг қўшинларимда хизмат қилган барча русларга тўлиқ афв эълон қилинади. Бу одамлар хоҳласалар мени тарк этишлари, хоҳласалар аввалгидек менинг қўшинимда хизматларини давом эттиришлари мумкин ва буни мен ўз зиммамга оламан.

5. Инқилобий ҳарбий кенгаш томонидан совет ҳокимиятини тан олганим расман эълон қилинганидан сўнг, шу йилнинг 21 мартидан кечиктирмай Наманганни тарк этиб, Тошкентга келаман. Тошкентга бориб, менга бўйсунувчи раҳбарлар билан қолишга мажбурман.

**Муҳаммад Аминбек, Мусулмон ҳарбий birlikлари олий қўмондонни.**

**Билкин, Мудофаа бўлими штаб бошлиги.**

Сулҳ ўрнатилганини тасдиқловчи бу ҳужжат диққат билан ўқилган, имзоланган ва муҳрланган».<sup>1</sup>

Бу сулҳ шартномаси масаласи Туркистон ва Россия манбаларида қайд этилмаган. Бу сулҳ шартномаси имзоланган 1920 йил 8 март куни Скобелев (Фарғона) шаҳрида бўлган ва сулҳнинг ягона европалик гувоҳи бўлган Вилфорт 1920 йил 20 мартдаги сулҳни нишонлаш маросимини шундай таърифлаган: «1920 йил 20 март. Бугун унутилмас воқеа юз берди. Сулҳ шартномаси муносабати билан барча мусулмон аскарлари бугун шундай парад қилдиларки, улар Темур ёки Чингизхон даврида Осиёда ўтказилгандек қабул қилинган. Скобелев уездининг бутун аҳолиси оёққа турган, черков майдонида эркаклар, аёллар, болалар, барча сартлар ва руслар бир-бирига аралашган. Рус қўмондонлари қандайдир тантанали кийим кийиб, қўшинидаги кўп сонли аскарлари билан Мадаминбекнинг байрам майдонидан ўтишини кутиб ўтиришди.

Ҳатто парадда қатнашган ҳар бир оддий фуқаро нима учун руслар Мадаминбекни осонликча қабул қила олмаслигини тушуниши мумкин эди. Чунки Мадаминбекнинг маҳаллий аҳолидан ташкил топган аскарларида тартиб-интизом ниҳоятда кучли эди. Отларнинг устида узун костюм ва ҳар хил ажойиб либослар кийган, тишларигача қуролланган, кўкрагига патронлар диагонал осилган, милтиғи қўлида кўплаб одамлар парад авангардлари сифатида ўтгандан сўнг ниҳоят 100 га яқин одам ҳаммаси тўқ яшил тор кардиганлари ва кенг, кўзни қамаштирувчи оқ қўзичоқ қалпоқлари билан Мадаминбекнинг қўриқчилари, кейин эса усти ошланган тери либо-

<sup>1</sup> Вилфорт (11). 324-бет; Вилфорт шартнома матнининг ўзбек тилида ёзилган нусхасини ҳам нашр этган. Шартнома матнига қаранг: Шарқ юлдузи. 1991. №3. – Б.181 – 182. Куйбишев тинчлик шартномаси имзолангандан сўнг шартнома матнининг 1 – 4-бандларини олиб ташлашни талаб қилди. Шунингдек, «Мадаминни секин-аста содда, итоаткор одамга айлантириш керак», – деб кўрсатма берди. Қаранг: Шонийёз Дониёров. Мадамин Бек ким эди? // Ёшлик. 1991. №4. – Б.29.





сида (жуда безакли зийнатланган отда) Мадаминбекнинг ўзи бутун улуғворлиги билан ҳақиқий шарқона типда ўтиб кетишди. Мадаминбек парадда пайдо бўлиши билан оломон орасида олқишлар ва хурсандчилик ҳайқириқлари бошланди. Мадаминбекдан кейин оқ қалпоқли махсус қўриқчиларининг иккинчи қисми отлари билан парадда ўта бошлади, сўнгра отлиқ аскарларнинг битмас-туганмас гуруҳлари ўтишди. Буларнинг нақшинкор чарм қалпоқлари, ақлли кўзларидаги қатъият уларнинг душман билан ҳар қандай жангга бир лаҳза ҳам иккиланмасдан киришишга тайёр эканликларини кўрсатиб турарди. Руслар бу тинимсиз одамлар оқимидан ҳайратда қолдилар. Ҳарбий отрядлар, бири бошқасидан кўра мукамалроқ янги отлиқ бўлинмаларнинг ҳаммасини инсон кўзи кўрадиган жойда тўплашнинг иложи йўқ эди.

Сулҳ шартномасини тасдиқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида Мадаминбек қасамёд қилиш маросимини ўтказди. У жуда ихчам ва қисқа нутқини аввал ўз тилида, кейин рус тилида баён этди (Бу нутқ советлар томонидан ҳали ҳам эълон қилинмаган – Б.Ҳ.). Парад охирида рус қўшинлари совет байроқлари билан ўтаётганида Мадаминбек улар билан расмий саломлашди. Шу тариқа узоқ йиллар давом этган, халқни тинимсиз ташвишга солиб келаётган даҳшатли қонли тўқнашувлар ҳеч бўлмаганда ташқи кўринишда ўз ниҳоясига етганини белгилаб берувчи жараён якунланди. Ярим тунгача бозорда гавжумлик ва фаолликни кўриш мумкин эди. Чойхоналар гавжум бўлиб, Мадаминбек тарафдорлари мусулмон аскарлари сифатида қурол-яроғларини ўзлари билан сақлашга рухсат берилгани учун ўз қуроллари билан руслар билан ёнма-ён тинч ва осойишта ўтирадиган жойга айланди»<sup>1</sup>. Мадаминбекнинг совет қўшинлари билан имзолаган сулҳ шартномаси, табиийки, кўрбошиларни ҳайратда қолдирди. Чунки Мадаминбек Туркистондаги озодлик курашчиларининг сардори ҳисобланарди.

Мадаминбекнинг тўғридан-тўғри қўмондонлиги остида бўлган баъзи кўрбошилардан ташқари барча кўрбошилар Мадаминбекнинг бу ишидан ҳайратда қолишди, бундан жуда хафа ва норози бўлишди. Шунинг учун Мадаминбек бу шартнома матнининг оқибатларидан чуқур хавотир ва кўрқувга тушади, чунки шартноманинг 3-моддасида Мадаминбек совет ҳукмронлигини ҳар хил ички ва ташқи душманлардан ўз қўшинлари билан ҳимоя қилишга ваъда берган эди. Шу фактнинг ўзи кўрбошини хавотирга солиб кўрқитади. Чунки Мадаминбек кўрбошиларнинг кучли ва заиф томонларини жуда яхши билар эди. Кўрбошилар татар бригадаси каби Мадаминбек ҳам рус қуроллари билан қуролланганидан сўнг ўз жангчилари ва қуролдошларига қарши жанг қилишидан кўрқитади. Бошқа томондан, баъзи кўрбошилар Мадаминбекнинг руслар билан сулҳ шартномасини имзолашдан асосий мақсади қурол-яроғ сотиб олиш, ўз жангчиларини қизил армия таркибига киритиш, сўнгра қизил армияни ичкаридан ёриб ташлаш тактикасини қўллаш учун рози бўлгандек ҳаракат қилмоқда деган фикрда эдилар. Бу охириги фикр мутлақо нотўғри ва мантиқий асосга эга эмас эди. Чунки советлар барча эски босмачиларни бирин-кетин текширувдан ўтказганларидан сўнг улардан алоҳида янги бўлинма тузиб, шундан кейингина уларни босмачиларга қарши курашга киритади. Мадаминбекнинг ўзига содиқ кўрбошилар билан ҳам маслаҳатлашмасдан туриб миллий курашнинг йирик намояндаси сифатида душманларга таслим бўлиши, кўпчилик кўрбошиларнинг фикрича, озодлик курашига хиёнат эди. Мадаминбекнинг бу хатти-ҳаракати, шубҳасиз, барча озодлик курашчилари орасида умидсизлик ва катта саросимага сабаб бўлди.

Бошқа томондан, советлар Мадаминбекнинг ўз қўшинлари билан қизил армия томонига ўтишига шубҳа билан қараган. Мадаминбек Скобелев шахрига тантаналар билан келганида ҳам Кужело ўзининг отлиқ бригадаси билан қалъа яқинида тўлиқ қуролланган ҳолда кутиб турарди. Мадаминбек ва 3500 га

<sup>1</sup> Вилфорт (11). 272 – 273-бетлар.



яқин жасур йигитларининг шаҳарга кириши муносабати билан берилган зиёфатдан сўнг Фарғона fronti штабидан ўз жангчилари билан Тошлоққа чекиниш тўғрисида буйруқ олади: «Бундан мақсад собиқ мусулмон армиясини совет мусулмонлари бригадасига айлантириш эди».<sup>1</sup> Мадаминбекка Тошкентга бориш буюрилади ва Мадаминбек у ерда совет маъмурлари билан нима ҳақида гаплашгани ҳозирча маълум эмас. Тахминларга кўра, Мадаминбек шўро ҳукумати билан шартнома тузиб, Шермуҳаммадбек ҳузурига бориб, уни ва сафдош қўрбошиларини советлар билан сулҳ шартномаси тузишга кўндириши мумкин деган фикр пайдо бўлган. Дарҳақиқат, советларнинг бу талабини бажариш учун Мадаминбек казак интернационал бригадасининг 3-полки сиёсий комиссари Сергей Сухов билан (бу полк Мадаминбек қўшинларининг асосини ташкил қилиши керак эди) бирга (босмачиларга қарши урушда у жуда муҳим роль ўйнаган) ва унинг беш нафар ватандоши ҳамроҳлигида ўзларини ҳимоя қилиш учун 24 аскардан иборат отликлар гуруҳи билан ҳаракат қилади. Бироқ гуруҳ Шермуҳаммадбек қароргоҳига етиб бормади туриб, қўрбоши Холхўжа курашчиларининг қаршилигига дуч келади. Мадаминбекнинг гуруҳи, эҳтимол, кўрқувдан ваҳимага тушиб озодлик курашчиларига қарата ўт оча бошлади. Шундай қилиб, «тинчлик миссияси»дан ҳарбий миссияси юзага келди.

1920 йил 14 майда Мадаминбек Учқўрғондаги Томоша қишлоғига етиб боради. Холхўжанинг қўшинлари уни учратганда унга илиқ муносабатда бўладилар, сўнг Мадаминбек Шермуҳаммадбекка етиб олиш учун руҳсат сўрайди. Холхўжанинг йигитлари бунга йўл қўймайдилар ва унинг олдини тўсмоқчи бўладилар, шундан кейин комиссар Сухов Холхўжанинг йигитларига қарата ўт очади. Мадаминбек қўриқчилари ва Холхўжанинг аскарлари ўртасида ўзаро отишма бўлади. Холхўжанинг йигитлари бўлган воқеани бош-

лиқларига айтиб беришади ва Холхўжа Мадаминбекни ҳибсга олишни буюради. 1919 йилдан бери Мадаминбек ва Холхўжа ўртасида келишмовчиликлар мавжуд эди. Холхўжа Мадаминбекнинг қўмондонлиги остидаги қўшинда қўрбоши бўлган вақтида Мадаминбек уни ахлоқий бузуқлик (аёлларга ишқибозлиги, ҳаддан ташқари ичкиликбозлиги, айрим мусулмонларнинг шахсий мулкни зўрлик билан тортиб олгани) жинояти учун 4 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилганди. Мадаминбекнинг Холхўжа қўлида бўлиши ундан қасос олиш учун зўр имконият эди. Мадаминбек ва Сухов 1920 йил 14 майда қатл этилган<sup>2</sup>. Мадаминбекнинг совет қизил армияси билан сулҳ шартномаси тузиб, кейинроқ ўлдирилгани кўплаб мишмишларга сабаб бўлади. Улардан бири – тинчлик шартномаси имзоланган бўлса ҳам, большевиклар унга ишонишмаган, бундай фитналар уюштириб, унинг ўлими ҳақида турли тахминларни тарқатиб, жанжал чиқаришга ҳаракат қилишган. Ўша қайғули кунларнинг гувоҳи Мирзо Азимий (бу тахаллуси, асл исми номаълум – Б.Ҳ.) воқеаларни қуйидагича ҳикоя қилади: «Большевиклар Муҳаммадаминбекни ўлдириш йўлини қидираётган эди. Ниҳоят уни ўлдиришнинг йўлини топдилар: Шермуҳаммадбекка унинг ҳузурига Афғонистон амирининг вакили сифатида бир афғон юборилгани аниқланиб, Муҳаммад Аминбек уни тутиб, большевиклар қўлига топшириш учун келгани ҳақидаги хабарни унга етказдилар. Улар, шунингдек, бундай учрашув большевиклар ва Шермуҳаммадбек ўртасида сулҳ шартномасини тузиш учун баҳона бўлишини билдирадилар. Шу сабабдан Муҳаммад Аминбекка ишонган ҳолда уни

<sup>2</sup> Батафсил маълумот учун қаранг: Мирзо Азимий. Туркистондаги «Босмачилик» ҳаракати давридан бир хотира (қўрбоши Мадаминбек қандай қилиб ўлдирилган эди?) // Ёш Туркистон. 1993. №41. – Б.6 – 21. Алихонтўра. Оқ сут берган Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 15.11.1991: «Мадаминбек билан тузилган тинчлик шартномаси ва ундан кейин унинг ўлдирилиши советларнинг ҳийла-найранг тузоғи эди». Мирзо Азимий Мадаминбекнинг Холхўжа томонидан ўлдирилганини айтади.

<sup>1</sup> Марк Польковский (191). 122-бет.



жазоламаслик керак эди»<sup>1</sup>. Бу совет агенти томонидан тўқиб чиқарилган ёлгон хабар бўлиб, Шермухаммадбек Мадаминбекнинг келишидан умуман манфаатдор эмас эди. Буларни Мирзо Азимий Хонободда бир афгоннинг оғзидан эшитган эди.

Мадаминбек Холхўжа қўлида ўлдирилгандан сўнг советлар озодлик учун курашувчилар ва халқ орасида Мадаминбекнинг Шермухаммадбек томонидан ўлдирилганлигини қаттиқ тарғиб қилишди. Бундан мақсад, бир томондан, Шермухаммадбекнинг обрўсига путур етказиш бўлса, иккинчи томондан, қўрбошиларнинг йигитлари (Мадаминбек ва Шермухаммадбек тарафдорлари) ўртасида келишмовчиликни келтириб чиқариш бўлган. Советлар Шермухаммадбек Мадаминбекни ўлдирган деб даъво қилишса-да, улар бирор далил ёки воқеага алоқадор бирорта гувоҳни кўрсатишмайди. Марк Поликовский каби баъзи ёзувчилар Шермухаммадбек Мадаминбекни хиёнатда айблаганини, Водилдаги қаршилиқ ҳаракатларида Шермухаммадбек Мадаминбекни топшириқларга мажбурлаганини, бу тўқнашувда Мадаминбекнинг бошига ўқ тегиб ҳалок бўлганини даъво қилади<sup>2</sup>. Бундай даъволар ҳам сохта совет тарғиботининг яхши намунасидир. Шермухаммадбекнинг

хотираларида<sup>3</sup> Мадаминбек таслим бўлгандан сўнг икки вакилни (Нурмухаммадбекнинг қайнотаси Йўлдошбой ва Абдулқодир) Шермухаммадбекнинг ҳузурига юборганини ёзади. Шермухаммадбекнинг гувоҳлигига кўра, ҳар икки вакил ҳам Мадаминбек руслар билан сулҳ тузиб, Тошкентга кетган, сўнг Марғилонга қайтиб, ҳозир ҳам ўша ерда экан, деган. Бундан ташқари, вакиллар Мадаминбек Қўқондан Эргаш қўрбоши ва Олтиариқдан Тоқи қўрбошини Марғилонга тинчлик музокаралари ўтказиш учун даъват қилганини, Мадаминбек Шермухаммадбекни руслар билан сулҳ шартномаси тузиш учун кутиб олишини билдиришади. Шермухаммадбек бу таклифга жавоб бермайди. Айни вақтда, Шермухаммадбек укаси Нурмухаммадбекдан Учқўрғон, Новқат ва Кўкча аҳоли пунктлари унинг назорати остида эканлиги ҳақида хат олади. Нурмухаммадбек ҳам ўз мактубида Мадаминбекнинг руслар билан сулҳ шартномаси имзолаганини айтади. Қолаверса, Нурмухаммадбек ўз мактубида Карбувадан ўн беш оила ва Шермухаммадбекнинг оиласи ҳам руслар қўлига тушгани, Тошлоқдаги қамоқхонага кўчирилганини етказди. Нурмухаммадбек Мадаминбек жойлашган Марғилон шаҳрига ҳужум қилмоқчи бўлиб Шермухаммадбекдан рухсат беришини сўрайди. Шермухаммадбек эса Марғилон шаҳрига бевақт ҳужум уюштиришга қарши бўлади.

Шермухаммадбек Карбува атрофида Мадаминбек қизил армия билан озодлик курашчиларига қарши курашаётгани ҳақидаги хабарни олади. Кейинроқ Мадаминбек Шермухаммадбек билан сулҳ музокаралари учун йўлга чиққандан сўнг йўлда Холхўжа қўрбо-

<sup>1</sup> Etherton (132). 167-бет: «He (Madamin) had been invited by Sher Muhammed to a banquet, in the course of which he was seized and forthwith beheaded, an example not only of the treachery underlying mutual dealings amongst Central Asians but of the improbability of success in any combination requiring a public spirit and subordination of self-interest to the common welfare». Эзертоннинг фикри нотўғри. Шермухаммадбек Мадаминбекни таний олмаган, шу сабабли уни зиёфатга таклиф қилиб, кейин бошини кесиши мумкин эмас. Эзертоннинг ушбу ғоялари агентлар баъзан иш берувчиларига ёлгон гапиришларини кўрсатади.

<sup>2</sup> Марк Поликовский. Водилда учрашган икки қўрбошининг даъвоси ҳақиқатни акс эттирмайди. Иккала қўрбоши ҳам бир-бирлари ҳақида яхши гапирган. Мадаминбек Водилга эмас, Учқўрғоннинг Томоша қишлоғига келади. Совет манбаларида Мадаминбекнинг ўлими ҳақида турли қарама-қарши маълумотлар берилганлиги учун Мадаминбекнинг ўлими сабаби ва вафот этган куни ҳақидаги маълумотларда чалкашликлар келиб чиққан. Бу борада Али Бодомчи «Turkestan zwischen Russland und China» (277-бет) номли китобининг бир қисмида Мадаминбек вафот этган санани 1920 йил 9 апрель деб кўрсатади, бошқа қисмида эса Мадаминбек вафот этган кунни 1920 йил 14 май деб тўғрилган. Дарҳақиқат, Мадаминбек 1920 йил 14 майда ўлдирилган.

<sup>3</sup> Шермухаммадбек. Эсдалик (Бедри Ҳожант бу хотирани ўз оғзидан тинглаб ёзган). Нашр этилмаган. – Астана, 1968. 72-бет. Унинг бу воқеа ҳақидаги хотираси менинг шахсий архивимда мавжуд. Шермухаммадбек хотирасида Мадаминбекнинг ўлдирилганини биринчи марта Карбувада эшитганини эслатиб ўтади. Шу ўринда қоровул бўлиб хизмат қилган Сайиф қори ва Лутфуллоҳ Махсумнинг Мадаминбекни ўлдиришганини, кейин Бухорога қочиб кетишганини билади. Шермухаммадбек Мадаминбекни ўлдирган деган даъво ни қатъиян рад этади. У большевиклар ташвиқоти эди. Шермухаммадбек аниқлаган бу маълумотни Фарғона водийсидаги озодлик учун курашда қатнашган кўплаб сиёсий мухожирлар ҳам тасдиқлайди. Қаранг: Али Бодомчи (170). 311 – 313-бетлар.



шининг йигитлари томонидан асир олинади. Холхўжа Сайиф қори ва Лутфулла Махсум исмли икки кишига Мадаминбекнинг ёнида бўлиб, уни кузатиб туришни тайинлайди. Кейинроқ Шермуҳаммадбек бу икки киши Мадаминбекни ўлдириб, Бухорога қочиб кетганидан хабар топади.

Шермуҳаммадбек ўз хотираларида Муҳаммад Аминбекни ўтмишдаги хизматлари учун катта меҳр билан кутиб олганини, кейинроқ Афғонистонга кетишига ёрдам берганини айтади. Шермуҳаммадбек Мадаминбекни жуда яхши кўрган ва ҳурмат қилган бўлиб, Афғонистонга кетганидан кейин у билан учрашиш имконига эга бўлмаган. Мадаминбекнинг миллий кураш майдонларидан чекиниши ва ўлдирилиши қизил армиядан бошқа ҳеч кимга фойда бермаган. Қизил армия 1920 йилнинг баҳорида биргина Фарғона водийсида 60 000 дан ортиқ аскарга эга бўлса ҳам, мусулмонлар қаршилигини синдира олмай, барча кўрбошилар билан бирин-кетин «сулҳ шартномаси» тузишга ҳаракат қилган. Кураш водийнинг ҳар бир сантиметригача; тоғларига, текисликларига, қишлоқларига ва шаҳарларигача тарқалган. Шундай қилиб, на совет аскарлари, на мужоҳидлар бир он бўлса ҳам курашишдан тўхташмаган.

Қизил армия ва миллий курашга қаршилик кўрсатганларнинг таъминот масаласи навбатдаги катта муаммога айланди. Совет аскарлари деҳқон аҳолисидан нима топса, олиб кетишди. Савдолашиш ёки келишув натижасида эмас, товламачилик шаклида, албатта. Шундан сўнг одамлар озиқ-овқат маҳсулотларини яшира бошладилар ва қизил армия тузоқлардан ёки босмачиларнинг ҳужумидан қўрқиб, уйларни кўп ҳам талон-торож қила олмади. Шу сабабларга кўра қизил армиянинг ҳарбий маъмурияти кўрбошилар билан сулҳ шартномаси тузишни афзал кўради. Совет маъмурияти Мадаминбек билан олиб борилган сулҳ музокаралари ва натижада имзоланган келишувга кўра босмачиларни мусулмон ҳудудларининг ҳукмдори сифатида расман тан олади. Мадаминбек тинчлик

шартномасини имзолаганидан кейин унинг унвони «Мусулмон қўшинлари бош қўмондони»га ўзгартирилади.

1920 йил ёзида 30 000 дан ортиқ жасур йигитлар совет босқинчиларига қарши ҳаракат қилаётган эди<sup>1</sup>. Мадаминбек шўролар сафига қўшилган бўлса-да, қизил армияга қарши ўзларини ютқазган деб ҳисобламаган, аксинча, ғалаба қозонгандек таассурот қолдирганини кўрсатади. Шу муносабат билан Москванинг Туркистондаги муҳим вакилларида бири Георгий Сафаровнинг 1920 йил май ойида айтган «Туркистонда ҳақиқий совет ҳукмронлиги ҳақида гапириш мумкин эмас»<sup>2</sup> деган гапларини яхшироқ тушуниш мумкин. Бу гап ҳақиқатдир. Кўрбошиларнинг бир қисми; Парпи кўрбоши 1920 йил февралда<sup>3</sup>, Раҳмонқул 6 мартда, Йўлчи 8 мартда<sup>4</sup> совет томонига таслим бўлади. Бироқ буларнинг ҳеч бирини совет қўшинларининг Фарғонада ғалаба қозониши деб талқин қилиб бўлмайди. Мағлубиятга учраган ёки таслим бўлган кўрбошилар советларга қарши жанг қилмаслик шарти билан ўз қўшинларини тарқатмасдан сақлаб қолишга муваффақ бўлган ва керак бўлса уларни босмачиларга қарши ишлатиш мажбуриятини ҳам олишган. Шунинг учун ҳам совет ҳарбий маъмурияти ўзининг собиқ душманлари кайфияти ва ҳолатини доимий назоратда ушлаши керак бўлади. Аммо бу йўл советлар учун ноаниқ ҳамда анча мушкул йўл эди.

Иккинчи муудофаа дивизияси қўмондони Мадаминбек йигитларидан 4 та отлик полк ташкил қилмоқчи бўлади. Туркистон fronti инқилобий ҳарбий кенгаши Мадаминбек таслим бўлганидан кейин унинг қўшинини қуролсизлантирмай, аксинча, турк бригадаси остида алоҳида ҳарбий қисм сифатида қолишига рухсат беради.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Поляков Ю.А. (181). 44-бет.

<sup>2</sup> Зевелев А.И. Историография советского Туркестана. – С.45.

<sup>3</sup> Джалилов Ш. Борьба с басмачеством в Ходжентском уезде (1918 – 1923). – Душанбе, 1968. – С.58.

<sup>4</sup> Никишов (167). 72-бет.

<sup>5</sup> Гинзбург (190). 191-бет.





Одатда, бир полкнинг 1800 – 2000 аскардан иборат эканлигини ҳисобга олсак, Мадаминбекнинг йигитлари 7200 – 8000 кишидан кўп бўлиб, шунча жасур аскар советлар сафига қўшилганлиги маълум бўлади. Совет ҳарбий маъмурияти ушбу «совет босмачилари»дан (бу тушунча совет манбаларидан олинган ва ҳозиргача кўплаб совет манбаларида ишлатилади) озодлик курашчиларига қарши фойдаланишни буюради. Бу «совет босмачилари»нинг кўпчилиги бу қарорни бажаришга норозилик билдирдилар, айниқса, Мадаминбек ўлдирилгандан кейин со-

вет армиясига қарши қатъий қаршилик кўрсатдилар. Мазкур қаршиликка қарши совет ҳарбий маъмурияти 1920 йил апрелдан июнгача ушбу «совет босмачилари»ни қуролсизлантиришга ҳаракат қилди. Шунда Мадаминбек қўмондонлигида жанг қилган жангчилар бошқа мусулмон қўшини – Шермуҳаммадбек қўшинларига қўшила бошлайдилар<sup>1</sup>.

**Китобнинг турк тилидаги вариантдан ўзбек тилига таржима қилганлар:  
Р.Т.Шамсутдинов, Ш.Т.Балтабаев**

<sup>1</sup> Боевой путь (137). 120 – 121-бетлар.



# ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН КУРАШГАНЛАР ТУРКИСТОНДА

Рашодбек Султанов,

АндДУ тузилмасидаги Қатафон қурбонлари хотираси музейи ходими

1917 йилда Россияда юз берган февраль воқеалари дунё мустамлака мамлакатларининг инқилобий ҳаракатига катта таъсир кўрсатди. Англиянинг Жанубий Осиёдаги империалистик сиёсати ҳиндистонликларни ниҳоятда қийин ижтимоий-иқтисодий аҳволга солиб қўйганлиги туфайли бу мамлакатда меҳнат миграциясининг катта тўлқини вужудга келди. Ҳинд муҳожирлари фаолиятини уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи гуруҳни хориждаги олий таълим муассасаларида таъсил олаётганлар, иккинчи гуруҳни Британия Ҳиндистони армиясида хизмат қилган собиқ ҳарбийлар ва учинчи гуруҳни мустамлака зулмидан азобланган норози деҳқонлар ташкил этган.

Инқилобий кайфиятдаги зиёлилар, обрўли ҳиндистонликлар ўз фаолияти туфайли Ҳиндистондан муттасил сургун қилинарди. Сургун қилинганлар аввалига Бирма (Мьянма), Сингапур ва Хитойда яшаганлар. Аста-секин иш топиш анча осон бўлган, яхши маош тўланадиган мамлакатлар – Канада ва АҚШга кўчиб келганлар сони 1910 йилда 30 мингдан ошган<sup>1</sup>.

1917 йилги февраль инқилобига қадар бўлган даврда ҳинд муҳожирлари бир нечта сиёсий уюшмага бирлашдилар: Афғонистон-

да Ҳиндистон муваққат ҳукумати, Берлин ва Стокгольмда Берлин қўмитаси, Америка қитъасида Бҳагван Синҳ раҳбарлигидаги «Ғадар» (Исён) партияси ва Тарак Натҳ Даснинг Америкадаги «Ҳиндистон озодлиги учун дўстлар жамияти» ташкил топди. Бу уюшмалар бир-бири билан яқин алоқада эди. Чаттопадхя<sup>2</sup> учала партияни бирлаштириб, совет ҳукумати ёрдами билан Ҳиндистонда инқилобни амалга ошириш режасини тузганди.


Ҳиндистон озодлигини таъминлаш учун бўлган курашда Маҳендра Пратап<sup>3</sup> Россияни иқтидорли ҳамкор сифатида танлаган. Маҳендра Пратап Афғонистонда Британияга қарши кайфиятдаги пуштун қабилаларини қуроллантириб, Ҳиндистонга кириб бориш, айни дамда, Ҳиндистон армиясида хизмат

<sup>2</sup> Чаттопадхя Вирендранатҳ (1880 – 1937) – ҳиндшунос, этнограф, тарихчи. Ҳинд миллий-озодлик ҳаракатининг ва хориждаги ҳинд инқилобий ҳаракатининг арбоби. 1920 йили америкалик ёзувчи аёл Агнес Смедли билан биргаликда Москвага келган. 1927 йили Германия Коммунистик партияси сафига кирган. СССР ФАнинг Ленинграддаги Антропология ва этнография институтида ишлаган. 1937 йил 15 июлда қамоққа олинган. РФ Олий судининг ҳарбий коллегияси (ВКВС)нинг 1937 йил 2 сентябрдаги қарори билан жосусликда айбланади ва ўша куни отиб ташланади. 1956 йил 28 апрелда оқланган.

Муҳаммад Баракатуллоҳ (1858 й. Бҳопал, Ҳиндистон – 1927 й. Сан-Франциско, АҚШ) – ҳинд миллий озодлик ҳаракати арбоби. 1915 йилда Кобулда ташкил этилган Ҳиндистон муваққат ҳукуматининг бош министри этиб тайинланган. 1922 йили Берлиндаги Ҳинд озодлик партиясининг президенти. 1918 – 1922 йилларда Россияда бўлган, Волгабўйи, Урал ўлкалари ва Ўрта Осиёга ташриф буюрган. Уфада Баракатуллоҳ нутқ сўзлаган бинога хотира тахтаси ўрнатилган.

<sup>3</sup> Ража Маҳендра Пратап Синҳ (1886 йил 1 декабрь – 1979 йил 29 апрель) – Афғонистонда 1915 йил 1 декабрь куни тузилган Ҳиндистон муваққат ҳукумати президенти.

<sup>1</sup> Жирова Н.С. Сотрудничество индийской националистической партии «Гадар» с коммунистическим интернационалом (1922 – 1943 гг.). Дисс... канд. ист. наук. – Липецк, 2018. – С.13



Маҳендра Пратап  
(1886 йил 1 декабрь –  
1979 йил 29 апрель)

қилаётган аскарлар орасида қўзғолон кўтариш йўли билан инглиз ҳукуматини ағдариб ташлаш режасини ишлаб чиққан. 1917 йилнинг 29 ноябрида Маҳендра Пратап Бухоро амирлигининг Термиз чегара пости бригада командири орқали совет Россияси билан боғланишга ҳаракат

қилди. Унинг йўллаган мактубида шундай дейилган: «Мен Ҳиндистон ва инсоният манфаатларидан келиб чиқиб, Россия учун зарур бўлган таклифлар бера олишимга умид қилман ва ишонаман. Мен ҳозирги рус ҳукумати вакиллари билан учрашув ташкил қилишини ўтиниб сўрайман...» Муваққат ҳукумат президенти Маҳендра Пратапнинг мактуби жавобсиз қолдирилмади. 1918 йил апрель ойида совет Туркистони ҳукумати томонидан Маҳендра Пратап Тошкентга таклиф қилинган, у ердан Петрограддаги совет амалдорлари билан учрашувлар ўтказиш учун борган. Шундан кейин Ҳиндистон муваққат ҳукуматининг вакиллари Тошкент ва Бухоро каби шаҳарларида фаолият юритган<sup>1</sup>.

Ҳиндистондаги амалдорлар мамлакат ичидаги ижтимоий ва сиёсий вазиятнинг тобора мураккаблашиб боришидан ташвишланишарди. Чунки вужудга келган ижтимоий ҳолат ҳудуди жиҳатдан Ҳиндистондек катта мамлакатда ҳам коммунизм ғоясини ташвиқ қилиш учун қулай имконият яратган эди<sup>2</sup>.

Тошкент шаҳри коммунистик мафкурани Шарқ мамлакатлари бўйлаб ёйиш учун марказ қилиб белгиланди. 1919 йил март ойида Ташқи ишлар халқ комиссарлиги кўрсатмаси бўйича илгари Эронда фаолият олиб борган

собиқ консул Н.З.Бравин<sup>3</sup> Тошкентга мухтор вакил сифатида келади. Бравиннинг дастурига кўра марксистик адабиётларни тарғиб қилишга жуда катта маблағлар сарфланди. Бравин Ташқи ишлар халқ комиссарлигига йўллаган хатида шундай ёзган: «Россия тарихига назар ташлар эканмиз, Россияни Шарқ мамлакатлари, айниқса, Ўрта Осиё ва Ҳиндистон қизиқтириб келган. Ҳиндистон чор Россиясининг эътиборини ҳар доим ўзига жалб қилган. Айнан Ҳиндистонда дунё масалалари ҳал бўлади, Англия ва Россиянинг тўқнашуви билан айнан ўша муаммолар ўз ечимини топади»<sup>4</sup>. Н.З.Бравиннинг мақсади ҳинд-афғон чегарасидаги пуштунларни оёққа турғизиш, қуролли қўзғолон кўтариш орқали Ҳиндистонда тартибсизликларни келтириб чиқариш бўлган<sup>5</sup>.

Ҳиндистонда сиёсий вазиятнинг таранглашиб бориши янги ғояни тарғиб қилишга қулай имконият яратди. Биринчи жаҳон уруши даврида ҳиндистонликлар инсон боласи кўрмаган қийинчиликларни бошидан кечирдилар. Сиёсий онгли қатлам кўз ўнгида рўй бераётган ўзгаришлар янги инқилобий руҳиятнинг туғилишига олиб келди. Большевиклар кўмагида ҳинд инқилобчилари томонидан олиб борилаётган Британияга қарши ташвиқот аста-секинлик билан ҳинд сиёсий муҳитига ўз таъсирини ўтказиб, ўзини ўзи бошқариш талабини уйғота борди. Одамлар сиёсий онгидаги ўзгаришларни кузатган Британия ташқи ишлар офисининг жиноий ишлар разведка бўлими директори: «Биз ҳинд халқининг Россиядан андаза олган ҳолда Ҳиндистонда Британия ҳукмронлигини ағдариб ташлашига, ўзини ўзи бошқариш

<sup>1</sup> Жирова Н.С. Сотрудничество индийской националистической партии «Гадар» с коммунистическим интернационалом (1922 – 1943 гг.). Дисс... канд. ист. наук. – Липецк, 2018. – С.59.

<sup>2</sup> Raj Tilak Sareen. Indian Revolutionaries movement abroad. – P.224

<sup>3</sup> Николай Захарьевич Бравин (1881 йил 13 май, Симферополь – 1921 йил январь, Фазна) – рус дипломати, Эрон ва Афғонистондаги биринчи совет дипломати.

<sup>4</sup> Юрий Николаевич Тихонов, Кирилл Сергеевич Кудухов, Деятельность Коминтерна в Афганистане в 1919–1936 гг., Вестник ТГУ, выпуск 3 (107), 2012, с. 306.

<sup>5</sup> Тихонов Ю.Н. Деятельность Коминтерна в Афганистане в 1919 – 1936 гг // Вестник ТГУ. Выпуск 3 (107). 2012. – С.306 <https://cyberleninka.ru/article/n/deyatelnost-komintern-v-afganistane-v-1919-1936-gg>



талабларига умуман эътибор бермаяпмиз»<sup>1</sup>, деб ёзган эди.

Аксарият рус етакчиларининг нутқлари ва газеталардаги мақолаларида бошқа халқларни ўзини ўзи бошқаришда ҳокимиятни инқилобий йўл билан қўлга киритишга чорлаши Британиянинг мустамлака халқлар устидан олиб бораётган сиёсатига ошкора ҳужум эди. Улар Британия тарафидан Миср ва Ҳиндистон халқларига озодлик берилиши тўғрисида танқидий мақолалар ёзишарди.

Советлар назарида, Ҳиндистонда инқилобни амалга ошириш учун энг ишончли жой Афғонистон эди. Урушдан кейин Афғонистон совет Россияси билан ўзаро тенг ҳуқуқлар асосида дўстона муносабатларни ўрнатишга тайёргарлик кўрди. Афғонистон амири советлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатиш мақсадида Муҳаммад Валихонни 1919 йили элчи этиб Бухорога юборди. Бухоро ҳукумати Россия протекторати эканлиги туфайли элчихонани Туркистонда очишни тавсия этди. 1919 йил 11 июлда Тошкентда Афғонистон элчихонаси очилди.<sup>2</sup>

Совет ҳукумати бунга жавобан Н.З.Бравинни Тошкентдан Кобулга расмий вакил қилиб юборди. Бравин Кобулга 1919 йил ноябрь ойининг ўрталарида етиб келди. Дастлабки музокаралар натижасига кўра, большевиклар Афғонистон томонига пул, қурол-аслаҳа ва техник қурилмалар етказиб бериш эъвазига Афғонистон ҳудуди орқали рус қуроллари, эмиссарлари ва ташвиқот материалларининг Ҳиндистон чегарасидаги жамоаларга етиб боришини осонлаштириш таклифини киритди. Шубҳасиз, Афғонистон амири руслар билан дўстлик муносабатлари ривожланишидан манфаатдор эди. Аммо у Бравиннинг «Ҳиндистондаги Британия ҳукуматига қарши кучлар юбориш» ҳақидаги таклифини рад этди. Миссия барбод бўлгач, Бравин инқилобий кайфиятдаги хайрихоҳ мусулмон

кишилар билан ишларни кучайтириб юборди. Кобулда Бравин тарафидан масъул этиб тайинланган Абдул Раҳмон ва Абдул Субҳон зиммасига янги хайрихоҳ кишиларни топиш вазифаси юклатилди. Бу кишилар Тошкентда Шарқ озодлиги иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш учун юборилган.



Реджинальд Эдвард Гарри Дайер (1864 – 1927)

Афғонистондаги рус ваколатхонасининг фаоллашувига қарамай, Ҳиндистондаги мустамлакачи ҳукумат репрессив чораларни кучайтириб борди. 1918 йили Роулет ҳисоботи (Rowlatt Report) нашр этилди. Унда Буюк Британия империяси қонунчилигига мувофиқ иккита қонун келтириб ўтилган. Қонунлар амалдорларга фитнага алоқадор ҳар қандай шахсни судсиз ҳибсга олиш ва қамаш ҳуқуқини берарди. Қонунлар одамларнинг нафратига ва қаршилигига учради. Сиёсий норозилик бутун мамлакатни қамраб олди. Ҳиндистон ҳукумати норозиликларга эътибор қаратмади ва уни шафқатсизларча бостирди. 1919 йил 13 апрель куни генерал Дайер<sup>3</sup> Амритсардаги Жаллианвала (Jallianwala Bagh) боғида юзлаб қуролсиз кишиларни қириб ташлади. Жамоатчиликни тинчлантириш мақсадида тартибсизликларни ўрганиш тергов қўмитасига юклатилди.

Ҳукумат амалдорлари Панжобдаги намоийш Британия ҳукуматини ағдариб ташлаш фитнасига алоқадорлигига ва у хориждаги ҳинд инқилобчилари тарафидан тайёрланганига ишонишарди. Тергов тартибсизликларнинг сабаблари ҳақидаги ўз хулосаларини эълон қилмасидан олдин намоийшга

<sup>1</sup> Raj Tilak Sareen. Indian Revolutionaries movement abroad. – P.225.

<sup>2</sup> Нуриддинова Ф. Миллий матбуот фикри. – Тошкент: МУМТОЗ SO'Z, 2020. №912. – Б.91. Абу Тургуд. Бухоро ва Афғонистон // Иштирокиюн. 1919 йил 16 август.

<sup>3</sup> Режинальд Эдвард Гарри Дайер (1864 йил 9 октябрь – 1927 йил 23 июль) – ҳинд армиясининг зобити. Панжобдаги хунрезликлари учун «Амритсар қассоби» лақабини олган. site:wiki5.ru





чиққан ҳиндларга большевиклар билан иттифоқ тузганлик айби қўйилди. Тергов қўмитаси Панжобдаги воқеалар олдиндан тайёрланган фитна эканлиги тўғрисида далил-исботларни келтира олмади. Кейинчалик жиноий ишлар бўйича разведка директори ҳам Панжобдаги намоийшлар келиб чиқиши жиҳатидан маҳаллий эканлиги, чет элдан туриб бошқарилмаганлиги ва чет эл сармояси эвазига амалга оширилмаганлигини келтириб ўтди. Шунга қарамай, Ҳиндистондаги мустамлакачи ҳукумат Панжобдаги воқеалар большевиклар ташвиқоти натижаси ва хориждаги ҳинд инқилобчилари томонидан илҳомлантирилганлиги ҳақидаги таҳминдан воз кечмади<sup>1</sup>.

Учинчи англиз-афғон урушининг (1919 йил 3 май- 8 август) илк кунларида ҳинд инқилобчилари диққат-эътиборини Россияга қаратдилар. Улар 1919 йил май ойида Берлинда бўлиб ўтган хуфия учрашувда барча таклифларни ўрганиб чиқишади ҳамда Чаттопадҳаянинг ташаббуси билан Ҳиндистон озодлиги йўлида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларинини кучайтириш мақсадида Москвада музокаралар олиб бориш учун тайёрланаётган Баракатуллоҳ<sup>2</sup> ёнига Ачария<sup>3</sup>, Абдул Раб, Ироҳим ва Маҳендра Пратапни вакил этиб юборишади.

<sup>1</sup> Raj Tilak Sareen. Indian Revolutionaries movement abroad. – P.225 – 226

<sup>2</sup> Муҳаммад Баракатуллоҳ (1858 й. Бҳопал, Ҳиндистон – 1927 й. Сан-Франциско, АҚШ) – ҳинд миллий озодлик ҳаракати арбоби. 1915 йилда Кобулда ташкил этилган Ҳиндистон муваққат ҳукуматининг бош министри этиб тайинланган. 1922 йили Берлиндаги Ҳинд озодлик партиясининг президенти. 1918 – 1922 йилларда Россияда бўлган, Волгабўйи, Урал ўлкалари ва Ўрта Осиёга ташриф буюрган. Уфада Баракатуллоҳ нутқ сўзлаган бинога хотира тахтаси ўрнатилган.

<sup>3</sup> Ачария Мандайям Пративади Байянкар Тирумал (1888 – 1967) – ҳинд инқилобчиси, 1907 – 1908 йилларда Англияда таҳсил олган ва Саваркара инқилобий гуруҳига аъзо бўлган. 1914 – 1919 йилларда ҳинд миллатпарварларининг Берлин қўмитасида фаолият юритган. 1915 йили Сувайш каналида хизмат бурчини ўтаётган ҳинд аскарлари орасида Британияга қарши ташвиқот олиб борган. 1919 йилда Ленин билан бўлиб ўтган учрашувда Пратап, Баракатуллоҳ билан бирга қатнашган. Коммунистик Интернационал ташкил этган Шарқ халқларининг I съезди иштирокчиси. 1919 йили Абдул Раб билан бирга Тошкентда Ҳинд инқилобий ассоциациясида ишлаган. 1920 йили Тошкентда Ҳиндистон Коммунистик партиясига асос солганлардан бири. 1922 йили Европада империализмга қарши лиганинг котиби сифатида ишлаган. 1935 йили Германияда нацистлар ҳокимият тепасига келиши муносабати билан Ҳиндистонга қайтиб кетган.

Бу ҳақда В.И.Лениннинг ҳаётига оид манбаларда 1919 йил 7 май куни у ҳинд миллий конгресси аъзоси, профессор Баракатуллоҳни қабул қилгани, ҳинд профессори афғон амири топшириғига кўра норасмий тарзда ташриф буюргани, англиз империализмга қарши курашда ёрдам олиш ва Шарқдаги вазият тўғрисида суҳбатлашиш мақсадида келганлиги ёзиб қолдирилган<sup>4</sup>.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов учрашув тўғрисида қуйидагиларни келтиради: «Муҳаммад Баракатуллоҳ Москвага боришидан аввал 1918 – 1919 йилларда Туркистонда бўлган, бу ўлкадаги ўта оғир вазият, фожиали ҳолатларни ўз кўзи билан кузатган. Туркистон мухторияти қуролли куч билан ағдарилганига гувоҳ бўлган.

Баракатуллоҳ амир Ҳабибуллоҳ ўлдирилгач, Омонуллоҳ амирлик тахтига ўтириши биланоқ 1919 йили март ойида Тошкентга амирнинг ишончли вакили сифатида совет Россияси билан доимий алоқаларни ўрнатиш учун келган<sup>5</sup>. Шундан сўнг у Москвага кетган. 1919 йилнинг 7 майида Москвада РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И.Ленин билан учрашган. Учрашувда Баракатуллоҳ Туркистоннинг чинакам мухториятга эришиши, ТуркМИҚ (ТуркЦИК) руслар билан тенг ҳуқуқда мусулмонларга ҳам тақсимланиши, Турккомиссия аъзоларининг 5 нафари рус ва 5 нафари мусулмонлардан иборат бўлиши, Қўқон мухториятчилари ҳамда босмачиларга авф (амнистия) эълон қилиш йўли билан маҳаллий халқлардаги норозиликни тўлиқ бартараф этиш таклифини киритади. Юқорида келтирилган таклифларни Шарқ халқларига мурожаатнома шаклида тантанали

<sup>4</sup> Ленин В.И. Полное собрание сочинений. Издание пятое. Т.38. – Москва: Издательство политической литературы, 1969. – С.548.

<sup>5</sup> Известия. 6.5.1919.



Мавлоно Муҳаммад Баракатуллоҳ (1858 – 1927)



равишда эълон қилиш йўли билан империа-листлар тарафидан маҳаллий аҳолида совет сиёсатига нисбатан ишончсизлик туйғусини уйғонишига биратўла абадий зарба берилишини айтади. Шарқ бўлими мудир Вазнесенский ва Туркистон вакили Собир Юсупов музокарада иштирок этган. Ленин Баракатуллоҳдан ўз мулоҳазаларини ёзма равишда тақдим этишини сўраган. 1919 йил 9 май куни Баракатуллоҳ мулоҳазаларини қоғозга тушириб, Ленинга тақдим этган»<sup>1</sup>.

Орадан кўп вақт ўтмай, киритилган таклифлар ўз мевасини берди. 1919 йил 10 июлда РКП Марказий Комитети томонидан Туркистон Компартияси ва Туркистон ҳукуматида радиограмма юборилди. Унга мувофиқ Туркистонда давлат раҳбарлик органларига маҳаллий туб аҳоли вакиллари кенг жалб қилиниши керак эди. Шу сабабли Турор Рисқулов бошчилигидаги Туркистон Компартияси МК қошидаги Мусулмонлар бюроси радиограмма мазмунини аҳолига таништириш мақсадида маҳаллий тилларга ўгириб матбуотда эълон қилмоқчи бўлган. Аммо Туркистон МИК ҳали аҳоли Туркистонни бошқаришга тайёр эмас деган баҳона билан радиограмма мазмунини халқдан яширди.

Шунга қарамай, Тошкентнинг эски шаҳарида кўп минг кишилик митинг ўтказилди. РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг Туркистондаги вакили Хусайн Иброҳимов раислигидаги митингда Мусулмон бюроси раиси Турор Рисқулов ва Россия Федерациясининг Туркистондаги фавқулдда комиссари П.А.Кобозев иштирок этди. Туркистон МИК раиси Казаков ва унинг ўринбосари Успенский митингни Туркистонда давлат тўнтаришига уриниш деб баҳолаб, Ҳ.Иброҳимов ва П.А.Кобозевни қамоққа олишга буйруқ берган<sup>2</sup>.

Бошқа манбаларда бу муҳим учрашув ҳақида маълумотлар учрайди. Германиядан

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р.Т. Ҳинд миллатпарвари профессор Муҳаммад Баракатулло большевикларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсати тўғрисида // Водийнома. 2021. №2. – Б.24 – 26.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р.Т., Мўминов Х. Ҳинд миллатпарвари профессор Баракатулло большевикларнинг Ўрта Осиёдаги сиёсати тўғрисида // Водийнома. 2019. №1 (12). 26 – 27-бетлар.

Ҳиндистон муваққат ҳукумати президенти Маҳендра Пратап ўз ҳамроҳлари билан Москвага борган. Муваққат ҳукумат бош вазири Мавлоно Баракатуллоҳ совет ташқи ишлар идораси билан муносабатлари яхши бўлгани учун Кремлдаги Грановитая палата биносида иш юритар эди. Пратап делегацияси ҳам палата биносидаги хоналарга жойлаштирилди. Учрашувдан бир кун аввал, кечқурун Ташқи ишлар идорасидан бир киши келиб, Маҳендра Пратапнинг «Севги таълимоти» (Religion of Love) китобини олиб кетади. Эртаси куни эрталаб профессор Вознесенский делегацияни Москванинг қадимий империя саройи томон олиб борди. Учрашувни Маҳендра Пратап ўз сўзлари билан шундай тасвирлайди: «Биз саройнинг иккинчи қаватига кўтарилдик ва катта хонага кирдик. Мен делегация етакчиси сифатида хонага биринчи кирдим. Катта столда машҳур қизил етакчи ўртоқ Ленин, мендан юқорида ўнг томонда бир киши (профессор Р.Т.Шамсутдинов мақоласида учрашувда Туркистон бюроси вакили Собир Юсупов қатнашганини ёзади. Маҳендра Пратап С.Юсуповни танимагани учун бир киши деб тилга олади) ўтирарди. Собир Юсупов ўрнидан туриб, бурчакдаги кичкина стулни олиб катта стол яқинига қўйди ва ўтиришимни айтди. Бир лаҳза қаерга ўтиришим ҳақида ўйлашиб турганимда дўстларим Баракатуллоҳ ва бошқалар шоҳона стулларга ўтиришди. Мен Ленин ўзи олиб келган кичкина стулга ўтирдим.

Ўртоқ Ленин мендан инглиз, француз, немис ёки рус тилида гаплашишни сўради. Мен унга инглиз тилида сўзлашиш биз учун қулайлигини айтдим. Унга ўзимнинг «Севги таълимоти» номли китобимни таништирдим. У китобимни аллақачон ўқиб чиққанини айтиб, мени ҳайрон қолдирди. Ленин китобимни «Толстойизм» деб айтди. Мен уни ўз режам билан таништириб, бизга кўрсатиладиган ёрдамни олтин ёки кумуш билан эмас, гуруч, жун, сарийёғ, ёғ, кўмир ва бошқа маҳсулотлар билан қоплаймиз деб айтдим. Биз анча узоқ вақт суҳбатлашдик. Ленин барчамизга қисқа қилиб гапирди. Ленин тик туриб қат-



Яков Суриц (1882 – 1952)

нашаётган Барака-туллоҳнинг ёрдамчисига юзланиб саволлар берди. Профессор Вознесенский музокарада тик туриб қатнашди»<sup>1</sup>.

Учрашувдан кейин Ташқи ишлар идораси совет элчиси Я.Сурицни<sup>2</sup> Маҳендра

Пратап бошчилигидаги делегацияни афғон амири Омонуллоҳга яқиндан таништириш топшириғи билан Афғонистонга юборади.

Большевиклар Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати ва исёнларини жиловлашда ҳинд-мусулмон етакчиларидан фойдаланишган. Москва учрашувидан кейин руслар Баракатуллоҳни Шалва Зурабович Элиава<sup>3</sup> билан бирга Туркистондаги вазиятни ўрганиш, Фарғона, Андижон, Қўқон, Бухоро шаҳарларида алангаланган исёнларни бостириш учун Тошкентга юборди.

Болқонда турк-юнон уруши давом этаётган вақтда Халил пошо руслардан ёрдам сўраб Тошкентга келган. Халил пошо Баракатуллоҳнинг рус етакчилари билан яхши муносабатда бўлганлиги учун Москвага бирга боришини сўрайди. Баракатуллоҳ Фарғонадаги «босмачилик» (озодлик курашчилари) ҳаракати етакчилари билан музокара олиб боришдек вазифани ташлаб Москвага боради. 1920 йилнинг қиш мавсумида музокараларда иштирок этиш мақсадида Баракатуллоҳ икки марта Москвага борди. У ерда ғози Анвар пошо ва большевиклар ўртасида битимга эришилди. Битимга кўра, Бухоро ва Фарғонада исёнлар бостирилгач, Ҳиндистон сарҳадларига юриш қилиниши керак эди. Анвар пошо армиясининг зобитлари Москвада махсус тайёргар-

ликдан ўтказилди. Тайёргарликдан ўтган турк зобитлари бухоролик ҳарбийларга янги қоидаларни ўргатиш учун Бухорога келишди. Ўша йили баҳор мавсумининг бошида Анвар пошо ҳам Бухорога келди ва маҳаллий ҳарбийлар билан исёнларни бостиришда кечаю кундуз иштирок этди.

Анвар пошо Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати вакиллари билан маслаҳатлашиб, қизил армия қўшинини БХР ҳудудидан олиб чиқиб кетиш ва бухороликларни ҳурмат қилиш ҳақида Москвага талабнома ёзган<sup>4</sup>. Анвар пошо томонидан билдирилган эътирозларга жавоб бўлмаганидан сўнг битимга хилоф равишда Бухоро амири билан Ўрта Осиёда исломий ҳукумат барпо қилиш режасини тузди. Бу вақтда Баракатуллоҳ Тошкентга қайтиб келди. Анвар пошо туфайли русларнинг Баракатуллоҳга бўлган муносабати ўзгарди<sup>5</sup>.

Туркистонда чоп этилган даврий нашрларни ўрганиш орқали ҳинд миллий-озодлик кураши вакиллариининг большевик мафқурасидан илҳомланганлигини, совет ҳукуматининг мазлум халқларга ёрдам қўлини чўзгани, инсонпарварлик муносабати инқилобчиларни ўзига тортганини кузатиш мумкин. «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 16 апрель кунги сонидида Баракатуллоҳнинг «Большевизм маслагаи ва ислом жумҳурияти» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Бу мақолада Баракатуллоҳ большевизм мафқурасини мусулмон мамлакатларида жамиятга тўғридан-тўғри эмас, маҳаллий диний-маънавий, ижтимоий қарашларни эътиборга олган ҳолда сингдириш масаласини кўтарди.

1919 йил 10 июнда Баракатуллоҳ «Известия» газетасига берган интервьюсида ҳинд инқилобчиларининг сиёсий қарашларига тўхталиб: «Биз на социалист ва на коммунистмиз», – деб айтган эди.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Raja Mahendra Pratap Singh. Reflections of an Exile. Indian Book Company. – P.46 – 47.

<sup>2</sup> Суриц Яков Захарович (1882 – 1952) – Россия социал-демократлар ҳаракати аъзоси, совет дипломати. Фавқуллодда ва мухтор элчи.

<sup>3</sup> Шалва Зурабович Элиава (1883 йил 18 сентябрь – 1937 йил 3 декабрь) – совет партия ва давлат арбоби, Туркистон инқилобий-ҳарбий кенгаши раиси (1919 йил 15 август – 1920 йил 23 сентябрь).

<sup>4</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

<sup>5</sup> Сайид Абу Али Важди ал-Хусайний. Мавлоно Баракатуллоҳ Бҳопали. Мадҳя Прадеш урду академияси Бҳопал. 1986. – Б.198 – 200.

<sup>6</sup> Raza Naeem. Remembering the Maulvi Who Embraced Socialism to Overthrow Imperialism. History. 15 July 2018, <https://www.mpositive.in/2018/07/16/maulvi-barkatullah-bhopali/>



Ҳинд инқилобчилари Осиёдан инглизларни сиқиб чиқаришда совет Россияси кўмагини олишга ҳаракат қилишди. Инқилобчиларнинг режалари совет ҳукуматининг ўз сиёсатини Осиёда юритиш борасидаги мақсадига мос келарди. Ҳиндистондаги разведка бюросининг зобитлари совет сиёсати ҳақида шундай маълумот берган: «Совет етакчилари Буюк Британияни дунё озодлиги ва совет режимининг оммалашишига асосий тўсиқ бўлиб турган давлат сифатида қарайдилар. Буни Ҳиндистонни империядан ажратиб олиш орқали амалга ошириш мумкин». Разведка бюроси Ҳиндистонни қурол кучи билан эгаллаш амримаҳоллиги, аммо ҳинд сарҳадлари бўйлаб совет мафкурасини ёйиш ва Ҳиндистон ичкарасида совет ташвиқотини тўхтовсиз олиб бориш империянинг кучсизланишига олиб келиши тўғрисида огоҳлантирган<sup>1</sup>.


1919 йил 26 декабрда Суриц миссияси Кобулга етиб келади. Миссия ўзи билан Ҳиндистонга юбориш учун кўплаб ташвиқот материалларини олиб келганди. Бироқ миссия қатнашчилари орасида ҳали манзилга етиб бормасдан ташвиқотни Британияга қарши мувофиқлаштириш масаласида тортишувлар юзага келди. Келишмовчилик ҳинд инқилобчилари ўртасида Ҳиндистонда миллий-озодлик мақсадларини кўзловчи ғояни илгари суриш ёки большевик ғояларини тарғиб қилиш борасида яқдил бир тўхтамга келинмаганлиги туфайли келиб чиққан эди. Маҳендра Пратап миллий мақсадларни ташвиқ қилиш истагида бўлиб турганида Абдул Раб ва Ачария ташвиқотнинг большевикча методига эргашишга тайёр эдилар. Москва тарафидан большевикча тамойилларга эргашиш ғоясини илгари суриш тарафдори бўлган Суриц Абдул Раб ва Ачарияни қўллаб-қувватлади. Британия билан тинч муносабат юритиш ташвишида бўлган Амир Омонulloҳ бу баҳсларда Маҳендра Пратап тарафида бўлди. У Афғонистонда ҳар қандай пар-

тиянинг Британияга қарши фаолият олиб боришига рухсат бермади.

Суриц кўмаги билан Абдул Раб ва Ачария «Ҳинд инқилобчилари» (Inquilobin-i-Hindi) номи остида алоҳида бюро ташкил этишади. Янги бюронинг барпо этилиши ҳинд инқилобчилари орасидаги зиддиятни юмшата олмайди. Суриц большевикча ташвиқотга биргина кишини масъул этиш истагида қатъий туриб олади. Келишмовчилик ва тортишувлардан чарчаган Амир Омонulloҳ Абдул Раб, Ачария ва уларнинг ташкилотини Афғонистондан чиқариб юбориш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Суриц Амир билан музокараларни давом эттирди. Амирга Афғонистон бўйлаб большевик вакиллари, адабиётларининг эркин ҳаракатланишига ва большевик нашриётини ташкил этишга ҳамда чегара ҳудудида жойлашган жангариларга қурол етказиб беришга рухсат олиш ҳақида таклифлар киритди. Таклифларга амир ўзининг ташқи ишлар вазири Маҳмуд Тарзи Ҳиндистонда инглизлар билан шартномаларга эришиши арафасида бўлгани боис рози бўлмади. Шу туфайли большевикларнинг Афғонистон орқали Ҳиндистонга инқилобий юриш қилиш хоҳиши камайди.

Суриц афғонлар билан шартномага эриша олмагач, ҳинд муҳожирларига хуфия таклифлар йўллашни бошлаб юборди. Унга кўра, большевиклар мафкурасига хайрихоҳларнинг ва инглизларга қарши курашмоқчи бўлган кишиларнинг рўйхати тузилиши керак эди. Рўйхатдаги хайрихоҳ кишилар Тошкентдаги Ачария ва Абдул Раб раҳбарлигидаги ҳинд инқилобий қўмитасига жўнатила бошланди.



Маҳендра Натҳ Рой

<sup>1</sup> Raj Tilak Sareen. Indian Revolutionaries movement abroad. – P.229.





Ҳиндистон ҳукумати Кобулдаги Суриц миссияси фаолияти ва «Ҳижрат»<sup>1</sup> ҳаракати большевиклар тарафидан бошқарилаётганини ташвиш билан кузатарди. 1920 йили совет ҳукумати ва Коминтерн М.Бородин бошчилигида ҳарбий-сиёсий миссияни амалга оширишни режалаштирди. Миссияда Ҳиндистон чегарасида ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш амалиётини ишлаб чиққан ҳинд инқилобчиси М.Н.Рой<sup>2</sup> ҳам бор эди. Амалиётга мувофиқ Коминтерн пуштун қабилалари яшайдиган ҳудудлар орқали маҳаллий ҳинд инқилобчилари ихтиёрига катта миқдордаги қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни етказиб бериши керак эди. Бу қуроллар телеграф ва телефон линияларини узиш, темир йўллар, кўприкларни портлатиш йўли билан инглиз армиясини тезкор чоралар кўришда фалаж ҳолатига тушириш мақсадини кўзлар эди. Миссия Коминтерн ва Ташқи ишлар халқ комиссарлиги ўртасидаги келишмовчилик туфайли амалга ошмай қолди<sup>3</sup>.



Суратда: (чапдан ўнга) Ленин, Горький, Бухарин, Зиновьев, Чаттопадхая, Рой ва бошқалар.

Ҳиндистон ҳукумати большевикларнинг Афғонистондаги миссиясини хавотир билан кузатар экан, совет ҳукумати тарафидан чақирилган 1920 йил 1 – 8 сентябрь кунларида Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқларининг I съезди ваҳимани кучайтириб юборди. Съездда Туркистон, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва Афғонистон каби мамлакатлардан ташриф буюрган Осиё мамлакатларининг миллий вакиллари таништирилди.

1920 йил 4 сентябрда Шарқ халқлари I съездининг 4-йиғилиши Григорий Евсеевич Зиновьев раислигида бўлиб ўтди. Зиновьев ўз нутқида Ҳиндистондаги шафқатсизликлар ҳақида тўхталиб ўтди. Тинч намойишга чиққан қуролсиз оломонга қарши пулемёт ўқлари билан жавоб қайтарган генерал



Тинч номойишчи шаҳар кўчалари бўйлаб эмакляб бораёпти

Дайер ишини қаттиқ қоралади. Тергов ишлари ниҳоясига етгач, инглиз аскарларининг айбсиз ҳиндларнинг қулоғига милтиқ тираб, қоринлари билан шаҳар кўчалари бўйлаб эмакляшга мажбур этганликлари ва шундай тартибни ўрнатган инглиз офицерлари акс этган фотолавҳаларни изоҳламагани учун Лондон газеталарини танқид қилди<sup>4</sup>.

Съездда нутқ сўзлаган Скачко Ҳиндистондаги деҳқонларнинг аянчли аҳволи тўғрисида тўхталаркан, деярли барча ерлар йирик капиталистлар қўлига ўтиб кетганлиги учун деҳқон батрак ёки ижарага ер олувчи бўлиб қолганлиги, олинган ҳосилнинг учдан бир қисмини инглиз ҳукуматига, иккинчи қисмини капиталист-фермерга топшириб, ўзи шундай сермахсул водийларга бой мамлакат-

<sup>4</sup>1 съезд народов Востока Баку. 1 – 8 сен. 1920 г. Стенографические отчеты. – С.46.

<sup>1</sup> Тихонов Ю.Н. Деятельность Коминтерна в Афганистане в 1919 – 1936 гг. // Вестник ТГУ. Выпуск 3 (107). 2012. – С.308 <https://cyberleninka.ru/article/n/deyatelnost-komintern-a-v-afganistane-v-1919-1936-gg>

<sup>2</sup> Мабендра Натх Рой (1889 – 1954) – ҳинд инқилобий ҳаракати вакили. 1920 – 1921 йилларда Тошкентда Коминтерн ижроия кўмитасининг Шарқ халқлари иши бўйича вакили. Тошкентда Ҳиндистон Компартиясига асос солган. 1923 йили КИ топширигига кўра Германияда инқилобий ҳаракатлар тайёрлашда иштирок этган.

<sup>3</sup> Тихонов Ю.Н. Деятельность Коминтерна в Афганистане в 1919 – 1936 гг. // Вестник ТГУ. Выпуск 3 (107). 2012. – С.308 <https://cyberleninka.ru/article/n/deyatelnost-komintern-a-v-afganistane-v-1919-1936-gg>



да очлик ва камбағалликка маҳқум эканлиги тўғрисида гапириб ўтди<sup>1</sup>.

Бошқа делегатлар – Квелч, Мутушев ва Гайдархоновлар ҳам Ҳиндистондаги оғир вазият ҳақида ўз фикрларини баён қилдилар<sup>2</sup>. Йиғилиш раиси Зиновьев сўз навбатини Тошкентдаги ҳинд инқилобий ташкилоти вакили Фазли Қодирга беради. Фазли Қодир форс тилида нутқ сўзлади. Таржимон унинг сўзларини таржима қиларкан, Шарқ халқлари I съезди қатнашчиларини олқишлаганини, жафокаш ҳинд халқи номидан дунё пролетарларининг байроғини олға олиб бораётган совет Россияси ва дунё коммунистлари бирлашиб, инглиз капитализмидан халос этишларини сўраганлигини таржима қилиб берди<sup>3</sup>.

Бокуда Шарқ халқлари I съезди бўлиб ўтишидан аввал Тошкентдаги ҳинд инқилобий ташкилоти Коминтернга қуйидаги мактубни йўллаган:

*«Бокудаги Коминтерн II Конгрессининг ўртоқ делегатларига!*

*Туркистондаги Ҳинд инқилобий қўмитаси Ҳиндистоннинг 315 миллионлик мазлум халқи номидан бу ерда йиғилган Конгресс делегатлари ва совет Россияси вакилларидан инсониятни, Ҳиндистонни озод этишда ёрдам беришларини сўрайди. Барча озодлик йўлида курашувчилар бу ёрдам ҳар қандай ички ва диний аралашувларсиз инглиз капитализми бўйинтуругидан халос этишига ишонадилар. Инқилобчилар ўз миллий дастурларини амалга ошириш учун курашда Россия тарафидан бўладиган ёрдамга умид қиладилар. Барча Шарқ мамлакатларидаги масалаларнинг ҳал этилишида фақат ва фақат Ҳиндистон жиддий тўқнашувлар нуқтаси бўлиши инкор этиб бўлмайдиган факт эканлигини алоҳида эътироф этиш мумкин. Тарих Ҳиндистон учун озодлик дунё озодлиги ва барча урушлар учун якун бўл-*

*ганлигини бир неча мартаба тасдиқлаган. Шафқатсиз инглизлар ҳиндистонликларни армия сафларига мажбуран олиб, бошқа халқларга ҳужум қилишга шайланмоқда.*

*Ҳинд инқилобий қўмитаси бу ишнинг Бокудаги Шарқ халқлари I съезди ўтказилишидан аввал амалга оширилишига ва бу фактни ишбот қилишга тайёр. Ташкилот конгрессдан Ҳиндистон учун қисқа вақт ичида энг кўп даражадаги ёрдам кўрсатилишини сўрайди.*

**Ҳинд инқилобий ташкилоти  
президенти**

**Муҳаммад Абдур Раб Берк**

*Тошкент, 1920 йил 10 август»<sup>4</sup>.*

Хатдан большевиклар томонидан юбориладиган ёрдам ҳинд жамиятида энг нозик масалалар ҳисобланган диний-эътиқодий, миллий қадриятларни ҳурмат қилган ҳолда кўрсатилиши алоҳида урғуланганлигини илғаш қийин эмас. Съездда ҳинд инқилобчиларидан 14 нафар шахс рўйхатга олинган. Съездни ўтказишдан мақсад Шарқда большевизм ғояларини ёйиш, Буюк Британия мустамлакачилиги остидаги барча мамлакатларда инқилобий ҳаракатларни авж олдириш, охир-оқибат Ҳиндистон ва бошқа Шарқ мамлакатларида муаммолар, тартибсизликлар келтириб чиқаришдан иборат эканлиги ойдек равшан эди<sup>5</sup>.

Съезд мустамлакачи давлатлар, айниқса, Буюк Британия ҳукуматини тезкор музокаралар олиб бориш йўлини танлашга мажбур этди. 1921 йил 16 мартда рус-инглиз савдо шартномаларига эришишда совет Россияси Осиеда Британияга қарши ҳар қандай инқилобий тусдаги ҳаракатни амалга оширмаслик шартига кўнди<sup>6</sup>. Шартнома Тошкентдаги Ҳинд инқилобий ташкилоти фаолиятининг тугатилишига асосий сабаб сифатида қаралади. Лекин, бошқа тарафдан, инқилобий қў-

<sup>4</sup> Ўша жойда. – С.106 – 107.

<sup>5</sup> Ўша жойда. – С.5.

<sup>6</sup> Рязузова А.В. Деятельность индийских националистов в России // Восточный архив. 2022. №1 <https://cyberleninka.ru/article/n/deyatelnost-indijskih-natsionalistov-v-rossii>

<sup>1</sup> Ўша ерда. – С.191.

<sup>2</sup> Ўша ерда. – С.79 – 80, 101 – 102, 159.

<sup>3</sup> Ўша жойда. – С.105 – 106.



мита аъзолари ичида ўзаро келишмовчиликларнинг мавжудлиги совет раҳбарияти учун муаммо яратган эди. Боқуддаги Шарқ халқлари I съездидан кейин Коминтерннинг Шарқ бюроси вакили Мабендра Натҳ Рой Тошкентдаги Ҳинд инқилобий ташкилотига юборилади. Рой қўмита қошида 1920 йил 17 октябрь куни 7 кишидан иборат бўлган Ҳиндистон Коммунистик партиясини тузади<sup>1</sup>. Ташкилот ичида Коммунистик партиянинг ташкил этилиши инқилобчилар орасида келишмовчиликларни юзага келтирди. Тортишувлар Мабендра Натҳ Рой гуруҳи ва Туркистондаги Ҳинд инқилобий ташкилоти президенти Абдул Раб Берк тарафдорлари ўртасида вужудга келган бўлиб, ҳар иккала томон бир-бирларини коммунистик ташвиқотни тарғиб қилишда сиёсий хатоликларга йўл қўйганликда айблади. 1921 йил 11 март куни масала юзасидан Коминтерннинг Туркбюро аъзолари Карл Штейнгард, доктор Цеткин, Петерс иштирокида йиғилиш ўтказилган. Йиғилиш хулосасига кўра бир қатор манфаатдор ва манфаатдор бўлмаган кишилар билан олиб борилган суриштирувлар, хуфий манбалардан олинган маълумотлар натижасида Абдул Раб Берк ва унинг гуруҳи панисломий тарғиботни олиб борганлиги фош этилди. Панисломий ташвиқот эса Туркистонда салмоқли куч эга бўлиб, большевизм учун катта хавф тўғдириши мумкин эди<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, большевиклар инглизлар билан сиёсий муносабатларни нормаллаштириш мақсадида Тошкентдаги ҳинд инқилобий ташкилоти фаолиятини тугатиб, унинг вакилларини Москвага коммунистик мафкура ташвиқотини ўрганиш курсларида таҳсил олиш учун юборди. Коминтерн ва РКП(б) Марказий Комитети Туркбюроси фавқулодда қўмитаси вакили бўлган Шульман<sup>3</sup> ҳинд му-

хожирларининг Туркистондаги фаолиятига: «Ҳинд инқилобий ҳаракатининг жонсиз таънаси», – дея таъриф берган<sup>4</sup>. М.Н.Рой олдида Коминтерн тарафидан Тошкентдаги инқилобий фаолият учун ажратилган маблағлар беркорга сарфланмаганлигини исбот қилиб бериш вазифаси турарди. Шу муносабат билан 1922 йили Меҳнаткаш Шарқ халқларининг коммунистик университетида ҳали таълимни тугатмаган талабалар зудлик билан Туркбюро инструктори Гольдберг<sup>5</sup> ихтиёрига жўнатилди. У махсус тайёргарликдан ўтган ҳиндистонликларни Калькуттага юбориш учун Фарғона водийсининг Ўш шаҳридан Помир тоғининг Воҳан тизмалари орқали Ҳиндистон ҳудудларига кириб бориши ва керакли микдордаги пул билан таъминлаш режасини ишлаб чиққан эди<sup>6</sup>.

1922 йил 11 ноябрь куни 4 киши: Абдул Мажид<sup>7</sup> (гуруҳ раҳбари), Ферузиддин<sup>8</sup>, Рафиқ Аҳмад<sup>9</sup> ва Ҳабиб Аҳмаддан<sup>10</sup> иборат бўл-

<sup>4</sup> Тихонов Ю.Н. Новые документы о работе Туркестанского бюро Коминтерна в 1922 году // Восточный архив. 2006. №14-15. – С.122.

<sup>5</sup> Гольдберг Николай Максимович (1891 – 1961) – 1920 йил охирида Туркбюрога ишга ўтган. Ҳиндистон ва Бухоро Компартияларини назорат қилган. 1920 йил июль – октябрь ойларида Коммунистик Интернационал (КИ) ижроия қўмитаси таржимони бўлиб ишлаган. 1920 йил октябрдан 1922 йил сентябрь ойига қадар КИ Туркбюро Ахборот бўлими бошлиги лавозимида ишлаган.

<sup>6</sup> Тихонов Ю.Н. Новые документы о работе Туркестанского бюро Коминтерна в 1922 году // Восточный архив. 2006. №14-15. – С.124.

<sup>7</sup> Абдул Мажид 1899 ёки 1896 йили таваллуд топган, 1920 йили Афғонистондаги Ҳиндистон муваққат ҳукумати тарафидан Тошкентга юборилган. 1921 йили Тошкентда ҳинд компартияси аъзолигига кирган. 1921 – 1922 йилларда Шарқ меҳнаткашларининг коммунистик университети (ШМКУ)да таҳсил олган.

<sup>8</sup> Мансур Ферузиддин 1920 йили Туркистонга келган. 1921 – 1922 йилларда М.Н.Рой ташаббуси билан ташкил этилган «Тошкент ҳарбий мактаби»да ва ШМКУда таҳсил олган. Пешавор суд жараёнида қамалган. Турмадан чиқиб, Панжобда коммунистик ташвиқотнинг фаол вакили ҳамда журналист сифатида фаолият юритган.

<sup>9</sup> Рафиқ Аҳмад 1920 йили мухожирлар гуруҳлари орасида Афғонистонга, кейинчалик Туркистонга сирли тарзда келган. Карки шаҳрини босмачилардан мудофаа қилишда қатнашган. Тошкентдаги «ҳинд ҳарбий мактаби» курсанти. Москвада таҳсил олган. 1967 йили октябрь тўғрисида 50 йиллиги муносабати билан Москвага таклиф этилган.

<sup>10</sup> Ҳабиб Аҳмад 1920 йили коллежни тамомлаб, Афғонистонга мухожирлар гуруҳи таркибида келган. Карки мудофаасида босмачиларга қарши курашган. Тошкентдаги «ҳинд ҳарбий мактаби» курсанти. 1921 – 1922 йилларда ШМКУда ўқиган. Пешаворда суд ҳукми билан қамалган. 1928 йили Коминтерннинг VII Конгресси делегати. 1929 йили ОГПУ тарафидан қўлга олинган (ишни шахсан А.Х.Артузов олиб борган). ОГПУ тарафидан Уральскка сургун қилинган. 1938 йили НКВД тарафидан отиб ташланган.

<sup>1</sup> Adhikari G. Documents of the History of the Communist party of India. Volume I. 1917 – 1922. – P.231.

<sup>2</sup> Рязузова А.В. Деятельность индийских националистов в России // Восточный архив. 2022. №1. – С.73 <https://cyberleninka.ru/article/n/deyatelnost-indiyskih-natsionalistov-v-rossii>

<sup>3</sup> М.Шульман Туркистоннинг кўплаб марказий органларида ишлаган. Туркистондаги ҳинд ишени мувофиқлаштириб борган.



ган биринчи гуруҳ қисқа вақт ичида Читрол князлигига етиб олди. Лекин эртаси куни князлик ҳукумати уларни инглизлар қўлига топширди. Ўша йили 23 ноябрь куни юборилган иккинчи гуруҳ тақдири ҳам шундай якун топди. Шу тариқа Коминтерннинг Помир орқали Читролга ўз вакилларини юбориш режаси барбод бўлди. 1923 йилнинг апрель – май ойларида Пешаворда «Москва-Тошкент фитнаси»га бағишланган суд жараёнида совет разведкаси ва Коминтерннинг муваффақиятсиз уринишлари исбот қилиб берилди.

1921 йил баҳор ойининг охирларида Маҳендра Пратап Помир тоғлари орқали Андижонга ташриф буюрди. У шаҳар шароитларни кўриб, «қулай шаҳар» деб таъриф берди. Кун ярмида шаҳарни сайр этиб юрган вақтида «босмачи»лар бозорга ҳужум уюштирди. «Босмачи»лар тарафидан отилган ўқ уларнинг энг яхши отига тегди. «Босмачи»лар вакили хуфя тарзда Маҳендра Пратап ва афғон полковниги билан кўришгани келиб, отиб ўлдирилган от учун икки ҳисса нақд пул бе-

ришни таклиф қилади. Маҳендра Пратап бир чақа ҳам пул олмайди. У совет ҳукуматининг меҳмони эканлигини, Қизил Россиянинг душманлари билан иш юрита олмаслигини тушунтиради. Рицарлик қоидаларига мувофиқ Маҳендра Пратап ҳам русларга бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳеч қандай маълумотни тақдим қилмаган.<sup>1</sup>

Хуллас, ҳинд инқилобчиларининг Туркистондаги фаолияти тарихи етарли даражада ўрганилмаган. Бу мавзу бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилиши арафасида Тошкентдан большевизм ғоясини Ҳиндистонга «экспорт қилиш» жараёнининг тўхтаб қолиши, Тошкентда Ҳиндистон Коммунистик партиясининг ташкил этилиши ва партия қошида чоп этилган «Заминдор» журналининг ўрганиш, ҳинд муҳожирларини ҳарбий мактабда махсус тайёргарликдан ўтказиш режалари, Туркистон даврий матбуотида ҳинд зиёлилари тарафидан чоп этилган мақолаларни таҳлил қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

<sup>1</sup> Raja Mahendra Pratap. Reflections of an Exile, Indian Book Company. Limited. – P.51.